

UNESCE

Европа статистиклари конференциясининг
2020 йил раундида аҳоли ва уй-жой
фондини рўйхатга олиш бўйича
ТАВСИЯЛАРИ



Бирлашган
Миллатлар
Ташкилоти

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯСИ

**Европа статистиклари конференциясининг
2020 йил раундида аҳоли ва уй-жой фондини
рўйхатга олиш бўйича
ТАВСИЯЛАРИ**



БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ
Нью-Йорк ва Женева, 2015 йил

ЭСЛАТМА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларининг шартли белгилари катта ҳарфлар ва рақамлардан иборат. Бундай шартли белгилар матнда учраса, у Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли ҳужжатиغا ишора бўлиб хизмат қилади.

Ушбу нашрда фойдаланилган шартли белгилар ва илова қилинган материаллар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти котибиятининг маълум бир мамлакат, шаҳар, туман ёки улар расмийларининг ҳуқуқий мақоми ёки улар чегараларининг бўлинишига тегишли ҳар қандай фикрни ифода этишини билдирмайди.

СЎЗ БОШИ

Европа статистиклари конференциясининг 2020 йил раундида аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш бўйича тавсияларининг асосий мақсадлари:

- а) мамлакатларга аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олишни режалаштириш ва уни ўтказишда ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш;
- б) рўйхатга олишнинг таянч саволларини (белгиларини)¹ аниқлаш орқали минтақавий даражада маълумотларни ўзаро таққосланувчанлигини таъминлаш ва оширишга қўмаклашиш ҳамда тушунчалар, таърифлар ва таснифларни келишиш.

Шунингдек, ушбу тавсиялардан 763/2008-сонли Низом (ЕИ) қоидаларига мувофиқ аъзо давлатлар томонидан рўйхатга олиш натижалари Евростатга тақдим этиладиган 2021 йил аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олишни ўтказиш бўйича Европа Иттифоқи дастури учун умумий асос сифатида фойдаланилиши кутилмоқда.

Мазкур тавсиялар Европа статистиклари Конференциясининг (ЕИК) дастури доирасида 2012 йил сентябрдан 2015 йил майгача бўлган даврда ишлаб чиқилган ва 2015 йилнинг июнь ойида ЕИК томонидан унинг олтинчи учинчи ялпи мажлисида тасдиқланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа Иқтисодий Комиссияси (БМТ ЕИК) статистика бўлими бу ишни Евростат билан яқин ҳамкорликда ташкил этиб, глобал миқёсда Нью-Йоркдаги БМТ статистика бўлими томонидан олиб борилган 2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш бўйича тамойил ва тавсияларни² қайта кўриб чиқиш жараёни билан параллел равишда амалга оширган. Шунингдек, 2013 йил 2–11 октябрь кунлари Женевада бўлиб ўтган ўн тўққизинчи Халқаро меҳнат статистиклари Конференцияси томонидан қабул қилинган *Меҳнат фаолияти, бандлик ва ишчи кучидан тўлиқ фойдаланмаслик статистикаси тўғрисидаги резолюция* ҳам эътиборга олинди.

Бундай кўп қиррали жараённи мувофиқлаштириш учун аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш бўйича бошқарув гуруҳи ташкил этилди, унда БМТ ЕИК, Евростат ва бир қатор аъзо давлатлар вакиллари иштирок этди. Бошқарув гуруҳи ушбу тавсияларнинг кўп қисмини ташкил этувчи бобларнинг лойиҳаларини тайёрлаш учун ташкил этилган мавзулар бўйича мақсадли гуруҳларнинг ишини мувофиқлаштирди. Шунингдек, асосий мавзулардан ташқари баъзи тавсиялар Бошқарув гуруҳининг алоҳида аъзолари томонидан тайёрланди.

Ушбу мақсадли гуруҳлар тайинланган раҳбарлар томонидан бошқарилди. Мақсадли гуруҳлар таркибига миллий статистика институтлари (МСИ) ва БМТ ЕИК ҳудудидаги халқаро ташкилотлар, жумладан, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Давлатлараро статистика қўмитаси вакиллари киритилди. Барча мақсадли гуруҳлардан келиб тушган тавсиялар лойиҳаларининг таркиби

ва мазмунини муҳокама қилишда ҳар бир мамлакатнинг иштирок этиш имкониятига эга бўлишини таъминлаш учун 2013 ва 2014 йилларда Женевада барча БМТ ЕИК аъзо давлатлар вакиллари таклиф этилиб, учрашувлар ўтказилди. Аксарият мамлакатлар ушбу учрашувларда иштирок этишди, баъзи давлатлар мақсадли гуруҳлар томонидан тайёрланган бобларнинг лойиҳаларига қўшимча равишда ёзма материалларни тақдим этдилар. Ташкилотчилар бир қатор мамлакатлардан экспертларнинг иштирокини молиялаштириш учун маблағ ажратганлари учун Россия Федерацияси, Евростат ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармасига (ЮНФПА) алоҳида миннатдорлик билдирадилар.

¹ “Белги” атамаси орқали аҳолини рўйхатга олиш доирасида ҳисобга олинган ҳар бир бирлик (шахс, уй хўжалиги, уй-жой ёки бино) ҳақида ахборот тўплаш учун зарур бўладиган саволлар рўйхати тушунилади.

² Аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш бўйича 2020 йил раундидаги тамойиллар ва тавсиялар. Учинчи нашр; БМТ, 2020 Нью-Йорк, 2015.

Миннатдорлик сўзи

Ушбу Тавсияларни ишлаб чиқишда БМТ ЕИКнинг аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш бўйича Бошқарув гуруҳининг қуйидаги аъзолари ўз ҳиссаларини қўшдилар: Марк Ҳамел (Marc Hamel) (Канада, Бошқарув гуруҳи Раиси), Джампаоло Ланциери (Giampaolo Lanzieri) (Евростат), Давид Торогуд (David Thorogood) (Евростат), Эрик Шульте Нордхолд (Eric Schulte Nordhold) (Нидерландия), Гарнет Комптон (Garnett Compton) (Бирлашган Қироллик), Иан Уайт (Ian White) (Бирлашган Қироллик), Арона Пистинер (Arona Pistiner) (АҚШ) ва Паоло Валенте (Paolo Valente) (БМТ ЕИК).

БМТ ЕИКнинг мақсадли гуруҳларининг фаолиятига қуйидаги экспертлар раҳбарлик қилдилар:

Эрик Шульте Нордхолд (Eric Schulte Nordhold) (Нидерландия), Методология бўйича мақсадли гуруҳ;

Януш Дигашевич (Janusz Dygaszewicz) (Польша), Технология бўйича мақсадли гуруҳ;

Алистар Калдер (Alistair Calder) (Буюк Британия), Харажатлар ва имтиёзлар бўйича мақсадли гуруҳ;

Питер Бентон (Питер Бентон) (Бирлашган Қироллик), Сифат ва камров бўйича мақсадли гуруҳ;

Ҳаралд Утне (Harald Unte) (Норвегия) ва Джампаоло Ланциери (Giampaolo Lanzieri) (Евростат), Рўйхатга олинadиган аҳоли тоифалари ва географик хусусиятлар бўйича мақсадли гуруҳ;

Ҳовард Ҳоган (Howard Hogan) (АҚШ), Демографик, оилалар ва уй хўжаликлари хусусиятлари бўйича мақсадли гуруҳ;

Кайя Руотсалайнен (Kaija Ruotsalainen) ва Яри Ниеминен (Jari Nieminen) (Финляндия), Иқтисодий ва таълим хусусиятлари бўйича мақсадли гуруҳ;

Жейн Бэйдетс (Jane Badets) (Канада), Миграция ва этник-маданий хусусиятлар бўйича мақсадли гуруҳ;

Аделхайд Бауер (Adelheid Bauer) (Австрия), Уй-жой фонди хусусиятлари бўйича мақсадли гуруҳ.

Бундан ташқари, Жайро Кастано (Jairo Castano) (ФАО), Элиза Бенес (Elisa Benes) (ХМТ), Фридрих Ҳаблер (Friedrich Huebler) (ЮНЕСКО) ва Митчел Лоэб (Mitchell Loeb) (АҚШ) аниқ мавзулар бўйича қўшимча материалларни тақдим қилишган. Ян Уайт (Ian White) Тавсияларнинг якуний матнини таҳрир қилди ва барча мақсадли гуруҳларнинг ишига катта ҳисса қўшди. Тавсияларнинг рус тилидаги версияси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Давлатлараро статистика қўмитаси томонидан таҳрир қилинди. Тавсияларнинг ўзбек тилига таржимаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Аҳолишунослик жамғармасининг (ЮНФПА) техник қўмаги билан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси, и.ф.д., проф. Б. Бегалов таҳрири остида, раис ўринбосари, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) — М. Зиядуллаев, бошқарма бошлиғи Қ. Бердикулов, бўлим бошлиғи Ш. Дуснаев ва бўлим бошлиғи ўринбосари Ж. Ешниязовлар томонидан амалга оширилган. Ушбу лойиҳа Швейцария ҳукумати томонидан молиялаштирилди.

Мазкур қўлланмада келтирилган материаллар илмий ишланмалар, адабиётлар ва уни тузувчиларнинг касбий тажрибаларига асосланган бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг расмий нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Тавсияларни тайёрлашда миллий статистика институтлари ва халқаро ташкилотларнинг аҳолини рўйхатга олиш бўйича жами 100 дан ортиқ мутахассислари иштирок этдилар.

БМТ ЕИК барча мутахассисларга қўшган ҳиссалари учун миннатдорчилик билдиради.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	iii
КИРИШ	1

БИРИНЧИ ҚИСМ АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ МЕТОДОЛОГИЯСИ, ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Кириш	4
Боб	
I. МЕТОДОЛОГИЯ.....	5
II. ТЕХНОЛОГИЯ.....	33
III. ЖОЙЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА БОШҚА ТЕЗКОР ФАОЛИЯТ	51
IV. СИФАТНИ БОШҚАРИШ	73

ИККИНЧИ ҚИСМ АҲОЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

V. РЎЙХАТГА ОЛИНАДИГАН АҲОЛИ ТОИФАЛАРИ.	81
VI. ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАР	88
VII. ДЕМОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАР	98
VIII. ИҚТИСОДИЙ ХУСУСИЯТЛАР	104
IX. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	129
X. ТАЪЛИМ ХУСУСИЯТЛАРИ	133
XI. МИГРАЦИЯ... ..	139
XII. ЭТНИК-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАР	154
XIII. НОГИРОНЛИК.	160
XIV. УЙ ХЎЖАЛИГИ ВА ОИЛАЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	168

УЧИНЧИ ҚИСМ УЙ-ЖОЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

XV. УЙ-ЖОЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.	188
-------------------------------	-----

ИЛОВАЛАР

I. ЕИК ҳудудига кирувчи мамлакатларда 2020 йил раундида аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш учун тавсия этилган асосий ва қўшимча белгилар рўйхати	217
II. Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасида расмий статистиканинг асосий тамойиллари	220
III. Сифатни бошқариш дастурини амалга ошириш	234

Кириш

Нашрнинг мазмун-моҳияти ва таркиби

1. Нашрнинг биринчи қисмида (I–IV бобларини қамраб олувчи) мамлакатларда рўйхатга олишни ўтказишнинг таърифи батафсил ёритилган.

2. I боб ЕИК минтақасида 2020 йил раунди аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишни ўтказиш учун мамлакатлар томонидан қўлланиладиган турли усулларнинг кенг қамровли шарҳини ўз ичига олади. Унда рўйхатга олишнинг мақсадлари ва вазифалари, шунингдек, рўйхатга олишнинг турли босқичларида юзага келадиган методологик масалалар кўриб чиқилган. Қўшимча маълумотларни *“2020 йил раундида аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш бўйича тамойиллари ва тавсиялари. 3-нашр”* да топиш мумкин. I бобда, шунингдек, рўйхатга олиш маълумотларининг махфийлиги ва хавфсизлиги билан боғлиқ айрим масалалар ҳам қамраб олинган.

3. II бобда рўйхатга олишнинг муайян босқичларини амалга ошириш учун қўлланиладиган баъзи технологиялар кўриб чиқилган. Рўйхатга олишнинг турли босқичларида, айниқса, технологик ечимлар бўйича ташқи пудратчилардан (аутсорсинг) фойдаланиш билан боғлиқ турли жиҳатлар ҳам муҳокама қилинган.

4. III боб рўйхатга олишни ўтказишнинг баъзи амалий жиҳатларини, жумладан, қонунчилик, ахборот-тарғибот ишлари, рўйхатга олиш натижаларини тарқатиш, ҳужжатлар, харажатлар ва имтиёзлар каби мавзуларни қамраб олган.

5. IV боб рўйхатга олиш маълумотларининг сифатига бағишланган бўлиб, икки асосий қисмдан иборат. Биринчи қисм сифатни таъминлаш ва уни бошқаришга бағишланган бўлиб, рўйхатга олиш билан боғлиқ хавф элементларига эътибор берилади. Иккинчи қисм сифатни баҳолашга бағишланган. Иккинчи қисмда келажакдаги хатоларга яна йўл қўймаслик мақсадида рўйхатга олишнинг қамрови нуқтаи назаридан унинг натижаси сифатини баҳолаш, танланманинг хатоси, алоҳида саволларга жавоб бермаслик, маълумотларни қайта ишлашдаги хатолар, импутация ва идентификациялашни олдини олиш чора-тадбирларининг таъсири каби асосий жиҳатлари кўриб чиқилган.

6. Нашрнинг иккинчи ва учинчи қисмлари аҳоли ва уй-жой белгилари бўйича маълумотларни тўплаш ва таснифлаш бўйича тавсияларга бағишланган. Тавсияларнинг мақсади ЕИК минтақасида рўйхатга олиш дастурининг турли хусусиятларини тавсифлаш ва нафақат стандарт амалиёт ва таърифларни тақдим этиш, балки уларнинг рўйхатга олишнинг бошқа белгилари ва рўйхатга олиш билан боғлиқ бўлмаган маълумотларни тўплаш бўйича бошқа тадбирлар билан алоқадорлиги ва ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилишдир. V–XIV боблар аҳолини рўйхатга олиш жараёнида кўпинча йиғиладиган маълумотларга бағишланган. XV бобда одатда уй-жойни рўйхатга олиш дастурига киритилган хусусиятларнинг таърифи келтирилган.

7. Рўйхатга олиш саволлари мамлакатларда амалга ошириладиган рўйхатга олиш дастурига киритилиши (хусусиятлар) нисбий аҳамияти ва муҳимлиги асосида “асосий” ва “қўшимча” саволларга бўлинади. “Асосий” саволлар анъанавий равишда миллий ва маҳаллий даражада фойдаланувчиларнинг кўплаб талабларини қондирадиган асосий маълумотларни олиш учун муҳим деб ҳисобланган саволлар бўлиб, “асосий саволлар” бўйича маълумот тўплаш тавсия этилади. “Қўшимча” саволлар уларнинг киритилиши умуман зарур деб ҳисобланмаслиги мумкин ва шунинг учун улар ихтиёрийдир. Бироқ, айрим мамлакатлар ўзларининг ўзига хос шароитлари ва талабларини инобатга олган ҳолда, уларнинг баъзилари “асосий” саволлар каби муҳим деб ҳисоблашлари мумкин. Ушбу тавсиялардаги вақт ўтиши билан мамлакатларда рўйхатга олиш маълумотларига бўлган талабнинг ўзгарувчан ҳолатлар, вазиятлар ва имкониятларни акс

эттириши кераклигини объектив равишда тан олади ва шунинг учун “асосий” ва “қўшимча” белгилар орасидаги фарқ мамлакатлар томонидан турлича талқин қилиниши мумкин. Жумладан:

- а) 1 км² ўлчамдаги координатли тармоқдан фойдаланиш (VI бобда таърифланган) янги қўшимча хусусият сифатида тақдим этилган, аммо Европа Иттифоқи мамлакатлари учун асосий хусусият ҳисобланади;
- б) “ҳақиқий оилавий аҳвол” белгиси (VII боб) ушбу тавсияларда асосий саволлар қаторига қўшилди;
- в) “ўзи фойдаланиш учун товарлар ишлаб чиқариш” (VIII боб) ушбу тавсияларда қўшимча белгилар мақомига эга, аммо бу ҳодиса меҳнат фаолиятини таҳлил қилиш учун жуда муҳим бўлган мамлакатларда асосий савол деб ҳисобланади;
- д) уй хўжаликлари учун маиший қулайликларнинг айрим хусусиятлари (XV боб) “асосий” мақомига эга, бироқ айрим мамлакатларда улар уй-жой стандартлари ва шароитларини таҳлил қилишда камситувчи хусусиятга эга бўлганлиги учун, камроқ аҳамиятга эга деб ҳисобланиши мумкин.

8. Ўн йил ўтгач, рўйхатга олиш билан шуғулланувчи статистиканинг ҳозирги авлодининг ворислари 2030 йил раундида тавсиялар тайёрлайдилар, улар бу белгиларни қайта кўриб чиқишни хоҳлашлари мумкин.

9. Мамлакатлар ўзларининг миллий шароитлари ва маълумотлар талабларига қараб, ушбу тавсияларга киритилмаган бошқа саволларни рўйхатга олиш дастурига қўшишлари мумкин.

БМТнинг 2015–2024 йилги Бутунжаҳон рўйхатга олиш дастури билан алоқаси

10. ЕИК тавсияларини ишлаб чиқишдаги режалаштириш, тадқиқот ва ишлаб чиқиш жараёни параллель равишда ва глобал “БМТнинг Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш” (2015–2024 Бутунжаҳон рўйхатга олиш дастурини ишлаб чиқишни бошланиши билан биргаликда) бўйича кўрсатмалар ва тавсияларни қайта кўриб чиқиш жараёни билан жуда яқин ҳамкорликда амалга оширилди. ЕИК БМТ аъзо мамлакатларга рўйхатга олиш бўйича ушбу икки тавсиялардан бир-бирини ўзаро тўлдирган ҳолда фойдаланиш тавсия этилади. ЕИК тавсияларида БМТнинг тавсияларига амалий жиҳатдан зарур бўлган даражада мос келишга ҳаракат қилинди, бироқ айна пайтда, улар ЕИК ҳудудидаги мамлакатларнинг аҳоли ва уй-жойларнинг хусусиятлари бошқа давлатларга қараганда турли хиллик жиҳатидан фарқланиб, ҳақиқий хусусиятларни акс эттиради.

11. Ҳар иккала тавсиялар ҳар томонлама келишилган, аммо Глобал тавсиялар мавзулар ва қамров нуқтаи назаридан кенгроқ бўлса, ЕИК тавсияларидаги баъзи таърифлар ва таснифлар аниқроқдир. Глобал тавсияларда “қўшимча” деб ҳисобланган “иш жойининг жойлашган жойи (манзили)” ва “пол қисмининг фойдали майдони” каби бир нечта саволлар ЕИК тавсияларида “асосий” саволлар қаторига кўтарилди, шунга ўхшаш, бир нечта белгилар Глобал тавсиялардаги “асосий” деб ҳисобланган саволлар ЕИК тавсияларида “қўшимча” саволлар қаторида бўлиши мумкин.

**БИРИНЧИ ҚИСМ: АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ
МЕТОДОЛОГИЯСИ, ТЕХНОЛОГИЯСИ
ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

Кириш

12. Биринчи қисмнинг бобларида мамлакатлар рўйхатга олиш усулларининг умумий тавсифи келтирилган. Ушбу боблар тавсиялар бериш учун мўлжалланмаган бўлса-да, улар қўлланма сифатида фойдаланилиши мумкин. I боб ЕСК давлатлари томонидан 2020 йил аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишни ўтказишда фойдаланиладиган усулларнинг кенг қамровли шарҳини ўз ичига олади. Унда рўйхатга олишнинг турли босқичлари билан боғлиқ рўйхатга олишнинг вазифалари ва мақсадлари, шунингдек, услубий масалалар кўриб чиқилади. Ушбу бобда, шунингдек, ушбу кўрсатмаларда келтирилган баъзи махфийлик ва рўйхатга олиш маълумотларининг хавфсизлиги масалалари ҳам кўриб чиқилади. Аҳолини рўйхатга олиш технологиясига бағишланган II боб, анъанавий равишда аҳолини рўйхатга олиш доирасида ишлатилмайдиган, аммо, ҳозирги вақтда айрим аъзо давлатлар томонидан қўлланилиши учун жиддий ўрганилаётган айрим технологияларни қамраб олган. Ушбу бобда, шунингдек, рўйхатга олишни ўтказишда турли хил ишларни бажариш ташқи пудратчилар билан шартномалардан фойдаланишнинг айрим хусусиятлари ҳам муҳокама қилинади. III боб рўйхатга олишнинг айрим амалий жиҳатларини, шу жумладан, қонунчиликни, ахборот-логистика ишларини, натижаларини тарқатишни, ҳужжатларни ва харажатларни ҳамда имтиёزلарни қамраб олади. IV боб рўйхатга олишнинг сифатига бағишланган бўлиб, икки асосий қисмдан иборат. Биринчи қисм рўйхатга олиш жараёнларининг сифати ва сифатни бошқариш масалаларини қамраб олади. Сифатни бошқаришда, аввалги тавсиялардан фарқли ўлароқ, хавф тушунчасига кўпроқ эътибор қаратилган. Иккинчи қисм сифатни баҳолашга бағишланган. Бунда, келажак хатоларга йўл қўймаслик учун қамров нуқтаи назаридан рўйхатга олиш натижалари сифатини баҳолаш, танланма хатоси, алоҳида саволларга жавоб бермаслик, маълумотларни қайта ишлаш хатолари, импутация ва идентификациялашни олдини олиш чора-тадбирларининг таъсири каби асосий жиҳатлар кўриб чиқилган.

I боб. Методология

Рўйхатга олишнинг мақсади ва вазифалари

Рўйхатга олишнинг миллий статистика тизимларидаги ўрни

13. Рўйхатга олишнинг мақсадлари мамлакатларнинг ўзига хос шароитларига боғлиқ ва маҳаллий шароитларидан келиб чиқиб ўзаро фарқ қилади. Рўйхатга олишнинг ўзига хос муҳим аҳамияти маълум бир мамлакатда мавжуд бўлган статистика маълумотларига, шунингдек, мавжуд статистик тизимнинг мазмуни ва тузилишига бўлган талаб билан белгиланади.

14. Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш мамлакат аҳолисининг сони ва хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни тўплашнинг асосий пойдеворларидан бири бўлиб, бошқа рўйхатга олиш турлари (масалан, қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш), тадқиқотлар, регистрлар ва маъмурий манбаларни ўз ичига олиши мумкин бўлган интеграциялашган миллий статистика тизимининг таркибий қисми сифатида хизмат қилиши керак. Бу мунтазам вақт оралиғида мамлакат аҳолиси сонини баҳолаш учун назорат маълумотларини олиш имконини беради. Кичик географик ҳудудлар ёки аҳолининг кичик гуруҳлари ҳолатида, рўйхатга олиш уларнинг муайян ижтимоий, демографик ва иқтисодий хусусиятлари ҳақида маълумот олишнинг ягона манбаи бўлиши мумкин. Шунингдек, рўйхатга олиш кўпгина мамлакатлар учун танланма кузатувнинг асосларини шакллантириш мақсадида ишончли умумий тўплани яратишнинг ягона воситаси сифатида юзага чиқади.

15. 2015 йил 10 июнь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши (ЭКОСОС) “аъзо-давлатларни аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишга оид халқаро ва ҳудудий тавсияларни ҳисобга олиб, ҳамда олдиндан режалаштириш, харажатлар самарадорлиги, қамров, рўйхатга олиш натижаларини ўз вақтида тарқатиш ва уларни миллий манфаатдор тарафлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа тегишли ҳукуматлараро ташкилотларга тараққиёт соҳасида дастур ва режаларни ишлаб чиқиш ва самарали фойдаланишда ҳамда барқарор ривожланиш ва аҳоли масалалари бўйича тадқиқотлар ўтказишда ёрдам бериши учун очиқ қилишга эътибор берган ҳолда, 2020 йилда Бутунжаҳон аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш дастури доирасида камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишни ўтказишга қатъий даъват этувчи” қарорни қабул қилди³.

16. Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар аҳоли ва уй-жой фонди статистикасининг тўлиқ ёки бир қисмини ишлаб чиқиш учун маъмурий регистрлардан фойдаланмоқда. Ушбу мамлакатларда ижтимоий, демографик ва иқтисодий хусусиятларни боғлаш имконини берувчи мамлакатдаги вазиятнинг тўлиқ манзарасини шакллантириш имконияти мавжуд.

Рўйхатга олишнинг статистикага оид бўлмаган вазифалари

17. Расмий статистиканинг асосий тамойилларидан бири “статистика идоралари томонидан статистик маълумотлар ишлаб чиқариш учун тўпланган шахсга доир маълумотлар... фақат статистик мақсадлар учун ишлатилиши керак”⁴ (шунингдек, II Иловага қаранг). Маъмурий мақсадлар учун рўйхатга олиш маълумотларидан фойдаланиш ушбу асосий тамойилни бузишга олиб келса-да, айрим мамлакатлар рўйхатга олиш тадбири тузилмасидан нафақат статистик маълумотларни тўплаш, балки шахслар ёки уй хўжалиги тўғрисида маълумот тўплаш, шунингдек, аҳоли регистрларини яратиш ёки янгилаш мақса-

³ Қарор 2015/10 EKOSOS.

⁴ “Европа иқтисодий комиссияси ҳудудида расмий статистиканинг асосий тамойиллари” (Э/1992/32, Э/ЭСЕ/1266) (<http://www.unece.org/fileadmin/DAM/stats/documents/e/1992/32.r.pdf>)

дида фойдаланадилар. Ушбу мақсадлар учун рўйхатга олиш тадбиридан фойдаланадиган мамлакатлар, қуйидагиларни ўрганишни хоҳлашади:

- а) икки хил мақсадлар учун икки хил шакллардан фойдаланиш;
- б) респондентларга рўйхатга олишнинг икки хил мақсади ҳақида, шунингдек, тўпланган шахсга доир маълумотларнинг махфий бўлиб қолиши ва фақат статистик мақсадлар учун ишлатилишини тушунтириш;
- в) ҳар бир операциялар учун алоҳида қонунчилик асослари ишлаб чиқилишини таъминлаш;
- г) маъмурий мақсадлар учун зарур бўлган маълумотларни янгилаш учун масъул бўлган муассасани (миллий статистика институтидан бошқа) тайинлаш.

18. Баъзи мамлакатларда рўйхатга олиш натижаларининг ижтимоий ва тарихий қийматини ҳисобга олган ҳолда, рўйхатга олиш маълумотлари улар ёпиқ қолиши керак бўлган муддат тугагач, ошкор этиш имконини беради (314–316-бандларга қаранг). Бундай амалиёт билан боғлиқ ҳолда бир қатор муҳим саволлар пайдо бўлади; улар қуйидаги 146–148-бандларда келтирилган.

Рўйхатга олишнинг таърифлари, асосий хусусиятлари ва босқичлари

Маълумотнома

19. Рўйхатга олишнинг анъанавий таърифи унинг асосий тамойиллари, рўйхатга олишнинг шахсийлиги, бир вақтдалилиги, кўп томонламалиги ва белгиланган даврийлигига асосланади. Бирок, сўнгги 20 йил ичида БМТ ЕИК минтақасида рўйхатга олиш концепциясига янада кенгроқ ёндашишни назарда тутадиган янги усуллар ишлаб чиқилди. Баъзи мамлакатларда барча шахслар ўртасида сўров ўтказишга асосланган анъанавий усули маъмурий регистр маълумотларидан фойдаланиш усулига ўз ўрнини бўшатиб бермоқда. Бундан ташқари, шахслар ва уларнинг хусусиятларини оммавий рўйхатга олишдан, аҳоли ва энг кичик ҳудудий бирликлар бўйича муҳим маълумотларни тез-тез олиш мумкин. Шу сабабли, ҳозирги вақтда ЕИК минтақаси мамлакатлари учун аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш умумий таърифи ишлатилган методологияга қараганда олинган материалларга кўпроқ таянади.

Таърифлар

20. “Аҳолини рўйхатга олиш” “мунтазам вақт оралиғида мамлакат ҳудудида ва унинг энг кичик географик бирликларида яшовчи аҳолининг расмий ҳисобини (ёки назорат келишувини), шунингдек, бутун аҳолининг бир қатор ижтимоий ва демографик хусусиятларини аниқлаш бўйича маълумот олишни амалга оширишга имкон берувчи тадбир” деб таърифланади. Ушбу тадбир маълумотларни тўплаш (респондентлар ўртасида сўров ўтказиш ёки аҳоли регистри маълумотларидан фойдаланиш орқали), шахслар ҳақидаги маълумотларни қайта ишлаш ва умумлаштириш, шунингдек, демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни таҳлил қилиш, баҳолаш, тарқатиш, аниқлигига баҳо бериш жараёнларини ўз ичига олади. Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маъмурий фаолият ёки илмий тадқиқотлар соҳаларидаги дастурларни режалаштириш ва амалга ошириш мақсадида аҳоли сони, тақсимоли ва таркиби тўғрисида ишончли ва батафсил маълумотларга эга бўлиш зарур. Аҳолини рўйхатга олиш бу каби бирламчи назорат статистик маълумотларни олишнинг асосий манбаларидан бири бўлиб, кўпинча, нафақат ўтроқ аҳоли, балки бошпанасиз ва кўчманчи аҳоли гуруҳларини ҳам қамраб олади. Аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари баъзан кенг турдаги географик бирликлар, жумладан, миллий даражадаги ва индивидуал кичик аҳоли пунктларидан шаҳар маҳаллаларигача статистик кўрсаткичлар шаклида ифодаланиши ва таҳлил қилиниши мумкин.

21. “Уй-жой фондини рўйхатга олиш” худди шу тарзда “мунтазам вақт оралигида мамлакат ҳудудида ва унинг энг кичик географик бирликларида барча уй-жой фондларининг расмий ҳисобини (ёки назорат баҳосини) ҳамда, уй-жой хусусиятларининг танланган тўплами бўйича маълумотларни тўплашни амалга оширишга имкон берувчи тадбир” деб таърифланади. Ушбу тадбир уй-жой билан боғлиқ маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва умумлаштириш, шунингдек, турар-жой биноларига оид маълумотларни баҳолаш, тарқатиш ва таҳлил қилиш каби жараёнларни ўз ичига олади. Рўйхатга олиш уй-жой бирликларининг сони, шунингдек, уй-жойларнинг конструкциявий хусусиятлари ва оилаларнинг нормал ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган қулайликлар мавжудлиги ҳақида маълумот олишни таъминлаши лозим.

22. Шундай қилиб, юқорида таъкидланганидек “аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш”, аҳоли ва уй-жой тўғрисида ўзаро боғлиқ бўлган маълумотларни олиш имконини берувчи жараёндир. Ушбу тадбирнинг афзаллиги шундаки, у икки хил тўплам (аҳоли ва уй-жой) тўғрисида маълумот олиш имконини беради. Аҳоли ва уй-жой фонди билан боғлиқ аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг натижалари кичик ҳудудлар ва аҳолининг кичик гуруҳлари бўйича аҳоли, оилалар, уй хўжаликлари ва уй-жой ҳолати тўғрисидаги статистик маълумотларни бир хил асосда ишлаб чиқиш учун зарур. Аҳолининг хусусиятлари географик, демографик, ижтимоий, иқтисодий аломатлар ҳамда оилалар ва уй хўжаликларининг белгиларини ўз ичига олади. Кўпгина мамлакатлар учун рўйхатга олиш жараёнида олинган натижалар бундай маълумотларни ишлаб чиқиш учун жуда муҳимдир, чунки рўйхатга олиш бошқа диққатга сазовор муқобилларга эга бўлмаган ягона манба ҳисобланади.

Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишнинг асосий хусусиятлари

23. Куйида аҳолини ва уй-жойни рўйхатга олишнинг ноёблигини белгилайдиган асосий хусусиятлар тўплами келтирилган:

а) Алоҳида ҳисобга олиш

24. Рўйхатга олиш жараёнида ҳар бир шахс (ва ҳар бир турар-жой мажмуаси) ҳақидаги маълумотлар уларнинг хусусиятлари алоҳида тарзда қайд этилган ҳолда тўпланади. Бу турли хил белгиларнинг ўзаро таснифини ва бир нечта белгилар бўйича маълумотларни олиш имконини беради.

б) Бир вақтдалилик

25. Рўйхатга олиш жараёнида шахслар ва турар жойлар тўғрисида олинган маълумотлар аниқ белгиланган ва ягона ҳисоб даврига (ёки муайян вақт) тегишли бўлиши керак. Идеал ҳолда, барча шахслар ва яшаш жойлари ҳақидаги маълумотлар бир вақтнинг ўзида тўпланиши керак. Бироқ, агар маълумотлар бир вақтнинг ўзида тўпланмаса, тўпланган маълумотлар бир хил ҳисоб-китоб даврига тегишли бўлиши учун тузатишлар киритилиши керак бўлади.

в) Кўп томонламалик

26. Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш мамлакатнинг аниқ белгиланган ҳудуди доирасида шахсларнинг умумий сони, уй хўжаликлари ва уй-жой бирликлари сони тўғрисида маълумот олишни таъминлаши керак. Аҳолини рўйхатга олиш (ёки назорат тариқасида солиштириш) мамлакатнинг маълум бир ҳудудида истиқомат қилувчи ва/ёки маълум бир вақтда (одатда рўйхатга олиш санаси деб аталади — 391-бандга қаранг) жойлашган барча шахсларни қамраб олиши керак. Рўйхатга олиш жараёнида олинган ҳисоб-китобларнинг асосий даражасидаги маълумотлар мустақил қамров назорати ёрдамида ишончлилиги учун текширилиши керак.

г) Кичик ҳудудлар бўйича маълумотлар

27. Рўйхатга олиш мамлакатнинг энг кичик географик ҳудудлари ва аҳолининг кичик гуруҳлари даражасида аҳоли ва уй-жойларнинг сони ва хусусиятлари ҳақида маълумот олиш имконини беради, шу билан бир қаторда, шахсий маълумотларнинг махфийлигини ҳимоя қилиш бўйича асосий талабларга жавоб беради.

д) Рўйхатга олишнинг даврийлиги

28. Рўйхатга олиш ўрнатилган даврийликда қабул қилинган, таққослаш мумкин бўлган ахборот олиш учун мунтазам равишда амалга оширилиши керак. Ҳар 10 йилда камида бир марта рўйхатга олиш тавсия этилади.

Рўйхатга олиш босқичлари

29. Респондентлардан маълумот тўплаш орқали амалга ошириладиган рўйхатга олиш барча ҳолларда турли мамлакатлардаги ягона моделга мувофиқ амалга оширилмайди, бироқ, баъзи асосий умумий элементларга эга. Умуман олганда, аҳолини рўйхатга олиш хронологик жиҳатдан алоҳида ёки ўзаро мутлақо фарқ қилмайдиган бир неча босқичларга бўлиниши мумкин. Бунга қуйидагилар кириди:

- а) манфаатдор томонларни сафарбар қилиш;
- б) тайёргарлик ишлари (шу жумладан, қонунчиликни тайёрлаш ва қабул қилиш, синов тадбирлари ва қўшимча меҳнат шароитида ишларни амалга ошириш бўйича шартномалар тузиш);
- в) рўйхатга олиш;
- г) маълумотларни қайта ишлаш;
- д) уларни тарқатишдан олдин маълумотлар сифатини таъминлаш;
- е) натижаларни тарқатиш;
- ё) маълумотларнинг қамрови ва сифатини баҳолаш;
- ж) натижаларни таҳлил қилиш.

30. Ушбу босқичларнинг барчасида маълумотлар сифатининг барча жиҳатларини ҳисобга олишни кафолатлаш учун тегишли сифат кафолати стратегияси (IV-бобга қаранг) қўлланилиши муҳимдир (аниқлилик, ўз вақтидалик, мавжудлилик, амалга ошириш имконияти, изчиллик), шунингдек, рўйхатга олишнинг барча босқичларида қабул қилинган қарорлар мақсадга етиш учун энг яхши вариантни танлаш имконини беради.

Рўйхатга олиш дастури учун стратегик мақсадлар ва белгиларни танлаш мезонлари

31. Талаб этиладиган харажатлар ва аҳолининг оммавий жалб этилишини ҳисобга олган ҳолда, рўйхатга олиш дастурининг мазмуни ва усуллари диққат билан синчиклаб таҳлил этилиши лозим. Чунки, улар маълумотларни тўплаш ва натижаларни тарқатиш бўйича операцияларнинг барча жиҳатлари долзарблик, сифат, махфийлик, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва ахлоқ қоидаларининг энг юқори стандартларига жавоб беришини таъминлаши керак. Маълумотларни тўплаш энг самарали ва/ёки кам сарф-харажатли усуллар билан амалга оширилиши керак. Рўйхатга олиш дастурининг мазмуни қуйидагилар ўрганилганидан кейин аниқланиши керак:

- а) миллий ва маҳаллий даражадаги маълумотларга бўлган талаб;
- б) бошқа статистик манбалардан олинган маълумотларнинг мавжудлиги;
- в) рўйхатга олиш бўйича маълумотларни тўплаш билан боғлиқ чекловлар (хусусан анъанавий усулда рўйхатга олишлар ҳолатида), алоҳида белгилар бўйича чекланган миқдордаги саволлар берилиши мумкин, ривожланган модуллар ва рўйхатга олувчини махсус ўқитилишини талаб қиладиган нозик ёки мураккаб белгиларни қамраб олиш чекланган бўлиши мумкин.

32. Ушбу учта омилга қўшимча равишда, Европа Иттифоқи рўйхатга олиш дастурида иштирок этадиган мамлакатлар рўйхатга олиш мазмунига оид, хусусан, Европа Иттифоқи давлатлари ўртасида рўйхатга олиш натижаларини халқаро таққослашни таъминлаш мақсадида ушбу дастурнинг мумкин бўлган талабларини инобатга олишлари керак⁵.

33. Ҳар бир савол фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, бир қатор асосий мезонларга жавоб бериши лозим:

- а) саволлар умуммиллий ва маҳаллий даражада аҳамиятга эга бўлиб, фойдаланувчиларнинг маълумотларга бўлган муҳим ва аниқ эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради;
- б) маълумотлар кичик аҳоли ҳудудлари ва/ёки батафсил географик даражаларда талаб қилинади ва маълумотлар махфийлиги тамойилларига мувофиқ рўйхатга олишнинг бошқа саволлари билан кўп омилли таҳлил қилиш учун фойдаланилади;
- в) йиғилган маълумотлар ишончли ва аниқ эканлиги исботланган бўлиши;
- г) саволнома дастури аввалги рўйхатга олиш дастуридан тубдан фарқ қилмайди ва тегишли ҳолларда янги ёки ўзгартирилган саволлар аввалги рўйхатга олиш натижалари билан таққослаш имкониятини беради.

34. Маълумотлар рўйхатга олиш доирасида тўпланиши мумкинлигини аниқлашда нафақат фойдаланувчиларнинг маълумотларга бўлган эҳтиёжларини, балки бошқа бир қатор омилларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Қуйидаги ҳолларда белги рўйхатга олиш дастурига киритилмайди:

- а) у нозик белги бўлиб, шахсий ҳаётга аралашувга олиб келса ёки маълумот йиғиш бўйича узок тушунтиришлар ёки кўрсатмалар талаб қилса;
- б) у жавоб беришда аҳоли учун ортиқча юк бўлса ёки унга жавоб дарҳол тақдим этилмаса;

⁵ 2020 йил раундида аҳолини рўйхатга олиш жараёнини ўтказиш бўйича Европа статистиклари конференциясининг тавсияларини тайёрлаш вақтида 2021 йил учун Европа Иттифоқининг аҳолини рўйхатга олиш дастури ва аҳолини рўйхатга олиш мазмуни бўйича мумкин бўлган талаблар ҳақида маълумот йўқ эди. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар томонидан 2010 йилги аҳолини рўйхатга олиш жараёнига киритилган хусусиятларнинг таркиби кўп жиҳатдан қабул қилинган методологиядан қатъи назар, халқаро таққослашлар имкониятини таъминлаш учун мўлжалланган. Дарҳақиқат, ушбу мамлакатлардаги рўйхатга олиш мазмуни нафақат Европа Иттифоқининг талаблари, балки мамлакатларнинг миллий ва маҳаллий даражада маълумотга эҳтиёжи асосида аниқланиб, ЕВРОСТАТ томонидан халқаро таққослашни амалга ошириш имкониятини таъминлаш учун мўлжалланган. 2020 йил раундига нисбатан ҳам аҳолини рўйхатга олиш учун Европа Иттифоқи асосий қоидалари қабул қилиниши сабабли, ЕВРОСТАТга тақдим этиладиган маълумотлар доираси ўзгаришсиз қолиши, аммо олинadиган натижалар қамрови ва мазмунига талаблар батафсил баён этилмаслиги мумкин.

- в) унинг киритилиши қамров ёки тўпланган маълумотларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатса;
- г) у фикрларни ёки муносабатларни аниқлашга қаратилган бўлса;
- д) у кодлаш билан боғлиқ катта муаммоларни келтириб чиқарса, ёки маълумотларни махсус қайта ишлашни талаб этса, ёки рўйхатга олишнинг умумий харажатларини сезиларли даражада оширишга олиб келса.

35. Ушбу омилларга қўшимча равишда, рўйхатга олиш сиёсий ёки тор чегараланган гуруҳларнинг манфаатларини атайлаб ҳимоя қилиш ёки муайян сиёсий мақсадларга хизмат қилувчи маълумотлардан фойдаланиш учун эмас, балки фақатгина статистик мақсадлар учун амалга ошириладиган тадбир сифатида қаралиши кераклигини қўшиш мумкин.

36. Қоғоз кўринишидаги рўйхатга олиш саволнома варақаларидан фойдаланганда, саволнома варақасидан саволларни жойлаштиришда максимал самарали тарзда ишлатилиши лозим; муайян турдаги маълумотларни тўплаш имконияти тўғрисида қарор қабул қилишда саволнома варақасидаги саволларнинг тузилиши ва ҳажми муҳим омил бўлади.

37. Рўйхатга олиш дастурига киритилгунга қадар, маълумотларни муваффақиятли тўплаш ва ишончли натижаларни ишлаб чиқиш мақсадида янги саволлар ҳар доим синовдан ўтиши керак. Умуман олганда, аҳолини ва уй-жой фондини рўйхатга олиш маълумотларни тўплаш ва ишлаб чиқиш комплекс дастурининг ажралмас қисми сифатида қаралиб, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни режалаштириш, маъмурий мақсадлар, аҳоли пунктларида турмуш шароитларини баҳолаш, тадқиқот мақсадлари, шунингдек, тижорат ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун статистик маълумотларнинг кенг қамровли манбаи бўлиб хизмат қилиши лозим. Агар унинг натижалари бошқа кузатувлар натижалари билан биргаликда ишлатилиши мумкин бўлса, рўйхатга олишнинг фойдалилик даражаси янада ортади.

38. ЕИК тавсияларининг I-иловасида тавсия этилган белгилар рўйхати келтирилган. Белгилар асосий ва қўшимчаларга бўлинади ва Тавсияларнинг V–XV бобларида келтирилган тавсияларни акс эттиради. Асосий белги ЕИК аъзо давлатлари учун асосий муҳим аҳамиятга эга бўлган белгиларни ўз ичига олади, шунинг учун мамлакатлар ушбу белгиларни 2020 йилги аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш дастурларига киритишлари тавсия этилади. *Қўшимча саволлар* сифатида мамлакатлар ўзларининг миллий устуворликлари асосида дастурга қўшилиш учун танланиши мумкин бўлган (шунингдек, ушбу тавсияларнинг кириш қисмининг 7-бандига қаранг) саволлар киритилган. Баъзи саволлар *ёрдамчи* сифатида қаралади. Олинган маълумотлар билвосита ишлаб чиқилган (яъни, бошқа саволлар бўйича тўпланган маълумотлар асосида) ва шунинг учун алоҳида йиғиладиган маълумотлар эмас. Ёрдамчи белгилар, қоида тариқасида, улар олинган хусусиятлардан кейин кўрсатилади.

Анъанавий рўйхатга олиш ва танланма кузатувлар ўртасидаги боғлиқлик

39. Аҳолининг рўйхатга олиш тарихи камида 6000 йил бўлса-да, бундан қадимги Бобилдан топилган лой тахталар далолат беради, замонавий маънода аҳолини рўйхатга олиш ҳақида эса фақат XVII асрнинг ўрталаридан бошлаб гапириш мумкин. Танланма кузатувлар эса жуда қисқа тарихга эга.

40. Анъанавий рўйхатга олиш оддий аҳоли сонини билиш эди. Йиллар мобайнида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳалари ҳақида маълумот олиш учун асосий демографик хусусиятларга эҳтиёжнинг ортиши билан, уларнинг миқёси ва қамрови ҳам ортди. Шундай қилиб, маълумотларга бўлган янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши аҳолини рўйхатга олиш дастурида кўплаб саволларни киритишни талаб қилди. Қўшимча саволларнинг ортиқча сонини киритиш ҳаддан ташқари ноқулай саволнома варақ шакллариининг пайдо

бўлишига олиб келиши мумкин. Бу барча тўпланган маълумотларнинг сифати тўғрисида шубҳалар пайдо бўлишига асос бўлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, бир вақтнинг ўзида бир нечта хусусиятларни текширишнинг афзалликлари маълум даражада камайиши мумкин, чунки респондент ва рўйхатга олувчи бир сўров давомида кўпроқ маълумот тўплаш билан боғлиқ қўшимча ишни бажариши керак бўлади.

Аҳолини рўйхатга олишнинг узун ва қисқа варақа шаклларида фойдаланиш

41. Анъанавий рўйхатга олиш жараёнида кўплаб хусусиятлар бўйича маълумотларни тўплашда респондентларга юкни камайтириш учун маълумотлар йиғиш қисқа рўйхатга олиш варақасидан (танланган саволларни ўз ичига олган) ва узун саволнома варақ шаклларида (муайян белгилар бўйича кўплаб саволлар билан) фойдаланишни назарда тутиши мумкин. Узун саволнома варақ шакллари фақат танланма уй-жойлар, уй хўжаликлари ёки шахслар бўйича тўлдирилади.

42. Узун ва қисқа саволнома варақ шаклларида фойдаланиш режалаштиришни, ўқув дастурини ва жойларда сўров ўтказишни мураккаблаштирмасдан ва назорат қилиб бўлмайдиган сарф-харажатларни кўпайтирмасдан кўпроқ маълумот тўплаш имконини беради. Бироқ, ахборот учун тобора ортиб бораётган талабни ҳисобга олган ҳолда, ушбу стратегия янги мурасаларга олиб келиши мумкин, чунки узун рўйхатга олиш варақасидаги саволлар сони юқорида келтирилган сабабларга кўра чексиз равишда ўсиб бора олмайди. Агар “бир вақтдалилик” тамойили устун бўлса, мамлакатлар қисқа рўйхатга олиш варақаси ва икки ёки ундан ортиқ узун шакллардан (турли белгилар бўйича кўп сонли саволлар билан) маълумотларни тўплаш масаласини кўриб чиқишлари мумкин, бу ҳолда узун рўйхатга олиш варақаси уй хўжаликлари ёки шахсларнинг алоҳида танланмаси бўйича тўлдирилади. Шу билан бирга, бир нечта саволнома шаклларида фойдаланиш бир-бирига боғланган танланмаларни шакллантириш зарурати, майдонда аҳолини рўйхатга олиш варақаларини назорат қилиш ва бутун тўплам бўйича натижаларни тортиш билан боғлиқ қўшимча мураккабликларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, кўп омилли таҳлил қилиш имкониятларини чеклайди.

Рўйхатга олиш таққослаш базасини шакллантириш воситаси ва танланма асослари сифатида

43. Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш натижалари маълумотларни йиғиш бўйича бошқа тадбир натижалари билан биргаликда ишлатилиши мумкин бўлса, у ҳолда уларнинг аҳамияти ортади. Масалан, аҳолини рўйхатга олиш маълумотларини бир хил статистика соҳасида асос ёки таққослаш базаси сифатида ишлатиш ёки ундан кейинги статистик тадқиқотлар учун зарур бўлган ахборот манбаи сифатида фойдаланиш мумкин. Мисол учун, рўйхатга олиш натижалари танланма кузатувлар ёки қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш (585–592-пунктларга қаранг) учун статистик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунга Канада амалиётини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ерда охириги бир неча рўйхатга олиш тадбири тугагандан сўнг, ногиронлар ёки маҳаллий аҳолининг кузатувлари ўтказилади. Рўйхатга олиш фуқаролик ҳолати далолатномалари асосида аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентларини ҳисоблаш учун зарур бўлган аҳоли сонини баҳолаш учун ҳам катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ушбу рўйхатга олиш ижтимоий кўрсаткичларнинг расмий тўпламларида ишлатиладиган, хусусан, вақтга нисбатан аста-секин ўзгарадиган маълумотларнинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади.

44. Шу сабабли, маълумотларни узлуксиз йиғиш ва ишлаб чиқишнинг мувофиқлаштирилган дастурининг мақсадларига рўйхатга олишни режалаштиришда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш ва бошқа статистик кузатувлар орасидаги ўзаро боғлиқлик ҳисобга олинадиган ва уларнинг натижаларидан биргаликда фойдаланишга кўмаклашадиган чораларни кўзда тутувчи амалиёт энг мос келади.

45. Танланмани шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми тўлиқ, аниқ ва янгиланган танланма кузатув базасининг мавжудлиги ҳисобланади. Танланма кузатув базаси, асосан, кузатув амалга ошириладиган

маълумотлар мажмуаси сифатида аниқланади. Бундан ташқари, у бинолар рўйхати, манзиллар, уй хўжаликлари ёки шахсларни ақс эттириши мумкин. Рўйхатга олиш ушбу рўйхатларнинг исталганини тузишда фойдаланилиши мумкин. Амалда, кўпчилик мамлакатлар айнан бундай асосни яратиш учун аҳолини рўйхатга олишдан фойдаланадилар. Рўйхатга олишнинг умумий тўплами деярли барча ҳолатларда уй хўжаликларини танланма кузатишни режалаштириш учун бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилади.

46. Ҳар қандай рўйхатга олиш натижалари, ҳатто бир йил ёки икки йил олдин амалга оширилган бўлса ҳам, эскирган бўлади ва танлангани шакллантириш асоси сифатида фойдаланиш учун яроқсиз бўлиши мумкинлигини тан олиш лозим. Бундай ҳолларда, уй хўжаликлари томонидан танланган сўровларни амалга ошириш учун асос сифатида фойдаланишдан олдин жорий сўровлар ёки маъмурий маълумотлар натижалари ёрдамида аҳолини рўйхатга олишнинг умумий тўпламини янгилаш муҳимдир.

47. Рўйхатга олиш жараёнида ҳисоб участкалари бўйича уй хўжаликлари ва аҳоли сони бўйича ҳисоб-китоб натижалари, шунингдек, селектив агрегатларни шакллантиришнинг иккинчи ва учинчи босқичларида танланган бирликларни танлаш ёки турли табақаланиш схемаларида фойдаланиш учун ўлчов мезонларини аниқлашда жуда фойдали элемент ҳисобланади. Аҳолини рўйхатга олиш ижтимоий-иқтисодий ахборотни олиш имконини берадиган ҳолларда, ушбу маълумотлар бундай табақаланиш схемаларини тўлдириш учун ишлатилиши мумкин.

Рўйхатга олиш оралиқ даврларидаги тадқиқотлар

48. Ахборот йиғиш бир вақтнинг ўзида кенг қўламли хусусиятлар тўплами бўйича амалга оширилганми ёки йўқлигидан қатъи назар, аҳолининг сони ва бошқа хусусиятларидаги жорий ўзгаришларнинг тезлиги ҳамда аҳоли ва уй-жой фондининг хусусиятлари ижтимоий ва иқтисодий хусусиятлари ҳақида батафсил маълумотга бўлган талаб, рўйхатга олишлар ўртасида уй хўжаликлари доимий танланма кузатувлар ўтказиш билан тўлиқ миқёсли рўйхатга олиш жараёнида маълумотларни тўплаш зарурлиги билан асосланади.

49. Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш бундай тадқиқотларнинг танланма тўпламларини илмий жиҳатдан асосли шакллантириш учун пойдевор яратиши мумкин; шу билан бирга, кузатувларнинг умумий натижалари ишончлилигини баҳолаш учун назорат маълумотларини олиш имконини беради, шунингдек, кузатувларнинг ҳар иккала турида кузатилган хусусиятлардаги ўзгаришларни таҳлил қилиш учун таққослаш базасини яратади. Улардаги аҳолини рўйхатга олиш ва тадқиқотлар натижаларини солиштириш имкониятини таъминлаш таърифлар ва таснифлашлар ҳар бир кузатув турининг вазифаларига жавоб беришда максимал даражада ўхшаш бўлиши керак.

Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш билан қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш ўртасидаги боғлиқлик

50. Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш ўзаро чамбарчас боғлиқлиги билан хусусиятланса-да, уларнинг қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш билан алоқаси жуда аниқ кўринмайди. Бироқ, маълумотларни тўплаш дастурларининг интеграциялашуви натижасида аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш ўртасидаги алоқалар ҳозирги вақтда айрим мамлакатларда олдингига нисбатан анча яқин бўлиб, бу мамлакатлар ушбу алоқаларни мустаҳкамлашнинг янги йўллари изламоқда.

51. Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш ўртасидаги боғлиқлик ушбу тавсияларнинг IX бобида кўриб чиқилиб, унда рўйхатга олиш жараёнида қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳақида баъзи маълумотларни тўплашни истаган мамлакатлар томонидан кўриб чиқилиши учун иккита қўшимча белгилар мавжуд бўлиб, натижада олинган маълумотлардан қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

ЕИК минтақасидаги услубий ёндашувлар

52. Маълумотларни йиғиш усулидан келиб чиқиб, рўйхатга олишни ўтказишда учта асосий ёндашув мавжуд:

- а) анъанавий ёппасига рўйхатга олиш усули (баъзан, фақатгина танланмага асос сифатида ёки назорат мақсадида регистр маълумотлари билан тўлдирилади), маълум бир вақтда (одатда) жойларда маълумотларни тўплашга асосланиб, барча саволлар ёки баъзи бир асосий саволлар бўйича маълумотларни танланма асосида (узун/қиска рўйхатга олиш варақаси) асосида тўплашни назарда тутлади. Бу ерда “маълумотларни жойларда тўплаш” атамаси кенг маънода ишлатилиб, жойларда рўйхатга олувчиларнинг фаолияти чекланган ёки умуман мавжуд бўлмаган ҳолатда, асосан Интернет жаҳон тармоғи орқали амалга оширилган ҳолатда рўйхатга олишни қамраб олади. Ушбу ёндашув (одатда “анъанавий аҳолини рўйхатга олиш” деб аталувчи) иккита йирик мамлакатда қўлланиладиган муқобил рўйхатга олиш усулларини ҳам ўз ичига олади:
 - i. анъанавий рўйхатга олиш (қиска рўйхатга олиш варақаси) ҳар йили танланган саволлар янгиланиши (узун рўйхатга олиш варақаси) орқали амалга оширилади (Америка Қўшма Штатлари);
 - ii. узлуксиз рўйхатга олиш, маълум бир кун ёки қиска вақт ичида эмас, балки бир неча йил ичида бутун мамлакатни қамраб олган йиғилиб боровчи кузатувлар орқали узлуксиз маълумот тўплаш (Франция);
- б) аралаш усул, бунда танланган ўзгарувчилар бўйича ёппасига рўйхатга олиш ёки танланган ўзгарувчилар бўйича танланма кузатувлар маълумотлари регистрлар маълумотлари билан бирлаштирилганда; ва
- в) регистрлар ва бошқа маъмурий манбалардан фойдаланиш усули (баъзан танланган ўзгарувчилар бўйича мавжуд бўлган танланма кузатувлар маълумотлари билан тўлдирилади).

53. Ушбу ёндашувлар кейинги қисмларда ёритиб берилган. Ҳар бир ёндашувга нисбатан керакли шартлар, афзалликлар ва камчиликлар, рўйхатга олишнинг турли босқичлари учун оқибатлар ва мазмун жиҳатидан оқибатлар тасвирланган.

54. Регистрлар ва бошқа маъмурий манбалар бутун аҳолини қамраб олиб, рўйхатга олишга тегишли белгилар, ўхшаш таърифлар ва таснифларга таянса, анъанавий рўйхатга олиш учун мақбул усул сифатида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Ушбу муҳокама мақсадлари учун “регистр” тушунчасини “*ташқил этиши усули уларни янгиланиши имконини берувчи шахсий маълумотларнинг тизимлаштирилган тўплами*” деб таърифланиши мумкин “маъмурий регистрлар” тушунчасини эса — “*муайян шахсларга нисбатан қарор қабул қилишида фойдаланиладиган маъмурий ахборот тизимлари*” сифатида таъриф бериш мумкин⁶⁻⁷. Танланма текширувларнинг ўзлари эквивалент маълумотларни тақдим эта олмайди, лекин улар рўйхатга олиш билан биргаликда ёки аҳолини рўйхатга олиш натижаларини маълум хусусиятларини тўлдириш мақсадида ишлатилиши мумкин.

55. Танланган муқобил усулдан қатъи назар, рўйхатга олишнинг асосий хусусиятларига иложи борича қатъий риоя қилишни таъминлаш муҳимдир. Бу хусусиятлар статистика томонидан янги усулни танлашда ва ундан фойдаланишда, режалаштиришда инobatга олиниши керак, чунки улар барча мамлакатларда ҳар қандай рўйхатга олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

⁶ Шимолий Европа мамлакатларида регистрлар асосида статистика, БМТ ЕИК (2007 йил), Бирлашган Миллатлар Ташкилоти нашри, №E.07.II.E.11 остида сотилади. (<http://www.unece.org/stats/census.html>).

⁷ Principles and Recommendations for Population and Housing Censuses: the 2020 Round — Revision 3; United Nations, New York, 2015 (paragraphs 1.80–1.84).

56. Маълумотларни йиғиш/тақдим этиш усули қандай бўлишидан қатъи назар фойдаланиш учун қуйидаги каби кенг қўламли масалаларни инобатга олиш керак:

- а) фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини;
- б) маълумотлар сифатини;
- в) бухгалтерия ҳисоби тўлиқлигини;
- г) маълумотларни муҳофаза қилиш ва хавфсизликни;
- д) мамлакатлар ва вақт ўртасидаги натижаларни таққослашни;
- е) респондентларга юкломани;
- ё) натижаларнинг ўз вақтида бажарилишини;
- ж) харажатларни;
- з) сиёсий ва қонуний оқибатларни; ва
- и) маълумотларни ишлатиш учун жамоатчиликни тушуниш ва розилик бериш.

57. 2013 йил баҳорида БМТ ЕИК томонидан ўтказилган онлайн сўров натижалари 2010 йилги⁸ миллий рўйхатга олиш усуллари орасида рўйхатга олишнинг анъанавий усули ЕИК минтақасида ханузгача энг кенг тарқалган усул эканлиги аниқланди. Шу билан бирга, аввалги рўйхатга олиш давридан буён кўплаб мамлакатлар аралаш усулда рўйхатга олиш ёки регистр асосидаги маъмурий маълумотлардан фойдаланиш усулини қўллашга ўтишган. Ушбу турдаги рўйхатга олган мамлакатлар, одатда, регистрлар асосидаги маъмурий маълумотлардан асосий усул сифатида фойдаланган. Шундай қилиб, аввалги рўйхатга олиш турлари билан таққослаганда, ушбу рўйхатга олишда регистрлардан фойдаланишнинг аҳамияти ошди ва ушбу тенденция келажакда ҳам давом этиши кутилмоқда. Илгари анъанавий усулни қўллаган айрим мамлакатлар аралаш усулда рўйхатга олиш тизимига ўтишлари мумкин, бошқалари эса регистр усулини дарҳол қабул қилишлари мумкин. Аралаш усулни қўллаган бир қатор мамлакатлар кейинги сафар фақатгина регистр маълумотларидан фойдаланиш усулига ўтишни режалаштирмоқдалар. Бу бутунлай регистрларга асосланган усул ёки ўтказиб бўлинган сўров маълумотларига асосланган баъзи ўзгарувчиларнинг “қайта ишлатилиши” усули бўлиши мумкин.

58. Бирок, БМТ ЕИК томонидан олиб борилган сўров натижасида, асосан анъанавий ёндашувни қўллашни режалаштирган кўпгина мамлакатлар ҳам анъанавий ҳисобни қўллаб-қувватлаш мақсадида ахборотни ишлаб чиқиш учун қўшимча маъмурий маълумот манбаларидан фойдаланишни назарда тутадиган муҳим услубий ўзгаришлар киритилишини маълум қилди. Маъмурий манбалар бу ҳолатда фақат танланма асоси ёки текшириш учун асос сифатида фойдаланилади.

59. Қўлланиладиган методологиядан қатъи назар, ЕИК минтақасидаги мамлакатларнинг кўпчилиги ҳар бир шахс ва уй-жой ҳақида маълумот тўплашни давом эттиради.

⁸ Тадқиқот натижалари 30 сентябрь куни БМТ/Евростат аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш бўйича экспертлар гуруҳи йиғилишида муҳокама қилинган бир қатор мақолаларда тақдим этилди. — 3 октябрь, 2013 йил. Улар қуйидаги манзилга жойлаштирилган <http://www.unece.org/index.php?id=31953#/>

Анъанавий рўйхатга олиш

Тавсиф

60. Анъанавий рўйхатга олиш деганда, маълум бир мамлакат ҳудуди ёки унинг аниқ белгиланган қисмида барча шахслар ва уй-жой фондини маълум бир вақтда тавсифловчи демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни тўплаш (жойларда ёппасига рўйхатга олиш орқали), қайта ишлаш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш жараёни тушунилади. Рўйхатга олиш бевосита ҳисоб-китоб санаси (рўйхатга олиш санаси) билан боғлиқ белгиланган чекланган вақт оралиғида ўтказилади. Маълумотлар, одатда, қоғоз саволнома ёки борган сари кўпроқ ишлатилаётган электрон шаклдаги рўйхатга олиш варақалари орқали ёки хавфсиз онлайн уланиш воситасида маълумотларни узатиш орқали қайд этилади. Рўйхатга олишнинг иккита асосий усули мавжуд:

- а) маълумотларни тўғридан-тўғри рўйхатга олувчи томонидан қайд этиш; ёки
- б) уй хўжаликлари аъзолари мустақил равишда сўровномани тўлдириши (ўз-ўзини рўйхатга олиш).

61. Сўров усулида ҳар бир шахс тўғрисидаги маълумотлар (аҳоли рўйхатга олиш доирасида) ва ҳар бир уй-жойларнинг комплекси ҳақида маълумотлар (уй-жой фондини рўйхатга олиш доирасида) бир вақт-лилик ва умумийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда, қисқа ва ўрнатилган вақт оралиғида ўзи учун белгилаб берилган расмий участка доирасида рўйхатга олиш бўлими ходимлари томонидан йиғилади ва рўйхатга олиш саволнома варағига киритилади. Ўз-ўзини рўйхатга олиш усулида, гарчи аксарият ҳолларда, рўйхатга олиш варақалари рўйхатга олиш органлари ходимлари томонидан тарқатилиб, тўпланиб ва текширилса-да, маълумотларни қайд этиш бўйича асосий масъулият рўйхатга олиш бирлиги доирасида вакил шахс (одатда уй хўжалиги бошлиғи ёки вояга етган катталар) зиммасида бўлади.

62. Рўйхатга олиш саволнома варақалари почта ёки рўйхатга олувчи орқали етказиб берилиши мумкин. “Кўпроқ анъанавий” рўйхатга олиш шаклида манзиллар рўйхати рўйхатга олувчи томонидан амалга оширилади, у ҳам маълумотларни рўйхатга олишни амалга оширади ёки рўйхатга олиш варақаларини беради, аммо ҳозирги вақтда кўплаб анъанавий рўйхатга олиш жараёнида рўйхатга олиш мақсадлари учун шакллантирилган рўйхатга олиш ишларининг бутун ёки бир қисмини амалга ошириш учун мавжуд манзиллар ёки регистрлардан фойдаланилади. Танланган усул рўйхатга олиш учун манзиллар рўйхати почта манзилларининг расмий рўйхати асосида шакллантириладими ёки Миллий статистика институтининг (МСИ) манзиллар бўйича ўз маълумотлар базасига эга эканлигига боғлиқ бўлади. Бу, шунингдек, рўйхатнинг сифатига боғлиқ бўлиши мумкин; улар тўлиқ бўлмаслиги ёки мамлакатнинг айрим ҳудудларини қамраб олмаслиги мумкин.

63. Рўйхатга олиш саволнома варақаларини тарқатиш учун почта хизматларидан фақатгина тўлиқ, янги-ланган ва умумийлик мувофиқлаштирилган манзиллар рўйхати мавжуд ёки тузилиши мумкин бўлган ҳолларда фойдаланиш мумкин. Илгари анъанавий аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш олдида турган жиддий муаммо мамлакатда турли мақсадлар учун тузилган ҳар хил манзил рўйхатлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакат ҳудудидаги барча манзилларни қамраб олиш масаласи ҳисобланган. Шу сабабларга кўра, айрим ҳолларда рўйхатга олиш ишлари олиб бориладиган жойларда манзиллар рўйхатини текшириш ўтказилади. Бироқ, бундай операция қимматга тушади, шунинг учун унинг бажарилиши билан боғлиқ харажатлар ва фойдаларни таҳлил қилиш муҳимдир. Бошқа ҳолларда, манзилларни текшириш ўрнига, электрон почта орқали хат-хабарларни етказиб беришдан кўра, рўйхатга олувчилар томонидан янги манзилларни рўйхатга олиш афзалроқдир.

64. Агар манзиллар рўйхатининг сифати почта орқали хат-хабарларни жўнатиш учун қониқарсиз деб топилса, уларни етказиб бериш рўйхатга олувчи ходимлар томонидан амалга оширилиши керак. Манзиллар рўйхати мавжуд бўлган ҳолатда, ундан фойдаланишнинг аниқ усулини аниқлаш керак. Мумкин бўлган

вариантлар куйидагилардир: рўйхатни рад этиш; рўйхатга олиш ишларини бажаришдан олдин манзилларни текшириш ёки рўйхатга олувчиларга рўйхатга олиш варақаларини тарқатиш вақтида рўйхатни янгилаш вазифасини юклаган ҳолда уни топшириш.

65. Бундан ташқари, ташқи пудратчилик шарти асосида расмий почта хизматига етказиб бериш тартиби ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Рўйхатга олиш варақалари рўйхатга олувчилар томонидан тўпланиши, почта орқали жўнатилиши, респондентлар томонидан муайян ташкилотга қайтарилиши (МСИ ўзи ёки маҳаллий ҳокимият органида йиғиш пункти) ёки Интернет онлайн каналлар орқали маълумот тўплашда узатилиши мумкин. Ушбу етказиб бериш ва йиғиш усуллари анъанавий усуллар доирасида вазиятга қараб қўлланилиши мумкин.

66. Баъзи мамлакатларда ўз-ўзини рўйхатга олиш усули почта орқали рўйхатга олиш саволномаларини жўнатиш ва қайтариб олишни (ёки фақат жўнатишни) назарда тутди. Почта орқали жўнатиш ва қабул қилиш тартиби алоҳида ёки рўйхатга олиш органларининг ходими томонидан амалга ошириладиган жойда текшириш билан биргаликда ишлатилиши мумкин.

Зарур шартлар

67. Анъанавий рўйхатга олишда ҳам қисқа, ҳам узун рўйхатга олиш варақалари ишлатилиши мумкин ёки барча саволлар бўйича ёппасига маълумот тўплаш мумкин. Биринчи ёндашувни қўллаганда, қисқа варақалар фақат ёппасига ҳисобга олиш учун мўлжалланган саволларни ўз ичига олиши керак, узун варақалар эса фақат уй хўжаликлари ва аҳолининг танланмаси асосида маълумот тўплаш учун ишлатилиши мумкин. Бундай варақ одатда фертилликлари ёки ногиронликлари каби мураккаб хусусиятларни қамраб олишга қўшимча равишда муайян белгилар бўйича батафсил саволларни ўз ичига олади. Ҳар иккала шакл ҳам бир хил вақт оралиғида қўлланилади, ушбу вақт оралиғидан ташқарида рўйхатга олиш мазмунига доир ҳеч қандай маълумот тўпланмайди.

68. Аҳолини рўйхатга олишни ўтказишда ҳали ҳам кўп мамлакатлар томонидан анъанавий усулда рўйхатга олиш усули ишлатилади. *У узоқ анъаналарга эга ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш бўйича тамоил ва тавсияларда тўлиқ баён этилган*⁹.

Афзалликлари ва камчиликлари

69. Анъанавий усулнинг асосий афзалликлари шундаки, у бутун аҳолини маълум бир вақтда “ажратиш” имконини беради ва нисбатан кичик ҳудудлар ва аҳолининг кичик гуруҳлари ҳақида маълумот олиш имконини беради.

70. Анъанавий рўйхатга олиш миллий статистика идоралари томонидан олиб борилган маълумотларни тўплаш амалиётининг энг мукамал, мураккаб ва қимматбаҳо тадбиридир. Харажатлардан ташқари, ушбу мураккаб тадбир рўйхатга олишда иштирок этишни таъминлаш учун жамоатчиликнинг тўлиқ хабардорлиги ва ҳамкорлигини талаб этади. Унинг мураккаблиги ва харажат миқдори туфайли рўйхатга олиш одатда ҳар беш ёки ўн йилда бир марта амалга оширилади, шунинг учун, ҳатто, энг сўнгги рўйхатга олиш натижалари ҳам бир неча йил олдин мавжуд бўлган вазиятни акс эттиради.

71. Ҳар бир рўйхатга олиш усули (сўров ва ўз-ўзини рўйхатга олиш) ҳам ўз афзалликлари ва камчиликларига эга. Сўров усули маълумотларни тўплашнинг энг кенг тарқалган амалиётидир ва рўйхатга олувчилар яхши ўқитилган шароитда юқори сифатли натижаларни тақдим этишга қодир. Бу саводсиз

⁹ Principles and Recommendations for Population and Housing Censuses: the 2020 Round — Revision 3; United Nations, New York, 2015.

аҳолини ёки рўйхатга олиш варақаларини ўзи тўлдиришни хоҳламаган ёки буни қийин деб ҳисоблайдиган бошқа аҳоли гуруҳларини рўйхатга олиш учун ишлатилиши мумкин бўлган ягона усул. Шу билан бирга, сўровнинг ушбу усули жойларда жуда кўп сонли ходимларни ва аҳолининг рўйхатга олувчиларни ўз уйларига киритишига розилигини талаб қилади.

72. Бошқа томондан, деярли ялпи саводхонлик даражаси таъминланган ва юқори таълим даражасига эга бўлган мамлакатларда ҳам ўз-ўзини рўйхатга олиш маълумотларни тўплашнинг анча паст харажатларида ишончли натижалар бериши мумкин, айниқса, почта орқали жўнатиш ва қабул қилиш имконияти мавжуд бўлса. Респондентлар одатда бу усулни энг қулай деб афзал кўришади. Чунки, улар рўйхатга олувчининг келишини кутмасдан, ўзларини мустақил рўйхатга олиш саволнома варақаларини тўлдиришга имкон беради деб ҳисоблашади. Бироқ, умумий харажатларни камайтириш салоҳиятига қарамасдан, рўйхатга олиш бўлимлари сўровнома, йўриқнома ва тегишли материалларни фойдаланувчиларга қулай бўлган, жавобларни рағбатлантирадиган ва респондентларнинг хатосини ва жавобсиз саволлар сонини мини-маллаштирадиган тарзда тузиши керак. Ушбу мақсадларга эришиш учун сўровномаларни диққат билан синовдан ўтказиш дастури талаб қилинади.

73. Баъзан аҳолининг катта қисмига нисбатан бир усулдан фойдаланиш тавсия этилади, иккинчиси эса фақат маълум ҳудудларда ёки аҳолининг махсус гуруҳларига¹⁰ нисбатан қўлланилиши керак. Бироқ, бу ишда жуда мураккаб ёндашувлардан четлаб ўтиш лозим.

Рўйхатга олишнинг турли босқичлари учун оқибатлар

74. Рўйхатга олиш усулини танлаш тўғрисидаги қарор режалаштиришнинг иложи борича дастлабки босқичларида турли хил муқобилларнинг харажатлар, олинган маълумотларнинг сифати ва уларни амалда қўллаш имкониятларини синчковлик билан синаб кўриш асосида қабул қилиниши керак. Ҳатто, анъанавий равишда битта усул қўлланилганда ҳам, ҳозирги аҳолини рўйхатга олиш ва ўзгарувчан техник эҳтиёжлар асосида унинг нисбий афзалликларини мунтазам равишда қайта баҳолашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Танлов эрта босқичда амалга оширилиши керак, чунки рўйхатга олиш бюджети, ташкилий тузилма, рўйхатга олишни тарғибот ишларини амалга ошириш режаси, кадрлар тайёрлаш дастури, рўйхатга олиш варақаси тузилиши ва маълум даражада тўпланиши мумкин бўлган маълумотлар айнан танланган усулга боғлиқ бўлади. Маълумотларни тўплашнинг бир неча усулларидан фойдаланган ҳолда, жамоатчилик томонидан қўлланиладиган усулларни қўллаб-қувватлашга ишонч ҳосил қилиш жуда муҳимдир, чунки жалб қилинган рўйхатга олувчилар сони ва шунга мос равишда харажатлар шунга боғлиқ.

75. Рўйхатга олиш даврининг муддати ва давомийлиги жуда муҳимдир. Асосий талаб, белгиланган муддатларда аҳолини қамраб олиш ва тўпланган маълумотларнинг сифати жиҳатидан энг муваффақиятли рўйхатга олиш имкониятларини таъминлашдир. Бу бир қатор омилларга боғлиқ бўлиши мумкин. Аввало, ноқулай ёки экстремал об-ҳаво шароитлари туфайли аҳоли пунктларига бориш қийин бўлган ёки рўйхатга олиш қийин бўлган мавсумдан қочиш керак.

76. Иккинчидан, шундай вақтни танлаш керак-ки, бунда аксарият аҳоли доимий яшаш жойларида бўлишлари лозим; бу рўйхатга олиш жараёнларини ҳар томонлама, жумладан, юридик томондан (доимий яшаш жойлари бўйича рўйхатдан олинганда, рўйхатга олиш вақтида ушбу жойда яшашлари ёки яшамасликларидан қатъи назар) ва ҳақиқий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш (рўйхатга олиш вақтида ҳақиқий яшаб турган жойи бўйича рўйхатга олиш) рўйхатга олиш жараёнларини осонлаштиради. Қишлоқ хўжалиги ишлари қизғин амалга ошириладиган вақтда рўйхатга олиш ишларини ташкил этишдан йироқ бўлиш

¹⁰ Principles and Recommendations for Population and Housing Censuses: the 2020 Round — Revision 3; United Nations, New York, 2015, para. 3.122.

зарур. Чунки, ҳар куни кечга қадар далада ишлайдиган ва ҳатто даласи уйдан узоқда жойлашган ҳолатда далада ётиб қолиб ишлайдиган одамлар билан боғланиш қийин бўлади. Рўйхатга олишни амалга ошириш учун анъанавий байрамлар, фестиваллар, зиёрат ва рўза тутиш даврлари ҳам мос келмайди. Истисно сифатида, кўчманчи турмуш тарзини олиб борувчи аҳоли учун махсус анъанавий байрамларида амалга оширилиши мумкин, (масалан, Россияда “буғу боқувчилар куни” каби), бунда аҳоли қисқа вақт ичида муайян жойларда бирга тўлиқ тўпланадилар. Рўйхатга олиш ҳақиқий жойда амалга оширилган ҳолларда, ўз уйдан ташқарида рўйхатдан ўтган ҳар бир кишига доимий яшаш жойининг манзилини кўрсатиш таклиф этилиши лозим ва ушбу манзилни батафсил географик даражада доимий аҳоли сонини ҳисоблаш имкониятига эга бўлиш учун батафсил географик даражада кодлаб киритиш зарур бўлади. ***Рўйхатга олиш вақтида 12 ойдан камроқ вақт мобайнида чет элда яшовчи шахслар ҳам ҳисобга олиниши керак.*** Масалан, аҳолини рўйхатга олиш вақтида вақтинча йўқ бўлган шахслар ҳақида маълумотларни бошқа оила аъзолари ҳам беришлари мумкин.

77. Бундан ташқари, аҳолини рўйхатга олиш Марказий давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари сайловлари каби йирик сиёсий тадбирлар билан мос келмаслигини таъминлаш жуда муҳим, чунки одамлар бу икки тадбирни чалкаштириб юбориши мумкин ва рўйхатга олувчилар билан уйда мулоқот қилишга мойилликлари паст бўлади. Афсуски, МСИ бу омилларга таъсир қилиши қийин ва баъзида бунинг иложи йўқ. Рўйхатга олиш мамлакатдаги сиёсий жиҳатдан барқарор ва ижтимоий тинч муҳитда амалга оширилиши жуда муҳимдир. Сиёсий ёки ҳарбий беқарорлик ҳолатларида аҳолининг ўзи ушбу тадбирда иштирок этиш истагини билдирмайди ва рўйхатга олувчилар хавфсизлигини кафолатлашнинг иложи бўлмайди. Хавфсизлик даражаси рўйхатга олувчиларга хавф-хатарсиз, мамлакатнинг барча ҳудудларига ташриф буюриш имкониятини бериши керак.

78. Агар рўйхатга олиш муваффақиятли амалга оширилган бўлса ва унинг муддати умуман олганда қониқарли деб топилган бўлса, кейинги рўйхатга олиш йилнинг шу муддатларида амалга оширилиши керак, албатта, аввалги муддатларни ўзгартириш учун яхши сабаблар бўлмасагина. Шу билан бирга, аҳолини рўйхатга олишни бир вақтда амалга ошириш улар маълумотларининг таққосланиш ва таҳлил қилиш имкониятини оширади, шунингдек, маъмурий интизомни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу эса, барча иштирокчиларни уни амалга ошириш учун зарур тайёргарликка ўз вақтида ғамхўрлик қилишга ундайди.

79. Рўйхатга олишнинг ягона ҳисоб-китоб санасига қарамасдан, содир бўлиши мумкин бўлган икки томонлама ҳисобни ёки аксинча, ўтишни камайтириш учун қисқа вақт ичида рўйхатга олиш тавсия этилади. Бошқа томондан, рўйхатга олиш муддати қанчалик қисқа бўлса, шунча кўп рўйхатга олиш ходимларини жалб қилиш керак бўлади. Бу харажатларни оширади ва олинган маълумотларнинг сифатини ёмонлаштириши мумкин. Ушбу турли фикрларни уйғунлаштириш имконияти мамлакатнинг ҳажми ва хусусиятларига, шунингдек, мавжуд маблағлар ҳажмига боғлиқ.

80. Яқинда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш доирасида ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги рўйхатга олувчиларни 10 кунгача ўқитишди ва рўйхатга олиш даври одатда бир неча кундан икки ёки уч ҳафтагача давом этди. Кичик мамлакатларда рўйхатга олиш вақти-вақти билан қисқа вақт ичида амалга оширилиши мумкин ва аҳоли кўпроқ тарқалган мамлакатларда эса узоқ вақт талаб қилиниши мумкин.

Таркибнинг оқибатлари

81. Рўйхатга олишнинг анъанавий усули маъмурий маълумотлар усулига нисбатан таркибга нисбатан камроқ чекловлар қўяди. Бироқ, ушбу ёндашувнинг умумий мазмуни статистик маълумотларнинг эҳтиёжлари ва респондентларнинг юқламасини камайтириш истаги ўртасида эҳтиёткорлик билан келишув натижаси бўлиши керак.

Хусусиятлари йиллик янгиланиб турадиган анъанавий рўйхатга олиш

Тавсиф

82. Америка Қўшма Штатларида қабул қилинган бу усул юқорида тавсифланган анъанавий рўйхатга олишнинг бир тури бўлиб, рўйхатга олиш ишлари ўтадиган йили аҳоли сонини қайд этиш ва асосий демографик маълумотларни тўплашни назарда тутди. Кейинчалик, ҳар йили 10 йил мобайнида аҳоли, ижтимоий, иқтисодий ва уй-жой мулкдорлари бўйича батафсил маълумот тўплаш ва рўйхатга олиш вақтида бундай маълумотларни тўплаш учун узоқ муддатли рўйхатга олиш варақасидан воз кечиб, тегишли жадваллар тузилади. Аҳоли танланма кузатуви асосида рўйхатга олинади.

83. Ҳар йили танланма кузатув рўйхатга олиш даврининг маълум бир даврида (Америка Қўшма Штатларида беш йил) узоқ муддатли рўйхатга олиш варақасининг намунавий улушига яқинлашишни таъминлайдиган манзилларнинг фоизини ўз ичига олади. Кичик маъмурий-худудий бирликлар учун баҳолашнинг ишончлилиги ва сифатини ошириш учун танланган кузатувга қўйиладиган манзилларнинг улуши ошириб борилади. Ушбу ёндашув амалга оширилган Америка Қўшма Штатларида намунавий ўлчам 3,54 миллион уй-жой бирлиги манзиллари даражасида ўрнатилган бўлиб, бу тахминан танланма кузатувининг нисбати 2,5%. Турли географик даражаларда Америка жамоаларини кузатиш (АЖК) учун йиллик намуна улуши 0,51% дан 15% гача. Беш йиллик давр мобайнида танланма кузатув улушлари 2,55% дан 75% атрофида ўзгариб туради.

84. Танланма кузатув вақти-вақти билан тўпланиб, анъанавий рўйхатга олиш доирасида узоқ муддатли рўйхатга олиш варақасини ишлатганда, максимал ҳажмдаги зарурий географик маълумотларни тақдим этади. Қўшма Штатларда 65 000 дан кам аҳоли яшайдиган ҳудудлар учун беш йиллик давр учун маълумот талаб қилинади. 65 000 ва ундан ортиқ аҳоли яшайдиган ҳудудлар учун бир йил ичида баҳолаш етарли.

85. Ишончли ва фойдаланишга яроқли натижаларни олиш учун тадқиқот маълумотлари бутун мажмуада ўлчаниши керак. Маълумотлар танланма кузатув режасини, жавобсиз натижалар тузатишларни, тўлиқ бўлмаган қамровга тузатишлар ва ортиқча қамровларни акс эттириш учун ўлчанади. Ўлчаш усули билан ушбу якуний тузатиш аҳолининг расмий ҳисоб-китоблари билан таққослашни баҳолашга ёрдам беради. Якуний баҳолаш қўлланилгандан сўнг, улар статистик маълумотларни ишлаб чиқишга, жумладан, аҳоли, нисбатлар, ўртача, оралиқ ва коэффициентларни баҳолашга ўтишади.

Зарурий шароитлар

86. Зарурий шароитларга келсак, ушбу ёндашув рўйхатга олишни ташкил қилишда бундай муҳим ўзгаришларни амалга ошириш учун манфаатдор томонлар ва сиёсат органларининг розилигини талаб қилади. Анъанавий рўйхатга олиш материаллари фойдаланувчилари унинг оқибатларини тушунишлари ва 10 йилда бир марта янгиланадиган рўйхатга олиш натижаларидан фойдаланишни қабул қилишга тайёр бўлишлари керак. Фойдаланувчиларнинг ўз вақтида маълумот олиш истаги мураккабликка (масалан, бир, уч ва беш йиллик даврлар учун ҳисоб-китобларни ҳисоблаш заруриятига) олиб келади. Ушбу усул 10 йилда бир марта ажратилган ва 1–3 йил давомида ўзлаштириладиган эмас, балки йиллик маблағ ажратилишини талаб қилади. Шундай қилиб, молиялаштириш миқдори йиллар давомида аввалгидан кўра тенг равишда тақсимланади.

87. Ушбу усулни қўллаш учун мамлакатда тадқиқот натижаларини назорат қилиш мақсадида кўпроқ географик деталларга эга аҳоли сонининг сифатли баҳолашлари керак. Аҳолининг бундай баҳолашлари йилдан-йилга янгиланиши лозим. Амалий жиҳатдан, бу усул танланма кузатувни шакллантириш учун

умумий манзиллар тўпламини талаб қилади. Бу, айниқса, қишлоқ жойларда, нафақат бошқариш, балки танланма кузатиш ва бу асосларини йиллик янгилашни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

88. Хусусиятларни ҳар йили янгилаб туриш билан анъанавий рўйхатга олиш 10 йил давомида юқори малакали ходимларни доимий равишда бўлишини талаб қилади. Бундан ташқари, дастурларнинг бажарилишини назорат қилувчи ва бошқарув самарадорлигини доимий оширувчи ва рўйхатга олиш компонетини амалга ошириш мақсадида, қисқа сўровномадан фойдаланишни назарда тутадиган комплекс режалаштирувчи ишлаб чиқувчи ва назорат текширувларини амалга оширувчи ходимлар ҳам зарур.

Афзалликлари ва камчиликлари

89. Ушбу усулни жорий этиш икки томонлама мақсадга қаратилган: маълумотларнинг тез-тез тўпланишига ва 10 йилда бир марта рўйхатга олиш пайтида олинган маълумотларга қараганда кўпроқ амалий аҳамиятга эга бўлишига ва рўйхатга олиш билан боғлиқ операцион хавфларни камайтиришга эришиш. Бу турдаги усулда рўйхатга олишни амалга ошириш кўп йиллик комплекс режалаштириш, амалга ошириш ва синов дастурини талаб қилади. Америка Қўшма Штатларида қонун муайян вақт оралиғида аҳолини доимий равишда ҳисобга олишни назарда тутган ҳолда, доимий таркибий қисм сифатида рўйхатга олиш дастурини ҳисобга олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

90. Анъанавий рўйхатга олишнинг бир қисми сифатида, ҳатто батафсил аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари аҳолини рўйхатга олиш йили тугагандан сўнг қисқа вақт ичида нашр этилган бўлса ҳам, маълумотлар фойдаланувчилари ўртача етти йил аввал вазиятни акс эттирадиган натижалар билан шуғулланишлари керак. Ушбу ёндашувдан фойдаланишнинг асосий сабабларидан бири — давлат бошқарувининг барча даражаларида қарорларни асослаш учун тезкор маълумотларни олиш истагидир. Бундай оператив ва шунга мос равишда деярли муҳим маълумотлар сезиларли даражада ҳукумат амалдорлари, сиёсатчилар ва корхоналар томонидан ҳозирги вақтда 10 йилда бир мартадан ортиқ бўлмаган узоқ муддатли рўйхатга олиш варақаларидан олинган маълумотларнинг қийматини ошириши мумкин.

Рўйхатга олишнинг турли босқичлари учун оқибатлар

91. Ушбу усулдан фойдаланганда, ўн йил мобайнида батафсил демографик, ижтимоий-иқтисодий ва уй-жой маълумотларини олиш учун жавобгарлик доимий текширув ташкилотчиларига ўтказилади. Ушбу ўтиш бу маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш ва жадвалларни тузиш учун ўн йиллик рўйхатга олиш ташкилотчиларидан жавобгарликни бекор қилади. Рўйхатга олишнинг бир қисми сифатида танланган тўплам бўйича батафсил маълумотларни тўплаш заруратини рад этиш сўровни фақат қисқа рўйхатга олиш варақасида ўтказишга ва яхшироқ бўлишига эътибор беради ва рўйхатга олишнинг асосий мақсадларини амалга оширишга олиб келади. Рўйхатга олиш вазифасини чеклаш фақат қисқа рўйхатга олиш саволнома варақаси орқали маълумотларни тўплашда янгича технологияларни қўллаш учун имкониятлар яратади. Рўйхатга олиш жараёнида батафсил маълумотларни киритиш, қайта ишлаш ва натижалари бўйича жадвалларни шакллантириш зарурлигини бартараф этиш ходимларга юкни камайтиради ва қисқа рўйхатга олиш саволнома варақалари талабларига жавоб берадиган усулларни жорий қилади. Рўйхатга олиш жадвалларини тайёрлаш ва нашр эттириш учун сарфланадиган вақт кескин қисқариши лозим. Шу сабабли рўйхатга олиш органлари 10 йилда бир марта фаолиятнинг кескин чўққиларига нисбатан кўпроқ ритмик ва камроқ интенсив (жуда кўп меҳнат талаб қиладиган) иш режимига ўтади.

92. Бироқ, бу усул аввалги (анъанавий) рўйхатга олишнинг кўплаб таркибий қисмларини қисқа рўйхатга олиш варақаси ва сўров (10 йил давомида) бўйича рўйхатга олиш даврида боғлашни талаб қилади. Бундай таркибий қисмлар манфаатдор томонлар ва жамоатчиликни жалб қилиш ва хабардор қилишни кучай-

тиришга қаратилган маслаҳат, ахборот, тарғибот ва реклама дастурлари ҳамда ҳамкорлик дастурларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, мунтазам равишда янгилиниши керак бўлган асосий манзил файлини сақлашни ҳам ўз ичига олади.

93. 10 йил давомида узлуксиз текширув рўйхатга олиш йилида маълумотларни тўплаш учун мустаҳкам пойдевор қўйиш имконини беради. Тадқиқот давомида олинган маълумотлар (масалан, сўзлашувда фойдаланиладиган тиллар ҳақида) аҳолини рўйхатга олиш йилида маълумотларни тўплашни режалаштириш учун жуда қимматли бўлиши мумкин. Тадқиқот тажрибасини рўйхатга олиш жараёнида ресурсларни янада оқилона тақсимлашда фойдаланиш мумкин.

Таркибнинг оқибатлари

94. Узун рўйхатга олиш саволнома варақаларидан фойдаланган ҳолда рўйхатга олишда бўлгани каби, доимий кузатув турли хил ижтимоий-демографик хусусиятлар, жумладан: оилалар ва уй хўжаликлари таркиби, даромад даражаси ва қашшоқлик; аҳолининг таълим даражаси; бандлик ва ишсизлик; ногиронлик; миграция ва уй-жой тўғрисидаги маълумотларни олиш имконини беради. Энг аниқ ёндашув билан, миллий эҳтиёжларни қондириш учун ишлаб чиқилган сўровнинг мазмуни унинг ўрнига келадиган узоқ рўйхатга олиш варағининг мазмуни аниқланади. Шу билан бирга, уни жорий этишдан анча олдин саволларнинг таркибини кенгайтириш ёки ўзгартириш мезонларини аниқ белгилаш керак. Негаки, баҳолаш учун бир неча йил ичида танланган маълумотларни тўплаш учун фойдаланиладиган тадқиқот қисқа муддатли контент ўзгаришига осонгина мослаша олмайди.

Ўзгарувчан рўйхатга олиш

Тавсиф

95. Узлуксиз рўйхатга олиш — Франция мисолида — бу рўйхатга олишнинг анъанавий моделига яна бир муқобил бўлиб, бу узлуксиз жами танланган муайян рўйхатга олиш санаси билан боғлиқ барча ҳудудларда бир вақтнинг ўзида рўйхатга олишни эмас, балки бутун мамлакат ҳудудини узоқ вақт давомида камраб оладиган тадқиқотларни амалга оширишни назарда тутаяди. Узлуксиз рўйхатга олишнинг иккита асосий параметрлари қуйидагилардир:

- а) талаб қилинадиган янгилинишлар частотаси билан боғлиқ вақт давомийлиги; ва
- б) бюджетга ва географик деталлар даражасига боғлиқ бўлган танланманинг нисбати тарқалган маълумотлар (мамлакат, вилоятлар, шаҳарлар, тузар-жойлар ва ҳ.к.).

96. Масалан, танланманинг асоси бутун мамлакат бўйлаб ягона йиллик кузатув орқали натижаларни олиш учун яратилиши мумкин; минтақалар бўйича — кейинги бир неча йил ичида сўров натижаларини тўплаш; кичик ҳудудлар учун — бу сўровларни кўп йиллар давомида тўплаш орқали амалга оширилади. Йиллик сўров йил давомида ёки маълум бир ой ёки ундан қисқа вақт ичида амалга оширилиши мумкин.

Зарурий шароитлар

97. Ўзгарувчан рўйхатга олиш методологиясини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган шартлар танланма базасининг мураккаблиги билан белгиланади. Танланма бирликлари манзил бўлса, зарур шарт-шароит асосий манзил файли ҳисобланади. Катта танланма бирликдан, масалан, шаҳар

хокимияти даражасида фойдаланган ҳолда, ягона талаб, ҳар хил йилларда шаҳарларни тақсимлаш учун етарли маълумотга эга бўлишдир. Чунки, уларнинг ҳар бири бўйича маълумотлар вакили бўлади. Шу билан бирга, фойдаланувчиларга олинган маълумотлардан фойдаланиш усули ва услубияти, оқибатлари ҳақида маълумот бериш керак, негаки, улар учун даврий йиғилиб боровчи ҳисоб-китоблар эмас, балки тезкор маълумотлар муҳимроқ ҳисобланади. Фойдаланувчиларнинг маълумотларга бўлган ишончини сақлаб қолишда услубиятни (албатта, ҳар қандай рўйхатга олиш шаклида бўлгани каби) тушунишлари муҳимдир.

Афзалликлари ва камчиликлари

98. Ўзгарувчан рўйхатга олиш усулининг асосий афзаллиги маълумотларни тез-тез янгиланган туридир: анъанавий рўйхатга олиш ҳар ўн йилда ёки баъзан ҳар беш йилда бир марта маълумотларни тақдим этиш ва узлуксиз рўйхатга олиш билан йиллик янгиланиши мумкин. Бундан ташқари, аҳолини рўйхатга олиш тартиб-таомилларини ҳар йили такомиллаштириш, уларга эҳтиёж туғилганда янги хусусиятларни қўшиш ва улар пайдо бўлганда янги технологияларни қабул қилиш имконияти таъминланади. Ўзгарувчан рўйхатга олиш доимий ходимларга маълумотлар сифатини баҳолаш ва жойларда ишларни олиб бориш ходимларини ўқитишга эътибор беришга имкон беради.

99. Шу билан бирга, аҳолини рўйхатга олишнинг асосий хусусиятининг йўқолиши — унинг бир вақтнинг ўзида, чунки бундай рўйхатга олиш натижалари ҳозирги вақтда бутун аҳолининг бир марталик манзарасини бермайди, бу эса, бухгалтерия давридаги фарқлар туфайли ҳудудларни бир-бирига таққослашни қийинлаштиради. Шу билан бирга, бир қатор математик усуллардан фойдаланиш (масалан, ўртача қийматлар ва/ёки шартли математик кутиш ва/ёки интерполацияни ҳисоблаш) маълум бир даврда ўртача вазиятнинг статистик манзарасини олиш имконини беради. Бундан ташқари, мамлакат бўйлаб ҳаракатланувчи аҳолини рўйхатга олиш қамровига узоқ вақт давомида эришилганлиги сабабли, бошқа жойга кўчиб ўтган айрим респондентлар бир неча марта сўровнома тўлдириши мумкин, бошқалари эса тўлиқ методологик ўзгаришлар бўлмаса, рўйхатга олишнинг яна бир муҳим хусусияти, яъни унинг универсаллиги йўқолишига олиб келиши мумкин. Шу сабабларга кўра, ўзгарувчан рўйхатга олиш усули услубият дастури тарафдан мураккаб, аммо, фойдаланувчилар учун мақбул бўладиган фойдаланишни талаб қилади.

Рўйхатга олишнинг турли босқичлари учун оқибатлар

100. Танланма олиш базасини яратиш учун энг янги маълумотлардан фойдаланишда доимий анъанавий рўйхатга олишдан сўнг, ўзгарувчан рўйхатга олиш яхшироқ амалга оширилади. Рўйхатга олиш ишлари ҳар йили (ёки доимий равишда) амалга оширилганлиги сабабли, ҳар қандай кечикиш кейинги босқичлар учун муаммо туғдириши мумкинлиги сабабли эҳтиёткорлик билан тайёрланиши керак.

Таркибнинг оқибатлари

101. Ўзгарувчан аҳолини рўйхатга олиш дастури анъанавий рўйхатга олишнинг барча белгиларини ўз ичига олиши мумкин ва шу билан бирга (юқорида айтиб ўтилганидек) сўровноманинг мазмунини ўзгартириш учун ўн йиллик циклга нисбатан тез-тез ўзгаради. Бу эса, рўйхатга олишни ижтимоий шароит ва фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини янада ўзгартириш учун имкон яратиб, турли даврларда маълумотларнинг таққосланишини таъминлайди. Шу билан бирга, минтақалар бўйича маълумот олиш учун келгуси бир неча йил ичида маълумотларни бирлаштириш керак, негаки, сўровноманинг мазмунида баъзи барқарорликни таъминлаш керак бўлади. Аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий хусусиятларига қараб, уни муайян тематик тадқиқотлар билан тўлдириш мумкин.

Рўйхатга олиш усули ва ўзгарувчан рўйхатга олиш усулини ўз ичига олган комбинацияланган рўйхатга олиш

Тавсиф

102. Кўплаб мамлакатлар анъанавий усулдан фойдалансалар ҳам, рўйхатга олиш ишларини енгиллаштириш мақсадида манзиллар рўйхати (рўйхатга олиш натижаларини тўлиқ олиш мақсадида эмас) каби маъмурий маълумотлардан фойдаланадилар, рўйхатга олишнинг бундай “аралаш” усулининг моҳияти шундан иборатки, бу усулдан бевосита рўйхатга олиш натижаларини олиш билан боғлиқ камчилиги мавжуд бўлмаган аҳоли регистр ва бошқа муҳим бўлган маъмурий маълумотлардан (харажатларни ва респондентлар юкласини камайтириш мақсадида) фойдаланилади. Бу танланма кузатув ёки умумий аҳоли бўйича маълумотларни тўплаш билан тўлдирилади ва қуйидаги мақсадларга қаратилган: аҳоли кўрсаткичларининг аниқлигини ошириш ва рўйхатга олинмаган рўйхатга олиш ўзгарувчилари бўйича маълумотларни олишдир.

103. Ушбу ёндашувдан фойдаланадиган мамлакатлар (17-бандда муҳокама қилинганидек) агар аҳоли регистрларини янгилаш учун маълумот тўплаш натижалари қўлланилса, бу расмий тамойиллардан бири “*статистика идоралари томонидан тўплаган шахсий маълумотлар... қатъий равишда махфий бўлиши ва фақат статистик мақсадларда ишлатилиши керак*” бузилишига олиб келиши мумкинлигини инобатга олишлари керак. Талаблар ушбу ёндашувни асослайдиган қонунлар қуйида 106-бандда муҳокама қилинади.

104. Ушбу ёндашув ва шунга ўхшаш методология ўртасида иккита асосий фарқ мавжуд бўлиб, у маъмурий регистрларнинг селектив кузатувлар билан комбинациясидан фойдаланади ва қуйида 116–121-бандларда тавсифланади:

- а) маъмурий регистрларда мавжуд бўлмаган ахборотлар ҳақидаги маълумотлар анъанавий рўйхатга олиш жараёнида бўлгани каби доимий рўйхатга олиш усули ёрдамида йиғилади; ва
- б) аҳоли реестрига асосланган аҳоли кўрсаткичлари дарҳол энг яхши деб тан олинмайди, аммо доимий рўйхатга олиш маълумотлари асосида текширилади ва тузатилади. Шундай қилиб, рўйхатга олиш аҳоли регистрини қамраб олишни кенг қамровли баҳолаш вазифасини бажаради ва тўлиқсизлик муаммосини ва қамровнинг ортиқчалиги муаммосини камайтиришга имкон беради.

Зарурий шароитлар

105. Ушбу турдаги рўйхатга олиш учун қуйидаги асосий техник ва ҳуқуқий шарт-шароитлар талаб қилинади:

- а) аҳоли регистрининг мавжудлиги: рўйхатга олиш демографик мақсадлар учун тўлиқ ишончли бўлмаслиги керак, аммо ҳисобга олинадиган аҳоли сони ва рўйхатга олиш жойлари бўйича дастлабки қарорларни қабул қилиш учун асос сифатида етарлича ишончли бўлиши керак; ва
- б) рўйхатга олиш мақсадида фойдаланиладиган бошқа маъмурий маълумотларнинг мавжудлиги: жумладан, солиқ ҳужжатлари, ижтимоий таъминот тизими файллари, ишсизлар давлат регистри, таълим даражаси ҳужжатлари ва бошқ.

106. Рўйхатга олиш билан боғлиқлиги нуқтаи назаридан ушбу турдаги рўйхатга олиш аҳоли регистрини рўйхатга олиш ёки имтиёзлар учун фақат ёрдамчи восита сифатида ишлатилганлигига қараб, икки турда амалга оширилиши мумкин, яъни рўйхатга олиш аҳоли регистрини янгилаш ва ундаги маълумотларни такомиллаштириш учун қўлланилади. Иккинчидан, иккита қўшимча шарт мавжудлигини таъминлаш керак, яъни:

- а) рўйхатга олиш масалаларини тартибга солувчи қонунчиликнинг аниқ нормалари ва/ёки аҳоли регистрини юритиш, аҳоли регистрини янгилаш билан бир вақтда рўйхатга олиш билан боғлиқ статистик махфийлик тамойилларига риоя этилишини таъминлаш учун рўйхатга олишнинг бундай туридан бевосита фойдаланилади;
- б) маъмурий ва статистик мақсадларда фойдаланиладиган аҳоли регистрдан текширилиши керак бўлган маълумотларнинг бутун операция давомида тегишли ва махсус тарзда қайта ишланишини таъминлаш учун техник чоралар қўлланилиши керак. Сўровномани ишлаб чиқишда демографик параметрларни махсус саҳифаларга киритиш орқали таъминланиши мумкин. Қайта ишлаш босқичида шахсий идентификаторларни ўз ичига олган файллар статистик маълумотларни ўз ичига олмаслиги мақсадга мувофиқ.

Афзалликлари ва камчиликлари

107. Ушбу ёндашув билан аҳоли сонини баҳолаш, одатда, рўйхатга олишда янгиланган маълумотларнинг мавжудлиги туфайли тўлиқ анъанавий рўйхатга олиш билан солиштирганда аниқроқ бўлиши мумкин, бу эса қамровдаги хатоларни камайтиришга ёрдам беради. Бу фақат регистрларга асосланган рўйхатга олишга нисбатан аниқроқ бўлиши мумкин (ҳақиқий рақамлар билан таққослаш орқали, доимий аҳолини рўйхатга олиш имконини беради, бу эса, аҳоли регистрида тўпланган хатоларни тузатишга имкон беради).

108. Регистрлар мажмуасида мавжуд бўлмаган маълумотлар доимий, классик ҳисоб-китоб усули билан олинади, бу максимал географик ва статистик маълумотларни беради.

109. Узоқ истиқболларда регистрлардан фойдаланишда рўйхатга олиш ушбу ёндашувда ҳам мавжуд, масалан, аҳоли регистрини асос сифатида ишлатиш орқали мумкин.

110. Ушбу ёндашувнинг камчиликлари оралиқ характерида боғлиқлигидир. Шундай қилиб, бундай аралаш усуллар фақат регистрга таянадиган рўйхатга олишга нисбатан қимматроқ, чунки маълумотларни йиғиш операциялари маълумотларни йиғиш компонентини ўз ичига олади. Бирок, одатда, улар бутунлай анъанавий рўйхатга олиш билан солиштирганда арзонроқ, чунки ҳар бир шахснинг рўйхатга олиш жойи ҳақида маълумотга эга бўлиш янада самарали йиғиш усулларида фойдаланиш имконини беради.

111. Бошқа тенг омиллар бўлган ҳолатда респондентларга юк, шунингдек, жойлашган тўлиқ рўйхатга олиш усули ва маъмурий маълумотлардан фойдаланмасдан рўйхатга олишда маълумотларни тўплаш бўйича аниқ операциялар ва максимал кўрсаткич рўйхатга олишсиз кузатилган минимал кўрсаткич оралиғида жойлашади.

Рўйхатга олишнинг турли босқичлари учун оқибатлар

112. Сўровномаларни аҳоли регистрлари маълумотидан фойдаланган ҳолда олдиндан тўлдириш қийин техник вазифадир, айниқса, улар кенг миқёсли рўйхатга олиш ва мавжуд технологияга қўйиладиган чекловлар билан боғлиқ бўлганда. Бундан ташқари, бошқа уй хўжаликлари аъзолари ҳақида олдиндан киритилган баъзи маълумотлар респондентга тақдим этилиши мумкин бўлган маълум бир уйда яшовчи бошқа шахсларга тегишли шахсий маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш билан муаммолар бўлиши мумкин. Шунга қарамай, сўровномаларни олдиндан тўлдириш респондентларнинг юкласини ва маълумотларни йиғиш харажатларини камайтириши мумкин.

113. Аввалги рўйхатга олиш маълумотлари ва тегишли маъмурий маълумотлар нотўғри ва етишмаётган жавоблар учун жуда кўп маълумотли таҳрир қилиш ва маълумотларни тақдим этиш имконини беради.

Таркибнинг оқибатлари

114. Рўйхатга олиш усули ва узлуксиз ҳисобга олиш усулини бирлаштириш, шу каби маълумотларни тўплашга қаратилган тўлиқ анъанавий рўйхатга олиш билан солиштирганда, респондентларга максимал мослашувчанликни ва бир вақтнинг ўзида юкломани камайтиришни таъминлайди.

115. Рўйхатга олиш усули ва танланма кузатув усули (юқорида муҳокама қилинган) билан солиштирганда, асосий афзаллик, барча ўзгарувчиларнинг улар рўйхатга олиш тизимида мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар тўлиқ географик ва концептуал тафсилотлар олиш имконини беришидир.

Регистр усули ва танланма маълумотларни йиғиш усули ёрдамида комбинацияланган рўйхатга олиш

Тавсиф

116. Баъзи мамлакатлар рўйхатга олиш маълумотларини ишлаб чиқиш учун регистрлар ва бошқа маъмурий манбалардан танланган ўзгарувчилар бўйича танланган маълумотларни тўплаш билан биргаликда фойдаланадилар. Ушбу параметр (юқорида тавсифланган ёппасига рўйхатга олиш билан аралаш усулда рўйхатга олишга ўхшаш) барча керакли рўйхатга олиш маълумотларини рўйхатдан ўткази олмайдиган мамлакатлар томонидан қўлланилиши мумкин. Шу билан бирга, рўйхатга олиш жадвалларининг бир қисми рўйхатга олиш маълумотлари асосида оддий ҳисоблаш йўли билан тузилиши мумкин, бошқа жадвалларни тузиш учун эса жойларда танланган маълумотларни тўплаш орқали бутун агрегатдан фойдаланишининг керак бўлади. Бирок, бу регистр маълумотлари орқали рўйхатга олиш маълумотлари ва тадқиқот маълумотларини рўйхатга олиш маълумотларини олиш учун бирлаштиришнинг ягона усули ҳисобланади. Масалан, Исроил аҳоли регистр маълумотларини доимий рўйхатга олиш учун асос сифатида ишлатади ва рўйхатга олиш жараёнида кўрсатилган манзилларнинг аниқлигини текшириш ва узок рўйхатга олиш саволнома варақаси бўйича анъанавий маълумотларни тўплаш учун рўйхатга олиш учун танлаб олади.

Зарурий шароитлар

117. Маъмурий маълумотлар манбаларидан статистик мақсадларда фойдаланиш учун асосий манбаа қонунчилик ҳисобланади. Регистрлардан фойдаланиш усули билан (юқорида муҳокама қилинган) доимий ҳисобга олиш билан бир қаторда, миллий қонунчиликда мавжуд бўлган маъмурий маълумот манбаларини статистик мақсадларда фойдаланишга имкони бўлиши керак. Бундай қонунлар МСИ маъмурий маълумотларга идентификациялаш маълумотларини ўз ичига олган алоҳида бирликлар даражасида кириш ва улардан статистика мақсадларида фойдаланиш ваколатларини ҳам бериши керак. Бундан ташқари, тегишли қонунчилик маълумотларини ҳимоя қилиш тамойилларининг батафсил таърифини ҳам ўз ичига олиши керак. Рўйхатга олишнинг аралаш усули вариантини танлаш тўғрисидаги қарор фақатгина маъмурий регистрларда мавжуд бўлмаган барча ўзгарувчилар ҳақидаги маълумотлар бир ёки бир нечта танланма кузатувлар орқали олиниши шarti билан мамлакат томонидан қабул қилиниши мумкин. Бундан ташқари, дастлабки шартлардан бири бу турли манбалардан маълумотларни ягона ёзувлар даражасида боғлаш имконияти мавжудлигидир.

Афзалликлари ва камчиликлари

118. Аралаш усулда рўйхатга олиш билан комбинацияланган рўйхатга олиш доимий рўйхатга олишни таъминлайдиган ҳар қандай рўйхатга олиш билан солиштирганда анча арзон ва респондентларнинг

камроқ юкласини яратиши билан афзалроқ бўлади. Анъанавий рўйхатга олиш шахсий (ва кўпинча потенциал нозик) маълумотларни тўплаш билан боғлиқ шахсий ҳаётга тегишли маълумотларни олиш билан боғлиқ кўплаб эътирозларга сабаб бўлиши мумкин. Бу жавоб бермаслик частотасини оширади. Эътирозлар аралаш усулда рўйхатга олиш тизимига қарши бўлиб, унда маълумотлар фақат танланмалар бўйича йиғилади ва одатда, жавоб бермаслик эҳтимоли паст. Эҳтимол, аралаш усулда рўйхатга олиш маълумотлари янада ишончли натижаларни беради, чунки улар маълум даражада, ҳеч бўлмаганда бутун аҳолини қамраб оладиган регистрлардан олинади.

119. Ушбу усулнинг камчиликларидан бири микро маълумотларга асосланган жадвалларни тайёрлаш бўйича ишлар ҳажмини кўплигидир. Чунки, бу ҳолда маълумотларни олиш муаммолари пайдо бўлиши мумкин. Бундан ташқари, аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида хабардор қилиш билан боғлиқ қўшимча қийинчиликлар бўлиши мумкин, чунки аҳолини рўйхатга олиш фақат аҳоли танланмаси бўйича амалга оширилади.

Рўйхатга олишнинг турли босқичлари учун оқибатлар

120. Аралаш усулда рўйхатга олиш учун нолдан тайёргарлик анъанавий рўйхатга олиш билан солиштирганда кўпроқ вақт талаб этади. Негаки, барча керакли маълумот манбалари мавжудлигига ишонч ҳосил қилмагунча уни амалга оширишга кириш учун ҳеч қандай нуқта йўқ. Шунга қарамай, жараёни бошлагандан сўнг, қисман рўйхатга олиш билан аралаш усулда рўйхатга олиш натижаларини текшириш ва қайта ишлашни талаб қиладиган кирувчи сўровномалар сони камроқ бўлганлиги учун тезроқ натижаларга эришишни таъминлайди. Бироқ, баъзи ўзгарувчилар мавжуд бўлгани учун фақат танланган маълумотлар бўлади, баъзан фойдаланувчилар томонидан талаб қилинадиган статистик ва географик деталларнинг исталган даражасини таъминлаш мумкин бўлмайди.

Таркибнинг оқибатлари

121. Баъзи керакли ўзгарувчилар учун ҳисоб-китоблар турли маъмурий манбалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши кераклиги сабабли, регистрлар асосида олинган маълумотлар бутун мамлакат аҳолисининг сўровини бериши мумкин бўлган натижадан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Бу, шунга ўхшаш натижаларни олиш учун қўшимча маълумотларни қайта ишлашни ўз ичига олади. Агар бундай иш тўғри бажарилмаса, натижалар ўртасидаги таққослашнинг ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Бошқа томондан, регистрлар орқали рўйхатга олиш устунлиги одатда рўйхатдан ўтган аҳоли ҳақида тўлиқ маълумотни ўз ичига олганлиги билан белгиланади. Агар МСИ рўйхатга олиш учун тегишли ва тегишли бўлмаган регистрларни янада кенгроқ ишлатса, бу улар учун янада фойдали бўлади.

Регистр маълумотлари асосида рўйхатга олиш

Тавсиф

122. Регистр маълумотлари асосида рўйхатга олиш тизимини ишлаб чиқиш узоқ йиллар ва ҳатто ўнлаб йиллар талаб қилиши мумкин бўлган узоқ жараёндир. Кўпгина мамлакатлар регистр маълумотлари асосида рўйхатга олиш ёндашувига ўтишни бошласалар ҳам, анъанавий рўйхатга олишнинг муайян элементларидан фойдаланишда давом этадилар. Регистрлардан биринчи навбатда манзил маълумотларини, асосий демографик маълумотларнинг айрим турларини, фуқаролик ҳолати ёзувлари маълумотларини ва даромад маълумотларини олишингиз мумкин. Одатда, маъмурий маълумотлар кўрсаткичларининг улуши ҳар бир рўйхатга олиш билан ошиб боради. Турли маъмурий манбалардан маълумотларни бирлаштиришга ҳаракат қилишдан олдин мамлакатлар кенг қамровли ва юқори сифатли

аҳоли регистр маълумотлари ва ягона идентификация кодларини яратиши жуда муҳимдир. Рўйхатга олиш тизимлари ўртасидаги алоқаларни таъминлаш билан бирга, регистрларни доимий янгилашни таъминлаш зарур.

123. Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш доирасида регистр маълумотлари асосида рўйхатга олиш тизими аҳоли рўйхатига киритилиши керак бўлган бирликлар ҳақида кенг қамровли маълумотларни ўз ичига олган асосий регистрлар тўпламига асосланади. Бундай регистрлар аҳоли регистри, бинолар ва турар-жойлар регистри ва корхоналар регистрларини ўз ичига олади. Бундай регистрлар мамлакат ҳудудида яшовчи барча шахсларни (гарчи аҳоли регистрида “яшаш жойи” ни аниқлаш мезонлари мамлакатга қараб фарқ қилиши мумкин бўлса-да), унинг ҳудудида жойлашган бино ва уй-жойлар ва барча тижорат корхоналари (шу жумладан, давлат секторининг барча муассасалари) ва уларнинг муассасаларини қамраб олади. Барча статистик бирликлар идентификациялаш тизимлари орқали бир-бири билан боғланиши мумкин: масалан, шахслар уй хўжаликлари — уй-жойлар билан, шунингдек, улар яшайдиган уй-жойлар ва бинолар ва иш билан банд бўлганлар-иш берувчилар билан боғланиши мумкин. Иш берувчилар ва бинолар ҳам иш жойини аниқлаш учун боғланган. Худди шундай, барча бирликлар маҳаллий ҳудудий кодлар ёки географик координаталар ёрдамида хариталарда маҳаллийлаштирилиши мумкин.

124. Аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари регистр маълумотлари асосида рўйхатга олиш усули билан олинганда, ҳар бир статистик бирлик учун ўзгарувчан қийматларни аниқлаш учун бир вақтнинг ўзида бир нечта регистрлар ишлатилади. Қарор қабул қилиш қоидалари ҳисоб-китоб натижалари анъанавий рўйхатга олиш саволнома варақалари ёрдамида тўпланган маълумотларга иложи борича мос келадиган тарзда шакллантирилиши керак. Қоидаларни ишлаб чиқишда аввалги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари ва шу давр учун рўйхатдан ўтиш маълумотлари ҳам ҳисобга олинади. Қоидаларни белгилашда қарама-қарши маълумотлар учун турли манбаларнинг устунлик даражаси инобатга олинади.

Зарурий шароитлар

125. Қонунчилик статистик мақсадларда маъмурий маълумот манбаларидан фойдаланишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Миллий қонунчилик мавжуд маъмурий маълумотлар манбалари ва уларни қайта йиғиш ўрнига мумкин бўлган ҳолатларда статистик мақсадлар кириш учун ишлатишга рухсат бериши керак. Қонун МСИни маъмурий маълумотларни шахсий бирликлар даражасида идентификациялаш маълумотлари билан биргаликда ишлатиш ва уларни статистик мақсадлар учун боғлаш ваколатига эга бўлиши керак. Бундан ташқари, тегишли қонунчилик маълумотларини муҳофаза қилишнинг етарли даражасини таъминлаши керак.

126. Бундан ташқари, статистик мақсадлар учун регистрлардан фойдаланишда жамоатчилик манфаатларининг тан олинishi ва тушунилишини таъминлаш муҳимдир, шунингдек, ушбу маъмурий маълумотлардан статистик мақсадларда ишлаб чиқишда фойдаланишни жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланиши жуда муҳимдир. Энг муҳим тамойиллардан бири ҳар доим очиқ муҳокамалар ва баҳс-мунозаралар бўлиб, унда рўйхатга олиш тизимида мавжуд бўлган шахсга доир маълумотлардан фойдаланишнинг мантикий асослари ва афзалликлари тушунтирилади. Бундан ташқари, рўйхатга олиш тўғрисидаги қонунлар талабларига жавоб бериши ва рўйхатга олиш учун масъул бўлган органларнинг фаолияти очиқ ва ошқора бўлиши муҳимдир.

127. Статистика мақсадларида маъмурий маълумотлардан фойдаланишнинг энг муҳим шартларидан бири манбаларда ягона идентификация тизимларини қўллашдир. Маълумотларни улаш алоҳида даражада амалга оширилиши керак. Агар бундай ягона тизим мавжуд бўлмаса, регистрлар асосида статистикани ривожлантиришнинг дастлабки шартларидан бири бўлган турли регистрларни боғлаш жуда мураккаб ва вақт талаб қиладиган, ҳатто мумкин бўлмаган вазифа бўлиб қолади.

128. Маъмурий манбалардаги маълумотлар элементларининг таърифлари рўйхатга олиш дастурида бўлгани каби бир хил бўлиши керак ёки улар аҳолини рўйхатга олиш таърифларига мос келиши учун ўзгартирилиши керак. Рўйхатга олишлар ўртасидаги концепциялар ва таърифларни уйғунлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буни амалга ошириш учун вақти-вақти билан сифатни баҳолаш керак.

129. Агар ушбу шартларнинг баъзилари бажарилмаса, мамлакат анъанавий аҳолини рўйхатга олишни асосий статистикасининг асосий манбаи сифатида фойдаланишда давом этиши керак.

Афзалликлари ва камчиликлари

130. Маъмурий регистрлардан фойдаланишнинг энг катта афзаллиги, шубҳасиз, харажатларни қисқартириши ва натижалар нашри частотасини оширишдир. Регистр маълумотларига асосланган рўйхатга олиш тизимини жорий этишда дастлабки харажатлар юқори бўлиши мумкин, ammo жойларда амалга ошириладиган ишлар бўйича харажатлар нолга камайтирилиши мумкин ва рўйхатга олиш статистикасининг муайян турлари (масалан, бандлик, бинолар, уй-жойлар ва уй-жой шароитлари) йиллик асосда тузилиши мумкин. Маъмурий манбалардан яна бир муҳим афзаллиги фақат маълумотлар элементларида ўзгаришлар юз бергандагина қайта ишлаш зарурияти пайдо бўлади. Узоқ муддатда маълумотни фақат бир марта тўплаш ва уни фақат манзилни ўзгартириш каби ўзгаришлар юз берганда қайта ишлаш анча арзонга тушади. Туғилиш мамлақати, фуқаролик, дин, никоҳ ҳолати, таълим даражаси ва малакаси каби шахсга оид саволлар ва қурилиш йили, хонанинг майдони ва сони каби уй-жой ҳолатига тегишли саволлар камдан-кам ҳолларда ўзгаради (баъзи ҳолларда ҳеч қачон ўзгармайди).

131. Регистр маълумотларига асосланган статистика барча ҳудудий бирликлар учун ишлаб чиқилган бўлиши лозим, негаки регистрлар мақсадли жамғармани тўлиқ қамраб олиш учун мўлжалланган ва батафсил географик маълумотлар барча географик бирликлар, маъмурий-ҳудудий бирликларда, мустақил равишда белгиланган ҳудудлар ва турли ўлчамдаги координатали ҳудудлар доирасида олинishi мумкин.

132. Регистрлар, одатда, йиллик статистик маълумотларни ишлаб чиқишни таъминлайди. Ривожланаётган ахборотга бўлган минтақавий статистикани ишлаб чиқиш бўйича эҳтиёжлар янги эҳтиёжларни яратади, бироқ ўн йилда бир марта аҳолини рўйхатга олиш доирасида олинган минтақавий маълумотлар бу эҳтиёжларни қондириш учун етарли даражада долзарб бўлмаслиги мумкин. Бу юқори частотали маълумотларни ишлаб чиқишга имкон берувчи рўйхатга олиш манбаларидан фойдаланишнинг муҳим афзалликларидан биридир.

133. Маъмурий манбалардан фойдаланиш, шунингдек, инобатга олинishi керак бўлган айрим камчиликларга ҳам эга. Бундай камчиликлардан бири рўйхатга олиш хусусиятларига асосланган хусусиятлар фақат мавжуд маъмурий мақсадлар учун олиб борувчи регистр маълумотларига асосланган бўлиши, бу эса аниқ статистик мақсад эмас. Бу таҳлил қилиш учун мавжуд бўлган ўзгарувчилар нуқтаи назаридан муайян чекловларни келтириб чиқариши ва халқаро таққослашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бироқ, истиснолар мавжуд. 2010 йилги рўйхатга олиш жараёнининг бир қисми сифатида, регистр маълумотларига асосланган рўйхатга олиш усулидан фойдаланадиган айрим мамлакатлар рўйхатга олиш тизимида мавжуд бўлмаган ишчи кучи сўровидан (ИКС) бир ёки иккита ўзгарувчини қўшишга қарор қилдилар. Микро ИКСдан кейин бутун аҳоли учун ҳисоб-китобларни тарқатиш учун фойдаланилди. Шундай қилиб, барча асосий ўзгарувчиларни бошқа мамлакатлар маълумотлари билан таққослаш мумкин бўлди, лекин, албатта, ИКС даги ўзгарувчилар билан таҳлил қилишда ишлатиладиган батафсил маълумот даражаси ИКС нинг танланган тўплами билан чекланиб қолган.

134. Регистрлардан фойдаланиш статистик бошқарувнинг регистрларни юритиш учун масъул органларга, шунингдек, қонун ва маъмурий амалиётдаги ҳар қандай ўзгаришларга боғлиқлигини

таъминлайди. Шу муносабат билан, бундай ўзгаришлар ҳақида маълумот имкон қадар тезроқ рўйхатга олиш органига келишида МСИнинг тегишли органлар билан яқин ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Идеал ҳолда, МСИ билан рўйхатга олиш учун ишлатиладиган барча маъмурий регистрларнинг мазмуни ва/ёки тузилишига ўзгартиришлар киритилган тақдирда олдиндан маслаҳатлашув ўтказилиши керак.

Рўйхатга олишнинг турли босқичлари учун оқибатлар

135. Регистр маълумотлари асосланган рўйхатга олиш тизимлари рўйхатга олиш даврлари ва изчиллик билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Статистик маълумотларнинг ишончилигини таъминлаш учун маълум бир жараёни аниқ қайд этиш муҳимдир. Туғилиш ва ўлим саналари ҳақидаги маълумотлар қоида тариқасида улар тегишли органлар томонидан берилган далолатномалар асосида киритилганлиги учун аниқдир: шунинг учун, кўп ҳолларда рўйхатга олиш даври тўғри кўрсатилади. Шунингдек, иш билан таъминланганлик, ишсизлик ва пенсия олиш даврлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам ишончли, ўқиш даври ҳақида маълумотлар эса камроқ ишончли. Манзилни ўзгартирганда, янги жойга кўчиб ўтган шахс кечикиш билан тегишли билдиришномани юбориши ёки чет элга кўчиш пайтида уни умуман жўнатмаслиги мумкин.

136. Иш жойи, касб-ҳунар ва даромад каби ўзгарувчилар учун турли регистрлардан шахсий маълумотларни боғлаш баъзи ҳолларда изчиллик билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Мисол учун, ахборот ҳар доим ҳам аниқ эмас, мисол учун, машғулот ва тармоқ ҳақида маълумот саноатнинг бир хил иш давридаги бандликка тўғри келади.

137. Регистр маълумотлари асосида рўйхатга олиш тизимидаги маълумотларнинг айрим турларини боғлаш айрим қийинчиликлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Мисол учун, ёлланиб ишловчиларнинг пенсия ҳисоби тизимида корхоналар бўйича ва солиқ регистри ва корхоналар регистри тизимларига нисбатан турли кодлардан фойдаланилиши шахслар ҳақида маълумотларни иш берувчи компаниялар ҳақида маълумотлар билан боғлашда қўшимча ишларни талаб қилиши мумкин. Яна бир мисол сифатида, тижорат корхоналари улар жойлашган биноларга боғлашда қийинчиликларга дуч келиши мумкин, негаки компаниянинг манзил маълумотлари ёки бинолар реестрида кўрсатилгандан фарқ қилиши мумкинлигини кўрсатиш мумкин.

Таркибнинг оқибатлари

138. Тўлиқ регистр маълумотларига асосланган рўйхатга олиш тизимидан чиқариб ташланиши керак бўлган маълумотларнинг айрим элементлари мавжуд бўлиб, улар бўйича маълумотлар ҳеч қандай регистрларда мавжуд бўлмайди: жумладан, уй хўжаликлари таркиби, этник келиб чиқиши, дини, тили, ишга бориб келиш учун фойдаланиладиган транспорт тури. Муқобил бир вариант сифатида бу турдаги маълумотларни танланма кузатув доирасида йиғиб олишни келтириш мумкин, аммо, бу ҳолда, рўйхатга олиш регистр маълумотларига асосланган рўйхатга олиш эмас, балки 116–121-бандларида келтириб ўтилган “аралаш усулда рўйхатга олишга айланиб қолади” (баъзи рўйхатга олиш ўзгарувчилари ҳақида маълумот тўплашнинг қийинчиликлари фақат регистрлар ёрдамида ушбу тавсияларнинг 2- ва 3-бобларида батафсил муҳокама қилинади).

139. Бундан ташқари, анъанавий рўйхатга олиш саволнома варақасидан воз кечиш махсус маълумотларга бўлган эҳтиёжларни қондириш учун маълумот йиғиш воситасини йўқотишга олиб келади. Ҳақиқатан ҳам, кўплаб мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш маълумотларнинг янги эҳтиёжларини қондириш учун жамиятда бўлаётган ўзгаришларга асосланган ҳолда (масалан, иқтисодий миграцияни ўлчаш учун) маълумотларни тўплашнинг муҳим воситасидир. Анъанавий рўйхатга олиш усули ёрдамида маълумотларни йиғишдан бош тортса, бундай мослашувчанлик йўқолади.

Махфийлик ва хавфсизлик

Махфийлик ва хавфсизлик

140. Рўйхатга олиш доирасида ҳар бир шахс ва мамлакатнинг ҳар бир уй хўжалиги тўғрисида маълумот тўпланади. Аҳолини рўйхатга олиш шахсларнинг шахсий ҳаётлари билан қизиқмайди. Аҳолини рўйхатга олишнинг мақсади жамият ва аҳоли гуруҳлари ҳақида статистик маълумотларни ишлаб чиқишдан иборат. Шу асосда жамоатчилик шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги сақланишига ишонч ҳосил қилиши керак. Исмлар, манзиллар ва *Шахсий Идентификация Рақамлари (PIN — Personal Identification Number)* шахсий идентификаторларни рўйхатга олиш натижаларининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва бошқа маълумотлардан имкон қадар тезроқ чиқиб кетиш учун аҳолини рўйхатга олиш жараёнида ошкор қилинмаслиги керак. Махфийлик талаби рўйхатга олиш жараёнида тўлдирилган рўйхатга олиш варақаларини ҳимоя қилиш ва уларни қайта ишлаш ва якуний материаллар ва нашрларда мавжуд бўлган маълумотларни ҳимоя қилиш билан яқунланган аҳолини рўйхатга олишнинг барча босқичларини қамраб олади.

141. Жамоатчилик томонидан тақдим этилган маълумотларни қайта ишлаш жараёнида рўйхатга олиш органлари ходимлари ва улар томонидан рўйхатга олиш ишларини ўтказишда иштирок этиш мақсадида ёлланган барча шахслар томонидан тўлиқ махфийлик тамойилларига риоя қилишлари кафолатланиши керак. Кўпгина мамлакатларда бундай ахборотни ҳимоя қилишни таъминлайдиган ички қонунлар, хусусан, рўйхатга олиш қонунчилиги ёки маълумотларни ҳимоя қилиш ва ахборот эркинлиги билан боғлиқ умумий қонунчилик шаклида бўлади.

142. Рўйхатга олиш саволнома варақаларида эълон қилинган маълумотлар билан ишлашда қуйидаги қўшимча тамойилларга риоя қилиш керак:

- а) шахсга доир рўйхатга олиш маълумотларига кириш фақат рўйхатга олиш органларига бўйсунадиган ёки уларнинг номидан ишлайдиган шахсларга берилиши керак;
- б) тўлдирилган сўровномалар жамоатчиликнинг бошқа аъзолари томонидан уларга киришни истисно қиладиган тарзда тўпланиши ёки қайтарилиши керак. Бундан ташқари, уй хўжаликлари аъзолари, агар хоҳласалар, шахсга доир маълумотларни алоҳида рўйхатга олиш варақасида уй хўжалигининг бошқа аъзолари ёки ташкилотнинг бошқа аъзолари ёки рўйхатга олувчи учун яширин тарзда тақдим этишлари керак;
- в) рўйхатга олиш органларига хизмат кўрсатадиган барча ташкилотлар ва ташқи агентлар қатъий кўрсатмалар олишлари ва махфийликка риоя қилиш бўйича ҳуқуқий мажбуриятларни олишлари керак. Улар ҳар қандай қонунбузарлик ҳолатларида таъқиб қилиниши ҳақида огоҳлантирилиши керак;
- г) агар керак бўлса, шахсга доир маълумотни ўз ичига олган рўйхатга олиш ҳужжатларини рўйхатга олиш органлари, рўйхатга олувчи ходимлари ва ваколатли бошқа ходимларда бўлган вақтда мустақил равишда, жисмоний яхлитлиги, текширилиши керак;
- д) аҳолини рўйхатга олиш маълумотларини қайта ишлаш учун ишлатиладиган компьютерида ахборотга руҳсатсиз киришнинг олдини олувчи ишончли ҳимоя тизими билан таъминланган бўлиши керак;
- е) аҳолини рўйхатга олиш материалларига асосланган статистика нашр этилганда, шахслар ва уй хўжаликларининг идентификациялашга оид маълумотларни ошкор этмаслик учун мумкин

бўлган барча чораларни кўриш керак. Кичик ҳудудлар бўйича статистик материалларга нисбатан махсус эҳтиёт чораларини кўриш керак.

Идентификацияни олдини олиш учун статистик назорат

143. Идентификацияни олдини олиш учун статистик назорат статистик маълумотларни муайян шахслар ёки субъектлар¹¹ билан боғлиқ бўлган нозик маълумотларни ошкор қилмасдан нашр этилишида ҳимоя қилишга мўлжалланган. Бундан ташқари, махфийлик кафолатларини таъминлаш учун қўлланилиши керак. Ҳар қандай статистик назорат методологиясининг асосий мақсади ахборотни минимал йўқотиш ва максимал маълумот фойдасини таъминлашдир.

144. Жадвал маълумотларига асосланган идентификацияни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қуйидаги тартибларнинг бир қисмини ёки барчасини ўз ичига олиши мумкин:

- а) жадвалларни тайёрлашдан олдин танланма ёзувларни шакллантириш орқали ягона ёзувлар маълумотларини қайта тузиш, олдиндан белгиланган ўзгарувчилар тўпламига асосланган маълумотлардаги тасодифларни топиш ва мос ёзувлар орасидаги барча ёки бошқа ўзгарувчиларни қайта жойлаштириш;
- б) чиқиши мумкин бўлган тоифалар сонини чеклаш, масалан, фақат ёш қийматлари эмас, балки, айниқса, катта ёшдагилар учун (бу глобал транскодлаш деб аталади) жами ёш гуруҳларидан фойдаланиш;
- в) шахслар ёки уй хўжаликлари сони айрим ҳудудлар доирасида белгиланган чегара даражасигача етмаса, якуний маълумотлар олиб ташланиб (маҳаллий босим деб аталади), уларни кўшни, жуда катта ҳудуд кўрсаткичлари билан умумлаштиради, асосий аҳоли сони кўрсаткичлари бундан мустасно;
- г) Рақамларни юқорига ёки пастга олдиндан белгиланган яхлитлаш базасининг энг яқин тўпламига (анъанавий яхлитлаш) яхлитлаш орқали тайёрланган жадваллардаги маълумотлар “тўғриланади”.

145. Рўйхатга олишнинг микро маълумотларини (масалан, сўровлар асосида шаклланадиган файллар ёки кенг оммага эълон қилиш учун мўлжалланган файллар) нашр этилган тақдирда, исм, манзил ва индивидуал респондентларнинг идентификациясини таъминлайдиган ҳар қандай ноёб хусусиятларга тегишли маълумотлар базасидан олинган барча маълумотлар улардан олиб ташланганлигини таъминлаш муҳимдир. Бундан ташқари, ошкор қилиш хавфини камайтириш учун глобал транскодлаш ва маҳаллий микрокодлаштириш усуллари ҳам қўлланилиши мумкин. Ҳимоя қилиш учун махфий ахборот, шунингдек, микро маълумотлардан фойдаланишда аралаштириш ёки синтетик усуллардан фойдаланиш мумкин.

Жамоатчиликнинг ёпиқ хат ёзиш маълумотларига кириш

146. Кўпгина МСИ вақти-вақти билан генеалогия, ижтимоий тарихчилар ва алоҳида фуқаролардан генеалогик тадқиқотлар учун рўйхатга олиш маълумотларига нисбатан маълумотларнинг ёпиқ бўлиши керак бўлган даврга очикдан-очик кириш ёки қисқартириш бўйича сўровларни олади.

147. Кўп мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари ёпиқ бўлган давр давомийлиги қонун билан белгиланади, лекин турли мамлакатда турлича бўлиши мумкин. Бошқа мамлакатларда махфий

¹¹ Hundepool, A., J. Domingo-Ferrer, L. Franconi, S. Giessing, E. Schulte Nordholt, K. Spicer and P.P. de Wolf, 2012. Statistical Disclosure Control. In: Wiley Series in Survey Methodology. Wiley, Chichester, United Kingdom, 2012.

маълумотларни шахсларни идентификация қилиш хавфи минималлаштирилгунга қадар ёпиқ деб сақлашни назарда тутувчи маълумотларни муҳофаза қилиш ва/ёки ахборот эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари доирасида умумий қоидалар мавжуд бўлиши мумкин. Бироқ, айрим мамлакатлар маълумотларни қайта ишлаш тугаллангандан сўнг рўйхатга олиш варақаларини йўқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин. (315–316-бандларга қаранг).

148. Миллий ҳукуматлар тарихий рўйхатга олиш маълумотларининг ижтимоий ва тижорий аҳамиятини бир вақтнинг ўзида, йиғиладиган маълумотларнинг махфийлигини кафолатлай олмаса, МСИнинг кенг жамоатчилик ўртасида маълумот тўплаш ваколатига жиддий путур етиши мумкинлигини ҳам тан олишлари керак. Рўйхатга олиш жараёнида маълумотларнинг хавфсизлиги ва махфийлигига бўлган ишонч асосий талаб сифатида қаралиши керак.

II боб. Технология

Кириш

149. Кўп йиллар давомида технологиялар аҳолини рўйхатга олишнинг барча босқичларини амалга оширишни осонлаштирмоқда. Ушбу бобнинг асосий мақсади рўйхатга олиш маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш фаолиятида бевосита ишлатилиши мумкин бўлган янги технологияларга бағишланган. Ушбу технологияларнинг баъзилари айрим мамлакатларда аввалги рўйхатга олишлар доирасида ишлатилган ва бу ерда бошқа мамлакатларга мумкин бўлган вариантларни кўриб чиқиш учун тақдим этиш мақсадида тасвирланган. Шубҳасиз, янги ёки ҳали маълум бўлмаган технологиялар келажакда рўйхатга олишга таъсир қилади.

150. Клавиатурадан маълумотларни киритиш тизимлари ёки символларни оптик аниқлаш технологияси ёки белгиларни оптик аниқлаш каби яхши ташкил этилган технологиялар аллақачон кенг тарқалган ва ҳужжатлаштирилганлиги учун бу ерда тасвирланмаган. Инновацион технологияларга қизиқиш кўрсатадиган мамлакатларга *Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш кўрсатмалари ва тавсиялари: 2020 йил раунди (учинчи қайта кўриб чиқилган нашр)*, Бирлашган Миллатлар ташкилоти, Нью-Йорк, 2015 йил ва *Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш жараёнларини бошқариш бўйича Қўлланмалар*, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Нью-Йорк, 2001 йил билан танишиб чиқишлари мумкин. Бу яхши ташкил этилган ёндашувлар ва технологиялар кўплаб мамлакатлар учун энг ишончли вариант бўлиши мумкин. Янги технологиялар ёки ёндашувларни қабул қилиш масаласи фақат ўз фойдасини тўғри тушуниш ва уларнинг ривожланишини бошқариш мавжуд бўлганда ўрганилиши керак. Тегишли хатарларни аниқ тушуниш лозим.

151. Рўйхатга олиш шароитида текширувдан ўтмаган ҳар қандай технологияни қабул қилишнинг амалий имкониятлари миллий даражада ва мамлакат миқдори (аҳоли ва/ёки майдон жиҳатидан), анъанавий ечимлар билан таққосланадиган технологиянинг нисбий қиймати, ишлаб чиқиш учун зарур бўлган меҳнат харажатлари ва бу технологияларни синаб кўриш ва ушбу технологияларни жорий этишнинг мумкин бўлган оқибатлари умумий рўйхатга олиш операцияларини ташкил этиш каби аниқ омилларни ҳисобга олган ҳолда олдиндан ва диққат билан баҳоланиши керак. Шунингдек, рўйхатга олиш натижалари сифатига ва умуман олганда аҳолига потенциал таъсирни диққат билан ўрганиш керак.

152. Ушбу бобда, шунингдек, рўйхатга олиш учун зарур бўлган ёрдамчи тизимлар батафсил кўриб чиқилмайди. Рўйхатга олиш ишлари бошқа кенг қўламли лойиҳаларга хос бўлган кўплаб маъмурий жараёнлар билан боғлиқ. Жумладан, рўйхатга олиш каби мураккаб операцияни режалаштириш, тегишли лойиҳа режалаштириш дастуридан фойдаланиш орқали осонлаштирилиши мумкин. Кўпгина мамлакатлар кўплаб вақт рўйхатга олувчиларни ёллаш, ишга олиш ва иш ҳақи тўлаш учун тизим ва жараёнларга муҳтож бўлиши мумкин. Миллий статистика институтлари (МСИ), шунингдек, технологиянинг ушбу операцияларнинг самарадорлиги ва уни оширишга қандай ҳисса қўшиши мумкинлигини ўрганиши керак. Бундан ташқари, рўйхатга олиш харажатларини чеклаш ва ходимларнинг иш ҳақи каби маъмурий жараёнларга эмас, балки маълумотларни рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва тарқатишда асосий вазифаларни амалга ошириш учун ресурсларнинг устувор йўналиши туфайли рўйхатга олишнинг умумий сифатини ошириш мумкин.

153. Янги технологияларни жорий этиш учун зарур бўлган янги дастурий таъминот ва инфратузилманинг катта қисми мураккаблиги кўплаб рўйхатга олиш органларининг мавжуд техник салоҳиятидан ташқарига чиқадиган ваколатларни талаб қилиши мумкин. Шундай қилиб, айрим мамлакатлар рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳар қандай (техник) ечимларнинг муҳим таркибий қисмларини ташқи пудратчига бериш

масаласини кўриб чиқмоқдалар. Ушбу бобда, хусусан, махфийлик ва сифатни таъминлаш нуқтаи назаридан, аҳолини рўйхатга олиш жараёнида ташқи пудратчилардан фойдаланишнинг ўзига хос таркибий қисмлари, зарур талаблар ва ташқи тузилмани ишлатиш оқибатлари ҳамда потенциал фойдалар ҳақида баъзи умумий фикрлар келтирилган.

Технологик янгиликларни ҳаракатлантирувчи омиллар

154. Турли мамлакатларнинг рўйхатга олиш дастурлари янгиликларни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Тадқиқот дастурларида бугунги кунда қўлланиладиган кўплаб янги ёндашувлар биринчи марта рўйхатга олиш доирасида қўлланилган. Технологиядан фойдаланиш кўпинча инновацияларнинг асосий омили бўлиб хизмат қилди. Аҳолини ва уй-жой фондини рўйхатга олиш жараёнида юзага келадиган кўплаб қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда, рўйхатга олиш органлари самарадорликни ошириш, сифат ёки харажатларни камайтириш мақсадида технологик янгиликларни ўз жараёнларининг ҳар қандай босқичига қандай қўллаш мумкинлигини ўрганишлари керак. Шунингдек, бундай масалалар, бюджет чекловлари даврида янги ёндашувлар фақатгина аҳолини рўйхатга олишдан ташқари кўпроқ фойда келтириши мумкинлиги учун статистик органлар томонидан кенгроқ маънода эътиборга олинishi керак.

155. Инновацион технологиялар ёки ёндашувларни жорий этиш рўйхатга олиш ишлари учун турли хавф-хатарларга боғлиқ бўлиши мумкин. Улар қанчалик самарали ишлайди? Респондентлар ёки рўйхатга олиш ходимларининг муносабати қандай бўлади? Рўйхатга олиш даврлари (5–10 йил) ўртасида янги ёндашувлар бўйича биринчи манбадан маълумот олиш имконияти чекланган бўлиши мумкин. Инновацияларни жорий этиш масаласини кўриб чиқишда, рўйхатга олиш органи халқаро миқёсда бошқа рўйхатга олиш органларининг тажрибасини диққат билан ўрганиб чиқиши керак. Бундан ташқари, янги ёндашувлар ёки технологияларни биргаликда синовдан ўтказишда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш керак.

156. Технология рўйхатга олиш сифатини ошириш ва харажатларни сезиларли даражада камайтириш салоҳиятига эга бўлса ҳам, қисқа муддатда янги технологияларни жорий этиш аслида юқори харажатларга олиб келиши мумкин. Рўйхатга олиш органлари технологик янгиликлар билан очилган янги имкониятлар рўйхатга олиш натижаларининг долзарблиги, сифати ва ўз вақтида бажарилишини оширишга ёрдам бериши мумкинлигини ўрганишлари керак. Масалан, қайта ишлаш харажатларини камайтириш орқали кенгайтирилиши аҳолининг кичик гуруҳлари ва кичик географик ҳудудлар бўйича маълумотлар сифатини ошириш мақсадида аҳолини рўйхатга олиш мазмуни ёки танланма кузатув маълумотларини тўплаш учун танланма олиш ҳажмини ошириш мумкин. Бироқ, контентнинг ҳар қандай кенгайиши ушбу қадамнинг респондентларга таъсирини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

157. Ҳақиқий маълумотларга асосланган сиёсат ва режалаштиришга бўлган талаб, фойдаланувчиларнинг кенг доираси томонидан рўйхатга олиш маълумотларига бўлган талабни вужудга келтиради. Ушбу тизимни ҳисобга олган ҳолда, статистик материалларни тайёрлашда анъанавий тарқатиладиган чекланган жадвал материаллари билан қоникмаслиги мумкин бўлган, рўйхатга олиш ҳақида чекланган маълумотларга эга бўлган фойдаланувчиларнинг кенг доирадаги эҳтиёжларини қондириш қобилиятига эга бўлиши керак.

158. Баъзи мамлакатларда ҳокимият органлари фуқароларга (ҳатто улардан талаб қилишлари) электрон режимда маъмурий тартиб-қоидаларни амалга оширишга рухсат беришлари кераклиги ҳақидаги қонун талаби мавжуд. Аммо, бундай қоидалар бўлмаса ҳам, ўлчовларнинг ўсиши жамиятда Интернетдан фойдаланиш имкониятлари ҳақида янги тахминлар пайдо бўлишига олиб келади.

Тегишли тизимларни аниқлаш

159. Рўйхатга олиш органлари рўйхатга олиш бошланишидан анча олдин, қайси тизимлар ва жараёнлар уларнинг ҳолатига мос келишини аниқлаш учун баҳолашни амалга ошириши керак. Ўрганилаётган саволлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- а) ходимларга харажатлари ва маъмурий жараёнлар билан мумкин бўлган компьютер тизимлари ва улар билан боғлиқ (тегишли) инфратузилманинг нисбий харажатлари таққосламаси;
- б) рўйхатга олиш органлари ҳамда мамлакатнинг технологик салоҳияти ва инфратузилмаси; ва
- в) рўйхатга олиш органларининг мураккаб ва замонавий тизимларни ишлаб чиқиш жараёнларини бошқариш қобилияти.

Ташқи пудрат

160. Юқорида, 153-бандда айтиб ўтилганидек, кўплаб янги ва илғор технологияларни жорий этиш учун зарур бўлган янги дастурий таъминот ва инфратузилманинг катта қисми мураккаблиги кўплаб рўйхатга олиш органларининг мавжуд техник салоҳиятидан ташқари ваколатларни талаб қилиши мумкин. Шундай қилиб, баъзи мамлакатлар рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳар қандай техник ечимларнинг муҳим таркибий қисмларини (айримларини) кенг қўламли жойларда фаолият олиб борадиган ходимларни ёллаш каби техник бўлмаган ишларни ташқи пудратчиларга бериш (ўтказиш) имкониятини кўриб чиқишлари мумкин. Бу ишларнинг афзаллиги шундаки, ташқи пудратчилар ўзлари билан рўйхатга олиш органларида мавжуд бўлмаган техник билим ва тажриба олиб келишади ҳамда МСИ ўзларининг асосий вазифалари — рўйхатга олиш, ички тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш ва улар ихтисослашувининг асосий соҳаларига тегишли бўлмаган кўникмаларни ривожлантиришга эътибор беришга имкон беради. Бундан ташқари, беш ёки ўн йиллик цикл анъанавий аҳолини рўйхатга олиш, ахборотни йиғиш ва қайта ишлашнинг қисқа муддатлари ва талаб қилинадиган кенг қўламли маълумотлар тизимлари ташқи кетма-кетлик самарадорлигини ошириш ва пул маблағларидан оқилона фойдаланиш имкониятини бериши мумкинлигини англатади.

161. Ишларни ташқи пудратга ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги муайян методологик ёки босқич-ма-босқич ёндашув асосида ва рўйхатга олиш жараёнини алоҳида босқичларга ажратишдан кейин аниқланиши керак. Эҳтимол, бир қатор таркибий қисмлар аллақачон ташқи пудратчилар учун мос келиши мумкин. Уларнинг сони қуйидагиларни ўз ичига олиши ҳамда фақат улар билан чекланиб қолмаслиги мумкин:

- а) маълумотларни тўплаш учун рўйхатга олиш варақалари ва бошқа ҳужжатлар/материалларни нашр этиш;
- б) рўйхатга олувчиларни жалб этиш ва тайёрлаш;
- в) реклама кампанияси;
- г) маълумотларни тўплаш учун материалларни бошқа тилларга таржима қилиш;
- д) маълумотларни тўплаш учун рўйхатга олиш саволнома варақалари/ҳужжатларни етказиб бериш ва/ёки йиғиш/қайтариш;
- е) рўйхатга олиш варақаларини кузатиш тизимини лойиҳалаш ва амалга ошириш;

- ё) картографик хизматлар кўрсатиш;
- ж) асосий маълумотларни киритиш ва кодлаш;
- з) Call марказлари/телефон орқали ёрдам марказлари;
- и) онлайн жавоб бериш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- й) рўйхатга олиш варақаларидан онлайн/веб тарзида фойдаланиш воситаларини ишлаб чиқиш;
- к) маълумотларни сақлаш;
- л) маълумотларни таҳрирлаш ва/ёки импутация қилиш;
- м) қайта ишлашдан кейин рўйхатга олиш варақаларини йўқ қилиш;
- н) сифат кафолати; ва
- о) баҳолаш.

162. Ушбу ишлар самарали аутсорсинг имкониятларини сезиларли даражада чеклайдиган рўйхатга олиш асосида тўлиқ рўйхатга олишни амалга оширадиган мамлакатлар учун камроқ аҳамиятга эга бўлади — агар рўйхатга олиш учун маълумот олинадиган ташқи регистр органлари томонидан рўйхатга олиш ва бошқаришда “аутсорсинг” сифатида ишлатилмас.

163. Ташқи манбалар бўйича қарор қабул қилиш рўйхатга олиш органининг талабларига, унинг ходимлари учун зарур кўникмаларга эга бўлишдан ва ушбу органнинг тизимларини ишлаб чиқиш бўйича мураккаб лойиҳаларни бошқариш қобилиятига боғлиқ бўлади. Рўйхатга олишни ташқи пудратчига тўлиқ юклаш, бир қарашда бошқарув нуқтаи назаридан оддийроқ ечим бўлиб кўриниши мумкин. Бироқ, рўйхатга олиш органи бутун операцияни аутсорсинг қилишга қарор қилиши эҳтимолдан йироқ бўлиб, аксинча, ташқи пудратчиларга, аниқ лойиҳаларга ўтказиладиган элементларни бирлаштирадиган тизимнинг алоҳида таркибий қисмларини аниқлайди. Шунга қарамай, агар бир нечта тегишли турдаги ишлар бир хил пудратчи томонидан амалга оширилса, жуда ўринли бўлади; масалан, нашр қилиш ва сканерлаш учун техник талаблар шу қадар чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳар иккала хизмат ҳам бир пудратчи томонидан таъминланиши керак.

164. Ҳар қандай шартнома бўйича тендерни ўтказишдан олдин, пудратчи барча қўйилган талабларни аниқ тушуниши керак. Улар қаторига лойиҳанинг мақсадларини тушуниш, эришилиши керак бўлган натижалар, риоя қилиниши керак бўлиши стандартлар (сифат, ўз вақтидалилик, бюджет), шунингдек, жамоатчилик фикри учун махфийлик ва сезувчанлик масалалари киради. Спецификациялар лойиҳанинг айланиш жараёнида талаб ва мақсадларни ўзгартиришга имкон бериши керак. Ушбу ўзгаришларнинг рўйхатга олиш органи ва етказиб берувчи томон ўртасида қандай тасдиқланишидан келиб чиқиб, аниқлик киритилишини ва назоратни талаб қилади.

165. Тўлов муддатлари билан боғлиқ бўлган асосий натижаларга эришиш муддатларини ўз ичига олган жадвал пудратчи билан келишилган бўлиши керак. Буни эса операцион даражада мунтазам мониторинг қилиш керак. Бундан ташқари, юқори даражадаги раҳбарларга иш жараёнини кузатиб бориш ва оператив даражада ҳал этилмайдиган муҳим масалалар билан шуғулланиш имконини берадиган жараёнларни яратиш лозим.

166. Тизимларни ишлаб чиқиш учун аралаш ёндашув умумий тизим ташқи пудратчига узатиладиган тизимлардан, ташқи пудратчилар томонидан рўйхатга олиш органи ходимлари билан биргаликда ишлаб чиқилган

тизимлардан ва ўз кучи билан ишлайдиган тизимлардан иборат бўлиши мумкин. Бундай ёндашув тизимларнинг мослашувида кўпроқ мослашувчанликни таъминлаш каби афзалликларга эга бўлиши мумкин, чунки тизимни ишлаб чиқиш жараёнида, уни синовдан ўтказишда ва рўйхатга олишда жуда кўп нарса ўрганилади.

167. Бу тизимларнинг оптималлаштирилиши натижасида, маълумотлар сифати ва маълумотларни қайта ишлаш харажатларини камайтиришга олиб келиши мумкин. Бироқ, рўйхатга олиш органлари ушбу ёндашув доирасида бошқарувни амалга ошириш жуда қийинлигини билишлари керак. Рўйхатга олиш органи бизнес жараёнлари ва технологик ва офис интеграциясини диққат билан бошқариш жараёнида мураккаб лойиҳаларни бошқариш қобилиятига ҳамда аниқ тушунчага эга бўлиши керак. Шу муносабат билан, шартномалар тузиш ва уларни бошқариш, пудратчилар билан алоқалар, жараёнларни мониторинг қилиш, сифат назорати ва статистика билан алоқалар билан шуғулланадиган МСИ доирасида махсус гуруҳ тузиш муҳимдир. Бундай гуруҳ аъзолари лойиҳани бошқариш воситалари билан яхши таниш бўлиши керак. Ташқи пудратчилар рўйхатга олиш органи ходимлари билан яқин алоқада ишлаётган бўлса, гуруҳ иши ушбу тизимни ишлаб чиқиш ёндашувининг муваффақияти учун жуда муҳимдир.

168. Иш жараёнида фойдаланувчиларнинг талабларига (натижаларнинг аниқлиги ва ўз вақтида бажарилиши нуктаи назаридан) энг яхши жавоб берадиган ва кенг жамоатчиликка махфийлик ва маълумотларни муҳофаза қилиш масалаларига ишонч билдирадиган усул билан амалга оширилиши керак. Жамоатчилик ишончини йўқотишига олиб келиши мумкин бўлган усул билан ташқи пудратчига тақдим этиладиган ҳеч қандай иш бажарилмаслиги муҳимдир. Шунинг учун, аутсорсингнинг мақсадга мувофиқлигини ҳал қилишда, рўйхатга олиш органларига қуйидаги мезонларни диққат билан кўриб чиқиш тавсия этилади:

- а) маълумотларнинг махфийлигини қаттиқ ҳимоя қилиш;
- б) жамоатчиликни қониқтирадиган махфийлик усули;
- в) тегишли давлат сиёсати ва жараёнлари, агар мавжуд бўлса;
- г) сифатни кафолатловчи чоралар билан таъминлаш;
- д) ташқи пудратчига берилган вазифалар/ишларнинг бажарилишини бошқариш ва мониторинг қилиш қобилияти; ва
- е) миллий статистика бошқармасининг асосий функцияларини назорат қилиш.

169. Махфийликни таъминлаш, эҳтимол, инобатга олишни талаб қиладиган ва харажатлар бўлиб, самарадорлик масалаларидан ҳам устун бўлган энг муҳим масаладир. МСИ ҳақиқий ҳолат нуктаи назаридан маълумотларнинг махфийлиги учун жавобгардир. Шундай қилиб, нозик маълумотларнинг хавфсизлигига ҳақиқий ёки кўринмас таҳдид соладиган ташқи пудратчиларга тақдим этишдан қочиш керак. Масалан, ташқи пудратчилар томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай маълумотларни йиғиш ёки қайта ишлаш операциялари учун махфийликнинг қатъий ҳимоясини таъминлайдиган кафолатлар ишлаб чиқилиши керак. Бундай хизматларни ташқи пудратчиларга тақдим этиш рўйхатга олишга бўлган ишончга путур етказмаслик учун эҳтиёткорлик билан кўриб чиқилиши керак. Жумладан, вақтинчалик ходимлар шартнома бўйича маълумот тўплаш учун ишга ёлланадиган ҳолларда, рўйхатга олиш органи уларни қаттиқ мониторинг ва назорат қилиши мумкин бўлган тарзда амалга оширилиши керак. Бундай соҳа ходимларини ишга олиш, улар тўплайдиган маълумотларнинг махфийлигини сақлаб қолиш учун уларнинг фаолияти тегишли статистика қонунчилиги билан тартибга солиниши керак.

170. Аутсорсинг вақтида инобатга олишни талаб қиладиган яна бир муҳим масала сифат кафолатини таъминлаш ҳисобланади. Асосий масалалардан бири шундаки, рўйхатга олиш органи тўланган товарлар

ёки хизматлар изчил ва мақбул стандартлар асосида тақдим этилганлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Шу нуқтаи назардан, аризаларни кўриб чиқиш ва тендер ғолибини танлашда харажатлар асосий устувор мезон бўлмаслиги керак. Харажатларни камайтириш учун бир нечта компаниялар ўртасида адолатли рақобат жуда зарур бўлса-да, рўйхатга олиш органи ўз-ўзидан паст нархни ҳал қилувчи омил сифатида ишлатиш тендер ғолиби томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олиши керак. Паст сифатли иш бир хил даражада фойдаланувчиларнинг ва жамоатчилик ишончини йўқотишга олиб келади, бу эса махфийликка таҳдид солади.

171. Потенциал пудратчиларнинг иш сифатини баҳолашда, улар билан ҳар қандай шартнома тузишдан олдин, уларнинг иш намуналарини ёки уларнинг сўзларини тасдиқлаш учун мурожаат қилишлари мумкин бўлган тавсиялар рўйхатини ва/ёки уларнинг аввалги фаолияти билан танишиш мумкин бўлган сайтлар билан танишиб чиқиш керак. Шартнома тузилгандан сўнг, танланган компанияга ишониб топширилган ишларнинг боришини доимий мониторинг қилиш керак ва рўйхатга олиш органи сифат назорати тизими тўғрисидаги низомларни шартномага киритилишини таъминлаши керак.

172. Аутсорсинг, дастурий таъминот ва аппаратни баҳолашда ҳисобга олишни талаб қиладиган масалалар билан батафсил *Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш кўрсатмалари ва тавсиялари: 2020 йил раунди (учинчи қайта кўриб чиқилган нашр)*¹², Бирлашган Миллатлар Ташкilotи, Нью-Йорк, 2015 йил ва *Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш жараёнларини бошқариш бўйича Қўлланмалар*, Бирлашган Миллатлар Ташкilotи Нью-Йорк, 2001 йил — танишиб чиқишингиз мумкин.

Маълумотларни йиғиш

173. Ушбу ҳужжатда куйидаги учта маълумотни йиғиш технологияси кўриб чиқилади: Интернет жаҳон тармоғи орқали жавоб бериш; телефон орқали сўров ўтказиш ва портатив қурилмалардан фойдаланиш (масалан, планшетлар, ноутбуклар, смартфонлар, мобил телефонлар). Ушбу технологиялар бутунги кунда баъзи босқичларда бир вақтнинг ўзида маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш имконини беради. Ушбу ҳужжатда, шунингдек, янги технологиялар ёрдамида маълумотларни йиғиш бўйича янада самарали операциялар ва рўйхатга олиш мақсадида маъмурий регистрлар маълумотларга кириш воситаларини ишлаб чиқиш учун технологиялардан фойдаланиш масалалари бўйича яратилган имкониятлар муҳокама қилинган.

Жавобларни Интернет жаҳон тармоғи орқали тақдим этиш усули

174. Интернетдан маълумотларни тўплаш воситаси сифатида фойдаланиш, рўйхатга олиш жараёнида маълумот тўплаш, одатда, шахсий сўровдан кўра ўз-ўзини рўйхатга олиш усули билан амалга оширилиши кераклигини англатади. Интернетдан фойдаланиш ҳоллари анъанавий тарзда сўровномаларни респондентларга етказиш ва йиғиш усуллари (масалан, почта орқали хатларни етказиб бериш/йиғиш, шунингдек, уларни жўнатиш ва қайтариш каби) қўшилиши мумкин. Кўриб чиқиш учун асосий омил — ахборот йиғиш устидан назоратни амалга ошириш, яъни, ҳар бир хонадон ва ҳар бир шахс фақат бир марта ҳисобга олинishi керак. Бу ҳар бир уйни (ва ҳар бир хонадонни) географик жойлашуви билан боғлаш имкониятини талаб қилади. Рўйхатга олиш саволнома варақалари рўйхатга олувчилар томонидан тўплайдиган (почта орқали юборилмайдиган) мамлакатлар учун қўшимча мураккаб омил — бу рўйхатга олувчилар рўйхатга олиш варақаларини тўлдириб юборган уй хўжаликлари ташриф буюрмаган ҳолда маълумотни йиғиш жараёнида ўз маълумотларини янгилаш учун етарли даражада фикр-мулоҳаза юритиш заруриятининг мавжудлигидир.

¹² Principles and Recommendations for Population and Housing Censuses: the 2020 Round — Revision 3; United Nations, New York, 2015, Part TWO, Section XII «Contracting out» and Section XIV.E.6 «Evaluation».

175. Интернет усулидан фойдаланишнинг потенциал даражаси Интернетга кириш имконига эга бўлган аҳолининг улушини, кенг поласали хизматлардан фойдаланадиган аҳолининг улушини, шунингдек, Интернетдан бошқа мақсадларда фойдаланишнинг умумий кўрсаткичини (масалан, онлайн банк операциялари, солиқ декларацияларини тўлдириш, харидлар) аниқлаш орқали баҳоланиши керак. Шунингдек, Интернетдан респондентларнинг айрим мақсадли гуруҳлари (масалан, шаҳар жойлардаги ёшлар) Интернет жаҳон тармоғи орқали рўйхатга олиш саволномаларини тўлдиришни афзал кўришлари мумкин ва шунинг учун бундай респондентларга қоғозда ёзиш варақаларини етказиб бериш шарт эмас. Фақат Интернет жаҳон тармоғи орқали жавоб бериш хизматига кириш ҳақида маълумот юбориш имкониятини кўриб чиқиш керак.

176. Бундан ташқари, Интернет жаҳон тармоғи орқали рўйхатга олиш саволнома варақаларини тўлдириб жўнатиш имконини берувчи тизимлар ва жараёнларни ишлаб чиқиш керак. Бу харажатларни қўпайтиришга олиб келиши мумкин, аммо бошқа томондан, рўйхатга олувчилар иш юкларининг пасайиши ва маълумотларни киритиш харажатларини камайиши, шунингдек, сўровномаларнинг нашр этиш ва почта жўнатмалари учун харажатларни тежаш имконияти мавжуд. Бирок, қоғозли рўйхатга олиш варақаларидан фойдаланганда сканерлаш ва белгиларни аниқлаш аллақачон мавжуд бўлган самарали технологиялардир. Шу нуқтаи назардан, маълумотларни киритиш харажатларини камайириш орқали эришилган маблағларни тежаш Интернет тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш харажатларига нисбатан камроқ бўлиши мумкин.

177. Маълумотлар хавфсизлиги жуда муҳим масала бўлиб, инфратузилмани ривожлантиришда бу муҳим аҳамиятга эга бўлиши керак. Жисмоний жиҳатдан алоҳида инфратузилмалар рўйхатга олиш маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш учун яратилиши керак. Йиғилган ва киритилганидан кейин тўлдирилган шахсга доир рўйхатга олиш саволнома варақаларидаги маълумотлар йиғиш инфратузилмасидан бутунлай ажралиб туриши керак бўлган маълумотларни қайта ишлаш инфратузилмасида хавфсизлик таъминланиши лозим.

178. Интернетдан юклаб олинган рўйхатга олиш варақаси онлайн тарзда тўлдирилган шаклларга нисбатан анча кичик инфратузилма талаблари билан тавсифланади. Бирок, юклаб олинган рўйхатга олиш варақалари онлайн форматларга нисбатан компьютер саводхонлигининг юқори даражасини талаб қилади. Улар, албатта, турли хил компьютер конфигурацияларида ишламайди ва улар рўйхатга олиш ташкилоти вужудга келиши мумкин бўлган ҳар қандай индивидуал муаммони ҳал қилиш имкониятига эга бўлиши керак, деган тахминлар мавжуд. Респондентларга келсак, яқинда ўтказилган тажриба шунини кўрсатдики, улар онлайн рўйхатга олиш варақаларини тўлдиришни афзал кўришди. Шу сабабларга кўра, кўпчилик мамлакатлар рўйхатга олиш варақаларини онлайн тарзда тўлдириш вариантини кўриб чиқишлари кутилмоқда.

179. Интернет жаҳон тармоғи орқали жавоб вариантларини белгилаш респондентлардан онлайн тизимга кириш учун рўйхатга олиш маълумотлари ва логин, паролларни тақдим этиш усулларини талаб қилади ва улар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- а) қоғоз рўйхатга олиш варақаларида ёки хатларда логин ва паролларни юбориш;
- б) рўйхатга олувчи томондан бевосита респондентнинг почта манзилига етказиб бериш;
- в) регистрлардан олинган маълумотлар асосида логин ва паролларни аниқлаш.

Респондентларнинг идентификациясини тасдиқлаш учун бутун аҳоли учун одатий маълумотлар бирикмасидан фойдаланиш керак (масалан, шахсий идентификация рақами).

180. Электрон (онлайн) шакл қоғоз шаклида мумкин бўлмаган жавоб сифатини ошириш учун интерактив тартибга солиш имкониятини беради. Электрон шакллардан фойдаланадиган шахслар, ҳеч бўлмаганда, шаклни тўлдириш кетма-кетлиги бўйича уларга баъзи кўрсатмалар берилиши ва уларнинг шахсий

вазиятига мос келмайдиган саволлар берилмаслиги учун аниқ тахминларга эга бўладилар. Юқори сифатни таъминлаш учун Интернет жаҳон тармоғи орқали тўпланган маълумотлар саволнома варағида хатоларни назорат қилиш механизмини тақдим этиш муҳимдир. Бундай назорат реал вақтда амалга оширилади ва респондент нотўғри маълумотларни дарҳол тузатиши мумкин.

181. Интернет вариантынинг мавжудлиги респондентлар гуруҳлари томонидан рўйхатга олиниши қийин бўлган айрим кишиларга жавоб бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш орқали рўйхатга олиш сифатини оширишга ёрдам беради. Кўпгина мамлакатлар ёшлар ва юқори даражадаги хавфсизлик ва кириш чекланган турар-жойларда яшовчи одамларни рўйхатга олишда қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Баъзи ногиронлар гуруҳлари, қоғоз рўйхатга олиш варақасига нисбатан Интернет жаҳон тармоғи орқали рўйхатга олиш саволнома шакллари тўлдиришни маъқул кўришлари мумкин. Ушбу гуруҳларнинг Интернетдан фойдаланиш эҳтимоли кўпроқ ва мавжуд бўлганда ушбу параметр респондентларнинг ушбу гуруҳлари орасида рўйхатга олишда иштирак этишни рағбатлантириш воситаси сифатида тарғиб қилиниши керак.

182. Интернет орқали жавоб бериш билан боғлиқ асосий вазифалардан бири етарли инфратузилмани яратишдир. Рўйхатга олиш нисбатан қисқа вақт ичида амалга оширилади ва мамлакатнинг барча аҳолисини қамраб олади ҳамда рўйхатга олиш органлари рўйхатга олиш босқичида энг юқори юқларга дош бера оладиган етарли инфратузилмага эга бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Бунга асосланиб, эҳтимол, энг камида, бу Интернет-ечим компоненти ташқи пудратчига берилади. Шунингдек, кўнғироқлар сонини чеклаш учун йиғиш тартиб-қоидаларини ўзгартириш керак бўлиши мумкин. Масалан, Интернет рўйхатга олиш шакллари бир вақтнинг ўзида мурожаатларни чеклашнинг бир усули, бу олдиндан белгиланган мақсадли гуруҳлар/худудлар таркибига кирувчи шахсларга хат-хабарномалар ёки ёзма таклифномалар ёки тақдимотларни етказиб бериш вақтида Интернет рўйхатга олиш шаклларида фойдаланиш имкониятини олиш учун рўйхатга олиш органлари билан боғланиш талаблари билан таништириш ҳисобланади.

183. Рўйхатга олиш органлари Интернетдан фойдаланишни тарғиб қилишга эҳтиёжни аниқлашлари керак. Интернет жаҳон тармоғи рўйхатга олишни тарғиб қилиш ушбу хизматнинг қутилган юқламани ушлаб туриш қобилиятига боғлиқ ва бошқа маълумотларни йиғиш тартиб-қоидалари билан мувофиқлаштирилиши керак. Жамоатчилик билан алоқалар стратегияси Интернет жаҳон тармоғи орқали узатиладиган ахборот хавфсизлиги бўйича қафолатларни тақдим этишни назарда тутиши керак. Интернет жаҳон тармоғи орқали рўйхатга олишни бутун аҳоли учун мўлжалланган деб ҳисобласак, бу ҳолда муносабатлар жамоатчиликнинг бир вақтда сайтга уланиш имконияти ҳақидаги истиқболлари стратегиясини инобатга олиш керак. Интернетдан фойдаланиш бўйича тавсиялардан иборат бўлган оддий хабарларни (“яхши маслаҳат”) ишлаб чиқиш ва минимал юқланиш даврида аҳолини рўйхатга олиш ва телефон орқали қайта ишлаш хизмати орқали, рўйхатга олиш ва оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш керак.

184. 2010 йилги раунд рўйхатга олиш тажрибасига таяниб, Интернет жаҳон тармоғи орқали берилган жавобларнинг жами жавоблардаги улушини тахмин қилиш мумкин эмас. Бу рўйхатга олиш ва жамиятнинг замонавий технологияларга бўлган муносабати учун Интернетдан фойдаланишни рағбатлантириш даражасига боғлиқ. Рўйхатга олиш жараёнида МСИ жамоатчилик иштирокини доимий мониторингини амалга ошириши ва агар керак бўлса, Интернет жаҳон тармоғи орқали жавоб бериш фоизини оширишга ҳаракат қилиши керак.

Телефон орқали ўтказиладиган сўров

185. Автоматлаштирилган телефон орқали сўровнома ўтказиш катта харажат талаб этиши мумкин, айниқса, қисқа муддатли рўйхатга олиш саволнома варақасидан фойдаланадиган мамлакатларда фақат асосий демографик маълумотларни тўплашга талаб қиладиган самарали ечим бўлиши мумкин. Интернет орқали рўйхатга олишни ўтказишда бўлгани каби, ҳар бир хонадонга маълумот тўплашда ва уни тўғри назорат қилишда ноёб код берилиши керак.

186. Нутқни аниқлаш дастурлари респондентларнинг жавоб бериш механизми ёки нутқни аниқлаш технологияси ёки телефон клавиатурасидан фойдаланган ҳолда рўйхатга олиш саволнома варағи бўйича ҳаракатини бошқариш учун ишлатилиши мумкин. Ушбу усулдан фойдаланганда, респондентнинг туғилган санаси, ёши каби муҳим саволнома бўйича маълумотларнинг тўғри кўрсатилганлигини текширишга зарурат пайдо бўлади. Бироқ, мамлакатлар бундай тизимларнинг фойдаланувчилар учун қулайлиги, масалан, саволларнинг сони ва мураккаблиги ошгани сайин, ёки уй хўжаликлари аъзоларининг сони ошгани сайин кескин камайиб бораётганини тушунишлари керак.

187. Компьютер ёрдамида телефон орқали автоматлаштирилган сўров усули рўйхатга олиш ва/ёки сўровномалар бўйича маълумотларни тўплаш узоқ сўровномаларда ўтказиб юборилган маълумотларни текшириш ва тўлдириш учун ишлатилиши мумкин.

Портатив қурилмалар

188. Портатив қурилмалардан фойдаланишда доимо ортиб бораётган функционаллик ва алоқа нархининг пасайиши улардан фойдаланиб рўйхатга олиш жараёнида маълумотларни тўплашнинг айрим жиҳатлари учун сарф-ҳаражатли ечим бўлиши мумкинлигини англатади. Бундай қурилмалар турларидан фойдаланишда қоғоз карталари, регистрлар ва манзиллар рўйхатини алмаштиришни имкони бўлади, шунингдек, аҳоли ўртасида ўтказиладиган сўровда маълумотларни киритиш воситаси сифатида фойдаланишни ўз ичига олади. Улар ҳар қандай ёндашувда рўйхатга олиш маълумотларини йиғишдан бошлаб, саволномаларни етказиб бериш ва қайтариш ҳамда рўйхатга олиш варақаларидан маълумотларни тўплашгача қўлланилиши мумкин.

189. Мобил қурилмалар реал вақтда бошқариш учун икки томонлама маълумотларни тақдим этиш имкониятини берувчи афзалликларга эга. Рўйхатга олиш жараёни раҳбарлари рўйхатга олиш операциялари ҳақида улар рўйхатга олувчиларга рўйхатга олиш варақаларини етказиб бериш ва қайтариб олиш жараёнида маълумот беришлари мумкин. Худди шундай, администраторлар портатив қурилма орқали қайта қабул қилинган рўйхатга олиш варақалари ва қайси уй хўжаликларига қайта ташриф буюришни талаб қиладиган янгиланган маълумотларни рўйхатга олувчига хабар беришлари мумкин. Аҳолини рўйхатга олиш маъмурлари реал вақтда ҳисоб-китоблар жадвалнинг орқасида қоладиган ёки сифат стандартларига жавоб бермайдиган ва тегишли чоралар кўриладиган хат ёзиш жойларини аниқлашлари мумкин.

190. Мобил қурилмалардан фойдаланиш маълумотлар йиғиш самарадорлигини ошириш учун катта салоҳиятга эга. Бироқ, ушбу қурилмалардан фойдаланиш бир қатор техник масалаларни ўрганишни талаб қилади, жумладан:

- а) ушбу қурилмаларнинг нархи уларнинг хотира ҳажмига боғлиқ бўлиб, у ўз-ўзидан фойдаланиш учун чекловлар қўймайди;
- б) экран ўлчами рўйхатга олувчи жавобларни тўғри ёзиб олиш ва текшириш қобилиятига таъсир қилиши мумкин. Шу сабабли, мобил қурилмалар орқали Интернет жаҳон тармоғида жавоб бериш вариантини кўриб чиқаётган мамлакатлар кичик экран ўлчамлари туфайли маълумотларни қисмларга ажратиш хавфини (уй концепциясининг яхлитлигини бузиш ва шахс, уй-жой ўртасидаги алоқани бузиш) ҳисобга олишлари керак;
- в) маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш учун йиғилган маълумотлар мобил қурилмаларда иложи борича қисқа вақт ичида сақланиши – тахминан 24 соатдан ошмаслиги керак;
- г) рўйхатга олувчи ходимларнинг кундалик юкламасини аниқлашда батареянинг ишлаш муддати эътиборга олинishi керак;
- д) мобил қурилмалар муайян вақт давомида офлайн режимда ишлашга қодир бўлиши керак;

- е) маълумотлар йўқолиши мумкинлиги сабабли, маълумотлар йиғиш жараёнида тизим ва дастурий таъминотни янгилашдан қочиш керак;
- ё) Интернет жаҳон тармоғи орқали маълумотларни тўплашда мобил Интернет алоқасини баҳолаш керак.

191. Мобил қурилмалардан фойдаланишга асосланган ечимлар рўйхатга олиш бошланишидан олдин синовдан ўтказилиши талаб қилинади.

192. Мобил қурилмалардан фойдаланиш билан боғлиқ бир қатор хавфсизлик масалалари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

- а) қоғоз саволнома варақаларига нисбатан маълумотларни ўғирлаш ёки йўқотиш эҳтимоли юқори. Шу билан бирга, мобил қурилмалардан асосий компьютерга мунтазам равишда маълумотларни узатиш қурилмалар йўқолган тақдирда қайта рўйхатга олишни талаб қилади;
- б) қурилмада сақланган ҳар қандай маълумотларнинг махфийлигини, қурилманинг йўқолиши ёки маълумотларни узатишда ҳимоя қилиш чораларини кўриш керак. Мобил қурилмалардаги маълумотлар кодланган ва уларга кириш пароль билан ҳимояланган бўлиши керак;
- в) маълумотларни узатиш, шунингдек, шифрлар билан ҳимояланган бўлиши ва хавфсиз каналлар орқали амалга оширилиши керак. Айти пайтда, ушбу мақсадларда фойдаланиш учун қатор тижорат дастурий таъминот пакетлари мавжуд;
- г) хавфсизлик дастурий таъминоти мобил қурилмага ўрнатилган бўлиши ва бошқа ўрнатилган иловалар билан мос бўлиши керак. Бироқ, хавфсизлик тизими дастурлари ва пароллар бундай қурилмалардан фойдаланишни янада мураккаблаштиради.

193. Ушбу хавфсизлик чораларини амалга ошириш харажатларнинг ошишига олиб келади.

194. Рўйхатга олиш ходимларини ўқитиш ва техник қўллаб-қувватлаш муҳим масала ҳисобланади. Рўйхатга олувчи сифатида ишга ёлланадиган шахслар зарур техник билимларга эга бўлиши муаммоларнинг яна бири ҳисобланади. Ушбу омиллар рўйхатга олувчилар билан жисмоний масофаларни тобора мураккаблаштириб, назорат қилиш қийинлашади. Катта мамлакатларда рўйхатга олувчиларни тўғри ўқитиш ва уларга масофадан техник хизмат кўрсатишни, Интернет жаҳон тармоғи орқали ёки телефон орқали қўллаб-қувватлашни таъминлаш керак.

Рўйхатга олишни бошқариш бўйича дастурий таъминот

195. Бирламчи даражадаги маълумотларни йиғиш операциялари турли хил вариантлардан фойдаланган ҳолда рўйхатга олиш варақаларини топширган уй хўжаликларига бормасликлари учун рўйхатга олувчиларни ўз вақтида маълумот билан таъминлашни талаб қилади. Бу айти пайтда самарадорлик ва жамоатчилик билан алоқалар масаласидир. Янги технологиялар рўйхатга олиш ишларини бошқаришни такомиллаштириш ва рўйхатга олиш сифатини яхшилаш учун кенг имкониятлар яратади.

196. Рўйхатга олувчиларни ўз вақтида маълумот билан таъминлаш асосий вазифа бўлиб, бунинг учун яратилган тизимлар администраторлар ва ҳисобга олувчилар ўртасида деярли реал вақтда икки томонлама ахборот алмашинувини таъминлайди. Рўйхатга олувчиларнинг бундай мониторингини ўтказиш маълумотларни йиғиш жадвали кечикиб қолган тақдирда, ўз вақтида чоралар кўриш имконини беради.

197. Рўйхатга олиш органи мутахассислари бундай тизимларни ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш учун зарур билим ва салоҳиятга эга бўлиши эҳтимолдан йироқ, шунинг учун, ташкилотлар ушбу қарорнинг асосий таркибий қисмларини ишлаб чиқишда ташқи пудратчилар ёрдамидан фойдаланиши керак бўлади. Ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида мавжуд бўлган инфратузилма асосида кенг қамровли майдон алоқаси тизими яратилиши ва фаолият юритиши мумкин. Қуйида ўз-ўзидан ишлаб чиқилган тизимлар ва жараёнлар, сўровларни қайта ишлаш марказлари ва мобил (уяли) телефон технологиясидан фойдаланишга асосланган, мумкин бўлган ечимнинг қисқача тавсифи келтирилган. Дастлабки шарт сифатида, рўйхатга олишни ташкил этиш барча рўйхатга олувчиларнинг Марказий регистрга, уларнинг рўйхатга олиш участкаларига ва мобил (уяли) телефон рақамлари эга бўлиши назарда тутилган.

- а) рўйхатга олиш органи почта орқали ёки Интернет жаҳон тармоғи орқали олинган рўйхатга олиш саволнома варақаларини Марказий электрон регистрини яратишни хоҳлаши мумкин, бу эса рўйхатга олиш билан манзиллар регистри ёки бошқа манбалар билан мос келиши мумкин. Бундай рўйхатдан ўтиш ўз ичига ҳар бир шакл ва/ёки уйга нисбатан ноёб идентификация рақамини (масалан, географик координаталар, Интернетга кириш коди, штрих код ва ҳ.к.) олади. Ушбу рақам тегишли рўйхатга олиш учун масъул бўлган рўйхатга олувчи ва охир-оқибат ҳар бир жисмоний манзилни аниқлаш имконини беради. (Уйда рўйхатга олиш саволнома варақалари йиғилганда, ушбу босқичда ҳақиқий манзил фақат рўйхатга олувчига маълум бўлиши мумкин);
- б) аксарият рўйхатга олиш органи маълумотларни йиғиш жараёнида жамоатчилик сўровларини қайта ишлаш учун телефон орқали ёрдам кўрсатиш хизматини ташкил этиш билан ҳам шуғулланади. Call марказлар рўйхатга олиш эҳтиёжларига ҳеч қандай муаммосиз мослаштирилиши мумкин бўлган технологиялардан фойдаланадилар. Сўровларни қайта ишлаш тизимлари мурожаат этувчиларнинг “рўйхатга олиш идентификация рақами”ни қайд этади ёки тақдим этилган манзил асосида рўйхатга олиш идентификация рақамини аниқлайди. Сўровларни қайта ишлаш маркази рўйхатга олувчидан талаб қилинадиган ҳаракатлар (масалан, рўйхатга олиш варақасини олиш керак, рўйхатга олиш варағини тўлдиришда ёрдам бериш керак, рўйхатга олиш варақаси олинмаган ва ҳ.к.) ҳам қайд этади;
- в) электрон рўйхатга олиш ва сўровларни қайта ишлаш марказидан олинган маълумотлар рўйхатга олувчига қисқа хабар юбориш хизмати орқали юборилиши мумкин. Ушбу хабар фақат рўйхатга олувчи томонидан талаб қилинадиган ҳаракатни кўрсатиш учун рўйхатга олиш идентификация рақами ва кодни ўз ичига олиши керак;
- г) ушбу ечим самарали бўлиши мумкин, агарда юқори рақобатбардош саноатда мавжуд бўлган тижорат инфратузилмасига (сўровларни қайта ишлаш марказларига) таянса (ва бу ҳаражатларнинг аксарияти аҳолини рўйхатга олиш учун янги модда бўлмаслиги керак) ва кўпчилик рўйхатга олувчилар мобил телефонларга эга бўлса. Бундан ташқари, матнли хабарларнинг нархи жуда арзондир. Рўйхатга олиш органи электрон регистрни ишлаб чиқиши ва турли тизимларнинг интеграциясини таъминлаши керак.

ГИС (GIS) технологияси

198. МСИ ўз махсус карталарга бўлган эҳтиёжлари юзасидан доимо мавжуд бўлган картографик салоҳиятни ривожлантириши муҳим аҳамиятга эга. Шунинг таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда рўйхатга олиш учун хариталаш операциялари учун ишлатилиши мумкин бўлган кенг усуллар ва технологиялар мавжуд. Географик ахборот тизимларидан (ГИС) рўйхатга олиш жараёнини осонлаштирадиган восита сифатида (вектор маълумотлари ва чегараларнинг рақамли координаталарини қўллаш орқали) шунингдек, статистик натижаларни визуализация қилишнинг қулай воситаси сифатида (аҳолини рўйхатга олиш натижаларини

тарқатиш учун ГИС-га асосланган тармоқ хариталаш воситаларидан фойдаланиш орқали) фойдаланишга катта қизиқиш бор. Одатда рақамли маҳсулотлар шаклига эга бўлган хариталар рўйхатга олиш натижаларини тарқатишда муҳим рол ўйнайди.

199. Иложи бўлса, ГИС рўйхатга олишнинг барча босқичларида қўлланилиши керак (рўйхатларни тайёрлаш, ишларнинг бажарилишини мониторинг қилиш ва аҳолини рўйхатга олиш натижаларини тарқатиш). Гарчи мамлакатларнинг аксарияти ГИС технологиясини МСИ фаолиятида жорий қилишга ҳаракат қилсалар-да, кўплаб мамлакатлар кўпинча кичик ҳудудлар чегараларини аниқ белгилаш учун етарли даражада батафсил бўлмаган жуда чекланган хариталарга эга.

200. ГИС технологияси фақат мавжуд кўникмалар ва ресурсларга мос келадиган даражада қўлланилиши ва бутун МСИ ишларининг ажралмас қисми бўлиши керак. Миллий картография ва геодезия бошқармалари каби бошқа муассасалар билан ҳамкорликни, хусусан, МСИ вазифаси бўлмаган асосий хариталар ва рақамли маълумотлар базаларини сақлашни йўлга қўйиш керак. Шундай қилиб, имкон қадар кўпроқ географик маълумотларга эга бўлган маълумотларнинг мавжудлиги ва улардан статистик мақсадларда фойдаланиш имкониятларини текширишда маъмурий манбаларни ўрганиш керак.

201. Маълумотлар, агар иложи бўлса, кейинчалик исталган фазовий бўлиниш бирликлари ёрдамида тарқатилиши учун манзил нуқтасига боғланган ҳолда тўпланиши керак.

202. Рўйхатга олишнинг барча босқичларида ГИС карталари ва технологияларидан фойдаланиш тамойилларининг жуда кенг қамровли тавсифи *БМТнинг аҳолини ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш бўйича принциплар ва тавсиялари: 2020 йил (учинчи қайта нашр)*¹³ да келтирилган. Унда мавжуд бўлган кўрсатмаларда мамлакатларга картография, ГИС ва рўйхатга олиш натижаларига бағишланган бўлимларга интерактив рақамли шаклда алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилган.

Маълумотларни қайта ишлаш

203. Сўнги йилларда рўйхатга олиш натижаларини қайта ишлаш харажатларини камайтириш ва маълумотлар сифатини яхшилаш имконини берадиган ақлли, белгиларни аниқлаш технологиялари, маълумотларни тўғрилаш, тасвирни шакллантириш ва автоматлаштирилган маълумотларни кодлаш соҳасида сезиларли ютуқларга эришилди.

204. 2010 йил раундида рўйхатга олиш турини кўриб чиқиш натижалари бўйича олинган хулосаларга асосланиб, Интернет жаҳон тармоғи орқали жавобларни тақдим этиш вариантдан фойдаланадиган мамлакатлар сони ортди¹⁴. Бироқ, кўплаб мамлакатлар қоғоз рўйхатга олиш варақа шакллари ва тимсолларни оптик аниқлаш технологияси ёки белгиларни оптик аниқлаш технологияларини қўллаш қўламини қисқартириш тенденцияси мавжуд бўлса-да, қўллашда давом этмоқдалар.

Маълумотларни киритиш усуллари

205. Аҳолини рўйхатга олиш мақсадида анъанавий равишда клавиатура орқали киритиш ва белгиларни оптик аниқлаш каби турли хил маълумотларни киритиш технологиялари қўлланилади.

¹³ Principles and Recommendations for Population and Housing Censuses: the 2020 Round — Revision 3; United Nations, New York, 2015, Part THREE, Section IV. «Mapping and geo-spatial data».

¹⁴ Аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш — 2010 йилги аҳолини рўйхатга олиш даврида БМТ ЕИКга аъзо давлатларнинг амалиёти, БМТ ЕИК, 2014 йил, п. 243 (http://www.unece.org/fileadmin/DAM/stats/publications/2013/Measuring_population_and_housing_FINAL_publication_RUS_29_april.pdf).

206. Клавиатура орқали киритиш учун оддий дастурий таъминот ва кичик аппарат моделлари талаб қилинади. Бироқ, бу ёндашув автоматлаштирилган маълумотларни киритиш усуллари билан солиштирганда кўпроқ ходимлар ва вақтни талаб қилади. Ушбу усулдан фойдаланганда, харажатлар самарадорлиги ходимлар харажатларининг ва бошқа усуллардан фойдаланганда талаб қилинадиган ускуналар/тизимларни ишлаб чиқиш харажатлари нисбатига боғлиқ.

207. Белгиларни оптик аниқлаш рўйхатга олиш варақасида фақат белгиланган жавоблар билан боғлиқ саволлар мавжуд бўлган ҳолларда самарали вариант бўлиши мумкин. Рўйхатга олиш варақа шакллари қайта ишлаш учун маълумотлар/автоматлаштирилган кодлаш ва жавобларни киритиш қўшимча маблағларни талаб қилади. Бироқ, белгиларни оптик аниқлаш ўрнига белгиларни интеллектуал аниқлаш технологияси келди.

- а) операцион баҳолашлар қуйидагиларни ҳужжатлаштиради: ишлаб чиқариш ҳисоботларидаги ёки жараёнлар ҳисоботларидаги маълумотлардан фойдаланиб, индивидуал операциялар ёки жараёнларнинг якуний ҳажми, суръати ва қийматини; сифатни таъминлаш бўйича ҳисобот ва тадбирларини; йиғилишларда олинган маълумотлар ва йўл қўйилган хатолардан олинган хулосаларни. Операцион баҳолаш қуйидаги хатоларни тушунтиришни назарда тутмайдиган маълумотларнинг муайян муҳокамасини ўз ичига олиши мумкин. Ҳажмлар, суръатлар ва харажатлар тўғрисидаги якуний маълумотлар демографик хусусиятлар, географик даражалар ва уй-жой бирликлари ва/ёки шахслар тўғрисидаги маълумотлар билан операциялар ва жараёнларнинг оралиқ босқичларида ажратилиши мумкин. Операцион баҳолашлар, шунингдек, операцион хатоларни ҳужжатлашни ҳам кўзда тутиши мумкин бўлиб, аммо хатоларнинг маълумотларга таъсирини тушунтиришни ўз ичига олмайди;
- б) натижаларни баҳолаш рўйхатга олиш операциялари, жараёнлар, тизимлар ва ёрдамчи маълумотлар йиғиш операциялари давомида тўпланган маълумотлардан фойдаланган ҳолда, рўйхатга олиш таркибий қисмларининг самарадорлигини изоҳлаш ва умумлаштириш ҳамда уларнинг маълумотлар сифати ва рўйхатга олиш қамровига таъсирини таҳлил қилиш имконини беради;
- в) тажрибалар келажакдаги рўйхатга олишга муҳим ахборот манбаси бўлиб хизмат қиладиган натижаларни олиш учун рўйхатга олиш жараёнида амалга оширилиши керак бўлган сифат ва қиймат тадқиқотларини акс эттиради. Рўйхатга янги ёки бошқа методологиялар ёки технологияларнинг фойдалилигини ўрганиш учун энг мақбул шарт-шароитларни яратади ва одатда, кўплаб панелларда умуммиллий тадқиқотлар ўтказишни назарда туттади.

372. Рўйхатга олиш натижаларини баҳолаш бўйича саъй-ҳаракатлар, одатда, қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган бўлиши керак:

- а) натижаларни талқин қилишда уларга ёрдам бериш мақсадида фойдаланувчиларни рўйхатга олиш маълумотларининг муайян сифат кўрсаткичлари билан таъминлаш;
- б) келажакдаги рўйхатга олишни режалаштиришда ёрдам бериш учун хатолар турлари ва манбаларини аниқлаш; ва/ёки
- в) сифатни таъминлаш ва такомиллаштириш жараёнлари учун материалларни тайёрлаш, шунингдек, рўйхатга олиш агрегатларини энг яхши ҳисоблаш учун асос яратиш, масалан, умумий аҳоли сони ёки аниқланган хатоларни ҳисобга олган ҳолда рўйхатга олиш натижаларини тақдим этиш.

373. Маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини баҳолаш барча мамлакатлар томонидан амалга оширилиши ва рўйхатга олишнинг дастлабки натижалари билан биргаликда нашр этилиши керак. Дастлабки натижалар эълон қилинганидан кейин қўшимча натижалар берилиши мумкин.

374. Барча МСИлар сифатни таъминлаш ва баҳолаш фаолияти асосида шакллантирилган аҳоли сонининг умуммиллий баҳоланишини эълон қилиш тавсия этилади.

375. Умуман олганда, олтита мезон бўйича сифат таркибий қисмлари дастлабки мақсадлар билан таққосланиши ва унинг натижалари эълон қилиниши керак.

376. Бундай баҳолаш ва ўлчовлар устуворликларини аниқлаш ҳамда кейинги рўйхатга олиш учун мақсадли сифат стандартларини белгилаш учун фойдали асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

377. Рўйхатга олишни баҳолаш учун бир қатор усуллар мавжуд бўлиб, амалда қўллаб мамлакатлар ушбу мақсадларга эришиш йўлида бундай усулларнинг муайян комбинациясидан фойдаланадилар.

Ташқи пудратдан фойдаланишда сифатни таъминлаш

378. Баъзи мамлакатлар ташқи пудрат хизматидан рўйхатга олишнинг айрим турларини амалга оширишда фойдаланиши мумкин. Ташқи пудрат хизматидан фойдаланиш билан боғлиқ сабаблар ва фикрлар II бобда батафсил муҳокама қилинган. Сифатни таъминлаш нуқтаи назаридан шуни таъкидлаш керакки, айрим турдаги рўйхатга олиш ишларини ташқи пудрат органларига ўтказиш билан бирга, маълумотлар учун тўлиқ жавобгарлик рўйхатга олиш органларида бўлиб, уларнинг сифатини назорат қилади. Ушбу ваколатлар ажратилмайди.

379. Ташқи пудрат хизмати тўғрисидаги битим тузилганда, рўйхатга олиш органлари яқуний маълумотлар сифатига таъсир кўрсатадиган элементларни тушуниш ва назорат қилиш қобилиятини сақлаб қолишлари керак.

380. Ташқи пудрат баъзи ёндашувлар доирасида “тугалланган шартномалар” деб аталадиган шартномаларга, яъни буюртмачини жараённинг ички амал қилиш тизими эмас, балки фақатгина натижада чиқувчи жадвалларгина қизиқтиради деган тахминлар асосида мижозларнинг олдиндан аниқланган муайян хусусиятлари жамланмасига мос равишда яратилган пудратчининг тизимига кўпроқ эътибор қаратилади. Бу шуни англатадики, рўйхатга олиш органлари рўйхатга олиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган барча маълумотлар сифатини тўлиқ тушунишда ва уларни спецификацияларга кириштишлари мумкин. Шу билан бирга, мижоз ушбу тизимлар қандай ишлашини ёки яқуний натижаларга қандай таъсир қилиши мумкинлигини тушуниши шарт эмас. Тизимдаги ҳар қандай ўзгаришлар, одатда, шартнома масъулиятини ва муҳим молиявий харажатларни аниқлаш учун ноқулай тартиб-қоидаларни бажаришни талаб қилади. Ушбу турдаги ёндашув аслида маълумот сифати учун жавобгарликни пудратчилар зиммасига юклайди, аралашув билан боғлиқ хатарлар учун жавобгарлик эса рўйхатга олиш органларида қолади. Ушбу ёндашув тўлиқ мослашувчанликдан маҳрум бўлиб, қайта ишлаш жараёнида юзага келадиган сифат муаммоларига жавоб бериш учун рўйхатга олиш органларининг қобилиятини сезиларли даражада чеклайди. Бундай “калит ёндашув” тавсия этилмайди.

381. Етказиб берувчилар рўйхатга олиш дастурининг бошида белгиланган сифат кўрсаткичлари ва ташқи кетма-кет узатиладиган таркибий қисмларнинг сифат талаблари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши керак. Бу эса, рўйхатга олиш сифатининг умумий мақсадларига эришишга имкон беради. Тезкор сифат назорати ўз кучлари билан амалга ошириладиган хизматлар каби ташқи пудратчиларга юклатилган хизматларга қўлланилади.

382. Компонентлар ташқи пудрат хизматида ўтказилса ҳам, рўйхатга олиш органлари ходимлари бундай тизимларнинг, масалан, автоматик матнни ўқиш қурилмалари ва кодлаш алгоритмлари ва ушбу тизимларга кириш имконияти ёки параметрларини энг кам харажат ва ўз вақтида қайта ишлаш жараёнининг қандай ишлашини тушунишлари керак. Ушбу параметрларнинг ўзгариши рўйхатга олиш органларига маълумотлар сифати, харажатлари ва умумий мувозанатни қайта ишлаш жараёнида ўз вақтида аниқлаш ва назорат қилиш имконини беради.

ИККИНЧИ ҚИСМ: АҲОЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

V боб. Аҳолини рўйхатга олиш тоифалари

Умумий таърифлар

383. Ушбу бобда келтирилган тавсиялар ва қоидалар ҳар бир шахс рўйхатга олиш натижалари бўйича битта ва ягона жойга эга бўлишини таъминлаш мақсадида тайёрланган. Халқаро миқёсда, бу шахслар бир неча мамлакат аҳолиси сифатида ҳисобга олинмаслиги ёки умуман ҳисобга олинмаслиги учун муҳим ҳисобланади. Шу каби тамойил миллий даражада ҳам қўлланилади. Қуйидаги бандларда рўйхатга олиш ишлари контекстида қўлланиладиган таърифлар мавжуд.

384. “*Рўйхатдан ўтказиш*” — бу ушбу жараён амалга ошиши ёки ошмаслигидан қатъи назар, шахснинг (ёки хонадоннинг) бевосита иштироки билан, маҳаллий сўровда ёки маъмурий регистрларда мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланган ҳолда, шахс (ёки уй) маълумотларини йиғиш ҳаракатидир.

385. “*Аҳоли*” — бу аҳолини рўйхатга олишнинг аниқ пайтида белгиланган мезонларга жавоб берадиган муайян географик бирликка тааллуқли шахслар тўплами; ушбу мезонлар қандай аҳоли ҳақида гап кетаётганлигига (одатда яшайдиган аҳоли ёки ишлайдиган аҳоли) аниқлик киритувчи муайян белгиларга (номлар) асос бўлиб хизмат қилиши керак.

386. Миллий эҳтиёжларни қондириш мақсадида мамлакат аҳолининг турли гуруҳларига қизиқиш билдириши мумкин. Аҳолининг миллий тоифаларига мурожаат қилиш учун бундай малакали хусусиятлардан (номлардан) фойдаланиш тавсия этилади, агар иложи бўлса, халқаро миқёсда ишлатиладиган қийматга яқин бўлиши керак.

387. Мамлакат ўз ҳудудида жойлашган барча шахсларни ва/ёки тегишли аҳоли тоифаларини рўйхатга олишни хоҳлаши мумкин. “*Рўйхатга олинадиган аҳоли*” — бу мамлакат қарори билан, кейинчалик уларнинг қуйида келтирилган аҳоли сонининг аниқ натижаларига қўшилишидан қатъи назар рўйхатга олиш билан қамраб олиниши керак бўлган шахслар тўпламидир. “*Рўйхатдан ўтган аҳоли*” ҳақиқий рўйхатдан ўтган шахслардан иборат. Ушбу туркумда мақсадли аҳоли (рўйхатга олиниши керак бўлган аҳоли) билан бир хил ёки бир хил бўлмаслиги мумкин, яъни аҳолини рўйхатга олиш қамрови ҳам паст, ҳам юқори даражада бўлиши мумкин.

388. “*Рўйхатга олинадиган аҳолини тоифаси*” статистик мақсадлар учун, агрегатларни ҳисоблаш учун ишлатиладиган тўпландир. Бу аҳолининг бир қисмини ёки рўйхатга олинадиган барча аҳолини акс эттириши мумкин. Мамлакатда бир ёки бир нечта рўйхатга олинадиган аҳоли тоифалари (турли статистик мақсадлар учун) ажратилиши мумкин, аммо халқаро таққослашлар учун ишлатиладиган рўйхатга олинадиган аҳоли тоифаси доимо мавжуд бўлиши керак.

389. “*Аҳоли сони*” — рўйхатга олинган аҳолини тоифаси бўйича алоҳида ёзувларни оддий қўшиш орқали шаклландирган бирлик. “*Аҳоли сонини баҳолаш*” статистик баҳолаш усулини қўллаш натижасида олинган агрегатдир. Шундай қилиб, аҳоли сони ва аҳоли сонини баҳолаш аҳолининг аниқ тоифасига кирадиган ва эмпирик кўрсаткичлардир.

390. Куйидаги 1-графикда юқорида келтирилган умумий аҳоли тушунчалари ўртасидаги муносабатлар тушунтирилади, 2-график уларни қўллаш учун намуна бўлиб хизмат қилади.¹⁵

График 1. Аҳоли тушунчалари ўртасидаги муносабатлар





График 2. Дастур намунаси



¹⁵ Бу ерда келтирилган тушунчалар орасидаги фарқни тушунтириш учун куйидаги мисол фойдали бўлиши мумкин: мамлакатда назарий манфаатдор тоифалар (аҳоли тоифалари) “одатда яшовчи” аҳоли ва “ҳозирги” аҳоли ҳисобланади. Шундай қилиб, рўйхатга олинishi керак бўлган аҳоли сони камида битта аҳолини рўйхатга олиш тоифасига (яъни, одатда яшовчи ва вақтинча мавжуд бўлган шахслар) тегишли бўлган шахсларнинг назарий тўпламидир. Ушбу икки тушунчалар рўйхатга олиш жараёнида рўйхатдан ўтишдан олдин қўлланилади. Шундан сўнг, биз рўйхатга олиш жараёнида рўйхатдан ўтган кўплаб шахсларни қўлга киритамиз — рўйхатга олинадиган аҳоли тоифалари ўртасида фарқ бўлмаслиги мумкин бўлган рўйхатдан ўтган аҳоли (шу жумладан, доимий яшовчи ва вақтинча рўйхатдан ўтган шахслар). Ушбу икки кўрсаткич (доимий яшовчи аҳоли сони ва расман қайд этилган аҳоли сони) аҳолининг ҳар бир тоифасига мос келади, аҳоли сонини баҳолаш эса, эҳтимол, рўйхатга олинган ўзгаришларни ўз ичига олади (масалан, текширув маълумотларига асосланган).

391. “Рўйхатга олиш вақти” — рўйхатга олиш доирасида маълумотларни тўплашга сарфланган вақтни ўз ичига олади. Бу куннинг аниқ вақтини, одатда ярим тунни (рўйхатга олишнинг критик вақтини) ёки вақт даври (рўйхатга олиш даври) ёки давр учун индекс сифатида танланган кун (рўйхатга олишнинг ўртача кун) бўлиши мумкин. Баъзи белгилар бўйича маълумот маълум бир вақтга (рақам маълумотларига), бошқаларга белгилар бўйича — даврга (оқим маълумотлари) ва одатда рўйхатга олишнинг ҳисоб-китоб даври рўйхатга олиш вақтини ўз ичига олади. “Аҳолини рўйхатга олиш кун/даври” атамаси рўйхатга олиш ўтказиладиган кун/даврни англатади ва улар рўйхатдан ўтказиш вақти билан аралашмаслиги керак.

Тавсия этилган рўйхатга олинадиган аҳоли тоифаси

392. “Одатдаги яшаш жойи” — рўйхатдан ўтган шахс одатда рўйхатга олиш вақтини ўз ичига олган маълум бир вақтда ҳар кунги дам олиш вақтини ўтказадиган географик жой.

393. Халқаро таққослашлар учун “одатдаги яшовчи аҳоли” тоифасидан фойдаланиш керак. “Мамлакатнинг одатдаги яшовчи аҳолиси” мамлакатда рўйхатга олиш вақтида ўз яшаш жойига эга бўлган ва камида 12 ойни ташкил этадиган вақт мобайнида яшаб келаётган ёки яшамоқчи бўлган шахслардан иборат. “Узлуксиз вақт оралиғи” атамаси, 12 ойдан кам бўлган муддатдан иборат вақт оралиғида яшаш жойида (оддий яшаш мамлакатидан) йўқ бўлганлиги тушунилиб, оддий яшаш жойини аниқлашга таъсир қилмайди. Худди шу мезонлар мамлакат ичидаги ҳар қандай маъмурий-худудий бирликларга (оддий яшаш жойлари бўлган) нисбатан қўлланилади.

394. Агар мамлакат рўйхатга олинадиган аҳоли (аҳолини рўйхатга олиш тоифаларидан бири) тоифасидан “доимий яшовчи аҳоли” сифатида фойдалана олмаса, у ўз(лар) тоифасидан(лар) фойдаланиб, унга яқин бўлган баҳолашни ишлаб чиқиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга ошириши керак.

395. “Одатда яшовчи аҳоли” тоифаси ҳақиқий географик жойлар асосида ҳисобланган маъмурий маълумотларга асосланган рўйхатга олишни ўтказишни баҳолаш жарёенининг бир қисми сифатида агар яшаш мезонлари 12 ойлик малака муддатидан фойдаланган ҳолда ўхшаш тарзда аниқланган бўлса бу жойларни рўйхатдан ўтган яшаш жойи билан алмаштириши мумкин.

396. Оддий яшаш жойини аниқлаш асосида, одатда, аҳолини рўйхатга олиш участкасида яшовчи, лекин бир йилдан камроқ вақт мобайнида рўйхатга олиш вақтида яшамаган шахс — вақтинчалик йўқ бўлган шахс сифатида қаралиши ва шу билан бирга, умумий аҳоли ҳисобига қўшилиши керак.

397. *Яшаш жойида йўқ, чет элда яшовчи* (бир йил ёки ундан ортиқ вақт мобайнида яшайдиган ёки бошқа мамлакатда яшаши кутилаётган уй хўжаликларининг собиқ аъзолари) юқори даражадаги эмиграция даражаси билан ажралиб турадиган мамлакатларда жуда кўп бўлиши мумкин. Баъзи мамлакатлар бундай шахслар ҳақида маълумот тўплаш орқали масалан, сўровномада “эмиграция” модули ёрдамида аҳолини рўйхатга олиш доирасида эмиграция даражасини баҳолашга ҳаракат қилмоқда. Олдинги тажриба¹⁶ шундан далолат берадики, ҳақиқатан ҳам, аҳолини рўйхатга олиш чет элда яшовчи муҳожирларнинг умумий сонини аниқ баҳолашга имкон бермайди. Бундай ёндашув муҳожирлар кичик гуруҳлар ҳақида муҳожирлар сифатида яқинда кўчиб кетган шахслар ва/ёки, мамлакатда яқин оилавий қариндошлари бор шахслар ҳақида баъзи маълумотларни олиш учун бериши мумкин. Агар чет элда бир йил ёки ундан ортиқ вақт мобайнида яшаётган шахслар тўғрисидаги маълумотлар рўйхатга олиш доирасида тўпланиши

¹⁶ О.Чудиновский, Р. Анихом, Э. Бисонио томонидан тайёрланган “Аҳолини рўйхатга олиш вақтида эмиграцияни баҳолаш: тўрт мамлакат тажрибаси асосида” аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш (Женева, 13–15 май, 2008) бўйича ЕИК/ЕВРОСТАТ қўшма йиғилишида тақдим этилган ва қуйидаги манзилга жойлаштирилган: <http://www.unece.org/fileadmin/DAM/stats/documents/ece/ces/ge.41/2008/11.r.pdf>

режалаштирилган бўлса, улар ҳақида маълумот одатда яшовчи аҳолининг нисбатан (уларнинг сони ва хусусиятлари билан боғлиқ) тўпланган маълумотлардан ажратилиши керак.

398. Одатда ҳар бир ҳудудий бирликда яшовчи аҳолининг умумий сони, одатда, яшовчи ва ҳозир яшаб турган шахслар ва одатда яшайдиган, лекин вақтинча йўқ шахсларни жамлаш йўли билан ҳисобланади. Бироқ, оддий яшаш жойида бўлмаган шахслар ҳақида маълумот тўплаш ҳар доим ҳам мумкин эмас, айниқса, аҳолини рўйхатга олиш вақтида барча оила аъзолари вақтинча йўқ бўлса. Шу муносабат, бундай шахслар рўйхатга олиш вақтида бўлган жойида маълумотларни тўплаш ва керак бўлса, уларнинг яшаш жойлари ҳақида маълумотдан фойдаланиб, улар ҳақидаги маълумотларни одатдаги яшаш жойига ёки ҳудудий бирлигига “кўчириш” билан ахборот йиғиш имкониятини таъминлаши зарур.

399. Ҳар бир мамлакат одатда яшовчи аҳолисининг умумий сонини ҳисоблаши ва одатда бу асосда батафсил жадвалларни ишлаб чиқиши керак. Рўйхатга олиш жараёнида (одатда текширув натижалари асосида) умумий аҳоли сонини камайтириш ёки ошириш орқали мослаштирадиган мамлакатлар бошқа манбалар билан таққослаш йўли билан рўйхатга олинган рақам (аҳоли) ва тўғриланган аҳоли сонини (аҳоли сонини баҳолаш) кўрсатиши ва тавсифлаши керак. Бироқ, батафсил жадваллар фақат аслида рўйхатдан ўтган аҳолига таяниши мумкин.

400. Рўйхатга олиш материаллари одатда яшовчи аҳолининг таркибини батафсил баён қилиши керак. Умумий қоида сифатида, одатда яшовчиларнинг умумий сони аҳоли тегишли маъмурий-ҳудудий бирликларда одатий яшаш жойига эга бўлган шахсларни уларнинг ҳуқуқий мақоми қандай бўлишидан қатъи назар ўз ичига олиши керак.

Алоҳида ҳолатлар

401. Аҳолининг турли гуруҳлари мавжуд бўлиб, ундаги ноаниқлик мамлакатнинг одатда яшайдиган аҳолиси таркибига киритилиши мумкин. Улар таркибига қуйидаги шахслар *киритилиши* керак:

- а) оддий яшаш концепцияси (кўчманчилар, дарбадарлар ва бошқ.) қўлланилмайдиган 12 ойлик мезонга жавоб беришидан қатъи назар рўйхатга олиш вақтида иштирок этадиган шахслар;
- б) рўйхатга олиш вақтида рўйхатга олиш мамлакатида мавжуд бўлишидан қатъи назар, рўйхатга олиш мамлакатида кўп вақт яшаб, бир йилдан ортиқ мамлакатда мунтазам равишда истиқомат қилувчи шахслар;
- в) чет элда бўлиш муддатидан қатъи назар, мамлакат ташқарисида бўлган ҳарбий хизматчилар, денгизчилар ва дипломатик ходимлар ва уларнинг oilалари;
- г) халқаро компаниялар ёки ташкилотлар (хорижий дипломатлар ва ҳарбий хизматчилар бундан мустасно), мамлакатда нормал яшаш мезонларига риоя қилиш шарти билан ишлайдиган чет элликлар;
- д) одатда мамлакатда яшовчи савдо ва балиқ овлаш кемалари гуруҳлари, аммо рўйхатга олиш вақтида денгизда юрганлар (шу жумладан, кемада каютасидан бошқа жойга эга бўлмаганлар);
- е) ноқонуний кўчиб келган шахслар, қонуний мақомига ёки тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган муҳожирлар, шунингдек, бошпана изловчилар ёки қочқин мақомини ёки халқаро ҳимояга қабул қилиш учун ариза берган шахслар, мамлакатда нормал яшаш мезонларига мос келиши шарти

билан. Мақсад бу шахсларни ажратиш эмас, балки улар рўйхатга олиш жараёнида уларни рўйхатга олмай, четда қолдирмасликни таъминлашдир;

- е) оилалари одатда рўйхатга олиш вақтида мамлакатда яшайди ва рўйхатга олиш вақтидан олдин 12 ойлик даврда туғилган болалар;
- ж) мамлакатда қолиш муддати (ҳақиқий ва/ёки тахмин қилинган) бир йил бўлган шахслар.

402. Қуйидаги шахслар мамлакатнинг кенг тарқалган аҳолисидан чиқарилиши керак:

- а) бир йилдан ортиқ вақт мобайнида мунтазам равишда истиқомат қилувчи шахслар, агар улар рўйхатга олиш даврида рўйхатга олиш мамлакатда мавжуд бўлмаса-да, кўп вақт давомида рўйхатга олиш мамлақатида яшамаса;
- б) чет эллик ҳарбий хизматчилар, денгизчилар, дипломатик ходимлар ва уларнинг оилалари, уларнинг қолиш муддатидан қатъи назар;
- в) мамлакатда (ҳақиқий ва/ёки тахмин қилинган) бир йилдан камроқ, ҳатто камида бир кун бўлган шахслар.

403. Қисқа муддатли халқаро муҳожирлар учун¹⁷, яъни камида 3 ой бўлган, аммо 12 ойдан кам бўлган шахслар, аввалги яшаш мамлақати оддий яшаш мамлақати сифатида қаралиши керак. Узоқ муддатли муҳожирларга келсак, чет элда қолиш 12 ой ёки ундан кўп бўлса, мақсад мамлакат мигрантнинг оддий яшаш жойи сифатида қаралиши керак.

404. Яшаш жойи, муассаса рўйхатга олиш вақтида тегишли муассасада 12 ой ёки ундан кўп вақтини ўтказган ёки ўтказди деб тахмин қилинган барча шахсларнинг оддий яшаш жойи сифатида қаралиши керак. Бундай муассасалар ижарачиларининг мисоллари шифохона беморлари, қариялар уйларида ёки тиббий ёрдамга эга бўлган уйларда, маҳбуслар ва вояга етмаганлар учун қамоқхоналарда бўлган шахслар бўлиши мумкин.

405. Уйдан узоқда ишлайдиган/ўқиётган шахслар мамлакат аҳолисига қўшилиши ва/ёки мамлакат ичидаги оддий яшаш жойида тақсимланиши нуқтаи назаридан таснифлаш учун махсус муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

406. 1-жадвал 12 ой ёки ундан ортиқ оиладан узоқ бўлган талабалар ва ишчиларни ҳисобга олиш бўйича умумий тавсияларни беради. БМТнинг Статистика бўлимлари томонидан чоп этилган аҳолини рўйхатга олиш бўйича тавсиялар билан мувофиқлик учун¹⁸ олий ўқув юртлари талабалари, агар улар мамлакат ичида ўқиётган бўлса, ўқув йили давомида яшаш жойида ҳисобга олиниши керак. Чет элда ўқиётганда, улар ўз уйлари жойлашган мамлакат аҳолисига қўшилмаслиги керак, чунки уларнинг оддий яшаш жойи мунтазам равишда уйга қайтсалар ҳам, ўқув юртида семестр давомида яшайдиган манзил бўлиши керак. Бироқ, баъзи мамлакатларда ушбу талабаларни оилавий уйининг манзили бўйича ҳисобга олиш фойдасига эътиборга олиш мумкинлиги эътироф этилади (масалан, аҳолини рўйхатга олиш жараёнида тўлиқ камровни таъминлаш ёки талабаларнинг юқори даражаси, чет элда таҳсил олаётган талабалар).

¹⁷ Узоқ муддатли ва қисқа муддатли муҳожирларнинг таърифлари халқаро миграция статистикаси бўйича тавсияларга, биринчи қайта кўриб чиқилган нашр, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг статистика бўлими, 1998 йил, 36–37-бандларга қаранг.

¹⁸ Аҳолини рўйхатга олиш ва уй-жой фондининг раундга нисбатан принциплари ва тавсиялари, 2020 йил. 3-нашр; БМТ, Нью-Йорк, 2015.

407. Шунингдек, бошқа аҳоли гуруҳлари мавжуд бўлиб, улар мамлакатда оддий яшаш жойини аниқлашда баъзи ноаниқликларга олиб келиши мумкин. Ушбу ҳолатлар учун қуйидаги одатий ёндашувлар тавсия этилади:

- а) оддий яшаш жойининг концепцияси қўлланилмайдиган шахслар учун уйсизлар ёки бошпанасизлар, кўчманчилар каби, рўйхатга олиш пайтида рўйхатдан ўтиш жойи оддий яшаш жойи деб ҳисобланиши керак.
- б) бир киши бир неча йил давомида мамлакат ҳудудида мунтазам равишда яшаган ҳолларда, унинг одатий яшаш жойи — бу шахснинг рўйхатга олиш вақтида ушбу шахснинг мавжуд ёки йўқлигидан қатъи назар, шахснинг кўп вақтини сарфлайдиган жой.
- в) агар бола муқобил равишда мамлакат ичидаги иккита уйда яшаса (масалан, ота-оналарнинг алоҳида яшаш жойи ёки ажрашиши натижасида), унинг одатдаги яшаш жойи кўпинча вақтини ўтказадиган уйда бўлиши керак. Агар кўпинча вақтини ўтказадиган ота-оналар ўртасида тенг равишда бўлинадиган бўлса, унда ота-она/оиланинг яшаш жойи одатий яшаш жойи сифатида кўриб чиқилади ва ушбу жойда бола рўйхатга олиш вақтида рўйхатга олинади.

408. Мамлакат ташқарисида бўлган маҳаллий ҳарбийлар, денгизчилар ва дипломатик ходимлар ҳамда уларнинг оилаларига келсак, уларга нисбатан қуйидаги таснифлаш қоидалари қўлланилиши керак:

- а) Агар улар чет элда 12 ойдан камроқ вақт давомида яшаса ва аввалги яшаш жойига қайтиш нияти бўлса, уларнинг мамлакатда жойлашган жойи одатдаги яшаш жойига нисбатан қўлланиладиган қоидаларга мувофиқ белгиланиши керак. Хусусан, улар (устуворликни камайтириш мақсадида):
 - I. мамлакатдаги оилавий уй манзили, агар мавжуд бўлса;
 - II. уларнинг хизмат кўрсатиш жойи кетишдан олдин тайинланган мамлакатда бўлса.
- б) Агар улар камида 12 ой давомида чет элда яшаса ёки улар кўчиб келган жойига қайтишни истамаса (12 ойлик муддат ичида мамлакатга қайтсалар ҳам), улар “виртуал жой” (қўшимча минтақа)га чиқиб кетган мамлакат бўлади.

Жадвал 1. Ходимлар ва талабаларнинг одатий яшаш жойини аниқлаш қоидалари, оила уйидан узоқда яшаш

Аҳоли тоифаси	Иш/ўқиш жойи	Оила даврасига мунтазам* қайтади	Мамлакат доимий аҳолиси сонини қўшиш	Мамлакат ташқарисидо доимий яшаш жойи
Ишчи ходим	мамлакат ичида	ҳа	ҳа	оиласига тегишли уй
		йўқ	ҳа	ўз уй манзили
	мамлакат ташқарисидо	ҳа	ҳа	оиласига тегишли уй
		йўқ	йўқ	доимий яшаш жойи мавжуд эмас
Оила доирасидаги** бошланғич ёки ўрта маълумот*** олаётган болалар	мамлакат ичида	ҳа	ҳа	оиласига тегишли уй
		йўқ	ҳа	оиласига тегишли уй
	мамлакат ташқарисидо	ҳа	ҳа	оиласига тегишли уй
		йўқ	ҳа	оиласига тегишли уй
Оила доирасидаги** бошланғич ёки ўрта маълумот*** олаётган катталар	мамлакат ичида	ҳа	ҳа	оиласига тегишли уй
		йўқ	ҳа	яшаш учун вақтинчалик манзил
	мамлакат ташқарисидо	ҳа	ҳа	оиласига тегишли уй
		йўқ	йўқ	доимий яшаш жойи мавжуд эмас
Бошланғич ёки ўрта маълумот*** олаётган ёлғиз шахслар	мамлакат ичида	Қоида амал қилмайди	одатий қоидаларга биноан	одатий қоидаларга биноан
	Мамлакат ташқарисидо	Қоида амал қилмайди	одатий қоидаларга биноан	одатий қоидаларга биноан
Олий таълим тизимида таҳсил олувчилар	мамлакат ичида	ҳа	ҳа	яшаш учун вақтинчалик манзил
		йўқ	ҳа	яшаш учун вақтинчалик манзил
	мамлакат ташқарисидо	ҳа	йўқ	йўқ
		йўқ	йўқ	доимий яшаш жойи мавжуд эмас
Ишловчи талабалар	Бир вақтнинг ўзида ўқиётган ва ишлаётган шахслар тегишли мамлакат/географик бирлик бўйича ўқувчилар ёки ишчилар асосий фаолият тури сифатида иш ёки ўқишни белгилаганларига қараб, қоидаларга мувофиқ тақсимланади.			

* Мунтазамлилик ҳар ойда икки мартадан ортиқ (масалан, ҳафтада икки марта) тушунилади.

** Оилавий ячейканинг таърифи 783-бандга қаранг.

*** 0–4 МСКО 2011 даражаси.

* * * * 5–8 МСКО 2011 даражаси.

^ Вақтинчалик манзил — мактаб ўқувчиси ёки талабанинг мактабда таълим олиши вақтида 1 йил яшайдиган манзили ва у одатий яшаш манзили билан бир хил бўлиши мумкин ва оилавий уйнинг манзилига мос келмаслиги мумкин.

VI боб. Географик хусусиятлари

Кириш

409. Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири географик хусусиятларнинг кенг қамровли таснифланиши мумкин бўлган даражадир. Аҳолини рўйхатга олиш тоифасини аниқлагандан сўнг, ушбу тўпламнинг географик жойлашувини ўрганиш мумкин бўлади. Ушбу боб географик хусусиятни кўриб чиқишга бағишланган.

Яшаш жойини аниқлаш (асосий белги)

410. Яшаш жойини аниқлаш (392–393-бандлар) V бобдаги таърифга кўра, “оддий яшаш жойи”ни аниқ топишдир. Агар мамлакат “одатда яшайдиган аҳоли”дан рўйхатга олиш тоифаси сифатида фойдалана олмаса, унга яқин бўлган баҳодан фойдаланиши керак. Одатда, яшаш жойи иложи борича, энг кичик, маъмурий-худудий бўлиниш бирлиги асосида кодланиши ва географик координаталарга боғланган бўлиши керак.

411. Оддий яшаш жойи аниқ географик манзил нукталари ёки бундай координаталар бўлмаса, аниқ ва тўлиқ почта манзилига геокодлаш учун координаталар жуфтлигига кўп ўлчамли боғланишга эга бўлиши керак¹⁹. Мақсад — жадвалларни тузиш ва кўп ўлчамли бирликларни ҳар қандай кичик географик ёки маъмурий бирлик даражасида ҳисоблаш имкониятини таъминлаш ва агар иложи бўлса, координатали бирликлар орқали ҳисоблашдир. Бу фойдаланувчиларнинг кўп ўлчамли таҳлил қилиш учун зарур бўлган маълумотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун зарурдир. Рўйхатга олиш ва оддий яшаш жойини топиш ўртасидаги муносабатлар доимий ва ажралмас бўлиши, алоҳида ёзувлар даражасида рўйхатга олиш маълумотларининг бир қисми бўлиши керак.

Аҳоли пункти (ихтиёрий асосий белги)

412. Аҳолини рўйхатга олиш мақсадлари учун турар-жой аҳоли билан ажратилган турар-жой ёки турар-жой, яъни яқин ёки қўшни биноларда жойлашган турар-жой билан аҳолини топиш билан белгиланадиган ҳудуд деб таърифланади.

413. Ушбу таърифда қайд этилган бундай бинолар қуйидагича бўлиши мумкин:

- а) кўчаларга аниқ ажратилган мустақкам қурилиш майдонини яратиш; ёки
- б) бундай ҳудуднинг бир қисми бўлмайд туриб, маҳаллий аҳоли томонидан ўзига хос ном берилган бир гуруҳ биноларни шакллантириш;
- с) юқорида айтиб ўтилган иккита талабдан бирига жавоб бермасдан, ҳеч ким яқин қўшни бинолардан 200 метрдан ортиқ бўлмаган бинолар гуруҳини ташкил қилиш.

414. Ушбу таърифни қўллашда ердан фойдаланишнинг айрим тоифалари доимий ривожланиш ҳудудининг бирлигини бузадиган элементлар сифатида қаралмаслиги керак (ва шунга кўра, юқорида

¹⁹ Европа Иттифоқи ва Европа қитъаси мамлакатларида географик координаталар 1989 йил Европа Ер координаталари тизимида (ETRS89, EPSG 4258) кўрсатилиши керак. Марказий Европадан ташқаридаги ҳудудларда географик координаталар WGS-84 глобал координата тизимида (EPSG kodі 4326) кўрсатилиши мумкин.

кўрсатилган 200 метр масофадаги мезонни қўллашда ушбу тоифалар эътиборга олинмаслиги керак). Ушбу тоифага қуйидагилар киради: саноат ва савдо бинолари ва иншоотлари, жамоат боғлари, ўйин майдончалари ва боғлар, футбол майдонлари, спорт иншоотлари, дарёлардаги кўприклар, темир йўллар, каналлар, автотураргоҳлар ва бошқа транспорт инфратузилмаси, черков ҳовлилари, қабристонлар ва бошқ.

415. Ушбу таъриф аҳоли пунктларини аниқлаш ва уларнинг чегараларини белгилашда мамлакатлар учун умумий қўлланма бўлиб хизмат қилиш учун мўлжалланган. Шунинг, учун ҳар бир мамлакатнинг шартлари ва амалиётига мослашиш керак бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган таърифга жавоб берадиган аҳоли пунктларида яшамайдиган аҳоли алоҳида биноларда истиқомат қилувчи деб таърифланади. Рўйхатга олиш учун турар-жой таърифи қандай бўлишидан қатъи назар, у рўйхатга олиш материаллари ва/ёки мета-маълумотда батафсил тушунтирилиши керак.

416. Юқорида таърифланган аҳоли пунктлари мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинмасининг энг кичик бўлинмалари билан аралашмаслиги керак. Баъзи ҳолларда, улар бир хил бўлиши мумкин. Бошқа ҳолларда, ҳатто маъмурий-ҳудудий бўлинишнинг энг кичик бирлиги ҳам таърифи юқорида берилган икки ёки ундан ортиқ турар-жойни ўз ичига олиши мумкин. Бошқа томондан, баъзи катта шаҳарлар ёки ўрта катталиқдаги шаҳарлар ўз таркибида маъмурий-ҳудудий бирликлар икки ёки ундан ортиқ бўлиши мумкин, кейинчалик алоҳида аҳоли пунктлари сифатида эмас, балки битта турар-жойнинг бир қисми сифатида қаралиши керак.

417. Мамлакатнинг йирик шаҳри (яъни, катта ёки ўрта шаҳар) кўпинча шаҳарнинг ўзи, шаҳар атрофи ёки шаҳар ташқарисида жойлашган аҳоли зич жойлашган ҳудудни ўз ичига олади, аммо, унинг чегарасига қўшни бўлган шаҳар агломерациясининг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун, аҳоли пункти шаҳар агломерацияси билан аниқланиши мумкин эмас. Чунки, у қўшимча географик бирлик бўлиб, у бир нечта турар-жойни ўз ичига олиши мумкин. Баъзи ҳолларда, бир йирик шаҳар агломерацияси уларнинг чеккалари билан бир неча йирик ёки ўрта шаҳарларни ўз ичига олиши мумкин. Рўйхатга олиш маълумотлари бундай катта агломерациянинг таркибий қисмларини алоҳида кўрсатиши керак.

418. Мамлакатлар ўз эҳтиёжлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, аҳоли пунктлари бўйича рўйхатга олиш статистикасини ишлаб чиқишлари тавсия этилади. Шу билан бирга, улар, иложи бўлса, юқорида келтирилган таърифда турар-жой тушунчасига қатъий риоя қилишлари керак. Давлатлар, маълумотларни фақат маъмурий-ҳудудий бўлиниши асосида ишлаб чиқишда, камида шаҳар ва қишлоқ ҳудудларни аниқроқ ажратиб олиш мақсадида, аҳоли сони 2000 кишидан кам бўлмаган ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлик бўйича жами аҳоли тўғрисида маълумот тўплашлари керак. (қуйидаги 422–427-бандларга қаранг).

419. Аҳолини аҳоли пунктларининг катталиги бўйича таснифлаш тавсия этилади:

- (1.0) аҳолиси 1 000 000 ва ундан кўп;
- (2.0) аҳолиси 500 000–999 999;
- (3.0) аҳолиси 200 000–499 999;
- (4.0) аҳолиси 100 000–199 999;
- (5.0) аҳолиси 50 000–99 999;
- (6.0) аҳолиси 20 000–49 999;

(7.0) аҳолиси 10 000–19 999;

(8.0) аҳолиси 5 000–9 999;

(9.0) аҳолиси 2 000–4 999;

(10.0) аҳолиси 1 000–1 999;

(11.0) аҳолиси 500–999;

(12.0) аҳолиси 200–499;

(13.0) Аҳоли пунктларида яшовчи аҳоли, 200 аҳолидан кам ёки тарқоқ/алоҳида биноларда:

(13.1) 50-дан 199-га қадар бўлган аҳоли пунктларида яшовчи аҳоли;

(13.2) Аҳоли пунктларида яшовчи аҳоли, 50 аҳолидан кам ёки тарқоқ / алоҳида биноларда.

420. Ушбу тасниф, шунингдек, иқтисодий фаол аҳоли, уй хўжаликлари, оилалар ва уй-жойлар каби аҳолини рўйхатга олишнинг бошқа тегишли тоифаларини таҳлил қилиш учун ҳам қўлланилиши мумкин (гарчи, у турли ўлчамларни талаб қилиши мумкин бўлса-да).

Турар жойнинг жойлашуви (асосий белги)

421. Уй-жойга бағишланган бобнинг 872-бандида таърифланганидек, турар-жой бинолари бир ёки бир нечта шахснинг одатий яшаш жойи бўлган турар-жой турлари (рўйхатга олиш пайтида мавжуд ёки йўқлигидан қатъи назар) ҳисобланади. Шундай қилиб, турар жойларни “яшаш жойининг жойлашуви” каби бир хил географик деталлар даражасида (юқоридаги 411-бандга қаранг), шунингдек, 412–420- ва 422–438-бандларда берилган таърифлар ва таснифларни қўллаш орқали таърифланиши мумкин, аммо мувофиқлик даражаси аҳоли пунктлари ва энг кичик маъмурий-худудий бирликлар ҳақидаги маълумотларда турли мамлакатларнинг статистик эҳтиёжларига қараб фарқланади.

Шаҳар ва қишлоқ жойлари (ихтиёрий асосий белги)

422. Мамлакатлар учун халқаро таққослашни таъминлашда шаҳар жойлар сифатида 2000 киши ёки ундан ортиқ аҳолиси бўлган аҳоли пунктларини, қишлоқ жойлари сифатида 2000 дан кам аҳоли яшайдиган аҳоли пунктларини ва аҳоли зичлиги паст бўлган жойларни аниқлаш тавсия этилади. Баъзи мамлакатлар, шунингдек, шаҳар жойларини бошқача тарзда аниқлашни хоҳлашлари мумкин, жумладан:

- а) маъмурий чегаралар нуқтаи назаридан;
- б) қурилган туманлар;
- с) жойларда дўконлар, таълим муассасалари, дам олиш жойлари, меҳнатни қўллаш жойлари ва ҳ.к. каби хизматларнинг мавжудлигига қараб.

Қайси ёндашув танланмасин, тегишли материаллар ва/ёки рўйхатга олиш мета-маълумотларида аниқ таърифланиши керак.

423. Шаҳар ва қишлоқ жойларини миллий мақсадларга, шунингдек, халқаро маълумотларнинг таққосланиши мақсадларига мос равишда ажратиш учун таснифлаш бирлиги таърифи юқоридаги 412–418-пунктларида берилган “турар-жой” таснифлагичи бирлик ҳисобланади. Бирок, мамлакатлар ўзлари турар-жойни таснифлаш бирлиги ёки маъмурий-худудий бўлинманинг энг кичик бирлиги сифатида фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал қилишлари керак.

424. Кузатув бирлиги сифатида маъмурий-худудий бўлинишнинг энг кичик бирлигидан фойдаланадиган мамлакатлар, натижаларни максимал даражада қабул қиладиган мамлакатлар натижаларига мос келадиган натижаларга эришиш учун ҳаракат қилишлари ва бундай бирлик сифатида аҳоли пунктдан фойдаланиш тавсия этилади. Ушбу мақсадга эришиш учун танланган ёндашув асосан, ушбу мамлакатларнинг маъмурий бўлинмасининг энг кичик бирлигига боғлиқ бўлади. Баъзи мамлакатларда маъмурий бўлинишнинг энг кичик бирликлари (ва улар аҳолисининг ўртача сони) нисбатан кичик бўлиб, одатда, бир нечта турар-жойни (ёки катта аҳоли пунктнинг бир қисмини) қамраб олмайди. Агар, ушбу мамлакатларнинг айримлари томонидан фойдаланилмаса, таснифлаш бирлиги сифатида улар кўп коммунал агломерация концепциясига риоя қилишлари тавсия этилади (яъни, бир турар-жойни ташкил этувчи икки ёки ундан ортиқ маъмурий бўлинмалардан ташкил топган гуруҳнинг алоҳида бирликлари сифатида кўриб чиқиши керак). Бундан ташқари, агар уларнинг доимий аҳолисининг асосий қисми участкаларга тегишли худудларда яшаса, агломерациянинг периферик қисмининг кичик маъмурий бўлинмалари агломерацияга киритилиши тавсия этилади ва агломерациянинг узлуксиз ривожланиши ва унинг таркибида битта хавфсиз ҳолатга эга бўлган ёки ундан кўп бўлган кичик маъмурий бирликлар таснифлаш бирлиги доирасида энг катта турар-жой аҳолиси сонига мувофиқ таснифланишни ишлаб чиқишга интилишлари керак.

425. Бирок, маъмурий-худудий бўлинишнинг энг кичик бирликлари (ва уларнинг ўртача аҳолиси) нисбатан катта бўлган ва кўпинча икки ёки ундан ортиқ аҳоли пунктларини ўз ичига олган мамлакатларда турли даражадаги бошқа ҳолатлар кузатилади. Агар, ушбу мамлакатларнинг баъзилари турар-жойни таснифлаш бирлиги сифатида ишлата олмасалар, улар маъмурий-худудий бўлинмаларнинг кичик бирликларидан, масалан, черковлар, рўйхатга олиш участкалари, худудларининг координата квадратлари ва бошқалардан кўра, кичикроқ бирликлардан фойдаланишга интилишлари керак. Улар ушбу кичик бирликларни асосий элементлар сифатида ишлатишга ва уларни максимал даражада чегараларга мос келиши учун аҳоли пунктлари, шунингдек, юқорида кўриб чиқиладиган кўп коммунал агломерацияларда тўплашга ҳаракат қилишлари керак. Агар баъзи мамлакатлар ушбу ёндашувдан фойдалана олмасалар, улар аҳоли пунктларини кузатув бирликлари сифатида ишлатишда олинган натижаларга нисбатан энг кўп таққосланадиган натижаларни олиш учун маъмурий-худудий бўлинмаларнинг барча кичик бўлинмаларини таснифлашнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқишга интилишлари керак.

426. Аҳоли пунктлари ёки шунга ўхшаш бирликлар қуйидаги етти тоифага бўлинади:

- (1.0) аҳолиси 1 000 000 ва ундан кўп;
- (2.0) аҳолиси 250 000–999 999;
- (3.0) аҳолиси 100 000–249 999;
- (4.0) аҳолиси 50 000–99 999;
- (5.0) аҳолиси 10 000–49 999;
- (6.0) аҳолиси 2 000–9 999;
- (7.0) 2 000 аҳолидан кам.

427. Шунингдек, таклиф этилаётган таснифнинг муайян тоифалари доирасида турли хил қўшимча бирликларни ажратиш учун ишлатилиши мумкин бўлган қўшимча мезонлар асосида аҳоли пунктлари ёки шунга ўхшаш бирликларнинг турологиясини ишлаб чиқиш тавсия этилади. Мисол учун, баъзи мамлакатлар (1.0) тоифасини (ва баъзи ҳолларда, шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктларини бошқа кичик аҳоли пунктларидан ажратиш учун (2.0) тоифасини кенгайтиришни хоҳлашлари мумкин. Бошқа мамлакатлар савдо ва саноат марказларини, хизмат кўрсатиш марказларини ва бошқаларни ажратиши мумкин. баъзи мамлакатлар турли хил шаҳар марказлари ва шаҳар атрофини фарқлаш учун (4.0) — (7.0) тоифасида жойлашган йирик шаҳар конгломерацияларини бузишни хоҳлашлари мумкин. Таснифлашнинг бундай ёки бошқа тафсилотлари унинг аналитик қийматини янада ошириш учун бир ёки бир нечта оралик тоифаларни яратишга замин ҳозирлайди.

Картограмма хусусиятлари

Аҳолининг картограммаси (ихтиёрий қўшимча белги)

428. Рўйхатга олиш учун хариталаш тенг майдондаги участка квадратларининг аниқ белгиланган жойлашуви билан панжара шаклида аҳолини уч ўлчамли кенглик билан боғлаш тизими сифатида тавсифланади.

429. “Квадрат панжара”, яшаш жойи жойлашган жой юкоридаги 410–411-бандларда тавсифланганидек, бу майдондаги панжара жойлашган нуқтага кенглик боғланган шахсларнинг умумий сонини ўз ичига олади. Бундай агрегацияни амалга ошириш мумкин бўлмаган мамлакатларда аҳолининг картограммаси маъмурий-ҳудудий бўлимининг энг кичик бирлигидан, ердан фойдаланиш хариталари, қурилган участкаларни аниқлаш ёки кадастр маълумотлари каби ёрдамчи маълумотлардан фойдаланиб ажратилиши мумкин.

430. Оддий аҳолини “панжара” орқали тақсимлашдан ташқари, худди шу тармоқ ўз иш жойидаги шахсларни тақсимлаш ёки мактаб, коллеж ёки университетни топиш учун ишлатилиши ҳам мумкин. Худди шу “панжара” уй хўжаликлари, оилалар ва уй-жойларни тақсимлаш учун ҳам ишлатилиши мумкин. Трансчегаравий функционаликни таъминлаш учун тармоқнинг ҳар бир квадратининг ҳажми 1 км² бўлиши керак. Мамлакатнинг миллий эҳтиёжларини қондириш учун бошқа ўлчамдаги қўшимча тармоқларни ҳам аниқлаш мумкин.

431. Ушбу тавсияларда бу савол қўшимча савол сифатида бўлса ҳам, давлатларга координатли “панжаралардан” фойдаланишни кўриб чиқиш қатъий тавсия этилади. Европа қитъасида “панжара” тизими INSPIRE²⁰ ҳуқуқий асосига мувофиқ аниқланиши керак. Европа қитъасидан ташқаридаги ҳудудларда мамлакатлар халқаро Ер координаталари тизими (ХЕКТ) ва Ламбертнинг азимут тенг ўлчамли проекцияси билан мос келадиган геодезия координата тизими асосида ИНСПИРЕ грид учун белгиланган бир хил принципларга мувофиқ, ўз тармоқларини аниқлашлари мумкин. Бундай ҳолда, координаталар тизими учун идентификатор яратиш ва уни аҳолининг картограммалари мета-маълумотларига киритиш керак.

432. Рўйхатга олиш маълумотлари анъанавий равишда туманларга ёки аҳолини рўйхатга олиш материалларини ишлаб чиқиш учун махсус белгиланган маъмурий бўлинишда тақдим этилади. Аҳолининг картограммалари бир қатор афзалликларга эга бўлган материалларни ишлаб чиқиш учун жуда фойдали

²⁰ 2013 йил 23 октябрдаги №1253/2013-сонли “2007/2/ЕИ Директивасини (№1089/2010)” тартибига тузатиш киритиш ҳақидаги (фазовий маълумотларнинг функционал мувофиқлиги ва тегишли хизматларга доир) Комиссия Регламенти (ЕИ).

қўшимча тизим ҳисобланади. Катакчалар бир хил ўлчамларга эга бўлиб, уларни майдон ва масофа (масалан, хизматларнинг мавжудлиги) билан таққослаш учун мукамал ҳисобланади. “Панжаралар” вақт оралиғида ўзгармас бўлиб, маъмурий-худудий бўлинишдаги ўзгаришларга боғлиқ эмас. Бундан ташқари, тармоқлар бошқа илмий маълумотлар билан муаммосиз бирлашади (масалан, иқлим маълумотлари). Квадрат “панжаралар” мослашувчан бўлиб, улар муайян мақсадли тадқиқот майдонига жавоб берадиган худудларни шакллантириш учун бирлаштирилиши ҳам мумкин. Грид тизимлари квадрат катталиги жиҳатидан иерархик тартибда қурилиши мумкин, бу эса, маҳаллий даражадан бошлаб глобал даражада яқунланадиган турли соҳаларни аниқлашга имкон беради.

433. Рўйхатга олиш нуктаи назаридан, тармоқлар халқаро ва трансчегаравий контекстда жуда кучли фазовий таҳлил воситаси эканлигини таъкидлаш муҳимдир. Чунки, улар мамлакатга қараган бўлиб, худудлар ҳажмларидаги фарқлар таъсир қилмайди. Шу билан бирга, тармоқ статистикаси аҳолининг кам таъминланган жойларида ёки маълумотларнинг танланган манбадан олинган тақдирда, маълумотларнинг махфийлиги ёки аҳамияти ҳақида ташвиш туғдириши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, тармоқ статистикасини ишлаб чиқиш учун саволларни танлашда эҳтиёт бўлиш керак ва барча ҳолатларда қабул қилинган қарор маълумотларни муҳофаза қилиш талаблари ва батафсил ва мослашувчан статистикага бўлган талаблар ўртасида мосланган бўлиши керак.

Урбанизация даражаси (ихтиёрий қўшимча белги)

434. Урбанизация даражаси²¹ аҳоли зич жойлашган, ўрта аҳоли ва кам аҳоли пунктлари сифатида шахслар одатий яшаш жойига эга бўлган худудлар деб таснифлаши мумкин. Ушбу тасниф 1 км² ўлчамдаги “панжара” квадратига нисбатан энг кам аҳоли сонининг географик қўшни ва чегара даражаларининг комбинациясига асосланган (юқоридаги 428-бандга қаранг). Ушбу квадрат “панжаралар” бир хил ўлчам ва шаклга эга бўлиб, турли ўлчамдаги бирликлар томонидан келиб чиқадиган бузилишларни олдини олади.

435. Урбанизация даражаси маҳаллий маъмурий бирликлар/худудларнинг қуйидаги таснифини беради:

- а) Аҳоли сонининг 50% дан кўпроғи аҳоли зичлиги юқори бўлган аҳоли пунктларида яшайдиган аҳоли зич жойлашган худуд²² (шаҳар марказлари);
- б) Аҳолининг 50% дан кўпроғи шаҳар аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи ўрта аҳоли пункти бўлиб, улар аҳоли зич жойлашган худудлар эмас;
- в) Аҳоли сонининг 50% дан кўпроғи қишлоқ жойларида яшайдиган кам аҳоли пункти.

436. “Урбанизация даражаси” белгиси, шунингдек, ўрта ва аҳоли зич жойлашган жойлар, “шаҳар” деб таснифланадиган ва кам аҳоли пунктлари “қишлоқ” деб таснифланиши мумкин бўлган “шаҳар” ва “қишлоқ” сифатида муқобил таснифлаш учун ҳам қўлланилиши мумкин.

²¹ Урбанизация даражасини таснифлаш (ДЕГУРБА) ОЕСД ва Европа комиссияси томонидан ишлаб чиқилган; минтақавий сиёсат ва шаҳарсозлик, қишлоқ хўжалиги, Евростат ва Қўшма тадқиқот марказининг Бош директорларига қаранг.

²² Аҳоли зичлиги юқори бўлган ҳар бир аҳоли пунктида аҳолининг камида 75 фоизи аҳоли зич жойлашган маъмурий бирликларда/худудларда яшаши керак. Бундан ташқари, аҳоли зичлиги юқори бўлган барча аҳоли пунктлари маҳаллий маъмурий бирлик/шаҳар аҳолисининг 50% дан камроқ қисмини ташкил этса ҳам, камида битта аҳоли пунктининг/худудларнинг бир қисми бўлишини таъминлайди.

437. Юқорида айтиб ўтилган таснифлаш маҳаллий маъмурий бирликлари/ҳудудларда қуйидаги таърифлар ва аҳоли сони ва зичлигининг чегаравий даражасида фойдаланади²³:

- а) Аҳоли зичлиги юқори бўлган аҳоли пунктлари (шаҳар марказлари) 1 км² гача бўлган ҳудудда камида 1500 аҳоли зичлигига ва 50000 киши минимал аҳолисига эга бўлган 1 км² ўлчамдаги доимий “панжара” квадратларидан ташкил топган аҳоли пунктлари. Аҳоли зичлиги юқори бўлган аҳоли пунктларининг узлуксизлиги диагонални ўз ичига олмайди (яъни, квадратчалар фақат алоқадор бурчаклари) ва аҳоли пунктидаги бўшлиқлар тўлдирилади (яъни, аҳоли зичлиги юқори бўлган квадратчалар билан ўраб олинган квадратчалар).
- б) Шаҳар аҳоли пунктлари 1 км² гача бўлган доимий квадратлардан ташкил топган бўлиб, аҳоли зичлиги камида 1 км²га 300 киши ва аҳолиси камида 5000 киши бўлган аҳоли пунктлари ҳисобланади. Бундан ташқари, “а” кичик бандида тавсифланган аҳоли зичлиги юқори бўлган аҳоли пунктларининг “узлуксизлиги” қоидаси ҳам қўлланилади, аммо, аҳоли пунктидаги бўшлиқлар тўлдирилмайди (яъни, шаҳар квадратлари билан ўраб олинган квадратлар).
- в) Қишлоқ панжара квадратчалари шаҳар жойларига тегишли бўлмаган панжара квадратчалари ҳисобланади.

438. Маҳаллий маъмурий бирликлар/ҳудудлар майдони жиҳатидан жуда фарқ қилганлиги сабабли, бу методология юқори аҳоли пунктлари ўртасида янада яқинроқ тасодифга олиб келади ва зичлиги, аҳолиси ва маъмурий бирлик/ҳудудлар кичик бўлган мамлакатлар ва аҳоли зичлиги юқори бўлган бирликлар/ҳудудлар мамлакатлар, хусусиятлари катта маҳаллий маъмурий бирликлар/ҳудудлар эга мамлакатлар билан таққосланади. Ушбу фарқни ҳисобга олиш учун ушбу тасниф қуйидаги тарзда созланиши мумкин:

- а) Аҳоли зич жойлашган маҳаллий маъмурий бирлик/ҳудудлар агар аҳоли зичлиги юқори бўлган аҳолисининг 75% аҳоли зичлиги юқори бўлган маҳаллий маъмурий бирликлар/ҳудудлар доирасида бўлса, ўрта зичликдаги аҳолиси деб таснифланиши мумкин.
- б) Кам таъминланган маҳаллий маъмурий бирлик/ҳудудлар ёки ўрта аҳоли пункти маҳаллий маъмурий бирлик/ҳудудлар, агар улар сиёсий функцияларга эга бўлган маҳаллий маъмурий бирликлар/ҳудудлар гуруҳига мансуб бўлса, аҳоли зич жойлашган деб таснифланиши мумкин ва агар ушбу гуруҳ аҳолисининг аксарияти маҳаллий маъмурий бирликлари/ҳудудларда аҳолиси зич жойлашган турар-жойларда яшаса.

Маятникли миграция

439. Қуйидаги саволлар уйдан иш жойига, мактабга, коллежга ёки университетга кунлик бориб келиши, катнаши билан боғлиқ масалаларни ўрганишга бағишланган. Маятникли миграцияси оқимлари ҳақидаги аниқ маълумотлар транспортни режалаштириш, уй-жой қурилиши ва иқтисодий ривожланиш каби бир қатор сабабларга кўра муҳимдир.

²³ Европада барча мамлакатларда бир хил чегара даражаси қўлланилади. Бирок, дунёнинг бошқа минтақаларида зичликнинг икки чегараси юқори ёки паст даражадаги тузатишни талаб қилиши мумкин.

Респондентларнинг иш жойи қаерда эканлиги (асосий белги)

440. “Иш жойининг жойлашуви”га кўра, сўров вақтида банд бўлган шахс ўз ишини бажарадиган жойни аниқ жойлашган ҳудуди тушунилади. Иш жойининг жойлашган аниқ манзили ва/ёки географик координаталари билан кодланган ёки, агар иложи бўлса, маъмурий-худудий бўлинишнинг энг кичик бирлиги²⁴ бўлиши керак²⁵.

441. Иш жойининг жойлашган ҳудуди ҳақида маълумот тўплашнинг асосий сабаби — иш жойининг жойлашган ҳудуди ва одатдаги яшаш жойи ҳақидаги маълумотни иш жойига бориш учун фойдаланиладиган транспорт тури, иш жойигача масофа ва қатнов давомийлиги ҳақида маълумот берувчи маятникли миграцияси оқимларининг тўлиқ расмини олиш учун боғлаш ҳисобланади. Иш жойининг аниқ манзили ҳақида маълумот тўпланиши ва маълумотлар аниқ ҳисоб-китобини таъминлашда оддий яшаш жойи ва иш жойи ўртасидаги маятникли миграция тўғрисидаги маълумотлар имкон қадар энг кичик маъмурий-худудий бирликлар томонидан кодланган бўлиши керак. Доимий иш жойига эга бўлмаган, аммо, ўз ишининг бошланиши (масалан, автобус ҳайдовчилари, фуқаро авиацияси учувчилари ва парвоз хизматчилари, иш кунининг охирида йиғилмайдиган расталарда савдо қилувчилар) доимий манзилга эга бўлган шахслар ушбу манзил ҳақида маълумот беришлари керак. Ушбу туркумда, шунингдек, мамлакат кўшни чегарасида ишлаш учун мунтазам равишда қатнайидиган шахсларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Бироқ, баъзи одамлар (масалан, денгизчилар, балиқчилар, денгиз объектларида ишлайдиган шахслар) иш жойида тақсимлана олмайди. Бундай шахслар белгиланган иш жойига эга бўлмаган ҳолда кодланиши керак (қуйида 443-банддаги таснифга қаранг).

442. Маятникли миграция оқимини мониторинг қилиш учун иш жойининг жойлашуви ва яшаш жойининг жойлашуви билан таққосланадиган таснифдан фойдаланиш тавсия этилади. Маятникли миграцияда кунлик қатновнинг бошланиш жойи ва тугаш жойи ўртасида ўлчаниши керак. Шуни таъкидлаш керакки, айрим иш билан банд бўлган шахслар, одатда ҳафтанинг кундалик кунларида алоҳида манзилга эга иш жойи бўлса, уларнинг ишга борадиган жойи одатий яшаш жойи бўлмаслиги мумкин.

443. Бундай ҳолатларда қуйидаги таснифлардан фойдаланиш тавсия этилади:

- (1.0) Яшаш жойи жойлашган маъмурий-худудий бўлинишнинг бир хил кичик бирлиги;
- (2.0) Маъмурий-худудий бўлинишнинг яшаш жойи жойлашган бошқа бир кичик бирлиги маъмурий-худудий бўлинишнинг бир хил катта бирлигида;
- (3.0) Маъмурий-худудий бўлинишнинг бошқа бир йирик бирлиги;
- (4.0) Чет элда;
- (5.0) Бошқа иш жойи:
 - (5.1) Денгиз объекти;
 - (5.2) Белгиланган иш жойисиз.

²⁴ Чет элда ишлаш жойи бўлган тақдирда, одатда фақат тегишли мамлакатда кодлаш керак.

²⁵ Европа Иттифоқи ва Европа қитъа мамлакатларида географик координаталар 1989 ((ETRS89, EPSG 4258) Европа Ер координаталари тизимида кўрсатилиши керак. Марказий Европадан ташқаридаги ҳудудларда географик координаталар WGS-84 глобал координата тизимида (EPSG коди 4326) кўрсатилиши мумкин.

444. Маъмурий-худудий бирликларнинг кичик бирликлари деганда, маятникли оқимлари ўлчанадиган энг кичик географик даража тушунилади. Миллий шароитга қараб, бу кичик туманлар (масалан, шаҳар сайлов участкалари ёки жамоалар) ёки юқори даражадаги туманлар (масалан, шаҳар ва туманлар) бўлиши мумкин. Маъмурий-худудий бирликларнинг катта бирликлари деганда, юқори географик даража назарда тутилган худудлар (кичик бирлик сифатида кичик туманлар олинса) ёки туман/идоралар (агар кичик бир бирлик муниципалитет ёки туман бўлса).

445. Муқобил, батафсил икки қаторли, масалан, уйда ишлайдиган ёки узоқ муддатли иш сафарларини амалга оширадиган шахсларни алоҳида-алоҳида аниқлаш бўйича таснифлагичдан фойдаланишни истаган айрим мамлакатлар томонидан кўриб чиқилиши мумкин:

(1.0) Яшаш жойи жойлашган маъмурий-худудий бўлинишнинг бир хил кичик бирлиги:

(1.1) Уйда ишлайди;

(1.2) Маъмурий-худудий бўлинишнинг бир хил кичик бирлигида бошқа жойда ишлайди;

(2.0) Маъмурий-худудий бўлинишнинг қўшни кичик бирлиги;

(3.0) Маъмурий-худудий бўлинишнинг бошқа кичик бирлиги:

(3.1) Маъмурий-худудий бўлинишнинг бир хил катта бирлиги;

(3.2) Маъмурий-худудий бўлинишнинг ўша катталикдаги катта бирлигида;

(4.0) Чет элда;

(5.0) Бошқа иш жойи:

(5.1) Денгиз объекти;

(5.2) Рухсат этилган иш жойи йўқ.

Мактаб, коллеж ёки университетларнинг жойлашган жойи (қўшимча белги)

446. Ушбу саволни рўйхатга олиш дастурига киритиш орқали мамлакатлар талабалар ва ўқувчиларни “иш жойи” тўғрисидаги саволлар орқали бандлар сафига киритиш орқали маятникли миграцияси оқимлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин. “Иш жойи” тўғрисидаги савол билан таққослашни таъминлаш учун мактаб, коллеж ёки университетни жойлашган географик бирликнинг бир хил даражасида кодланган бўлиши керак.

Ишга (ёки ўқиш жойига) бориш учун фойдаланиладиган транспорт тури (қўшимча белги)

447. Ишга бориш учун фойдаланиладиган транспорт турига кўра, кунлик қатновлар амалга ошириладиган транспорт тури тушунилади. Кунига бир неча марта қатновларни амалга оширган ёки бир нечта транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда, улар одатда кунлик қатнов давомида энг катта масофани қоплаш учун фойдаланадиган транспорт турини кўрсатишлари керак. Ишга бормайдиган шахслар қатновни амалга оширмади, деб таснифланиши керак.

448. Куйидаги таснифлардан фойдаланиш тавсия этилади:

- (1.0) Темир йўл транспорти:
 - (1.1) Миллий / халқаро темир йўл тармоғи;
 - (1.2) Метро / ер ости транспорти;
 - (1.3) Трамвай / шаҳар электр поезда;
- (2.0) Автобус, микроавтобус ёки халқаро автобус;
- (3.0) Автомобил ёки автофургон:
 - (3.1) Ҳайдовчи;
594. Имкон даражасида, маълум бир мамлакат учун муҳим бўлган асосий қишлоқ хўжалиги фаолиятини қамраб олган ҳолда (фермерлик, чорвачилик ва бошқа тегишли фаолиятни ўз ичига олиши мумкин) уй хўжаликларининг ҳар қандай қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланадими-йўқлигини аниқлаш учун маълумот тўплаш керак. Бундан ташқари, ушбу тармоқлар мамлакат учун муҳим бўлган тақдирда, сув хўжалиги, ўрмон ва балиқ хўжалигида фаолият ҳақида маълумот тўплаш мумкин. Бундан ташқари, фермер хўжалигининг ҳажмини, масалан, қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ер участкаларининг майдони ёки миқдорини баҳолаш учун қўшимча маълумот тўплаш керак. Янада кенг қамровли қишлоқ хўжалиги маълумотларини олишни истаган мамлакатлар 2020 йилги жаҳон қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш дастурида тавсия этилган маълумотларнинг асосий позициялари аҳолини ва уй-жой фондини рўйхатга олиш ФАО/ЮНФПА қишлоқ хўжалиги билан боғлаш бўйича кўрсатмалар ҳақида маълумот тўплашлари мумкин⁴⁷.

595. Бунда, Халқаро стандарт тармоқ таснифлагичининг (ХСТТ) (вариант 4.0) 011, 012, 013, 014 ва 015 гуруҳлари билан боғлиқ қуйидаги қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳақида сўз бормоқда:

011 гуруҳи: бир ёки икки йиллик экинларни етиштириш;

012 гуруҳи: кўп йиллик экинларни етиштириш;

013 гуруҳи: уруғ ва экиш материалларини етиштириш;

014 гуруҳи: чорвачилик;

015 гуруҳи: аралаш қишлоқ хўжалиги фаолияти.

596. Уй хўжаликлари даражасида сув хўжалиги муҳим рол ўйнаган ҳолларда, уй хўжалиги аъзоларининг ҳар бири якка тартибда сув хўжалигининг ҳар қандай шакли билан шуғулланиши ёки шуғулланмаслиги ҳақида маълумот тўплаши мумкин. Сув хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш фаолияти 032 ХСТТ (вариант 4.0) кичик гуруҳига тегишли.

⁴⁷ Guidelines for Linking Population and Housing Censuses with Agricultural Censuses with selected country practices, Special Issue of the FAO Statistical Development Series, Rome, Food and Agriculture Organization of the United Nations and United Nations Population Fund, 2012.

Ўтган йил давомида барча турдаги қишлоқ хўжалиги фаолиятининг тавсифи (қўшимча белги)

597. Аҳолини рўйхатга олишнинг бир қисми сифатида, одатда, қишлоқ хўжалигида ишлайдиган барча шахсларни кўплаб қишлоқ хўжалиги ишларининг мавсумий табиати ва қишлоқ хўжалигининг асосий иш тури бўлмаслиги сабабли қамраб ололмайдиган қисқа ҳисобот даврида шахснинг асосий иши ёки меҳнат фаолияти ҳақида маълумот йиғилади. Ушбу муаммони бартараф этиш учун шахслар томонидан қишлоқ хўжалигининг барча турлари бўйича йил давомида, келгуси аҳолини рўйхатга олиш даврига қадар бўлган маълумотлар йиғилиши керак. Йиғилган маълумотларнинг қамрови барча қишлоқ хўжалиги ишларига банд бўлган ва иш билан таъминланганлик мақомини ўз ичига олиши ва иш вақти ҳақидаги маълумотни ҳамда бу ишнинг асосий ёки ёрдамчи бўладими-йўқми кенгайтирилиши мумкин. Меҳнат статистикасининг янги қабул қилинган концептуал асосларини ҳисобга олган ҳолда (VIII бобга қаранг), айниқса, аҳолининг бир қисми табиий қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган мамлакатларда маълумот ишлаб чиқаришда иштирок этиш ҳақида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари алоҳида асосда ҳам йиғилиши керак.

598. Барча қишлоқ хўжалиги ишларига (асосий ва ёрдамчи) нисбатан бандлик ва иш билан таъминланиш ҳолати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда якка тартибда иштирок этиш тўғрисидаги маълумотлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган уй хўжаликларини якка тартибда аниқлашнинг муқобил усули сифатида ишлатилиши мумкин. “Бандликдаги мақоми” ва “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини якка тартибда ишлаб чиқариш” саволлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган уй хўжаликлари ва қишлоқ хўжалигидаги банд ёлланма уй хўжаликлари ўртасидаги фарқни амалга ошириш учун фойдаланилади; кейингиси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган уй хўжаликлари сифатида таснифланмайди.

599. Сув хўжалиги мамлакатда муҳим рол ўйнаган ҳолларда, аҳолини рўйхатга олиш дастури олдин бир йил давомида якка тартибда сув хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқаришда иштирок этиш соҳасида барча ишлар билан боғлиқ касб-ҳунар ва бандлик ҳолати билан боғлиқ шунга ўхшаш маълумотларни ўз ичига олиши мумкин. Бундан ташқари ушбу саволлар бўйича маълумот йиғишда ишланган иш вақти, ушбу ишнинг асосий ёки қўшимча иш фаолияти ҳақидаги маълумотлар асосида кенгайтириш мумкин.

600. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иш ёки меҳнат фаолияти ХСТТ (вариант 4.0)нинг 011, 012, 013, 014 ва 015 гуруҳлари билан боғлиқ қишлоқ хўжалигида иш ёки меҳнат фаолияти деб таърифланади (595-бандга қаранг) ва сув хўжалиги соҳасидаги ишлар ХСТТ (4.0 вариант)нинг 032 — кичик гуруҳига тегишли сув хўжалиги соҳасидаги ишлар сифатида тавсифланади (596 бандга қаранг).

Х боб. Таълим хусусиятлари

Кириш

601. “Таълим” атамаси таълимга қаратилган барча институционал, мақсадли ва режалаштирилган алоқа турларини англатади. Кўпгина ҳолларда, гап мактаблар ёки университетлар (ёки уларнинг эквивалентлари) ҳақида кетаётган бўлса-да, таълим ушбу муассасалардан ташқарида ҳам берилиши мумкин. Халқаро таққослашлар учун мамлакатлар ўзларининг маълумотларини Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (ТХСТ)нинг сўнгги қайта кўриб чиқилган версиясига мувофиқ ишлаб чиқишлари тавсия этилади)⁴⁸.

Таълим даражаси (асосий белгилар)

602. Таълим даражаси ТХСТ томонидан энг муваффақиятли эришилган энг юқори даража сифатида тавсифланади. Таълим даражаси одатда муваффақиятли тугалланган энг юқори таълим дастури асосида ўлчанади, бу одатда тан олинган малакани белгилаш билан тасдиқланади.

603. 10 ёш ва ундан юқори ёшдаги барча шахслар учун таълим даражаси ҳақида маълумот тўплаш тавсия этилади. Шу билан бирга, халқаро таққослашлар имкониятларини таъминлаш учун 15 ёшдан кичик, 15 ёш ва ундан юқори ёшдаги шахслар, шунингдек, 25 ёшгача, 25 ва ундан юқори ёшдаги шахслар кесимидаги ёшга нисбатан батафсил ажратилмаган кўринишдаги таълим даражаси маълумотларини жадвалларда келтириш тавсия этилади.

604. Маълумотлар энг муваффақиятли эришилган таълим даражасига асосланган ҳолда тўпланиши керак. Бу одатда, тан олинган малакани тайинлаш билан тасдиқланади. Тан олинган оралиқ малакалар дастурнинг ўзига қараганда паст даражада таснифланади.

605. Мамлакатлар, шунингдек, тугалланмаган таълим даражалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган қўшимча маълумот олиш имкониятини ўрганишлари керак. Бу ўрганишлар эришилганлар билан таққослаганда, таълим қайси юқори даражада, таълим бошланган ва тўхтатилган, ёки юқори даражадаги жорий таълим тўғрисидаги саволлар ёрдамида амалга оширилади. Шу билан бир қаторда, бу ерда энг юқори эришилган босқич ҳақида савол берилиши мумкин.

606. Йиғиладиган маълумотлар барча ҳолатларда ТХСТ-Д (таълим даражасини таснифлаш учун) даражаларига мувофиқ кодланган бўлиши керак. ТХСТ-Д шаклланишининг қуйидаги даражалари ажратилиши керак:

- а) ТХСТ даражаси 0: Бошланғич таълимдан кичик;
- б) ТХСТ даражаси 1: Бошланғич таълим;
- в) ТХСТ даражаси 2: Ўрта таълимнинг биринчи босқичи;
- г) ТХСТ даражаси 3: Ўрта таълимнинг иккинчи босқичи;
- д) ТХСТ даражаси 4: Ўрта таълимдан кейинги олий ўқув юртидан ташқари таълим;

⁴⁸ ЮНЕСКО статистика институти (ИСУ), 2012 йил. Таълимнинг халқаро стандарт таснифи: *MSKO 2011*, Montreal, ISU. <http://www.uis.unesco.org/Education/Documents/isc2011-ru.pdf>.

- е) ТХСТ даражаси 5: Олий ўқув юртидан ташқари таълимнинг қисқа босқичи;
- ё) ТХСТ даражаси 6: Бакалаврият ёки унинг эквиваленти;
- ж) ТХСТ даражаси 7: Магистратура ёки унинг эквиваленти;
- з) ТХСТ даражаси 8: Докторантура ёки унинг эквиваленти.

607. Таълим даражасини таснифлашга келсак, ТХСТ 0 даражаси ТХСТ 2011 да таълим дастурларини таснифлаш билан солиштирганда бошқача маънога эга ва у (624-бандга қаранг): ТХСТ 1 даражаси муваффақиятли якунланмаганлигини билдиради. Ушбу туркумда ҳеч қачон таълим дастурига қатнашмаган ёш болалар учун баъзи таълим дастурларига қатнаган (таълим дастурларини таснифлашда ТХСТ 0 даражаси сифатида белгиланган) ёки қандайдир бошланғич таълимни олган, лекин ТХСТ 1 даражасини муваффақиятли якунлаш имкониятига эга бўлган шахслар киради.

608. Айниқса, мукамал ёки хорижий таълим тизимида таълим олган шахслар учун даражалар/босқичларнинг муносиб эквивалентларини аниқлашга, шунингдек, таълим тизими вақт ўтиши билан ўзгаришларга дуч келган ҳолатларга алоҳида эътибор берилиши керак. Мамлакатлар таълим ҳақида маълумоти бор давлатнинг маълумот олиш имкониятини кўриб чиқишни хоҳлашлари мумкин.

609. Миллий таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тавсия этилган таърифлар ва таснифлардан муқаррар четга чиқиш рўйхатга олиш материаллари ва/ёки тегишли мета-маълумотларда тушунтирилиши керак. Агар миллий мақсадлар учун барча натижаларни мамлакат таълим тизимида қўлланадиган таълим муассасаларининг таърифларига тўлиқ мос равишда нашр этиш зарур бўлса, миллий фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари учун ажратиладиган тоифаларни маълумотлардан фойдаланишга имкон берувчи тоифалар билан боғлашни халқаро таққослашларни таъминлаш мақсадида тавсия этилади. Миллий стандарт таснифига мувофиқ “таълим даражаси” кодлашни ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ТХСТ нинг сўнгги версияси билан мос келадиган тизимни ишлаб чиқиши мумкин, ёки иккита код тизимини яратиш ёки миллий таснифнинг батафсил гуруҳлари ва ТХСТ ўртасида ўтиш калитларини ишлаб чиқиш орқали⁴⁹.

610. Шуни тан олиш керакки, муайян ҳолатларда таълим даражаси тегишли малакани ўзлаштирмасдан ҳам тугатилиши мумкин. Таълим даражаси ва малакага оид маълумотлар алоҳида-алоҳида тўпланиши ёки бундай фарқни амалга оширишга имкон берадиган тарзда тавсия этилади. Агар маълумотлар алоҳида-алоҳида йиғилмаса ёки фарқланмаса, бу рўйхатга олиш материалларида аниқ тушунтирилиши керак.

Малака (қўшимча белгилар)

611. Малака — бу қоида тариқасида, таълим дастурининг ёки таълим дастурининг босқичини муваффақиятли якунланганлигини тасдиқловчи ҳужжат шаклида расмий тасдиқдир. Малакани қуйидагилар орқали олиш мумкин:

- а) таълим дастурини муваффақиятли якунлаш;
- б) таълим дастури босқичининг муваффақиятли якунланиши (оралиқ малака); ёки
- с) таълим дастурида иштирок этишдан қатъи назар, билим, кўникма ва малакаларни текшириш.

⁴⁹ ЮНЕСКО статистика институти МСК ўтиш калитларининг маълумотлар базасини сақлаб келмоқда. Манзилига ўтинг: <http://www.uis.unesco.org/ISCED>.

612. Ўрта таълимдан кейинги ўқув дастурини муваффақиятли яқунлаган барча шахсларга нисбатан маълум бир таълим даражасини яқунлаш натижасида олинган малакалар ҳақида маълумот тўплаш таклиф этилади. Агар кўрсатилган таълим соҳаси олинган диплом ёки сертификат номидан аниқ бўлмаса, бу маълумотлар олий даража номини ўз ичига олиши керак.

Таълим ва касб-ҳунар таълими соҳаси (қўшимча белгилар)

613. Таълим ва касб-ҳунар таълими соҳаси, ТХСТ таърифига кўра, таълим дастури ёки малака билан қамраб олинган кенг соҳа, тармоқ ёки бўлим таркиби бўлиб ҳисобланади.

614. Таълим олган шахсларни таълим ва касб-ҳунарга ўқитиш соҳалари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги маълумотлар ишчи кучи бозорида муайян мутахассисликларнинг малакали ходимларига бўлган талаб ва таклифнинг нисбатларини ўрганиш учун муҳимдир. Бу шунингдек, таълим муассасалари ва касбий тайёргарлик дастурларига ўқувчиларни қабул қилиш ва тайёрлашни режалаштириш ва бошқаришда муҳим аҳамият касб этади. Таълим даражасига қўшимча равишда, таълим соҳаси ва касбий тайёрлаш бу шахснинг малакасини тавсифлашнинг иккинчи муҳим томони бўлиб ҳисобланади. Касбий тайёргарликдан олинган унвонлар, даражалар, дипломлар ва сертификатлар, шунингдек, тўпланган иш тажрибаси малаканинг муҳим қўшимча таркибий қисмлари ҳисобланади.

615. Таълим ва касб-ҳунар таълими соҳаси ҳақидаги маълумотлар, биринчи навбатда, ўрта таълим ёки олий таълим даражасига эга бўлган катталарга нисбатан тўпланиши керак. Бу шуни англатадики, тўпланган маълумотлар асосан ўрта, ўрта ёки олий таълим ёки бошқа расмий таълим дастурлари ва тенг даражадаги касбий тайёргарлик дастурларини яқунлаган 15 ёш ва ундан катта ёшдаги шахсларга тегишли бўлиши керак. Таълим ва касб-ҳунар таълими соҳалари бўйича тўпланган маълумотлар “*Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи: таълим ва касб-ҳунар таълими соҳаси 2013 йил (ТХСТ-Т)*⁵⁰”га мувофиқ кодланган бўлиши керак.

616. Муаммо фанлараро ёки кўп тармоқли ихтисослашувга эга бўлган шахсларни ўқитиш ва касбий тайёргарликнинг аниқ соҳасини (аниқ соҳаларини) аниқлаш билан юзага келиши мумкин. Бундай ҳолларда, мамлакатлар таълим ва касбий тайёргарликнинг профилли ёки асосий соҳасига таяниши керак. Ҳисобга олинадиган бирликларининг нисбий улуши ёки ўқитишнинг тахминий давомийлигини аниқлаш учун етарли маълумот бўлмаса, дастур ёки малакани ўз номидан биринчи бўлиб кўрсатилган соҳа асосида аниқлаш керак. Агар мутахассислик тартиби аниқланмаса, дастур ёки малака бир нечта соҳаларни қамраб олади, уларнинг ҳеч бири устун хусусиятга эга эмас, дастур ёки малака фанлараро тоифага кўра таснифланиши керак. Бироқ, мамлакатнинг миллий мақсадлари учун, ушбу маълумотлардан режалаштирилган ҳолда фойдаланишга ва маълумотларни қайта ишлаш қувватига қараб, ихтисослашувни бошқача тарзда аниқлашни хошлашлари мумкин.

617. Энг кенг тарқалган усул таълим ва касбий тайёргарликнинг фақат битта асосий соҳасини ажратиб кўрсатадиган қисмидан маълумот йиғиш ҳисобланади. Бироқ, бу бошқа соҳалар ҳақида маълумот йўқотилишига олиб келиши мумкин. Яна бир ёндашув — бир нечта жавоблар варианты бўлган саволлардан фойдаланиш, аммо, бу ҳолда бир нечта жавобларни қайта ишлаш ва табуляция қилиш учун маълумотларни қайта ишлашда етарли қувватга эга бўлиш керак. Зарур ҳолларда маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш тартиб-қоидалари таълим ва касбий тайёргарликнинг асосий ва қўшимча соҳалари ўртасидаги фарқни амалга ошириш учун мослаштирилиши мумкин.

⁵⁰ UNESCO Institute for Statistics (UIS). 2014. *International Standard Classification of Education: Fields of Education and Training 2013 (ISCED-F 2013)*. Montreal: UIS. <http://www.uis.unesco.org/Education/Documents/isced-fields-of-education-training-2013.pdf>.

618. Белгиланган миллий номенклатурага риоя қилган мамлакатлар халқаро таққослашларни енгиллаштириш учун *ТХСТ* нинг охириги кўриб чиқилган вариантидаги таълим соҳасининг таснифи ва кодларидан фойдаланишлари керак. Миллий стандарт таснифга мувофиқ “таълим ва касб-хунарга тайёрлаш соҳаси” асосида кодлашни амалга оширувчи мамлакатлар *ТХСТ* нинг сўнги вариантига мувофиқ тизим ишлаб чиқишлари, ёхуд иккилик кодлар тизимини яратиш ёки миллий таснифлаш гуруҳлари ва *ТХСТ* ўртасидаги ўтиш калитларини ишлаб чиқишлари мумкин. *ТХСТ* тизими доирасидаги таълим дастурларини таснифлаш бўйича кўрсатмалар “*Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи: таълим ва касб-хунарга таълими соҳаси 2013 йил (ТХСТ-Т)*” нашрида келтирилган. Таснифлаш ҳар бир ҳудуднинг батафсил тавсифи билан бирга ҳар бир соҳага киритиладиган ва чиқариладиган нарсаларнинг батафсил мисоллари билан бирга келтирилади.

Таълим муассасаларига қатнаш (қўшимча белгилар)

619. Таълим муассасаларига ташриф буюриш ҳар қандай расмий равишда тан олинган таълим муассасалари ёки дастурлари, ҳам давлат, ҳам хусусий, ҳар қандай таълим даражасида ташкил этилган тренинглари учун мунтазам равишда ташриф буюришни англатади. Маълум бир мамлакат таълим тизимининг умум эътироф этилган муассасалари ташқарисида маълум бир хунарсизликни тайёрлаш (масалан, фабрикаларда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тайёргарлик) рўйхатга олиш мақсадларида “таълим муассасаларига қатнаш” деб ҳисобланмайди. Таълим муассасаларига қатнаш тўғрисидаги маълумотлар рўйхатга олиш пайтига тўғри келиши керак. Агар рўйхатга олиш таътил вақтида амалга оширилса, ахборот таътилдан олдинги даврдаги таълим муассасаларига қатнашларга тааллуқли бўлиши керак.

620. Таълим муассасаларига қатнаш концепцияси, одатда, мактаб таълими статистикасининг бир қисми бўлган таълимни қамраб олиш концепциясининг ўзи эмас, балки қўшимча сифатида хизмат қилади. Қатнаш бу таълим муассасасида кунлик иштирок этиш демакдир. Қамров ўқув даврининг бошида ўқувчининг расмий рўйхатга олиншини англатади, масалан, ўқув йили бошидаги ўқувчилар сони. Айрим шахслар таълим муассасасида рўйхатга олинishi мумкин, лекин касаллиги сабабли муассасага қатнамайди. Касбий тайёргарликдан ўтган шахслар расмий равишда мактабда ёки бошқа таълим муассасасида рўйхатга олинмаслиги мумкин.

621. Таълим муассасаларига ҳар кунлик қатнашини аниқлаш кўпроқ бошланғич ва ўрта таълим тизимига хосдир. Шу билан бирга бошқа ҳолатлар ҳам мавжуд. Шахс рўйхатдан ўтган ҳолда маълум бир малакага эга бўлиш учун ўқув дастурида фаол иштирок этиши мумкин, аммо, у мунтазам равишда ҳеч қандай муассасага бормайди. Бундай ҳолатларга Интернет жаҳон тармоғи орқали масофавий таълим дастурлари, сиртки таълим ва таълим муассасасига тез-тез ташриф буюришни талаб қилмайдиган олий таълимнинг айрим турларини мисол қилиб келтириш мумкин.

622. Миллий устуворликларга қараб, маълумотлар йиғиш бошланғич ва ўрта таълим тизимининг муассасаларига қатнаш билан чекланиши мумкин. Кенгроқ ёндашув билан улар таълимнинг барча даражаларида иштирок этишнинг барча турларини қамраб олиши мумкин ва муайян малакани олиш учун йўналтирилган ўқув дастурларида фаол иштирок этиши ҳақида маълумот тўплаши мумкин. Ҳар бир ҳолатда, ҳар бир иштирок тури ўртасидаги фарқни таъминлаш ва уларни тегишли рўйхатга олиш материалларида ва/ёки мета-маълумотларда аниқ тушунтириш керак.

623. Таълим муассасасига қатнаш ҳақида маълумот, хусусан, 5–29 ёшда бўлган барча шахсларга тегишли бўлиб, аммо, миллий таълим тизимининг тузилишига қараб фарқ қилиши мумкин. Маълумотлар йиғиш дастурининг қамрови кичик ёшдаги болаларнинг таълим муассасаларига ёки бошқа таълим ва касб-хунарга дастурларига қатнаши, саноат корхоналари ва хизмат кўрсатиш корхоналарида катта-

ларни тизимли равишда ўқитиш тўғрисидаги кўшимча саволларни ҳам ўз ичига олган ҳолларда ёш оралиғи мос равишда тўғриланиши мумкин. “Ўқувчилар” тоифасига кирадиган “ишчи кучидан ташқари” шахслар (8-бобдаги 496–498- ва 515–517-бандларга қаранг) таълим муассасаларига ташриф буюрадиган шахсларнинг умумий сонининг фақат бир қисми бўлади, баъзилар “иш билан банд” ёки “ишсиз” деб таснифланади.

624. Барча ҳолатларда маълумотлар *ТХСТ-Д* (таълим дастурларини таснифлаш учун) даражасига мувофиқ кодланган бўлиши керак. Қуйидаги *ТХСТ-Д* даражаларидан фойдаланиш керак:

- а) *ТХСТ 0* даражаси: кичик ёшдаги болалар таълими;
- б) *ТХСТ 1* даражаси: бошланғич таълим;
- в) *ТХСТ 2* даражаси: ўрта таълимнинг биринчи босқичи;
- г) *ТХСТ 3* даражаси: ўрта таълимнинг иккинчи босқичи;
- д) *ТХСТ 4* даражаси: ўрта таълимдан кейинги олий ўқув юртидан ташқари таълим;
- е) *ТХСТ 5* даражаси: олий ўқув юртидан ташқари таълимнинг қисқа босқичи;
- ё) *ТХСТ 6* даражаси: бакалаврият ёки унинг эквиваленти;
- ж) *ТХСТ 7* даражаси: магистратура ёки унинг эквиваленти;
- з) *ТХСТ 8* даражаси: докторантура ёки унинг эквиваленти.

Саводхонлик (кўшимча белгилар)

625. Саводхонлик ўқиш ва ёзиш қобилияти сифатида тавсифланади. Ушбу белги рўйхатга олиш дастурига киритилган тақдирда, тўпланган маълумотлар саводли ва саводсиз бўлганлар ўртасидаги фарқни аниқлашга имкон беради. Ўқиладиган нарсанинг маъносини тушунган ҳолда ўқишни билладиган ва кундалик ҳаётидаги воқеалар ҳақида қисқача хулоса ёза оладиган шахс саводли ҳисобланади. Ўқиладиган нарсанинг маъносини тушунган ҳолда ўқишни билмайдиган ва кундалик ҳаётидаги воқеалар ҳақида қисқача хулоса ёза олмайдиган шахс саводсиз ҳисобланади. Бинобарин, ўқий оладиган ва фақат рақамлар ва ўз номини ёза оладиган шахслар, шунингдек, ўқишни билладиган, лекин ёзишни билмайдиган, ёки фақат оғзаки ибораларнигина ўқий оладиган ва ёзадиган шахслар саводсиз деб ҳисобланиши керак. Саводхонлик амалий маҳоратдир ва идеал ҳолатда газетани тушунган ҳолда ўқиш, хат ёзиш каби оддий топшириқлар ёрдамида ўлчанадиган бўлиши керак. Ўқиш ва ёзиш қобилияти оддий саволлардан фойдаланишга имкон берадиган, шунингдек, таҳлилий салоҳиятни ошириш билан тушунтирилади. Бугунги кунда, саводхонлик нуқтаи назаридан малакаларнинг доимийлиги янада кенг қабул қилинмоқда ва маълумот йиғиш жараёнида саводхонликнинг кенг тоифаларини ажратишга эътибор қаратиш лозим.

626. Аҳолини рўйхатга олиш доирасида “саводхонлик” асосида маълумотларни тўплаш ва жадвалларни тузиш саводхонлик, таълим муассасаларига қатнаш ва таълим даражаси ўртасидаги боғлиқликларга асосланмаслиги керак. Шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, ўқувчилар қисман саводли бўлганда мактабни тарк этади ва кейинчалик ўқиш ва ёзиш билан мунтазам равишда шуғулланмаса, бу кўникмаларни йўқотади.

627. Алоҳида шахслар ўқиш ва ёзишни биладиган тил ёки тиллар саводхонликни аниқлаш учун омил ҳисобланмайди ва рўйхатга олиш варағида ҳисобга олинмаслиги керак. Бироқ, кўп тилли мамлакатларда маълум бир тилда ўқиш ва ёзиш қобилияти ҳақидаги маълумотлар умумий халқ таълими сиёсатини ишлаб чиқиш учун муҳим бўлиши мумкин ва шунинг учун, бу масала фойдали қўшимча саволлардан бири бўлиши мумкин.

628. ЮНЕСКО текшириш учун саводхонлик тестларини ўтказишни, шунингдек, саводхонлик маълумотларининг сифатини оширишни тавсия қилади. Мамлакатлар минтақавий экспертлар ва ЮНЕСКО тавсиялари асосида саводхонликни баҳолаш учун муайян масалаларни киритиш имкониятини ўрганишлари мумкин. Сўров давомида барча оила аъзоларига нисбатан саводхонлик тестини ўтказиш деярли қийин ва қиммат иш бўлиши мумкин. Бунинг ўрнига, бундай тестларни респондентларни танлаб олган ҳолда ўтказиш масаласи кўриб чиқилиши мумкин. Шу билан бир қаторда, ёзиш ва ўқиш қобилиятига оид оддий саволдан фойдаланишингиз мумкин.

629. Ўн ёшдан бошлаб, барча шахсларга нисбатан саводхонлик маълумотларини тўплаш тавсия этилади. Бироқ, халқаро имкониятларни таъминлаш учун ёш гуруҳлари бўйича тақсимот билан комбинациялашган гуруҳлаш тамойили асосида тузилмаган ушбу хусусиятга тааллуқли барча жадвалларда саводхонлик маълумотларини таққослаш камида 15 ёшдан кичик бўлган шахслар ва 15 ёш ва ундан юқори ёшдаги шахслар ўртасида фарқ бўлиши керак.

Компьютер саводхонлиги (қўшимча белгилар)

630. Компьютер саводхонлиги ахборотни олиш, баҳолаш ва алмашиш, бошқалар билан мулоқот қилиш, муаммоларни ҳал қилиш ва амалий вазифаларни амалга ошириш учун компьютерлар ва/ёки бошқа рақамли технологиялардан (жумладан, портатив қурилмалар) фойдаланиш қобилияти сифатида тавсифланади. Агар бу хусусият рўйхатга олиш дастурига киритилган бўлса, асосий компьютер дастурларини (масалан, матнни қайта ишлаш иловалари, жадвалларни тузиш, веб-браузерлар, ижтимоий тармоқлар ва электрон почта) ишлатиш қобилияти ҳақида маълумот тўплаш тавсия этилади.

XI боб. Миграция

Кириш

631. Умуман олганда, халқаро ва ички миграция оқимлари мураккаблик ва уларнинг кўлами жиҳатидан ҳам ошиб бормоқда. Хусусан, халқаро миграция ҳолатида муҳожирлар оқими сонини ўлчаш келиб чиқадиган мамлакатлар ва мезбон мамлакатлар ёки бир неча хорижий давлатларни қамраб оладиган доиравий оқимлар ўртасидаги кўплаб оқимларни ҳисобга олишни талаб қилиши мумкин. Халқаро миграция кўп миллатли, кўп оқимли ва кўп тилли жамиятларнинг шаклланишига олиб келадиган хилма-хилликни кучайтиради.

632. Мигрантларни рўйхатга олишни режалаштириш ва амалга оширишда, шунингдек, уларнинг тавсифлари ва белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун концепцияларни ишлаб чиқаришда мамлакатнинг миллий ҳуқуқий асослари ва ўзига хос бўлган шартлари эътиборга олиниши керак.

633. Умуман олганда, 2020 йилда аҳолини рўйхатга олиш жараёнини ўтказиш бўйича тавсиялар асосий миграция белгилари: туғилган мамлақати, фуқаролик мамлақати, аввалги яшаш жойи, келиш вақти ва миграция сабаби, шунингдек, турли хил бошқа ички миграция маълумотлари бўйича маълумот тўплаш бўйича кенг қамровли қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бунда мамлакатлар рўйхатга олиш маълумотларини сўровномалар, регистрлар ёки бошқа манбалардан фойдаланган ҳолда тўплагани муҳим эканлиги ҳисобланмайди.

634. Рўйхатга олиш доирасида миграция нуқтаи назаридан икки хил жиҳат ажратилиши мумкин:

- а) халқаро мигрантлар ва халқаро миграция нуқтаи назаридан манфаатдор бўлган бошқа гуруҳларнинг сони ва келиб чиқадиган оқимларини халқаро оқимларнинг вақтинчалик ва географик хусусиятлари ҳақида маълумот билан ўлчаш;
- б) ички мигрантларнинг сони ва бундан ташқари оқимларини ички оқимларнинг вақтинчалик ва географик хусусиятлари ҳақида маълумот билан ўлчаш.

Халқаро миграция нуқтаи назаридан мойиллиги мавжуд аҳоли гуруҳлари

635. Аҳолини рўйхатга олиш доирасида мамлакатда доимий яшаш жойига эга бўлган ва шахслар сонидан одатда халқаро миграция нуқтаи назаридан иккита аҳоли гуруҳи ажратилади: чет элда туғилганлар ва хорижликлар.⁵¹

- а) Чет элда туғилганлар: бунда туғилган жойи бошқа мамлакат ҳудудида жойлашган шахслар гуруҳи ҳақида гап кетмоқда. Ушбу гуруҳ ўз ҳаётида камида бир марта кўчиб келган ва рўйхатга олиш вақтида туғилган мамлақатида яшамайдиган халқаро мигрантлар сонига мос келади. Мамлакатда туғилган шахслар “маҳаллий аҳоли” деб таърифланади.
- б) Чет элликлар: бунда ушбу мамлакат фуқаролигига эга бўлмаган ва бошқа мамлакат фуқароси бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар гуруҳи ҳақида гап кетмоқда. Чет элликларнинг асосий

⁵¹ Халқаро миграция статистикаси бўйича тавсиялар, биринчи қайта кўриб чиқилган нашр, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 1998 йил, ST/ESA/STAT / SER.M/58/Rev.1, 188- ва 189-бандлар. Хусусан, VI бобида “халқаро миграцияни ўрганиш учун зарур бўлган контингентлар ҳақидаги маълумотлар ушбу бобда тавсияларни ишлаб чиқиш учун асос сифатида ишлатилган”.

қисмини чет элда туғилган шахслар ташкил этади. Бирок, фуқаролик масалаларини тартибга солувчи айрим мамлакатлар қонунларидан келиб чиқиб, мамлакатда туғилган чет элликларнинг айрим фарзандлари қонунга мувофиқ чет элликлар сифатида таснифланиши мумкин; бошқа ҳолларда улар автоматик равишда бошқа мамлакат фуқаролигини олиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин ва улар “маҳаллий аҳоли” деб қаралади ва чет элликлар тоифасига ҳам киритилмайди. Мамлакат фуқаролигига эга бўлган шахслар “фуқаролар” деб таърифланади.

636. Рўйхатга олиш доирасида қуйидаги белгилар асосида ажратилиши мумкин бўлган аҳоли гуруҳларини таснифлаш учун маълумот тўплаш мумкин:

- а) туғилган мамлакати ва фуқаролик мамлакати бўйича саволлардан биргаликда фойдаланиш;
- б) туғилган мамлакати, фуқаролик мамлакати ва ота-оналарининг туғилган мамлакати бўйича саволлардан биргаликда фойдаланиш мумкин.

637. Ушбу саволлар қуйида келтирилган. Фақат иккита асосий саволлар — туғилган мамлакати ва фуқаролик мамлакати — асосида қуйидаги 2-жадвалда кўрсатилган аҳоли гуруҳларига ажратилади:

а) Маҳаллий аҳоли

1. Мамлакатда туғилган фуқаролар: мамлакатда туғилган ва мамлакат фуқаролигига эга бўлган шахслар. Ушбу гуруҳ асосан мамлакатда туғилган маҳаллий шахслардан иборат бўлади. Ушбу гуруҳ 2-жадвалда кўрсатилган (1), (5) ва (9) аҳоли гуруҳларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, туғилганидан кейин мамлакат фуқаролигини олган чет элда туғилган шахсларнинг барча авлодлари ҳам киритилади.
2. Мамлакатда туғилган чет элликлар: мамлакатда туғилган ва мамлакат фуқаролигига эга бўлмаган шахслар (2-жадвалдаги (2), (6) ва (10) гуруҳ аҳоли). Бу гуруҳ асосан қабул қилиб олган мамлакат фуқаролигига эга бўлмаган чет элда туғилган шахслар авлодларидан иборат бўлади. Кўпгина мамлакатларда бу аҳоли гуруҳи умумий аҳоли сонининг кичик қисмини ташкил қилади.

б) Чет элда туғилган

1. Чет элда туғилган фуқаролар: чет элда туғилган ва мезбон мамлакат фуқаролигига эга бўлган шахслар (2-жадвалдаги (3), (7) ва (11) аҳоли гуруҳлари). Ушбу гуруҳ асосан келиб чиқиши маҳаллий ёки хорижлик бўлган ота-оналардан туғилган, ҳамда мезбон мамлакат фуқаролигини олган чет элда туғилганлардан иборат бўлади.
2. Чет элда туғилган чет элликлар: чет элда туғилган ва мамлакат фуқаролигига эга бўлмаган шахслар (2-жадвалдаги (4), (8) ва (12) аҳоли гуруҳлари). Бу гуруҳга шунингдек, мезбон мамлакат фуқаролигини олмаган чет элда туғилган иммигрантлар киради.

2-жадвал. Ота-оналарининг туғилган мамлакати, туғилган мамлакати ва фуқаролиги бўйича аҳолининг таснифи

Ота-оналари туғилган мамлакат	Туғилган мамлакати	Фуқаролиги	Аҳоли гуруҳларига тавсиф			
Хар иккала ота-она ҳам рўйхатга олиш мамлакатада туғилган	Рўйхатга олиш мамлакатада туғилган	Мамлакат фуқароси	1. <i>Мамлакатда туғилган маҳаллий фуқаролар:</i> ота-онаси шу мамлакатда туғилган шу мамлакат фуқароси бўлган шахслар. Бу гуруҳ, одатда, аҳолининг катта қисмини қамраб олади.			
		Чет эл фуқароси	2. <i>Келиб чиқиши маҳаллий аҳолидан бўлган мамлакатда туғилган чет элликлар:</i> шу мамлакатда туғилган ва ота-онаси ҳам ушбу мамлакатда туғилган хорижий фуқаролар. Аслида, бу ерда кам сонли аҳоли гуруҳи ҳақида гап кетмоқда. Бу гуруҳ таркибига икки фуқароликка эга бўла туриб фақат битта фуқаролиги бўйича маълумот берган, ёки алоҳида вазиятларга тушиб қолган шахслар, яъни “учинчи авлод” вакиллари киритилади.			
	Хорижда туғилган	Мамлакат фуқароси	3. <i>Келиб чиқиши маҳаллий аҳолидан бўлган чет элда туғилган фуқаролар:</i> чет элда туғилган, аммо ота-онаси шу мамлакатда туғилган фуқаролар. Ушбу гуруҳга, коюда бўйича, ота-онаси туғилган мамлакатга қайтиб келган эмигрантлар фарзандлари киритилади. Бу гуруҳ ўтган даврларда миграция оқими сезиларли даражада юқори бўлган мамлакатларда сон жиҳатдан кўпчиликини ташкил қилиши мумкин. Чет элда туғилган асраб олинган ўғил/қиз фарзандлар ҳам шу гуруҳга тегишлидир.			
	Чет эл фуқароси	4. <i>Келиб чиқиши маҳаллий аҳолидан бўлган чет элда туғилган чет эл фуқаролар:</i> чет элда туғилган, аммо ота-онаси шу мамлакатда туғилган чет эл фуқаролари. Миллий фуқароликка эга бўлиш ҳуқуқига эга бўлмаган собиқ эмигрантларнинг фарзандлари ушбу гуруҳга киритилиши мумкин. Ушбу гуруҳ сон жиҳатдан камчиликини ташкил қилади.				
Хар иккала ота-она ҳам хорижий мамлакатда туғилган	Рўйхатга олиш мамлакатада туғилган	Мамлакат фуқароси	5. Келиб чиқиши хорижлик бўлган мамлакатда туғилган фуқаролар: шу мамлакатда туғилган, аммо ота-онаси чет элда туғилган шахслар. Бу гуруҳ туғилганидан кейин ёхуд фуқароликка қабул қилиш натижа-сида мезбон мамлакат фуқаролигини олган халқаро иммигрантлар болалари ўз ичига олади.	Бу икки гуруҳ чет элда туғилганлар авлодлари гуруҳини шакллантиради. Ушбу гуруҳ, шунингдек, мамлакатда туғилган чет эллик шахс сифатида ҳам белгиланади.	Келиб чиқиши хорижлик бўлган шахслар	“Иккинчи авлод” қисми
		Чет эл фуқароси	6. Келиб чиқиши хорижлик бўлган мамлакатда туғилган чет эл фуқаролари: шу мамлакатда туғилган, аммо ота-онаси чет элда туғилган чет эл фуқаролари. Ушбу гуруҳга мезбон мамлакат фуқаролигини олманган иммигрантлар болалари киради.			
	Хорижда туғилган	Мамлакат фуқароси	7. Келиб чиқиши хорижлик бўлган чет элда туғилган фуқаролар: чет элда туғилган, ҳамда ота-онаси ҳам чет элда туғилган фуқаролар. Бу гуруҳга ушбу давлат фуқаролигини қабул қилган чет элда туғилган иммигрантлар киради.	Ушбу икки гуруҳ биргаликда чет элда туғилганлар гуруҳини шакллантиради. Ушбу гуруҳ кўпинча “биринчи авлод” деб ҳам юритилади.		
	Чет эл фуқароси	8. Келиб чиқиши хорижлик бўлган чет элда туғилган чет эл фуқаролари: бу гуруҳга чет элда туғилган ва мезбон мамлакат фуқаролигини қабул қилмасдан яшаётган иммигрантлар киради. Кўпгина мамлакатларда бу гуруҳ хорижий келиб чиқишдаги гуруҳлар ичида кўпчиликини ташкил қилади.				

Келиб чиқиши аралаш бўлган (ота-онанинг бири шу мамлакатда бошқаси хорижда туғилган)	Рўйхатга олиш мамлакатда туғилган	Мамлакат фуқароси	9. <i>Келиб чиқиши аралаш бўлган мамлакатда туғилган фуқаролар:</i> шу мамлакатда туғилган ва шу мамлакат фуқароси бўлган, ота-оналардан бири ушбу мамлакатда, иккинчиси эса чет элда туғилган шахслар. Одатда, бу гуруҳ кам сонли бўлади, лекин иммиграция юқори бўлган мамлакатларда сезиларли улушни ташкил этади.	“Иккинчи авлод” қисми
		Чет эл фуқароси	10. <i>Келиб чиқиши аралаш бўлган мамлакатда туғилган чет эл фуқаролари:</i> шу мамлакатда туғилган чет эл фуқароси бўлган, ота-оналардан бири ушбу мамлакатда, иккинчиси эса чет элда туғилган шахслар. Бу, одатда, кўп мамлакатларда кичик сонли гуруҳлардир.	
	Хорижда туғилган	Мамлакат фуқароси	11. Келиб чиқиши аралаш бўлган чет элда туғилган фуқаролар: чет элда туғилган ва ушбу мамлакат фуқароси бўлган ҳамда ота-оналардан бири ушбу мамлакатда, иккинчиси эса чет элда туғилган шахслар. Ушбу гуруҳга, қоида бўйича, ота-онаси туғилган мамлакатга қайтиб келган эмигрантлар фарзандлари киритилади. Бу гуруҳ ўтган даврларда эмигрантлар оқими сезиларли даражада юқори бўлган мамлакатларда сон жиҳатдан кўпчилиқни ташкил қилиши мумкин.	
		Чет эл фуқароси	12. Келиб чиқиши аралаш бўлган чет элда туғилган чет эл фуқаролари: чет элда туғилган ва чет эл фуқароси бўлган ҳамда ота-оналардан бири ушбу мамлакатда, иккинчиси эса чет элда туғилган шахслар. Миллий фуқароликка эга бўлиш ҳуқуқига эга бўлмаган собиқ эмигрантларнинг фарзандлари ушбу гуруҳга киритилиши мумкин. Ушбу гуруҳ, асосан сон жиҳатдан жуда кичик бўлади.	

638. Ушбу иккита асосий ва қўшимча саволлар асосида “ота-онанинг туғилган мамлакати” бўйича куйидаги гуруҳларга ажратилади.

- а) Чет элда туғилганларнинг авлодлари: Бунда мамлакатда туғилган ва ота-оналаридан камида биттаси чет элда туғилган шахслар ва гуруҳи ҳақида сўз юритилади (2-жадвалдаги (5), (6), (9) ва (10) гуруҳлар). Аҳолини рўйхатга олиш доирасида асосий эътибор, қоида тариқасида, ота-онаси чет элда туғилган шахсларга қаратилган бўлади (бу гуруҳ кўпинча “иккинчи авлод иммигрантлари” деб аталади). Ота-оналари чет элда туғилганларнинг учинчи авлоди, агар ота-онанинг туғилган жойига қўшимча равишда, бобоси ва бувисининг туғилган жойи ҳақида маълумот тўплаш ҳамда аниқланиши мумкин.
- б) Ота-онасининг туғилган мамлакати бўйича аралаш келиб чиқишга эга шахслар: улар ота — оналардан бири ушбу мамлакатда, иккинчиси эса чет элда туғилган шахслар бўйича аниқланади (2-жадвалнинг (9) — (12) гуруҳлари). Баъзи мамлакатларда бу гуруҳ аҳолининг катта ва ўсиб бораётган улушини ташкил қилиши мумкин. Ушбу гуруҳ, иложи бўлса, аҳолини рўйхатга олиш натижаларида алоҳида рўйхатга олинади. Шу билан бир қаторда, ушбу гуруҳ юқорида келтирилган (1) пастки бандда айтилган “иккинчи авлод” нинг бир қисми сифатида қаралиши мумкин.
- в) Халқаро мигрантлар: халқаро миграция статистикаси бўйича тавсиялар⁵² халқаро мигрант ҳамда “доимий яшаш жойини ўзгартирган ҳар қандай шахс” деб таърифланади. Бунга кўра белгилаш мамлакатдаги халқаро мигрантлар сони “ўз мамлакатини одатий яшаш жойини ўзгартирган шахсларнинг жамияти, яъни мамлакатда камида бир йил мобайнида кетма-кет яшаган шахслар маълумотлар йиғиш пайтида яшаганларидан фарқли ўлароқ” деб таърифла-


⁵² Халқаро миграция статистикаси бўйича тавсиялар, биринчи қайта кўриб чиқилган нашр, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 1998 йил, ST/ESA/STAT / SER.M/58/Rev.1, 32-модда.

нади. Тавсияларда шахснинг одатий яшаш жойи деб “яшашга ва кунлик дам олиш жойига эга бўлган шахснинг доимий яшаш мамлакати” деб таърифланади. Ушбу шахслар гуруҳи чет элда туғилганлар (аҳоли) ни ўз ичига олади 2-жадвалдаги (3), (4), (7), (8), (11) ва (12) аҳоли гуруҳлари), шунингдек, чет элда яшаган мамлакатнинг аҳолиси⁵³. Ушбу гуруҳга яқинда келганлар, шунингдек, мамлакатга кўчиб келган (мезбон мамлакат деб аталадиган) ва кўп йиллар давомида бу мамлакатда истиқомат қилувчи шахслар киради. Баъзилар мезбон мамлакат фуқаролигини олган бўлиши мумкин, бошқалар эса, эҳтимол, чет эл фуқаролари сифатида қабул қилинади.

639. Юқоридаги гуруҳларга асосан бир-биридан фарқ қилмайди ва 5-диаграммада кўрсатилганидек, катта даражада мос келиши мумкин. Шу билан бирга, ҳар бир гуруҳ миграция ва интеграция жараёнининг турли жиҳатларини тавсифлайди ва турли хил дастур ва сиёсат чораларининг потенциал объекти ҳисобланади. Ҳар бир гуруҳнинг сони, шубҳасиз, мамлакатга, унинг қонунчилигига ва миграция тарихига қараб фарқ қилади.

640. Чет эллик шахслар гуруҳига ота-онаси хорижда фақат туғилган шахслар киради (2-жадвалдаги (5) - (8) аҳоли гуруҳлари). Ушбу гуруҳга кирувчи шахслар халқаро миграциянинг бевосита тажрибасига эга бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин.

5-диаграмма. Мамлакатда туғилган, чет элда туғилган, чет эл фуқаролари, чет элда туғилганларнинг авлодлари ва халқаро мигрантлар



⁵³ Чет элда туғилганларнинг барчаси халқаро муҳожирлар бўлиб, улар камида бир йил давомида туғилган мамлакатда яшаган ёки яшаган деб ҳисоблашади. Улар, шунингдек, камида бир йил давомида чет элда яшамайдиган ота-оналари билан бирга кўчиб келган бир ёшгача бўлган болаларни ҳам ўз ичига олиши керак.

641. Ота-оналари мамлакатда туғилган шахслар келиб чиқиши маҳаллий бўлган шахслар гуруҳини шакллантиради (2-жадвалнинг (1) — (4) аҳоли гуруҳлари). 638-б) бандида қайд этилганидек, ота-оналаридан бири шу мамлакатда, бошқаси — чет элда туғилган шахслар туғилган давлатига кўра келиб чиқиши аралаш ота-оналари бўлган шахслар гуруҳини ҳосил қилиши мумкин. (2-жадвалда (9) — (12) гуруҳлар).

642. Ота-оналари туғилган давлат тўғрисида эмас, балки фуқароликни олиш ҳақида савол берувчи мамлакатлар қуйидаги қоидалардан фойдаланган ҳолда чет эл/маҳаллий келиб чиқиши тўғрисида дастлабки маълумотни олиши мумкин:

- а) туғилган вақтдан бошлаб маҳаллий фуқароликка эга бўлган шахсларнинг келиб чиқиши маҳаллий бўлган шахслар сифатида қаралади;
- б) фуқароликка қабул қилиш натижасида ёки бошқа усуллар ёрдамида мамлакат фуқаролигини олган ҳолда шахслар хорижий келиб чиқишга эга бўлганлар сифатида қаралади;
- в) маҳаллий фуқароликка эга бўлмаган шахслар (яъни, тўлиқ чет эл фуқаролари) келиб чиқиши хорижлик бўлган шахслар сифатида қаралади.

643. Фуқароликка эга бўлиш белгисидан фойдаланишда (қуйида 660-бандга қаралсин) келиб чиқиши маҳаллий/хорижий бўлган қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олиш зарур:

- а) хорижий келиб чиқишга эга бўлган шахслар, агар улар туғилган вақтда уларнинг чет элда туғилган ота-онасининг ҳар иккиси давлат фуқаролигига эга бўлган бўлса, ажратиб кўрсатилмайди;
- б) турли давлатларда туғилган ота-оналари бўлган шахслар фуқароликни олиш белгисидан фойдаланган ҳолда ажратилиши мумкин эмас.

644. Фуқароликни бериш мезони туғилган давлат (ер тамойили — *jus soli*) тамойилида бўлган мамлакатларда келиб чиқиши маҳаллий/хорижий бўлган шахслар бўйича фуқароликни олиш тўғрисидаги маълумот ёрдамида ажратилиши мумкин эмас.

645. “Туғилган давлат”, “фуқаролик давлати” ва “ота-оналар туғилган давлат” каби ўзгарувчиларни биргаликда қўллаш ёрдамида турли хил таҳлилий таснифлар қурилиши мумкин. Тегишлича туғилган/фуқаролик жойи ва туғилган жой/ота-онаси туғилган жой/фуқаролик жойи мезонларидан фойдаланиб бино бўлган таснифлар, айниқса, муҳим саналади, зотан улар халқаро миграция нуқтаи назаридан қизиқиш ҳосил бўлган аҳолининг турли гуруҳларини аниқлашга имкон беради. Бу таснифларнинг тўлиқ баёни 2-жадвалда келтирилади.

646. Халқаро чегаралар билан боғлиқ барча белгиларга кўра (туғилган давлат, ота-она туғилган давлат, фуқаролик давлати, олдинги/жорий яшаш манзили бўлган давлат) рўйхатга олиш вақтида мавжуд бўлган чегаралар ҳисобга олиниши зарур. Агар чегаралар ўзгариши рўй берган бўлса ва натижада шахс туғилган вақтдан буён туғилган давлати белгиланиши ўзгарса, эҳтимол, бу ўзгаришларга тузатиш киритиш ва шахс туғилган жорий давлат рўйхатидан ўтиши мақсади билан амалга ошириш лозим⁵⁴. Бу илгари мавжуд бўлган мамлакатнинг қулаши натижасида ташкил топган давлатларда муҳим оқибатларга эга бўлиши мумкин, боиси, собиқ мамлакат чегараларида кўчиб юрган

⁵⁴ Халқаро миграция статистикаси бўйича тавсиялар — биринчи қайта кўрилган нашри, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 1998 йил, ST/ESA/STAT/SER.M/58/Rev.1, 189-банд.

кўплаб шахслар, агар уларнинг туғилган давлати ёки улар илгари истиқомат қилган давлат ҳисобга олинса, айтилган вақтда халқаро мигрантлар деб ҳисобланиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, мазкур мамлакатлар бўйича маълумотлар интерпретациясига, хусусан, бу икки белгига мувофиқ, алоҳида аҳамият қаратиш зарур.

647. Имкониятга кўра халқаро мигрантларга нисбатан миқдорнинг қўшимча жадвалларини тузиш, уларда мамлакат парчалангунга қадар миграция қилган шахслар ва парчалангандан сўнг қўчган шахслар ўртасидаги тафовут ўтказилиши лозим. Муайян ҳудудда туғилган, лекин туғилган давлати чегаралари ўзгариши оқибатида ўзгарган шахслар хорижда туғилган деб ҳисобланиши керак эмас.

Халқаро миграция ҳисоби учун мувофиқ белгилар

Туғилган давлати (асосий белги)

648. Туғилган давлати тўғрисидаги маълумот халқаро миграция таҳлили учун жуда муҳим (ички миграция кўрсаткичи сифатида давлатларга мамлакат ичида туғилган жойи тўғрисида маълумот тўплашга тўғри келиши мумкин — 678-бандга қаралсин).

649. Туғилган давлати деганда, шахс туғилган жой жойлашган давлат тушунилади (678-бандга қаралсин). “Туғилган давлати” белгиси ўз юртида туғилган ва чет элда дунёга келган доимий истиқомат қилувчи аҳоли ўртасидаги фарқларни аниқлашда қўлланилади. Қайд этиш керакки, шахс туғилган давлат шахс фуқаролигини олган давлат билан бир хил бўлиши шарт эмас ва бу рўйхатга олишнинг алоҳида белгисини ўзида акс эттиради (655–659-бандларга қаралсин). Туғилиш жисмонан содир бўлган давлат, ёхуд туғруқ вақтида онанинг одатий яшаш жойи бўлган давлат, агар бу давлатлар фарқланса, туғилган давлати деб номланиши мумкин. Мамлакатлар рўйхатга олиш материалларида ва исталган мета-маълумотларда қабул қилинган концепцияни изоҳлаб бериши керак.

650. Халқаро таққослашни амалга ошириш мақсадида, шунингдек, ички эҳтиёжларни қондириш учун туғилган давлати тўғрисидаги маълумот рўйхатга олиш вақтидаги халқаро чегараларни ҳисобга олган ҳолда тўпланиши керак. Бу белги бўйича маълумот имкон қадар батафсилроқ даражада тўпланиши ва кодлаштирилиши тавсия қилинади. Чет элда туғилган шахсларга келадиган бўлсак, муайян туғилган давлатлар тўғрисида маълумот йиғиш, БМТ нинг статистика бўлими томонидан нашр қилинган классификацияда мавжуд бўлган уч хонали ҳарfli коддан фойдаланган ҳолда уларнинг классификациясига имкон бериш тавсия қилинади⁵⁵. Рўйхатга олиш ўтказилаётган давлатдан бошқа давлатда дунёга келган ва туғилган давлатини кўрсата олмайдиган респондентларга тўхталадиган бўлсак, улар ҳақида энг камида бу давлат жойлашган ҳудуд ёки қитъа тўғрисида маълумот тўплаш лозим.

651. Давлатлар рўйхатга олиш материалларида “мамлакатда туғилганлар” тоифасини туғилиш пайтидаги чегараларга мувофиқ равишда қўшишни хоҳлашлари мумкин, бу муайян хорижда туғилганлар қаторига қўшиш қалтис масала бўлган давлатларга тегишли, агарда улар уруш ёки мамлакатнинг парчаланishi сабабли ўз турар жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлишган бўлса. Умуман олганда, бундай шахсларни, агар миллий чегарани жисмоний кесиб ўтиш содир бўлган тақдирда, чет элда туғилганлар тоифасига киритиш лозим.

⁵⁵ Статистикада фойдаланиш учун давлат ёки ҳудудларнинг стандарт кодлари, ST/ESA/STAT/SER.M/ 49/Rev.4 (<http://unstats.un.org/unsd/methods/m49/m49.htm>)

Ота-оналари туғилган давлат (қўшимча белги)

652. Кўп сонли муҳожирларга эга давлатлар ҳар иккала ота-она туғилган мамлакат тўғрисида маълумот йиғишни хоҳлашлари мумкин. Ота-оналари (ота ва она) туғилган давлат ҳақидаги маълумот туғилган давлатга нисбатан бир хил мезонларни қўллаган ҳолда, барча доимий истиқомат қилувчи шахсларга нисбатан тўпланиши керак. Бу белги чет элда туғилган шахсларнинг авлодларидан иборат гуруҳларни аниқлашга имкон беради. Асосий эътиборни чегаралари салмоқли ўзгаришларга юз тутган давлатларда шу савол бўйича маълумот тўплашга қаратиш зарур (646-бандга қаралсин)

653. Ота-она туғилган мамлакат тўғрисидаги маълумот чет элда туғилган ота-оналардан мамлакатда дунёга келган болаларни (яъни “иккинчи авлод” деб аталадиган) аниқлаш учун, шунингдек, мигрантлар ва уларнинг авлодлари интеграцияси жараёнлари ва натижаларини ўрганиш учун рўйхатга олинадиган шахс туғилган мамлакат тўғрисидаги маълумотлар билан биргаликда ишлатилиши мумкин. Бундан ташқари, қайта миграция ўз ўрнига эга бўлган давлатларда бу белги бўйича маълумот мамлакатда туғилган ота-оналардан чет элда дунёга келган фарзандларни аниқлаш имконини беради.

654. Асраб олинган болалар вазиятида барча ҳолларда биологик ота-онани эмас, балки асраб олган ота-онани кўрсатиш лозим.

Фуқаролиги олинган давлат (асосий белги)

655. “Фуқаролик” шахснинг у ёки бу давлатга тегишли экани қонунчиликда белгиланган тарзда аниқланади, унга туғилиш бўйича ёки қабул қилиш тартибида, фуқароликка эга бўлиш тўғрисидаги илтимоснома, оптация, турмуш қуриш йўли ёки миллий қонунчиликка мувофиқ бошқача тарзда эга бўлинади. Фуқаролик хусусидаги маълумотдан рўйхатга олиш олиб борилаётган мамлакат фуқаролигига эга бўлмаган, бироқ у ерда доимий истиқомат қилувчи чет эл фуқароларини аниқлашда фойдаланилади.

656. Фуқаролиги олинган давлат тўғрисидаги ва маълумотлар туғилган мамлакат ҳақидаги маълумотлардан алоҳида жамланиши керак, зотан бу давлатлар айни бир хил бўлмаслиги мумкин.

657. Фуқаролиги олинган давлат тўғрисидаги маълумот барча шахсларга нисбатан тўпланиши ва БМТ⁵⁶ статистика бўлими нашр этган классификациядаги уч хонали ҳарфдан иборат коддан фойдаланган ҳолда энг муфассал даражада кодланиши зарур. Мамлакат ва ҳудудларнинг бундай таснифланиши фуқаролик классификациясини ишлаб чиқиш учун фойдали инструмент ҳисобланади. Бунда юқорида қайд этилган классификацияга киритилган, бироқ ўзининг фуқаролигига эга бўлмаслиги мумкин бўлган тобе ҳудудлар ҳисобига аҳамият қаратиш керак. Халқаро солиштириш мулоҳазаларига кўра, фуқаролик олинган давлат тўғрисидаги маълумот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тан олган давлатлар рўйхатига мувофиқ тўпланиши керак, рўйхатга олиш ўтказилаётган давлатнинг у ёки бу давлатни тан олиши мезонига мувофиқ эмас.

⁵⁶ Статистикада фойдаланиш учун давлат ёки ҳудудларнинг стандарт кодлари, ST/ESA/STAT/SER.M/ 49/Rev.4 (<http://unstats.un.org/unsd/methods/m49/m49.htm>)

658. Фуқаролиги бўлмаган, яъни ўз ҳукукига кўра, бирор давлат томонидан ўзининг фуқаролари сифатида қаралмайдиган шахсларни аниқлаш имкониятини назарда тутиш зарур⁵⁷. Фуқаролик тўғрисида маълумот тўплашда “фуқаролиги йўқ” тоифасини қўшиш ўринли⁵⁸.

659. Икки ёки бир нечта фуқароликка эга бўлган шахслар улушини аниқлаш учун респондентларнинг барча давлат фуқароликлари тўғрисидаги маълумотларини йиғиш зарур. Икки фуқаролик тўғрисида маълумот йиғишда икки давлатдан қай бири биринчи ва қай бири иккинчи фуқаролик давлати экани ҳақидаги саволларга эътибор бериш тавсия қилинади. Бунда, биринчи давлат маълумот тақдим этаётган, яъни респондент истиқомат қилаётган фуқаролик давлати бўлиши керак⁵⁹.

Фуқароликни олиш (қўшимча белги)

660. Кўп сонли фуқароликни қабул қилган шахсларга эга давлатлар, эҳтимол, маҳаллий фуқароликка эга бўлган йил ва унга эга бўлиш йўллари тўғрисида маълумотларни йиғишни хоҳлашлари мумкин: туғилганлик бўйича, никоҳ тузганлик бўйича, фуқароликни қабул қилиш йўли ёки миллий қонунчиликка мувофиқ бошқа йўллардан фойдаланиш орқали.

661. Илгари мавжуд бўлган мамлакатлар парчаланиши натижасида юзага келган давлатларда янги давлат ташкил топиши ўлароқ, миллий фуқароликни қабул қилган шахсларга нисбатан қўшимча таснифий тоифа қўлланилиши мумкин. Бу тоифа қайтадан ташкил топган давлатнинг фуқаролик тўғрисидаги қонунчилиги кучга кирган вақтда мамлакат фуқаролари сифатида тан олинган шахсларни қамраб олиши зарур.

Чет элда истиқомат қилган ва мамлакатга келган йил (асосий белги)

662. Ушбу белги туғилган еридан ёки фуқаролигидан қатъи назар ва мамлакат ичида рўй бериши мумкин бўлган одатий ҳамда яшаш жойининг бошқа ўзгаришларидан қатъи назар, ҳозирги кундалик истиқомат қилишида қачондир мамлакатдан ташқарида яшаган барча шахсларга тааллуқлидир. Ушбу белги бўйича маълумотларни йиғишда респондентларни хорижда қачондир одатий яшаш жойига эга бўлганми ёки йўқлигига боғлиқ бўлган ҳолда таснифлаш лозим. Бу савол бўйича маълумотлар халқаро мигрантларни аниқлашга имкон беради (638-с) бандга қаралсин). Қачондир хорижда яшаган шахсларга тўхталсак, ҳозирги яшаш жойидаги давлатга кириб келган йил тўғрисида ҳам маълумот тўплаш мақсадга мувофиқ.

663. Мазкур белгидан мақсад халқаро мигрантларнинг қабул қилинган мамлакатда яшаш давомийлигини ўлчаш ҳисобланади. Давомийликни ўлчашда мамлакатга кириб келгандан кейин ўтган йил миқдори эмас, балки келган йилдан фойдаланиш тавсия қилинади, зотан, келган сана янада аниқроқ маълумотни кўпроқ олишга имкон беради⁶⁰. Келган вақт тўғрисида янада батафсил маълумот олиш учун, шунингдек, келган ой тўғрисида маълумотлар тўпланиши мумкин.

⁵⁷ Қаралсин: UN High Commissioner for Refugees (UNHCR), Measuring Statelessness through Population Census. Note by the Secretariat of the United Nations High Commissioner for Refugees, 13 May 2008, ECE/CES/AC.6/2008/SP/5, <http://www.refworld.org/docid/4a705e4b2.html> сайтида жойлаштирилган.

⁵⁸ Фуқаролиги бўлмаган аҳолини янада тўлиқроқ рўйхатга олиш учун давлатлар фуқаролиги йўқлигини маълум қилаётган ёки унинг борлигига ишончи комил бўлмаган шахсларга нисбатан ота-оналарининг туғилган давлати (652-банд), чет элда бундан олдинги одатий яшаш жойи бўлган давлат (666-банд) ва мамлакатда умумий истиқомат қилган даври (669-банд) бўйича маълумот тўплашни хоҳлаши мумкин.

⁵⁹ Европа Иттифоқи кирувчи давлатлар, эҳтимол, икки фуқаролик тўғрисидаги маълумотни қандай тақдим этиш ҳақидаги масалани аниқлашда Европа статистикасининг «Implementing core variables in EU social surveys, Draft Methodological Guidelines, 2011» дастурига амал қилишни исташади.

⁶⁰ Охирги йилларда келган шахсларга нисбатан аниқ календарь йили рўйхатга олиниши керак, олдинроқ келганларга нисбатан эса — кенгроқ вақт оралиқлари.

664. Келган йил сифатида шахс мамлакатга оdatий яшаш жойига келган энг охирги календарь йил ҳисобланиши керак. Бунга боғлиқ равишда у ёки бу шахс бир неча марта кўчган ва бир неча бор яшаш учун мамлакатга жойлашган тақдирда, тушуниш борасида муаммолар юзага келиши мумкин, йўриқномаларда ҳисобловчилар ва респондентларга урғу бериб ўтиш керакки, мазкур белги фақат давлатга охирги келишга тааллуқли⁶¹. Келган йилнинг рўйхатга олиниши охирги кириб келишга нисбатан вақтинчалик оралиқлар асосида олдиндан кодлаштирилган жавобларнинг муқобили бўлиб хизмат қилади.

665. Баъзи давлатлар ички сиёсат эҳтиёжлари учун халқаро мигрантларга доимий яшаш гувоҳномаси берилган йил тўғрисида маълумот йиғишни исташи мумкин. Бу йил кириб келган йилдан фарқланиши мумкин ва доимий яшаш гувоҳномаси (яъни доимий яшовчи сифатида мамлакатда яшашга қонуний ҳуқуқнинг олиниши) тақдим этилган вақтдан буён ўтган давр кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Худди шундай, баъзи мамлакатлар иммигрантларнинг интеграцияси масалалари бўйича тадқиқотлар ўтказиш учун фойдали бўлган мамлакатда бўлишнинг умумий давомийлигини ўлчаш учун биринчи келган йили ҳақида маълумот тўплашга қарор қилишлари мумкин (669-бандга қаралсин).

Чет элда олдинги оdatий яшаган давлати (қўшимча белги)

666. Қачондир чет элда яшаган шахслар ҳолатида ҳам аввалги яшаган жойи жойлашган давлат рўйхатга олиниши мумкин. Бу рўйхатга олиш мамлакатига кўчиб ўтиш амалга оширилгунга қадар оdatий яшаш жойи бўлган давлат бўлиши лозим. Бу шундай давлат бўлиши шарт эмаски, инсон ундан рўйхатга олиш давлатига келган бўлса.

667. Бундан ташқари, халқаро солиштириш мақсадида ички эҳтиёжларни қондириш учун олдинги яшаган давлати тўғрисидаги маълумот рўйхатга олиш вақтидаги халқаро чегараларни ҳисобга олган ҳолда йиғилиши керак. Тавсия қилинадики, бу белги бўйича маълумот БМТ Статистика бўлими нашр этган классификациядаги уч хонали ҳарфдан иборат коддан фойдаланган ҳолда энг муфассал даражада кодланиши ва тўпланиши зарур⁶².

668. Мамлакат ичида олдинги яшаш жойи тўғрисидаги маълумот худди алоҳида белги бўйича тўпланиши керак (юқоридаги 682-бандга қаралсин). Бу белги ички миграция таҳлили учун, шунингдек, ватанига қайтиб келаётган фуқароларга нисбатан маълумот олиш учун муҳим.

Мамлакатда яшашнинг умумий давомийлиги (қўшимча белги)

669. Бу белги халқаро мигрантларнинг мамлакатда яшашининг умумий давомийлигига тегишли. Умумий давомийлик қачондир халқаро мигрант саналган шахс барча даврлар, жумладан, жорий даврни ҳисобга олган ҳолда мамлакатда яшаган йилларининг умумий миқдори сифатида аниқланади. Бу белги фақат яшаш учун мамлакатга бир мартадан ортиқ келган шахсларга нисбатан охирги келган йили (662-бандга қаралсин) тўғрисида қўшимча маълумот олишга имкон беради.

Миграция сабаби (қўшимча белги)

670. Баъзи давлатлар, эҳтимол, халқаро ва/ёки ички миграция сабаблари тўғрисида маълумот тўплашни исташади. Бу белги респондентлар охирги миграция кўчишлари амалга оширишга туртки бўлган

⁶¹ Халқаро миграция статистикаси бўйича тавсиялар — биринчи қайта кўрилган нашри, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 1998 йил, ST/ESA/STAT/SER.M/58/Rev.1, 199-банд.

⁶² Статистикада фойдаланиш учун давлат ёки ҳудудларнинг стандарт кодлари, ST/ESA/STAT/SER.M/ 49/Rev.4 (<http://unstats.un.org/unsd/methods/m49/m49.htm>).

асосий сабабга тегишли. Миграциянинг битта бош сабабини рўйхатга олиш тавсия қилинади. Балки бу белгини чет элда яшашга (666-бандга қаралсин) тааллуқли белгига ёки олдинги одатий яшаш жойи (682-бандга қаралсин) ҳақидаги саволга қўшимча савол сифатида киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

671. Миграциянинг энг кўп учрайдиган баъзи сабабларига мисоллар келтиришимиз мумкин, булар ⁶³ қуйидагилар саналади:

- а) бандлик (жумладан ҳарбий хизмат);
- б) таълим ёки касбий тайёргарлик;
- в) никоҳ, оилаларнинг бирлашиши ёки оиланинг ташкил топиши;
- г) гуманитар ёки сиёсий сабабларга кўра қабул; ёки
- д) турар жой.

Қочоқлардан келиб чиққан аҳоли (қўшимча ҳосила белги)

672. Қочоқлардан келиб чиққан аҳоли ўз ичига “ноилож мигрантлар” ҳисобланган чет эл фуқаролари ва рўйхатга олиш вақтида улар билан бир уй хўжалигида яшаётган қарамоғидагилар, жумладан, мажбурий миграциядан сўнг туғилган болаларни олади. Бу инсонлар фақатгина “халқаро миграция сабаби” белгиси қўшилиши шарти билан аниқланиши мумкин (670–671-бандлар).

673. Мамлакатда истиқомат қилувчи қочқинлар (миллий нормалар ва/ёки халқаро конвенцияларга мувофиқ бошпана олган шахслар)⁶⁴ ва бошпана сўровчилар (қочоқ мақомини тақдим қилиш тўғрисидаги даъволари ҳали кўриб чиқилмаган халқаро ҳимоя сўраб мурожаат қилган шахслар) сонини ўлчаш одамларнинг мобиллиги ва қочқиннинг расмий мақомидаги ўзгаришлар туфайли юзага келадиган қийинчиликлар билан боғланган. Мамлакатлар балки қочоқларнинг муайян ҳуқуқий ва маъмурий таъсирга эга бўлган турли хил таърифларидан фойдаланишади. Бироқ, бу шахсларнинг ўз мақомини ўзи белгилаши уларнинг давлатдаги ҳуқуқий ҳолатидан фарқ қилиши мумкин. Халқаро миқёсда мажбурий халқаро миграция тажрибасига эга бўлган (бевосита ёки билвосита) шахслар гуруҳи сифатида қочқинлардан келиб чиққан аҳолининг ягона таърифидан фойдаланиш таклиф этилмоқда. Бундай гуруҳни аниқлаш давлатлараро ва вақтаро таҳлил қилиш учун фойдали бўлиши мумкин.

674. Аҳолининг ушбу гуруҳининг таърифи қуйидагича:

- а) халқаро миграциянинг асосий сабаби сифатида “ноилож миграция”ни кўрсатган шахслар. “Ноилож миграция” тушунчаси остига тушадиган тоифаларга баъзи мисоллар қуйидагилар саналади: қуролли низо, зўравонликнинг умумий ахволи, инсон ҳуқуқларининг бузилиши, табиий ёки антропоген офатлар;

⁶³ Халқаро миграция статистикаси бўйича тавсиялар — биринчи қайта кўрилган нашри, 1998 йил, ST/ESA/STAT/SER.M/58/Rev.1, 4-қўшимча, 46–47-бетлар.

⁶⁴ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қочоқлар мақоми тўғрисидаги 1951 йилги конвенцияси қочқини “ирқий, диний, фуқаролик, муайян ижтимоий гуруҳ ёки сиёсий қарашларга тегишлилик белгиси сабаб таъқиб қурбони бўлишнинг тўла асосланган хавфсираш тақозоси билан ўзининг фуқаролиги тегишли давлатда бўлмаган ва бу давлат ҳимоясидан фойдалана олмайдиган ёки бундай хавф оқибатида бундай ҳимоядан фойдаланишни истамайдиган” шахс сифатида таърифлайди. Африка ва Америкадаги тегишлича иккита минтақавий шартнома қочоқ концепциясини кенгайтди, шу мақсаддаки, унинг қўламига нафақат индивидуал таъқиб мотивлари, шунингдек, қуролли низо ва инсон ҳуқуқларининг оммавий бузилишини киритиш учун.

- б) миграциянинг асосий сабаби сифатида “оилавий сабаблар” ни кўрсатган чет элда туғилган ва,
а) гуруҳига кирувчи шахслар билан бир хил оилавий ячейка аъзоси ҳисобланувчи шахслар;
- в) ота-оналардан ҳар иккиси, а) гуруҳига кирувчи ёки бири, а), бошқаси б) гуруҳига кирувчи ота-оналарнинг оилавий ячейкаси аъзоларининг мамлакатда туғилган фарзандлари.

675. Туғилган давлати, фуқаролиги ёки мамлакатга келган санаси каби янада муфассал релевант маълумотлар бошқа релевант белгилар бўйича қочоқлардан келиб чиққан аҳолидан кесишувчи классификация йўли билан олиниши мумкин.

Ички миграция нуқтаи назаридан алоқадор аҳоли гуруҳлари

676. Ички мигрантлар одатда аниқ бир географик ҳудудда яшовчи ва олдин давлатнинг бошқа географик ҳудудида истиқомат қилган шахслар сифатида кенг белгиланади. Шу тариха, ички мигрантлар рўйхатга олиш вақтида муайян маъмурий-ҳудудий бирликда доимий яшаш жойига эга бўлган, лекин илгари мамлакатнинг бошқа маъмурий-ҳудудий бирлигида доимий яшаш жойига эга бўлган шахслар сифатида белгиланади. Ички мигрантлар ҳақида салмоқли маълумот олиш учун маҳаллий, минтақа ичи ва минтақалараро кўчиб ўтишлар (исталган халқаро кўчишлар сингари) ажратиб ўтиладиган мукамал классификациядан фойдаланиш зарур. Ҳар бир давлат географик зоналар ва ўзининг ҳудудий бўлинишини ўзи белгилайди, бироқ, энг кичик маъмурий-ҳудудий бирликлар доирасидаги кўчишлар турар жойнинг ўзгариши сифатида қаралиши лозим, ички миграция сифатида эмас.

677. Туғилган давлати ёки фуқаролигидан қатъи назар ҳаётининг қайсидир қисмида бошқа мамлакатда одатий яшаш жойига эга бўлган халқаро мигрантлар ҳисобланувчи шахслар ички мигрантлар сифатида ҳам ҳисобга олиниши мумкин, агар ўзининг бошқа давлатга кўчишига қўшимча равишда улар мамлакат ичида ҳам кўчиб юришган ва рўйхатга олиш ўтказилгунга қадар мамлакатнинг бошқа ерида истиқомат қилишган бўлса.

Ички миграция ҳисоби учун мос белгилар

Туғилган жойи (асосий белги)

678. Туғилган жой ички мигрантларни таҳлил қилиш учун аҳамиятга эга. Туғилган жой тўғрисидаги маълумотлар туғилиш содир бўлган жойдаги маъмурий-ҳудудий бирликка нисбатан ёки онанинг фарзандли бўлгандаги одатий яшаш жойига нисбатан тўпланиши мумкин. Давлатлар ўзларининг информацион эҳтиёжларини қондириш учун энг кўп тўғри келадиган мезонларга мувофиқ тарзда маълумот жамлаши керак. Баъзи давлатлар, шунингдек, ҳар икки мезонга кўра маълумот йиғиши мумкин. “Туғилган давлати” белгисида (649-банд) бўлгани каби давлатларнинг рўйхатга олиш материаллари ва солиштириш мета-маълумотларида таъриф қабул қилинишини аниқлаштириб олиши зарур. Мамлакатда туғилган шахсларга нисбатан энг кичик маъмурий-ҳудудий бўлиниш тўғрисида маълумот тўпланиши керак. Мамлакат ташқарисида туғилган шахслар ҳолатида туғилган давлати ҳақида маълумот тўплаш етарли.

679. Шу мамлакатликлар туғилган жой тўғрисидаги маълумотлар базаси одатда ички миграцияни ўрганишда фойдаланилади. Бироқ, яқинда ушбу ҳудудларнинг илгари мустақил бўлинмаларидан ташкил топган мамлакатлар учун ҳар бир мавжуд бўлган бирликдан янги давлатга қўшилган аҳоли контингентларининг нисбий сонини тахмин қилиш ва шу контингентларнинг мамлакат бўйлаб тақсимланишини ўрнатиш фойдали бўлиши мумкин.

680. Иккинчи мақсад учун, одатда, суҳбатдошнинг туғилган жойига тегишли бўлган фақат йирик ҳудудий-маъмурий бўлинма (масалан, штат, вилоят ва департамент) тўғрисидаги маълумотларни тўплашнинг ўзи етарли. Хоҳишга кўра, кичикроқ маъмурий-худудий бўлинмалар тўғрисида батафсилроқ маълумотларни тўплаш мумкин; бу маълумотлар катта ҳудудий бирликни аниқ кодлаш ёки кичикроқ жойлар ҳақида маълумотларни тақдим этиш учун ишлатилиши мумкин. Аммо, бундай кодлашга ёрдам кўрсатиш учун кичик ҳудудий-маъмурий бирликларни юқори географик даражадаги бирликлар билан боғлаган ҳолда географик номларнинг батафсил ва аниқ кўрсаткичларига эга бўлиш керак.

681. Ички миграцияни ўрганиш учун йирик маъмурий-худудий бирликлар даражасидаги туғилган жой ҳақидаги маълумотлар ўз-ўзидан етарли бўлмайди. Одамларнинг туғилган пайтидан бошлаб кўчишларини тушуниш учун қуйидагиларни инобатга олган ҳолда, мамлакатнинг информацион эҳтиёжларига жавоб берадиган маълумотларни тўплаш керак: а) маъмурий бирликларнинг чегаралари, масалан, шаҳарлар ва бошқа маъмурий бўлинма бирликлари вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин, бу эса, хабар қилинган маълумотларда чалкашликка олиб келади; ва б) ушбу кичик бирликлар учун хабар қилинган маълумотларни кодлаш харажатлари жуда юқори бўлиши мумкин, айниқса, бирликлар сони жуда кўп, аҳоли эса ниҳоятда мобиллиги билан ажралиб турган бир пайтда. Ушбу биринчи муаммони ҳал қилиш учун иложи борича миллий ва субмиллий чегаралар рўйхатга олиш пайтида қўлланиладиган чегараларга мос келиши керак. Мамлакатлар иккинчи муаммони ўз шароитларидан келиб чиқиб ҳал қилишлари лозим.

Олдинги одатий яшаш жойи ва ҳозирги яшаш жойига келган сана (асосий белги)

682. Ушбу хусусият ҳозирги яшаш жойига миграция ҳаракатларининг географик ва вақтинчалик хусусиятлари тўғрисида маълумот олиш имконини беради. Аввалги яшаш жойи энг кичик маъмурий-худудий бўлинма даражасида кўрсатилиши тавсия этилади.

683. Амалиётда бу белги икки кўринишда аниқланиши мумкин:

- 1) **кенгайган кўриниш:** ҳозирги одатий яшаш жойига келган йили ва ойи тўғрисидаги маълумотни олиш йўли билан; ёки
- 2) **қисқартирилган кўриниш:** одатий яшаш жойи ҳақидаги маълумотни рўйхатга олиш ўтказилишидан бир йил олдин олиш йўли билан.

Ҳозирги одатий яшаш жойига келган йили ва ойи

684. Кенгайтирилган кўринишдан фойдаланилганда келган йили ва ойи деганда, шахс ҳозирги одатдаги яшаш жойига яшаш учун охириги марта келган календарь йил ва ой тушунилади. Бу маълумот узоқ муддатли ва қисқа муддатли ички миграция кўламини ўлчаш учун муҳимдир. Респондентларга юкламаларни камайтириш учун (маълумотлар санаб чиқувчилар томонидан тўпланганда) келган ой ҳақидаги маълумот фақат рўйхатга олиш олдидан календарь йил давомида келган шахслардан сўралиши мумкин⁶⁵. Аввалги одатий яшаш жойи энг кичик маъмурий-худудий бўлинма бирлиги ёрдамида аниқланади. Ушбу иккита хусусиятни биргаликда қўллаш орқали ички миграциянинг тузилиши ва динамикасини таҳлил қилиш мумкин. Агар аввалги одатий яшаш жойи чет элда бўлган бўлса, унда яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар тўпланиши керак (666-бандга қаралсин).

⁶⁵ Охириги йилларда келган шахсларга нисбатан аниқ календарь йилни рўйхатга олиш зарур, олдинги даврларда келган шахслар ҳолатида эса нисбатан кенгроқ вақт оралиқлари қўлланилиши мумкин.

Рўйхатга олиш ўтказилишидан бир йил олдинги одатий яшаш жойи

685. Қисқартирилган кўриниш асосан кейинги даврдаги миграция тузилишини ўрганиш учун мўлжалланган. Агар аҳолини рўйхатга олишдан бир йил олдинги одатий яшаш жойи мамлакат ичида бўлса, у энг кичик маъмурий-худудий бўлинма бирлиги даражасида аниқланиши керак. Агар одатдаги яшаш жойи рўйхатга олишдан бир йил олдин чет элда бўлса, унда яшаган давлати тўғрисидаги маълумотлар тўпланиши керак (юқоридаги 666–667-бандларга қаралсин).

686. Қисқартирилган кўриниш охириги йил ичида ҳозирги яшаш жойига келган шахслар тўғрисидаги маълумотларни олишга имкон беради ва бу маълумот кенгайтирилган кўриниш ёрдамида олинган тегишли маълумотлар билан таққосланиши мумкин. Аммо кенгайтирилган кўриниш аввалги йилларда содир бўлган миграция ҳодисалари тўғрисида ҳам муҳим маълумотларни олиш имконини беради. Мамлакатлар ўзининг инфор­мацион эҳтиёжларидан келиб чиқиб, икки кўринишдан бирини танлашлари керак.

687. Ҳам кенгайган, ҳам қисқартирилган кўриниш халқаро миграция ҳақида фақат қисман маълумот олишга имкон беради. Шунга кўра, халқаро миграция жадвали тўғрисида аниқ маълумот тўплаш учун “хорижда бўлиш ва мамлакатга келган йил” белгисини (юқоридаги 662-бандга қаралсин) ишлатиш тавсия қилинади.

Рўйхатга олиш ўтказилгунгача беш йил ичидаги одатий яшаш жойи (кўшимча белги)

688. Агар одатий яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар рўйхатга олишдан бир йил олдин тўпланаётган бўлса (яъни агар “олдинги одатий яшаш жойи ва ҳозирги жойга келган сана” белгисининг қисқартирилган кўриниши ишлатилаётган бўлса), унда рўйхатга олиш ўтказилгунгача беш йил давомидаги одатий яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ҳам йиғилиши мумкин. Вақт ораллиғидаги бундай ўсиш кўчишлар сонини кўпроқ рўйхатдан ўтказишга имкон беради, аммо миграциянинг аниқ вақтига нисбатан ноаниқликнинг кучайишига олиб келади. Аҳолини рўйхатга олишдан бир йил олдин миграция масаласида бўлгани каби, агар одатдаги яшаш жойи рўйхатга олишдан беш йил олдин мамлакат ичида бўлган бўлса, унда уни англа­тиш учун энг кичик маъмурий-худудий бўлиниш бирлигидан фойдаланиш керак. Бироқ, агар рўйхатга олиш ўтказишдан беш йил олдинги одатий яшаш жойи чет элда жойлашган бўлса, унда яшаган давлати тўғрисида маълумотлар тўплаш лозим.

Ички кўчирилган шахслар (ИКШ) (кўшимча ҳосила белги)

689. Ички кўчирилган шахслар (ИКШ) деганда яшаган давлати чегараларида “мажбурий мигрантлар” саналган фуқаролар ва рўйхатга олиш вақтида улар билан бир уй хўжалигида яшаётган қарамоғидагилар, жумладан, мажбурий миграциядан кейин тўғилган болалари тушунилади⁶⁶. Қочоқлардан келиб чиққан аҳоли ҳолатидаги каби (672-банд), ИКШ фақат “мажбурий миграция сабаби” белгиси қўшилган тақдирдагина аниқланиши мумкин.

690. Урушлар, жамоавий тартибсизликлар, табиий ёки экологик офатлар каби фожиали ҳодисалар натижасида ички миграциянинг катта оқимлари кузатилган мамлакатларда бундай кўчишларнинг ҳажмини ўлчаш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ ички кўчирилган шахслар сонини ҳисоблаш кўпинча кўп кўчишлар ва мобилликнинг турли сабаблари, шунингдек, ушбу ҳаракатлар пайтида бу одамларни ҳимоя қилиш билан

⁶⁶ 1998 йилги Шахсларни мамлакат ичида кўчириш масалалари бўйича етакчи тамойиллар ИКШларни “халқаро тан олинган давлат чегараларини кесиб ўтмаган, қуролли можаролар, кенг тарқалган зўравонлик, инсон ҳуқуқларининг бузилиши, табиий ёки инсон хатти-ҳаракатлари оқибатида келиб чиққан офатлар натижасида уйларини ёки одатдаги яшаш жойларини тарк этишга мажбур қилинган ёки мажбуран рози қилинган шахслар ёки шахслар гуруҳлари” сифатида белгилаган.

боғлиқ бўлган хавотир ёки хатарлар билан асосланадиган қийинчиликлар билан боғланган бўлади. Шу билан бирга, мамлакатлар аҳолини рўйхатга олишда маълумот тўплаш талаб қилиниши мумкин бўлган ИКШларнинг эҳтиёжларини қондириш учун муайян ҳуқуқий ва маъмурий жавобгарликларни кириштириши мумкин. Халқаро миқёсда мажбурий ички миграция тажрибасига (тўғридан-тўғри ёки билвосита) эга бўлган гуруҳ ёки шахслар сифатида ИКШларнинг ягона таърифидан фойдаланиш таклиф этилади. Бундай таъриф давлатлараро ва вақтаро таҳлилда фойдали бўлиши мумкин.

691. Қўшимча тегишли маълумотлар, масалан, келиш санаси ва аввалги яшаш жойи, бошқа хусусиятлар билан кесишувчи жадвалга қўйиш йўли билан аниқлаш мумкин бўлган ИКШларнинг муҳим хусусиятлари саналади.

ХII боб. Этномаданий хусусиятлар

Кириш

692. Этномаданий хусусиятлар хақидаги маълумотлар БМТ ЕИК минтақасидаги мамлакатларнинг тобора кўпроқ кизиқишига сабаб бўлмоқда, айниқса, миграция, интеграция ва озчилик соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш борасида.

693. Турли маданият вакиллари истиқомат қилувчи давлатлар, эҳтимол, аҳолининг этник мансублиги (ёки таркиби), она тили, илми ва тиллардан фойдаланиши, шунингдек, диний жамоа ва конфессиялар тўғрисида маълумот тўплашни исташади. Буларнинг барчаси — инсонларга ўз танловига кўра ўзининг этномаданий тегишлилигини қулай аниқлаш имконини тақдим этувчи белгилардир.

694. Давлатлар, балки аҳоли келиб чиқишини ва интеграция жараёнини тўла тушуниш учун ота-она ва бобо-буви (насл-насаб)ларнинг этномаданий белгилари хақида ҳам маълумот тўплашни исташлари мумкин.

695. Қоидага кўра, этномаданий хусусиятлар субъектив таркибга эга, боиси, у ёки бу рўйхатга олиш давомида қайси “белги” ёки қайси “концепция” хақиқатан баҳоланиши борасида ягона тушунча мавжуд эмас. Бундан ташқари, турли давлатлар ҳар хил концепция ва таърифларни қўллайди. Этномаданий хусусиятлар сиёсий таъсирчан бўлиши ва кўпсонли бўлмаганларга, бироқ шундай бўлса-да, бўйсунувчи аҳоли гуруҳлари идентификацияларига қўлланилиши мумкин. Айрим озчилик гуруҳлар аъзолари, айниқса, этник, диний ва лингвистик келиб чиқиш белгиси бўйича камситишларга нисбатан заиф бўлиши мумкин. Аммо респондентлар томонидан маълумот беришда эркинлик ва очикликни таъминлаш бирламчи аҳамият касб этади. Шундай қилиб, респондентларга маълумотларни ҳимоя қилиш ва идентификациялашнинг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўрилганлигини намойиш этиш учун этник ва диний гуруҳларни рўйхатга олиш тартиби ва материалларига алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда, агар миллий қонунчиликда бунга йўл қўйилган бўлса, мамлакатлар катта эҳтимол билан бундай маълумотларни ихтиёрий равишда тўплашни хоҳлашади.

696. Маълумотлар респондентлар томонидан эркин тақдим этилиши ва улар ҳимояланганлигини таъминлаш учун мамлакатлар этномаданий хусусиятлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш бўйича махсус мониторинг механизмларини яратишни хоҳлашлари мумкин.

697. Шу сабабларга кўра ва БМТ ЕИК минтақаси айрим давлатларида этник ва диний масалалар бўйича маълумот тўплаш қонун билан тақиқланиши мумкинлигини ҳисобга олиб, ушбу бобда сўз борадиган барча белгилар кўшимча сифатида келтирилган.

698. Қоидага кўра, фақат регистрлардан ёки маъмурий манбалардан олинган маълумотлар бу белгилар учун чекланган қийматга эга ва нари борса фақат черков ёки диний жамоага расмий аъзолик ёки кўп тилли муҳитда ҳукумат ва уй хўжаликлари ўртасидаги расмий алоқа тили каби баъзи жиҳатларни қамраб олиши мумкин.

699. Рўйхатга олиш варақаларини тузиш ва баҳолашда, статистика материалларини таснифлаш ва қайта ишлашда этник, лингвистик ва диний жамоа вакиллари билан маслаҳат ўтказиш лозим. Шаффофликни, тенг муносабатни, бундай маълумотларни тўплаш сабабларини яхшироқ тушунишни ва аҳолининг кенг қамровли иштирокини таъминлаш мақсадида бундай гуруҳларни тартибларни ишлаб чиқиш, рўйхатга олишни ўтказиш асосларини белгилаш ва озчиликлар орасида рўйхатга олиш фаолиятини ўзига жалб қилиш муҳимдир.

Этник келиб чиқиш (кўшимча белги)

700. Этник келиб чиқиш кенг маънода у ёки бу этник гуруҳ ёки жамоатнинг тарихи ва ҳудудий келиб чиқиши (диний, миллий) ҳақидаги умумий тушунчага, шунингдек тил ва/ёки дин ва/ёки алоҳида урф-одатлар ва турмуш тарзи каби алоҳида маданий хусусиятларга таянади.

701. Турли этник озчилик гуруҳларини ифодаловчи ва/ёки охири вақтларда кўчиб келган иммигрантлар яшайдиган жамоаларга аллақачон эга бўлган мамлакатлар, балки аҳолининг этник таркиби ёки аҳолининг муайян кичик гуруҳлари тўғрисида маълумот тўплашни исташар. Бу маълумотлар аҳолининг маданий хилма-хиллигини, этник гуруҳларнинг жамиятдаги мавқеини тушуниш, шунингдек, тенгликни таъминлаш ҳамда дискриминацияга қарши кураш бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш учун зарур. Этник келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотлар иммигрантлар сонининг янада аниқ манзарасини кўрсатади, иккинчи ва учинчи авлод муҳожирлари учун аҳамиятли бўлмайдиган, фақат туғилган мамлакат ёки ота-онанинг туғилган давлати ҳақидаги маълумотлар асосида олинган маълумотларга қараганда, албатта. Шунга қарамай, респондентлар ўзининг этник келиб чиқишини англаши ёки бу масала бўйича уларнинг фикри, оилаларининг келиб чиқиши, мамлакатда яшаган авлодлар сони, шунингдек, иммиграциядан бери ўтган йил сонини билиши аҳолини рўйхатга олишда этник келиб чиқиш ҳақидаги маълумотларнинг тақдиротига таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар саналади.

702. Боз устига, этник келиб чиқиш кўп ўлчовли кўрсаткич бўлиб, статистикадан кўра кўпроқ динамик концепцияни ўзида ифода этади ва шу тариқа этник келиб чиқиш бўйича таснифлаш ўзгарувчан чегараларга эга динамик кўрсаткичлар тўплами сифатида қаралиши керак. Бу шуни англаштириши мумкинки, этник тоифаларнинг таснифи турли рўйхатга олишларда фарқланиб туриши мумкин, бу эса, маълум бир вақтда жамият ҳолати тўғрисида тасаввур бериш билан бирга, турли рўйхатга олиш маълумотлари ўртасида маълум даражада номувофиқликка олиб келиши мумкин.

703. Этник келиб чиқишни аждодлари ёки миллати, этник гуруҳи, маданий илдизлари, миллати, ирки, терининг ранги, озчиликнинг мавқеи, қабилавий мансублиги, тили, дини ёки турли кўшилмаларда бу белгиларнинг бир нечтаси каби қатор мезонлар ёрдамида аниқланиши мумкин. Бироқ, рўйхатга олиш мақсадида муайян этник гуруҳ билан бирхиллаштириш аниқ бир тил ва/ёки диний гуруҳ билан бир хил деб қараш билан тенг эмас, гарчи улар орасида қисмлар мос келса ҳам. Турли хил этномаданий хусусиятлар тўғрисидаги маълумотларни комбинациявий йиғиш ва таҳлил қилиш мамлакатнинг маданий хилма-хиллигини англаш учун жуда қимматли маълумотларни олиш имконини беради.

704. Айрим мамлакатларда этник мансублик аҳолининг жисмоний ёки ирқий хусусиятлари (хусусан, терининг ранги, масалан, “оқ бадан” ёки “қора тан”) билан ҳам белгиланади. Жисмоний ёки ирқий хусусиятлар тўғрисидаги маълумотлар “кўринадиган озчиликлар”ни аниқлаш учун ҳам шу тарзда ишлатилиши мумкин.

705. Баъзи бир мамлакатлар, балки ота-оналар ва бобо-бувиларнинг аждодлари ва этник келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотларни тўплашни хоҳлашлари мумкин, аммо, умуман олганда, рўйхатга олишда респондент ва унинг уй хўжалиги аъзоларидан бошқа шахслар тўғрисида маълумот тўплашга уриниш тавсия этилмайди.

706. Этник келиб чиқиш тўғрисидаги маълумотларни фуқаролиги ёки туғилган мамлакати тўғрисидаги маълумотлар билан аралаштириб юбормаслик керак. “Этник мансублик” атамаси ўрнига “миллати” атамасидан фойдаланишдан қочиш лозим.

707. Этник белги бўйича маълумотларни тўплаш учун бериладиган саволни тузиш ва шакллантириш услуби респондентларнинг ҳозирги пайтдаги этник мансублиги ва этник ўзини ўзи идентификация қилиши бораси-

даги қарорига асосан таъсир қилиши мумкин. Бу белгининг субъектив хусусияти, шунингдек, келиб чиқиши аралаш бўлган ва сони ортиб бораётган одамларга ўзларини (ва/ёки фарзандларини) ана шундайлар сифатида таниш имкониятини бериш талаби этник келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотлар респондентнинг ўз сўзларидан олинishi ва респондентларга ўзларининг келиб чиқишини ўз сўзлари билан белгилаш заруратини тақозо этади. Шундай қилиб, рўйхатга олиш варақаларида жавобларнинг олдиндан кодланган вариантларига қўшимча тарзда очиқ турдаги саволлар ҳам бўлиши керак. Бундан ташқари, этник мансублик тўғрисидаги маълумотларни эркин тақдим этишни кафолатлаш учун респондентларга уларнинг этник мансублиги тўғрисида саволлар берилганда “йўқ” ёки “хабар бермади” деб кўрсатишга рухсат берилиши керак.

708. Респондентлар, агар хоҳласалар, у ёки бу комбинацияда бир нечта этник мансублик турларини кўрсатиш имконига эга бўлиши керак. Мамлакатлар рўйхатга олиш йўриқномаларида ва ҳужжатларда аралаш никоҳдаги болаларнинг этник келиб чиқишини аниқлаш тартибини изоҳлаши лозим (масалан, респондентларга бир нечта жавобларни тақдим этиш ва/ёки “икки ирқий мансублик” каби жавобларга рухсат бериш учун аниқ йўриқномалар бериш керак).

709. Рўйхатга олиш материаллари учун этник гуруҳлар ва таснифини ишлаб чиқишда, рўйхатга олишни олиб бораётган идоралар бу маълумотларнинг нозик хусусиятларини англаши ва уларни маълумот бераётган респондентларнинг, айниқса, паст географик даражаларда, потенциал идентификацияланишини тушуниши керак. Ваҳоланки, алоҳида гуруҳларнинг озлиги муносабати билан идентификациялаш хавфи пайдо бўлиши мумкин бўлса-да, мамлакатлар озчиликлар ҳақида хабар қилинган маълумотлар акс этмайдиган рўйхатга олиш материалларидаги маълумотларни чоп этиш учун у қадар юқори даражани ўрнатмаслиги ва эҳтиёткорлик кўрсатиши лозим.

710. Этник келиб чиқиши бўйича классификациялар, шу жумладан, концепциялар ва ушбу маълумотларни ишлатиш турлари, асосан, миллий шароитларга боғлиқ бўлади. Натижада, мамлакатларнинг этномаданий таркиби кенг фарқланади ва халқаро даражада таққосланадиган тасниф бўйича муайян тавсиялар мавжуд эмас.

711. Мамлакатлар этник мансубликни таснифлашнинг асосий мезонлари ва тартибларини ҳужжатлаштириши ва маълумотлардан фойдаланувчиларни улар таянадиган илмий ва ижтимоий-сиёсий концепциялар тўғрисида хабардор қилиши керак.

712. Лозим бўлган мамлакатларда этник келиб чиқиш ҳақидаги саволлар туб аҳоли тўғрисида маълумот тўплаш учун ишлатилиши мумкин. Умуман олганда, у ёки бу мамлакатнинг туб аҳолиси ижтимоий ва маданий хусусиятлар доирасида шу мамлакатдаги жамиятнинг асосий қисмидан фарқланиб турадиган жиҳатлари билан (ёки, ҳатто баъзан айрим ҳолларда ўзининг ҳуқуқий мақомига кўра) ажраладиган ижтимоий гуруҳларни ифода этади (мисол тариқасида, эскимос, туб ҳинду, кельт ёки лўлилар (рома) дан келиб чиққан шахслар).

Диний эътиқод (қўшимча белги)

713. Диний эътиқод, одатда, эътиқод ва амалиётнинг бирлашмаси сифатида қаралиб, илоҳий ёки юқори зотга, куч ёки тамойилларга ишонччи назарда тутати ҳамда одамларнинг амалий ва маънавий ҳаёт тарзини белгилайди. Бу концепция рўйхатга олиш мобайнида қуйидагича белгиланиши мумкин:

- а) диний ёки руҳий эътиқод ёки ишонч сифатида, бу эътиқод ёки ишонч бирор ташкилий гуруҳ ёки ташкилот томонидан тақдим этилганидан қатъи назар;
- б) ёхуд аниқ диний ёки руҳий ақида ва/ёки амалиётларга таянадиган ташкилий гуруҳ ёки ташкилотга мансублик ёки аъзолик сифатида.

714. Анъанавий равишда кўп конфессияли ёки турли хил динларга мансуб салмоқли иммиграцион аҳолига эга бўлган мамлакатлар, эҳтимол, дин тўғрисидаги маълумотларни (этник мансублик ҳақидаги маълумотларга қўшимча тарзда ёки уларнинг ўрнига) тўплашни хоҳлаши мумкин.

715. Рўйхатга олиш мобайнида диний эътиқод тўғрисидаги маълумотларни тўплайдиган ҳар бир мамлакат шундай таърифдан фойдаланиши керакки, унинг ахборотдаги аниқ шарт ва эҳтиёжларига энг мос келадиган бўлсин. Бу эҳтиёж ва шартларга қараб, диний эътиқод ҳақидаги маълумотларнинг қуйидаги турлари тўпланиши мумкин:

- а) бирор черков ёки диний жамоага расман мансублик;
- б) муайян диний эътиқод, диний жамоат ёки конфессия билан ўзликни англаш;
- в) маросимларга амал қилган ёки қилмаган ҳолдаги диний эътиқодлар;
- г) шахс мурожаат қилган дин; ёки
- д) дин ақидаларига риоя қилиш ёки уларга сиғиниш.

716. Умуммиллий рўйхатга олиш доирасида диний эътиқод тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва тарқатиш ҳақидаги қарор бир қатор мулоҳаза ва миллий шароитларга боғлиқ. Масалан, бундай маълумотларга бўлган миллий эҳтиёжлар, шунингдек рўйхатга олиш амалга оширилаётган мамлакатда диний эътиқод масаласининг мақбуллик ва қалтислик даражасига.

717. Диний эътиқод билан боғлиқ саволларнинг ўта нозиклиги сабабли, респондентларга ахборот хавфсизлиги ва идентификациялашнинг олдини олиш борасида тегишли чораларни кўрсатишга алоҳида эътибор талаб қилиниши мумкин. Респондентлар бундай маълумотлардан қандай мақсадларда фойдаланилиши ва бу нима учун зарурлигини билишлари муҳим. Рўйхатга олишни амалга ошираётган идоралар рўйхатга олиш бўйича йўриқномаларда танланган концепция (концепциялар) ва таъриф (таърифлар)ни кўрсатиши керак ва у ёки бу савол ихтиёрий равишда рўйхатга олиш варақасига киритилган тақдирда, бу маълумот тўплашда респондентга аниқ кўрсатилиши зарур. Махфийлик мулоҳазаларига кўра, баъзи мамлакатларда дин билан боғлиқ ҳар қандай савол ихтиёрий бўлиши мумкин.

718. Маълумотлар ҳар доим шахсларнинг эркин ўзи белгилашига асосланган бўлиши керак. Бирок, айрим мамлакатлар диний эътиқод ҳақидаги маълумотларни йиғиш ва тарқатишни қўллашда болалар учун минимал ёшни белгилаш масаласини кўриб чиқишни исташади. Бундай ҳолда, ёш чегараси миллий шартлар ва фойдаланувчи эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак. Сўровномалар, этник мансубликда бўлгани каби, маҳаллий конфессияларнинг кичик гуруҳларига ўзларини эркин баён этиш имконини берувчи очиқ саволларни ўз ичига олиши лозим. Берилаётган савол (саволлар) шаклидан қатъи назар респондент “динсиз” деб кўрсатиш имконига эга бўлиши керак ва/ёки унга ҳеч қандай маълумот бермаслик, яъни “жавоб бермади” деб кўрсатиш имконияти тақдим этилиши зарур.

719. Маълумотларни йиғиш пайтида мамлакатлар рўйхатга олишнинг ҳар қандай материалларида ёки рўйхатга олиш бўйича йўриқномаларда қўлланиладиган таъриф (таърифлар)ни тушунтириб ўтишлари лозим.

720. Таснифлар ҳар томонлама ҳажмли хусусиятга эга бўлиши керак. Улар энг батафсил даражада қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олиши керак: диний эътиқод гуруҳлари, диний эътиқод ва диний эътиқод ости тўпламлари, масалан, конфессиялар, маъмурий ва ташкилий гуруҳлар, черков гуруҳлари, черковлар, диний йўналишлар гуруҳлари, шунингдек, умумэтироф этилган дин деб қаралмайдиган эътиқод тизимлари.

721. Халқаро маълумотларнинг ўзаро мувофиқлигини яхшилаш мақсадида жаҳон динларининг қуйидаги таснифидан энг юқори даражада фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Христианлик:
 - (1.1) Католик;
 - (1.2) Православ;
 - (1.3) Протестантлик (жумладан англикан, баптистлар, Биродарлар черкови, калвинистлар, эвангелистлар, лютеранлар, методистлар, пестекосталлар, пиэтистлар, пресвитерианлар, ислохот қилинган черков ва бошқа протестант гуруҳлари);
 - (1.4) Иегова шоҳидлари;
 - (1.5) Шарқий христианлар;
 - (1.6) Бошқа христианлар;

- (2.0) Ислом:
 - (2.1) Алавитлар (нусайрлар) ;
 - (2.2) Исмоилийлар (“етгинчи имом издошлари”);
 - (2.3) Исноашаритлар (“12 имомни тан олувчилар”);
 - (2.4) Шиалар;
 - (2.5) Сўфийлик издошлари;
 - (2.6) Суннийлар;
 - (2.7) Зайдитлар (“бешинчи имом издошлари”).

- (3.0) Яхудийлик;

- (4.0) Буддийлик;

- (5.0) Ҳиндуийлик;

- (6.0) Сикхийлик;

- (7.0) Бошқа диний гуруҳлар;

- (8.0) Эътиқодсизлар.

722. Ушбу белгига кўра тўпланган ва тарқатиладиган маълумотлар ҳажми ва батафсил текширилиши ҳар бир давлатнинг информацион эҳтиёжларига боғлиқ

Тил (қўшимча белги)

723. Кўп тилли давлатлар ва иммигрантлари сони салмоқли бўлган мамлакатлар, балки маданий ўзига хослик ва интеграцияни таҳлил қилишнинг қўшимча воситаси сифатида ёзма ва оғзаки нутқда кенг қўлланадиган тиллар тўғрисида маълумот тўплашни хоҳлаши мумкин. Шу билан бирга, агар давлатда бир нечта расмий тил қабул қилинган бўлса, қонунчилик соҳаси ёки сиёсатда расмий тиллардан фойдаланиш хусусидаги саволларни киритиш зарурати туғилиши мумкин. Информацион эҳтиёжларга асосланиб, қуйидаги концепциялардан бири ёки бир нечтаси бўйича маълумотларни йиғиш тавсия этилади:

- а) уйда эрта болалиқда ўрганилган биринчи тил сифатида белгиланувчи “она тили”;
- б) инсон энг яхши билладиган тил сифатида белгиланувчи асосий тил;
- в) уйда ва/ёки ишда энг кўп ишлатилувчи деб белгиланган одатий фойдаланиладиган тил (тиллар);
- г) бир ёки бир нечта муайян тилларда гапириш ва/ёки ёзиш қобилияти сифатида тавсифланган тил (тиллар)ни билиш.

724. Ҳар бир концепция бўйича маълумотлар турли хил таҳлилий мақсадларга ёки инфор­мацион эҳтиёж­ларга жавоб бериши кўринади. а) - с) концепциялари бўйича маълумотлар тил муҳитидаги ўзгариш жараёнларини тушуниш ва лингвистик минтақалар ва лингвистик гуруҳларни аниқлаш учун муҳимдир. Бундай саволлар, қоидага кўра, фақат битта тилга тегишли бўлади.

725. Баъзи мамлакатлар, балки мамлакатдаги тил ҳолатига қараб, бир нечта тилларни кўрсатиш ва рўйхатга олишга рухсат беришга қарор қилишлари мумкин. Рўйхатга олиш варақаси респондентлар тил билан боғлиқ саволларга бир нечта жавобларни тақдим этиши мумкинлиги тўғрисида аниқ кўрсатмаларни ўз ичига олиши керак. Бундан мақсад кўп тилли шароитларда яшаган ва баъзи ҳолларда болалик даврида, масалан, миллатлараро никоҳ натижасида бир нечта тилларни ўрганган респондентлар тўғрисида маълумот тўплашдан иборат. Бир нечта тиллар ҳақида маълумотларни тўплаш кўп сонли лингвистик гуруҳлар мавжуд бўлган ва бир нечта расмий тиллар тан олинган мамлакатдаги тил ҳолати ҳақида янада тўла тушунча ҳосил бўлишига имкон беради. Шунга қарамай, тилга оид саволларга кўплаб жавобларнинг тўпланиши рўйхатга олиш жадваллари ва ёзувларида маълумотларни тақдим этишда муаммоларни келтириб чиқаради ва шу сабабли бир нечта жавоблар бўйича маълумотлар тўплашни оқлаш учун тегишли аҳоли гуруҳлари етарлича кўп сонлими, деган саволни диққат билан кўриб чиқиш керак.

726. Одатда ишлатиладиган тил ёки она тили тўғрисидаги маълумотларни тўплашда нафақат етакчи тилни, балки мамлакатда кенг тарқалган ҳар бир тилни кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

727. d) концепцияси бўйича маълумотлар тил амалиёти ва тил борасидаги билимларни, шу жумладан, мамлакатнинг расмий тиллари ва мактабда ўқитиладиган тилларни англаш учун муҳим. Кўпинча, саволлар бир нечта тилларга тааллуқли бўлади ва шунга кўра бир неча хил жавобларга изн берилиши керак.

728. Ҳар бир мамлакат ушбу турдаги маълумотларнинг ёки уларнинг кўринишларидан қайси бири ўзининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳимлигини, агар бундай тур ва кўринишлар умуман мавжуд бўлса, белгилаб олиши керак. Мазкур белги бўйича тўпланадиган маълумотларнинг турини аниқлашда халқаро мувофиқлик бош омил бўлиши шарт эмас. Шу билан бирга, мамлакатлар тил билан боғлиқ бир нечта саволларни бериши ва маданий идентификацияни аниқлашга мўлжалланган (а)–с) саволлардан ҳеч бўлмаганда бири саводхонлик билан боғлиқ d) саволга мувофиқ келиши тавсия қилинади.

729. Этник ва диний мансубликда бўлгани каби кўплаб тил гуруҳларининг ҳисоби катта эмас. Шу сабабли, мамлакатларга а)–с) концепцияларига тегишли рўйхатга олиш саволларининг исталганига ёзма жавоб (эркин шаклда) бериш имкониятини назарда тутиш тавсия этилади. d) концепциясига тааллуқли саволлар саводхонликнинг турли даражаларини аниқлашга йўналтирилиши керак.

730. Мамлакатлар танлаб олинган концепциялар ва таърифларни изоҳлаши ва тилларни таснифлаш тартиб-таомилни рўйхатга олиш ҳужжатлари ва материалларида ҳужжатлаштириши керак.

731. Таснифлар кенг қамровли бўлиши ва иложи борича (идентификация имконияти билан боғлиқ бўлган чекловларни ҳисобга олиб) алоҳида тилларни энг кичик лингвистик гуруҳларга қадар, минтақавий лаҳжалар, шунингдек, сунъий тиллар ва имо-ишора тилларини қамраб олиши керак. Кар, соқов ёки кар ва соқов бўлган шахсларга нисбатан махсус кўрсатмалар ишлаб чиқилиши керакки, имо-ишора тиллари тил ҳақидаги саволларга мақбул жавоб ҳисобланади. Қалтис хусусият касб этувчи тилга оид саволларни ишлаб чиқишга шундай шахслар тоифаларини жалб қилган ҳолда, саволларни махсус тестдан ўтказиш орқали ёрдам бериш мумкин.

ХIII боб. Ногиронлик

Кириш

732. Аҳолини рўйхатга олиш мамлакатдаги ногиронлик тўғрисида маълумот тўплашнинг фойдали манбаи бўла олади. Ногиронлик масалалари бўйича мунтазам равишда аҳолининг махсус кўриги ўтказилмайдиган ёки жорий кузатувларда тегишли модуллар мавжуд бўлмаган мамлакатларда рўйхатга олиш умуммиллий, минтақавий ва маҳаллий даражада аҳоли ўртасида ногиронликнинг тарқалганлиги ва тақсимланганлиги тўғрисида маълумот олишнинг ягона манбаи бўлиши мумкин. Ниҳоятда жиддий касалликларга дучор бўлган шахслар тўғрисида мунтазам маълумотларни олишни таъминлайдиган рўйхатга олиш тизимига эга мамлакатлар рўйхатга олишни ушбу маълумотларни қуйида баён қилинадиган Ҳаракат, ҳаёт фаолияти ва саломатлик чекловларининг халқаро классификацияси (ХХК) асосида ногиронликнинг янада кенгрок концепциясини қамраб олувчи маълумотлар билан тўлдиришлари мумкин. Рўйхатга олиш маълумотлари дастур ва хизматларни режалаштириш (профилактика ва реабилитация соҳасида), мамлакатда ногиронлик соҳасидаги трендларни мониторинг қилиш, тенг имкониятларни таъминловчи миллий дастур ва хизматларни баҳолаш ҳамда мамлакатда ногиронликнинг турли шакллари тарқалганлигини халқаро таққослаш учун ишлатиши мумкин. Ногиронлар тўғрисидаги рўйхатга олиш маълумотлари мамлакатлар томонидан Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция доирасида зарур бўлган статистик маълумотларни кўриб чиқиш ва тарқатиш мақсадида фойдаланилиши мумкин⁶⁷.

Ногиронлик мақоми (қўшимча белги)

733. Ногиронлик мақоми аҳолини ногиронлиги бўлган ва ногиронлиги бўлмаган шахсларга таснифланишини таъминлайди. Ногиронлар деб муайян вазифаларни бажариш ёки ролларга асосланган ҳаракатларда иштирок этишда бошқалар билан таққослаганда юқори хавфга дуч келадиган шахслар таърифланади. Ушбу гуруҳ юриш ёки эшитиш каби асосий ҳаракатлар турини бажаришда чекловларни бошдан кечирадиган шахсларни ўз ичига олади, ҳатто бундай чекловларни қисман ёрдамчи воситалар, рағбатлантирувчи муҳит ёки тегишли манбалар ёрдамида ҳал қилиш мумкин бўлса ҳам. Бундай шахслар ювиниш ёки кийиниш ёки жамият ҳаётида қатнашиш ишларида, масалан, шахс ёки унинг атроф-муҳити даражасида керакли мослашув чоралари кўрилиши сабаб иш ёки диний муас-сасага қатнаш каби ишларни бажаришда чекловларга дуч келмаслиги мумкин. Бироқ, ушбу шахслар асосий функцияларни бажаришда чекловлар мавжудлиги туфайли ва мослашишнинг жорий даражаси уларнинг жамият ҳаётида иштирокининг ҳозирги даражасини чеклаши сабабли улар илгаригидек хатти-ҳаракатларни бажариш ва/ёки жамият ҳаётида иштирок этишда аҳолининг қолган қисми билан таққослаганда, катта хавфга юзлашувчилар сифатида қаралади.

734. Ногиронликни белгиловчи кенг қамровли кўрсаткич олти функционал соҳаларни қамраб олиши керак:

- 1) юриш;
- 2) кўриш қобилияти;
- 3) эшитиш;
- 4) когнитив (психик) қобилиятлар;

⁶⁷ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг “Статистика ва маълумотлар тўпланиши” 31-мақоласига қаралсин <http://www.ohchr.org/RU/HRBodies/CRPD/Pages/ConventionRightsPersonsWithDisabilities.aspx>).

5) ўзини парваришлаш, ва

6) мулоқот.

Аммо биринчи тўртта соҳани ногиронликни аниқлашнинг асосий йўналишлари сифатида кўриб чиқиш тавсия этилади. Агар мамлакатлар хоҳласа, улар ўзини парваришлай олиш ва мулоқотни қўшимча соҳалар сифатида кўриб чиқишлари мумкин.

Ногиронлар статистикасининг концептуал асослари ва терминологияси

735. 2001 йилда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) Ҳаракат, ҳаёт фаолияти ва саломатлик чекловларининг халқаро классификациясини (ХХК)⁶⁸ чоп этди, у 1980 йилда нашр қилинган Бузилишлар, меҳнатга лаёқатнинг пасайиши, ижтимоий етишмовчилик халқаро классификацияси (БХК)⁶⁹ вориси саналади. ХХК ногиронлик билан боғлиқ концептуал элементларнинг классификацияси, шу жумладан, бир вақтнинг ўзида атроф-муҳит омиллари ва иштирокини, терминология ва терминлар таърифи, концептуал таърифлар, концептуал асосларни ўз ичига олувчи таснифлаш тизими ҳисобланади.

736. ХХКда ногиронларнинг ҳолатини мониторинг қилиш учун ишлатилиши мумкин бўлган турли жиҳатлар ажратилган. Тизим икки қисмга бўлинади, уларнинг ҳар бири иккита компонентни ўз ичига олади:

(1.0) Қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олган ҳаракат ва ногиронлик:

- (1.1) Жисмоний функциялар ва тузилиш (бузилишлар);
- (1.2) Фаолият (чекловлар) ва иштирок этиш (чекловлар).

(2.0) Қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олган контекстли омиллар:

- (2.1) Яшаш муҳити омиллари;
- (2.2) Шахсий омиллар.

737. ХХК шахсий омиллардан ташқари ушбу элементларнинг барчаси учун таснифлаш схемаларини таъминлайди.

ХХК таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабат

738. 6-диаграмма қисмлар ва компонентлар ўртасидаги ўзаро муносабатни тасвирлайди. Классификациянинг асосий структураси ЖССТ веб-сайтидаги ХХК веб-саҳифасига жойлаштирилган⁷⁰.

Ногиронликни умумий даражада ўлчаш учун рўйхатга олишдан фойдаланиш

739. Рўйхатга олиш формати ногиронлик белгиси бўйича саволлар учун фақат чекланган миқдорда жой ва вақтни кўрсатиш имконини беради. ХХК рўйхатга олиш кўрсаткичларини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун турли хил таркибий қисмларни таклиф қилар экан, бошқаларни уй хўжаликларининг янада кенгрок


⁶⁸ Ҳаракат, ҳаёт фаолияти ва саломатлик чекловларининг халқаро классификацияси (ХХК), Женева, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, 2001 йил.

⁶⁹ Бузилишлар, меҳнатга лаёқатнинг пасайиши, ижтимоий етишмовчилик халқаро классификацияси (БХК), Женева, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, 1980 йил.

⁷⁰ <http://www.who.int/classifications/icf/en/index.html>.

тадқиқотлари доирасида фойдаланиш учун қолдирган ҳолда, бу компонентлардан айримларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирги пайтда рўйхатга олиш дастурларига киритиш учун тавсия этилиши мумкин бўлган ногиронлик бўйича саволларнинг қисқа рўйхатлари, шунингдек, аҳолини тадқиқ қилишда фойдаланиш учун кенгайтирилган рўйхатлар ишлаб чиқилмоқда ва синовдан ўтказилмоқда⁷¹. Тавсия этилаётган саволлар рўйхатининг мақсади ногиронлик тўғрисидаги маълумотларни мамлакатлараро таққослашни яхшилашдир.

6-диаграмма. Ногиронлик концепцияларининг ўзаро алоқаси



740. Рўйхатга олиш доирасида ногиронликни ҳисоблашдан қўзланган мақсаднинг учта асосий тоифалари қуйидагилардан иборат:

- а) Хизмат кўрсатиш, шу жумладан, хизмат кўрсатиш ва шундай дастур ва хизматларни баҳолаш соҳасида сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш. Аҳоли даражасида хизмат кўрсатиш ногиронлар учун ёрдамчи технологиялар, касб-ҳунар ёки умумий таълим реабилитацияси ва узоқ муддатли ғамхўрликни ўз ичига олади, бироқ, турар жой, транспортга бўлган эҳтиёжлар билан чекланмайди.

⁷¹ Ногиронлик статистикаси бўйича Вашингтон гуруҳи (ВГ) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “шаҳар” гуруҳи ҳисобланади, унинг асосий вазифаси ушбу масалалар бўйича ишлаб чиқилган ногиронликнинг халқаро кўрсаткичларини тақлиф қилишдир. Бу масалалар бўйича янгиланган маълумот учун http://www.cdc.gov/nchs/washington_group.htm га қаралсин.

- б) Аҳолининг ҳаракат даражасини мониторинг қилиш. Фаолият даражасини назорат қилиш трендларининг таҳлили ва коэффициентлар ҳисобини ўз ичига олади. Аҳолининг ҳаракат даражаси асосий санитария ва ижтимоий кўрсаткичлардан бири сифатида қаралади, бу аҳоли тегишли гуруҳининг жамиятдаги мавқеини тавсифлайди.
- в) Имкониятларни тенглаштиришни баҳолаш. Имкониятларни тенглаштиришни баҳолаш касаллиги бўлган шахслар ҳаётнинг барча жабҳаларида иштирок этиши учун тенг имкониятларни таъминлаш ва яхшилашга қаратилган, дискриминацияга қарши қонунлар ҳамда сиёсат ва хизмат кўрсатиш дастурлари, реабилитацияни мониторинг қилиш ва яқунларини баҳолашни назарда тутди.

741. Ушбу ўлчовларнинг мақсади Ногиронларга нисбатан умумжаҳон ҳаракат дастури (НУХД)⁷² мақсадларига муштарак бўлиб, ногиронлик бўйича маълумотлардан фойдаланишни концептуаллаштириш учун фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади. НУХД халқаро миқёсда сиёсатни ишлаб чиқиш ва дастурларни режалаштириш соҳасида учта асосий вазифани ифодалайди: имкониятларни тенглаштириш, реабилитация ва профилактика. Умумий мақсад касалликларнинг келиб чиқиши ва оқибатларини олдини олиш, ҳаракатланишнинг мақбул даражаларини рағбатлантириш ва иштирок этиш имкониятларини тенглаштириш ҳисобига ногиронларни ҳаётнинг барча жабҳаларида иштирок этишига кўмаклашишдан иборат.

742. Имкониятларни тенглаштиришни баҳолаш рўйхатга олиш мобайнида энг мақбул тарзда амалга оширилиши мумкин бўлган мақсад ҳисобланади. Бу мақсад “ногиронлик макоми”ни белгилашда эътиборга олиниши керак (733-бандга қаралсин).

743. 733-бандда келтирилган таъриф ногиронликни асосий фаолиятда ҳаракат қилишдаги чекловлар нуқтаи назаридан белгилашни талаб қилади, бу эса, индивидуум учун умумий аҳолига таққослаганда уюшган фаолиятда қатнашиш ёки унинг натижасидан (масалан, таълим муассасаларига бориш ёки меҳнат фаолиятида қатнашиш) кўра каттарок хавф туғдиради.

744. Имкониятларни тенглаштиришни баҳолаш ҳаракат ва иштирокни ўлчашни талаб қилиши мумкиндек туюлса ҳам, бундай ёндашув имкониятларнинг ўзгаришига жавобан аҳолининг иштирок этиши даражасидаги ўзгаришларни аниқлашга ёрдам бермайди. У фақат ноқулай муҳит ёки ёрдамчи воситаларнинг йўқлиги туфайли қатнашиш нуқтаи назаридан чекловларга дуч келганларнинг ҳолатини акс эттиради. Фаолиятнинг базавий даражаси ва тегишли иштирок ўртасидаги боғлиқликни тан олишга асосланган имкониятларни тенглаштиришни баҳолаш баъзи методологик муаммоларни енгишга ёрдам бериши мумкин.

745. Касалликлардан келиб чиқадиган базавий ҳаракатдаги чекловларнинг концептуал жиҳатларини иштирок этиш билан боғлиқ бўлган фаолиятнинг мураккаброқ турларидан ажратиш уюшган фаолият ва вазифаларни бажаришни енгиллаштириш ёки халақит беришга қодир бўлган аралашув механизмларини аниқлашга имкон беради. Ногирон деб топилган ёки асосий фаолият турларини амалга ошириш қобилиятига асосланиб ногирон деб ҳисобланмайдиган шахслар таҳлил жараёнида уларнинг уюшган фаолиятда (масалан, таълим муассасаларига бориш ёки меҳнат фаолияти) иштироки бўйича бир-бири билан ўзаро таққосланиши мумкин. Мазкур солиштириш имкониятларни тенглаштиришни баҳолаш учун ишлатилиши мумкин. Ҳаракатни натижадан ажратиш аҳолининг фаолият кўрсатишини мониторинг қилиш ва имкониятларни тенглаштиришни баҳолаш ўртасидаги фарқни ажратишга имкон беради. Имкониятларни тенглаштиришни баҳолашда таҳлил пайтида концептуал элементлар ўртасидаги алоқа ўрнатилади, ҳаракат фаолиятини мониторинг қилишда эса алоқа маълумотлар йиғиш пайтида ўрнатилади.

⁷² Ногиронларга нисбатан умумжаҳон ҳаракат дастури, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. — Нью-Йорк, 1983 йил.

746. ХХК концептуал модели ва унинг тўртта асосий жиҳати (жисмоний тузилиш ва вазифалар, фаолият, иштирок ва яшаш муҳити) доирасида ҳаракатнинг базавий элементларини ўлчаш учун, қайсики, иштирок этишда чеклов хавфини муносиб аниқлаш учун зарур бўладиган, фаолиятга йўналтирилган саволлар тўпламини қўлаш лозим, улар энг оддий ва базавий даражага тегишли бўлсин.

747. Ҳаракатга йўналтирилган ёндашув Европанинг статистика тизими доирасида Евростат томонидан ишлаб чиқилган Саломатлик ҳолати Европа модулида ҳам қўлланилади. Ҳолбуки, бу модуль камровига кўра маълумот тўплашнинг кенгроқ тадбирлари учун мўлжалланган бўлса-да, мисол учун, шахсий сўровнома усулидаги Саломатлик ҳолатининг Европа тадқиқоти, у шунингдек рўйхатга олиш доирасида ҳаракат чегараланганлигини ўлчаш мақсадидаги саволларни белгилашда фойдаланилади. Бу модуль, шунингдек, Саломатлик ҳолатининг Европа тадқиқоти (СХЕТ)⁷³ нинг минимал модулини ўз ичига олади, у саломатлик ҳолатининг уч хил концепциясини акс эттирувчи уч умумий саволдан иборат тўпландан ташкил топган (саломатлик ҳолати бўйича ўз ўзига баҳо бериш, сурункали хасталикларнинг борлиги ва ҳаракатдаги чекланишлар).

748. Ногиронликни белгилаш ва ўлчашдаги мураккабликларни ҳисобга олган ҳолда, баъзи маданиятларда эса ногиронлик мавжудлиги ҳақидаги саволларнинг нозик ҳисобланиши боис, бир қатор функционал соҳаларни белгилаб олиш тавсия қилинади. Улар асосида респондентларга тўғридан-тўғри ногиронлиги мавжуд экани ҳақидаги саволлар эмас, шу соҳаларда ҳаракатни амалга ошириш қобилиятига кўра саволлар бериш мумкин бўлади.

Асосий соҳалар

749. Рўйхатга олиш доирасида фойдаланиш учун тавсия қилинган саволларнинг қисқа тўпламига фақат танлаб олишнинг муайян мезонлар тўпламини қониқтирувчи соҳаларни киритиш тавсия қилинади. Бундай мезонлар аҳолининг турли гуруҳлари ёки турфа маданий контекстлар ўртасидаги мувофиқликни, рўйхатга олиш варағида жойлаштириш учун жой ёки ўзини ҳисоблаб чиқиш учун фойдаланиш имконини киритади. Бошқа мезонлар соҳанинг муҳимлигини жамият соғлиқни сақлаш муаммолари нуқтаи назаридан ўз ичига олади. Бу мезонлардан келиб чиқиб, асосийлари сифатида тўртта базавий соҳа кўриб чиқилади. 734-бандда қайд этилганидек, улар ўз ичига юриш, кўриш, эшитиш ва когнитив қобилиятларни олади. Бундан ташқари, киритиш учун рўйхатга олиш варақасида иккита қўшимча соҳа ажратилган — булар ўзни парваришлаш ва мулоқот. Имкониятга кўра, қатъий тавсия қилинадикки, барча олти соҳадан фойдаланиш лозим. Юриш, кўриш ва эшитиш соҳалари Саломатлик ҳолатининг Европа модулида ҳам ўрин олган.

750. *Юриш* турли маданий контекстларда қўлаш мезонига жавоб беради ва таққосланадиган маълумотларни олиш мақсадида жойлаштириш учун ўринга эга бўлади, зотан, юриш жисмоний функцияларнинг асосий кўрсаткичларидан бири ва иштирокдаги чекловнинг муҳим сабабларидан саналади. У, шунингдек, ҳаракатланишнинг базавий соҳаси бўлиб, ўзини ўзи ҳисобга олиш йўли билан аниқланиши мумкин.

751. Ҳолбуки кўриш ҳам жамият соғлиқни сақлаш муаммоларидан бири саналса-да, кўриш чеклови борлигини ўзи аниқлаш муаммолироқ кўринади, хусусан, кўриш қобилиятидаги одатий нуқсонларни тўғрилаш учун кўзойнақ тақувчи шахсларга нисбатан. Шунга ўхшаш муаммолар эшитишга нисбатан ҳам юзага келиши мумкин. Кўзойнақ ва эшитиш аппаратлари сингари ёрдамчи жиҳозларни ҳисобга олишнинг нисбатан самарали, чалкашликларга олиб келмайдиган усули рўйхатга олиш варағига шундай

⁷³ Саломатлик ҳолатининг шахсий сўровнома йўли билан Европа кўриги бўйича методологик қўлланма (СХШ-СЕТ, 2-тўлқин), у Саломатлик ҳолатининг Европа кўриги минимал модули учун (ЕКММ) намунали саволлар ва етакчи тамойилларни ўз ичига олади (13–17-бетларга қаралсин), http://epp.eurostat.ec.europa.eu/cache/ITY_OFFPUB/KS-RA-13-018/EN/KS-RA-13-018-EN.PDF манзилида жойлаштирилган.

мосламалардан фойдаланилмаганда эшитиш ва кўришда қандай қийинчиликлар юзага келиши ҳақидаги саволларни кўшиш ҳисобланади.

752. Бироқ, кўзойнак сингари қурилмалар шундай функционал касалликлари бор шахсларнинг катта қисми учун деярли тўлиқ мослашишни таъминлайди, қолаверса, кўриш билан боғлиқ муаммолардан азиат чекаётган шахсларнинг сони анчайин катта бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда таъкидланадики, кўзойнақдан фойдаланилмаган ҳолда кўриш қобилияти тўғрисидаги саволлар касаллиги бор шахслар сонининг анчайин кўпайишига олиб келади ва бу гуруҳга ҳаддан ортиқ хилма-хилликни беради, яъни бу гуруҳ иштирокидаги муаммоларнинг аҳамиятсиз хавфига эга шахсларни ҳам, хавф юқори бўлганларни ҳам камраб олади. Бошқа йўл сифатида кўзойнақлардан одатий фойдаланган ҳолдаги кўриш билан боғлиқ муаммолар ва эшитиш аппаратидан фойдаланган ҳолдаги эшитиш билан боғлиқ муаммолар, агар шундай қурилмалардан фойдаланилса, шу ҳақидаги саволларни ишлатишни келтириш мумкин.

753. Тўрт асосий соҳада амалиётда қўллаш қийин бўлгани когнитив қобилиятлар ҳисобланади. Когнитив қобилиятлар кўп сонли функцияларни ўз ичига олади, масалан, хотира, эътиборни жамлаш, қарор қабул қилиш, оғзаки нутқ ва ёзма матнни тушуниш, йўлни топиш ёки харитани тушуниш, математик ҳисоб-китобларни бажариш, ўқиш ва фикр юритиш. Когнитив қобилиятларнинг бирдан ортиқ жиҳатини тасвирлай оладиган, турли маданий контекстларда ўхшаш функцияларни танлаш қийинчиликлар билан чамбарчас боғлиқ. Аммо, хотира ва эътиборни жамлаш ёки қарор қабул қилиш, балки турли маданий контекстларда солиштириш талабларига энг яхши жавоб бериши мумкин. Ўқиш ва математик ҳисоб-китобларни бажариш ёки бошқа орттирилган қобилиятлар у ёки бу маданият доирасидаги таълим тизими спецификасига юқори даражада боғлиқлиги билан характерланади.

Кўшимча соҳалар

754. Қайд этилган тўрт асосий соҳага кўшимча сифатида яна икки соҳа танлаб олинди: ўзини ўзи парвариш қилиш ва мулоқот. Ўзини парвариш қилиш соҳасининг мақсади муайян қийинчиликлар билан бўлса-да, ўзини мустақил равишда парваришлай оладиган шахсларни аниқлашдан иборат. Ювиниш ва кийиниш ўзини парваришлаш бўйича асосий кундалик вазифалар ҳисобланади ва ҳаракатнинг базавий кўринишлари саналади.

755. Мулоқот соҳасининг мақсади нутқ, эшитиш ва тушуниш борасида уларнинг кундалик фаолиятини қийинлаштирадиган қийинчиликларга эга шахсларни аниқлашдан иборат. Мулоқот қирралари ўртасида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади: бошқаларни тушуниш (рецептив коммуникация) ва бошқалар томонидан тушунилиш имконияти (экспрессив коммуникация). Мулоқот жараёни (тушуниш, тушунилиш) тил ёрдамида икки инсон ўртасида маълумот ёки фикр алмашишни англатади. Бундай алмашинув учун улар овоз, ишоралар қилиш ёки алмашишни истаётган маълумотни ёзишдан фойдаланиши мумкин.

756. Бу ерда саналган олти соҳадан ташқари жисмоний фаолиятнинг бошқа соҳалари ҳам мавжуд, уларни жой бўлган тақдирда рўйхатга олиш варақасига кўшиш мумкин бўлади. Рўйхатга олиш варақасига киритиш мумкин бўлган бошқа соҳаларга елка, панжа ва қўл бармоқлари ҳамда психик фаолият киради. Олдга қўйилган мақсад, саволлар, психик ҳолат акс этадиган вазифалар нуктаи назаридан психик номувофикликларни аниқлаш ногиронликни ўлчашдаги муҳим элемент бўлса-да, у ёки бу маданиятдаги шундай муаммолар стигматизация даражаси оқибатида муайян қийинчиликларга юзлашиши мумкин. Бу бутун саволлар жамланмасини хавф остига қўйиши мумкин.

Рўйхатга олиш саволлари

757. Бу белгининг нозиклигини инобатга олиб, ногиронликни ўлчашда рўйхатга олиш саволларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Саволларнинг шакли ва тузилиши ногиронликни тўғри аниқлашга салмоқли таъсир кўрсатади. Маълумотларни тўплаш усули ҳам натижаларга сезиларли

таъсир кўрсатади (сўровномалардан фойдаланиш ёки мустақил тўлдириш). Мукамалда ҳар бир соҳа учун алоҳида савол назарда тутилиши керак⁷⁴. Фойдаланилаётган шакллар аниқ ва оддий бўлиши, икки фикрли бўлмаслиги лозим. Барча ҳолатларда негатив атамалардан қочиш зарур. Ногиронлик тўғрисидаги саволларни уй хўжалигининг ҳар бир аъзосига бериш керак, бунда уй хўжалигида ногиронликнинг борлиги ҳақидаги умумий саволларни бермаслик лозим. 2–4 ёш оралиғидаги болалар учун фақат кўриш, эшитиш ва юриш ҳақидаги саволлар мос келади, 2 ёшгача бўлган болалар учун эса ҳеч қандай саволлар бериш керак эмас. Заруратга кўра, вақтинча йўқ бўлган ёки лаёқатсиз бўлган оила аъзоси учун бошқа респондент жавоб бериши мумкин. Уй хўжалигининг ҳар бир аъзоси бўйича ногиронлик тўғрисида алоҳида савол бериш муҳим. Бироқ, уй хўжалиги тўғрисидаги умумий саволни эмас. Ногиронлик ҳақидаги маълумотларни яхшилашга, шунингдек, жавобларда бир неча даражалардан фойдаланиш ёрдам бериши мумкин. Вашингтон гуруҳи томонидан маъқулланган ногиронлик ҳақидаги рўйхатга олиш саволлари жавобларнинг тўрт даражасини назарда тутди:

- а) “Йўқ — қийинчиликларни ҳис қилмайман”;
- б) “Ҳа — айрим қийинчиликларни ҳис қиламан”;
- в) “Ҳа — оғир қийинчиликларни ҳис қиламан”; ва
- г) “Буни умуман қила олмайман”.

758. Ногиронликнинг мавжудлиги “оғир қийинчиликларни ҳис қиламан” ёки “умуман қила олмайман” жавобларига кўра белгиланади.

759. Саломатлик ҳолатининг Европа модули (747-бандга қаралсин) турли соҳалар бўйича стандарт саволлар тўпламини ўз ичига олади ва тўрт асосий соҳадан учтаси учун (кўриш, эшитиш ва юриш) рўйхатга олиш саволларини ишлаб чиқишда намуна сифатида фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, тўрт асосий соҳа бўйича маълумотлар тўплаш мақсадида миллий рўйхатга олиш доирасида қўллаш учун саволлар тўплами ҳам мавжуд⁷⁵. Бу саволлар турли маданий қатламларда истиқомат қилувчи ва яшаш шароити турлича бўлган аҳоли гуруҳлари тўғрисида халқаро таққослаш даражасидаги маълумотларни олишни таъминлашга қаратилган. Уларнинг вазифаси — фуқаролиги ёки маданий қатламидан қатъи назар, функционал ҳаракатланишда чекловлар даражаси ва тури ўхшаш бўлган шахсларни аниқлаш. Бу саволлардан мақсад ҳар бир жамиятдаги барча ногиронларни аниқлаш эмас. Саволлар ногиронлик статистикасининг барча эҳтиёжларига жавоб бермаслиги мумкин ва улар нисбатан катта соҳалар сони бўйича аҳолини баҳолашнинг ўрнини боса олмайди, масалан, маълумот тўплашнинг бошқа шакллари ёрдамида ёки маълумотларнинг маъмурий манбаларига асосланиб ўтказиш мумкин бўлган.

760. Ногиронлик мақомини ўлчаш натижасида олинган маълумот кутилмоқдаки:

- а) кўпчилик учун қўлланилиши мумкин, аммо исталган давлатдаги базавий ҳаракатланишда функционал чекловларга эга барча шахслар учун эмас;

⁷⁴ Соҳалар бирлашганда, масалан, кўриш ва эшитиш ҳақидаги саволларни бериш йўли билан, респондентларда кўпинча чалкашлик пайдо бўлади ва улар ижобий жавоб бериш учун ҳар икки соҳада муаммоларга эга бўлиш керак, деб ҳисоблаши мумкин. Бундан ташқари, аниқ чекловларда соннинг юқорилиги ички режалаштириш учун ҳам, халқаро солиштиришда ҳам фойдалидир.

⁷⁵ Қўшимча маълумотни Вашингтон гуруҳи сайтида кўриш мумкин: http://www.cdc.gov/nchs/washington_group.htm.

б) ҳар қандай давлат миқёсида нисбатан кўпроқ дуч келинадиган ҳаракатланишнинг базавий чекловларига нисбатан қўлланилиши мумкин; ва

в) давлатлараро солиштиришда ўхшаш муаммолари бор шахсларни аниқлашга имкон беради.

761. Бу саволлар функционал муаммоларга эга аҳолини аниқлаш имконини беради, қайсики, бошқа одамлар ёрдамсиз инсоннинг жамият ҳаётидаги мустақил иштирокини чеклашга қодир. Бу маълумотлар ногиронларнинг меҳнат фаолияти, таълим олиши ёки оилавий ҳаётдаги иштироки даражасини бундай муаммоларга эга бўлмаган шахслар билан солиштиришда фойдаланилади, ногиронларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини тўлалигича аниқлаш учун. Бундан ташқари, бу маълумотлар базавий ҳаракатланишнинг муайян соҳаларида чекловларга эга бўлган шахслар солиштирама оғирлигидаги трендларни мониторинг қилишда қўлланилиши мумкин. У чекловларга эга умумий аҳоли учун қўлланилмаслиги мумкин ва айниқса, муаммоларга эга “чинакам” аҳолига нисбатан, зотан бу ҳамма соҳалардаги чекловларни ўлчашни талаб қилади.

Рўйхатга олишдан ногиронлик соҳасидаги ҳолатларни кузатиш ва бошқа кузатувлар учун асос сифатида фойдаланиш

762. Ногиронлик масалалари бўйича ихтисослашган кузатув ўтказишни режалаштираётган давлатлар, балки ушбу кузатувлар учун танлаб олиш асосларини ишлаб чиқиш учун рўйхатга олишдан фойдаланишлари ва сўроқ қилинадиган шахсларни аниқлаб олувчи назорат инструментини кўшишлари мумкин. Бу мақсадда фойдаланиладиган таъриф ва инструментлар имкониятлар тенглигини баҳолашда қўлланилувчи таъриф ва инструментлардан анча фарқ қилади. Назоратнинг асосий мақсади кейинчалик тадқиқот объекти бўлиши мумкин бўлган шахслар гуруҳининг катта миқдорини аниқлаш учун максимал кенг камровни таъминлаш ҳисобланади. Назорат саволи ёлғон салбий жавоблар энг кам бўлишига олиб келиши керак (яъни рўйхатга олиш чоғида имконияти чекланган шахслар миқдори шундай турга киради, деб белгиланмаган), ёлғон ижобий жавоблар эса (рўйхатга олиш доирасида ногирон сифатида белгиланган шахслар сони аслида бундай бўлмаслиги навбатдаги кузатув вақтида максимал узун саволномалар фойдаланилганда — бундай деб баҳоланмаслиги) унчалик муҳим эмас.

763. ХХЖнинг концептуал асосларига келадиган бўлсак, рўйхатга олишнинг назорат модули барча учта асосий жиҳатларни: жисмоний функция ва тузилиш, фаолият ва иштирокни ўз ичига олиши мумкин. Бу кейинги кузатув доирасида кенг ёндашувни сақлаб қолишга имкон беради, унинг доирасида ногиронликнинг турли жиҳатлари батафсил ўрганилиши мумкин.

764. 757–761-бандларда келтирилган тавсиялар назорат модулини ишлаб чиқишда ҳам ҳисобга олиниши керак.

765. Кейинги кузатув учун танлаб олиш асосларини ишлаб чиқиш мақсадида рўйхатга олишдан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилишга қадар бу мақсадда рўйхатга олиш маълумотларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий оқибатларини тўла ўрганиб чиқиш лозим. Респондентлар бу маълумотлар кейинги тадқиқотларда ҳам ишлатилиши мумкинлиги тўғрисида олдиндан хабардор қилиниши керак ва балки аҳолининг шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқини таъминловчи органлар билан уларнинг розилигини олиш учун маслаҳатлашиб олиш зарур.

XIV боб. Уй хўжалиги ва оилаларнинг хусусиятлари

Кириш

766. Уй хўжалиги ва оилаларнинг таркибини мутлақо турли нуқтаи назарлардан ўрганиш мумкин. Уй хўжаликларига тегишли белгиларни кўриб чиқишда уй хўжалиги ва оилаларга тегишли турли концепциялар билан танишиб чиқиш зарур. Бу саволлар ушбу бобда батафсил кўриб чиқилади. Рўйхатга олиш дастуридаги бир қатор белгилар (автоулов ва маиший қулайликларнинг борлиги каби) индивидуал даража маълумотларига эмас, кўпроқ оила ёки уй хўжалиги даражасининг маълумотларига тааллуқли. 2010 йил Тавсияларида айтилганидек, кўп мамлакатларда оила ва уй хўжаликларининг ташкил топиш модели эволюцияни бошдан кечирмоқда, шу сабабдан, рўй бераётган структуравий ўзгаришларни ўрганиш жуда муҳим.

Таърифи

767. “Одатий яшаш жойи” белгисини уй хўжалиги аъзолигини аниқлаш учун асос сифатида ишлатиш тавсия қилинади (392–393- ва 396-бандларга қаралсин, вақтинчалик йўқ бўлиш масаласида). Агар фақат юридик яшаш жойи тўғрисида маълумот мавжуд бўлса (яъни одатий яшаш жойи ҳақида маълумот бўлмаса), бу маълумот шу шарт билан ишлатилиши мумкинки (бошқа манбалар билан бирга ёки алоҳида), у одатий яшаш жойини етарлича аниқ акс эттиради.

“Уй хўжалиги” концепцияси

768. Хусусий уй хўжалиги бу:

- а) бир шахсдан иборат уй хўжалиги, яъни алоҳида яшаш бирлигида алоҳида истиқомат қилувчи ёки яшаш бирлигида алоҳида хона (хоналар)ни эгаллаган шахс. Аммо, у мазкур яшаш бирлигида бошқа шахслар билан бирлашмайди ва қуйида қайд этилган гуруҳли уй хўжалигини ташкил этмайди; ёки
- б) гуруҳли уй хўжалиги, яъни икки ёки ундан ортиқ шахсдан иборат гуруҳ, яшаш бирлигида биргаликда яшаш ёки унинг бир қисмида ўзини егулик ва яшаш учун бошқа зарурий нарсаларни таъминлаш учун бирлашган ҳолат. Бу гуруҳ аъзолари кўп ёки оз микдорда ўз даромадларини бирлаштириши мумкин.

769. Хусусий уй хўжалигининг мазкур концепцияси “хўжаликни биргаликда юргизиш” концепцияси номи билан машҳур ва хусусий уй хўжаликларининг сони яшаш бирликларининг сонига тенг бўлишини назарда тутмайди. Бу концепция доирасида тегишлича ҳолатларда “пансионер” ва “квартирант” атамалари ўртасидаги фаркни белгилаш фойдали. Пансионерлар хусусий уй хўжалигида овқатланиши ва одатга кўра у ердаги барча жиҳозлардан фойдаланиши мумкин бўлади. Шу сабабли, улар уй хўжалигининг аъзоси сифатида, қуйида келтирилган таърифга кўра қаралиши лозим. Квартирантлар бошқа томондан ўзининг шахсий фойдаланиши учун яшаш бирлигининг бирор қисмини ижарага олади. Шунга кўра, улар бошқа уй хўжалиги таркибига киритилади, ҳатто битта яшаш бирлигида бирга истиқомат қилса ҳам.

770. Айрим давлатлар, эҳтимол, “хўжаликни биргаликда юргизиш” концепцияси асосида уй хўжалиги тўғрисида маълумот тўплай олмаслиги мумкин, масалан, улар ўтказаетган рўйхатга олиш регистрларга асосланса. Бундай давлатларнинг кўпчилиги бошқа концепция, яъни “биргаликда яшаш” концепциясидан фойдаланишади, унда битта яшаш бирлигида яшовчи ҳамма шахслар айнан битта уй хўжалиги аъзолари ҳисобланади, ва шу ўринда битта уй хўжалиги битта яшаш бирлигини эгаллайди, деб тушунилади ва эгалланадиган яшаш бирликлари у ердаги уй хўжаликлари сонига тенг бўлади.

771. Қоидага кўра, рўйхатдан ўтган хусусий уй хўжаликларининг умумий сони у ёки бу давлат қайси концепцияни қабул қилишига боғлиқ бўлмайди: “хўжаликни бирга юргизиш” концепциясими ёки “биргаликда яшаш концепцияси”. Бироқ, ўртадаги фарқ баъзи уй хўжаликлари турида аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Масалан, бир шахсдан ташкил топган уй хўжалиги. Рўйхатга олиш материалларида давлатларга улар хусусий уй хўжалигининг қайси концепциясидан фойдаланишини қайд этиш тавсия қилинади.

772. Институционал уй хўжалиги таркибига бошпана ёки егуликка бўлган эҳтиёжи муассаса томонидан қондириладиган шахслар киради. Муассаса деганда, шахслар гуруҳини давомий турар жой ва хизмат кўрсатиш билан таъминловчи юридик бирлик тушунилади. Муассасалар одатда барча турувчилар фойдаланадиган қулайликларга эга бўлади (ювиниш хоналари, дам олиш хоналари, ётоқ жойлар ва х.к.).

773. Кўп ҳолларда институционал уй хўжаликлари қуйидаги тоифалардан бирига тўғри келади:

- (1.0) Талабалар ётоқхонаси;
- (2.0) Касалхоналар, реабилитация марказлари, ногиронлар уйлари, руҳий хасталиклар шифохоналари ва болалар уйи;
- (3.0) Ёрдам кўрсатиладиган яшаш учун комплекслар, ижтимоий таъминот муассасалари, жумладан бошпанасизлар учун;
- (4.0) Ҳарбий казармалар;
- (5.0) Тузатиш-меҳнат муассасалари ва қамоқхоналар;
- (6.0) Диний муассасалар;
- (7.0) Ишчилар ётоқхонаси.

774. Институционал уй хўжаликлари аъзолари мазкур муассаса уларнинг одатий яшаш жойи ҳисобланувчи шахслардир (392-банд таърифига мувофиқ). Рўйхатга олиш вақтида муассасаларда истиқомат қилаётган, аммо бошқа вақтда хусусий уй хўжаликлари аъзоси бўладиган шахслар институционал уй хўжаликлари аъзоси деб ҳисобланиши мумкин, қачонки, уларнинг ўша ерда яшаши кутилаётган ёки ҳақиқатан яшайдиган муддат бир йилдан ошса.

775. Мамлакатлар аҳолининг институционал контингенти ва коллектив яшаш жойларида истиқомат қила туриб, хусусий уй хўжалиги таркибига кирувчи шахслар ўртасидаги фарқни белгилаб олиши лозим (887-б) банддаги таърифга мувофиқ). Масалан, муассаса ходимлари, у ерда (муассасанинг коллектив яшаш жойларидан алоҳида жойлашган яшаш бирлигида) бир ўзи ёки оиласи билан истиқомат қилса, хусусий уй хўжалиги аъзоси сифатида қаралиши керак.

776. Давлатлар аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилгунга қадар яшаш жойларини текшириш бўйича тадбирларни ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишлари лозим. Қисқа сўровнома ёрдамида коллектив яшаш жойининг хусусиятлари ва функцияларини аниқлаш, у ерда хусусий уй хўжаликлари ҳам бўлиши эҳтимоллиги ва уйсизларга хизмат кўрсатилиши ёки йўқлиги тўғрисида маълумот тўплаши мумкин (қуйидаги 779–782-бандлар). Бундан ташқари, бундай кузатувнинг асосий афзалликларидан бири — у кўп мақсадли институционал уй хўжаликларини аниқлаш имконини беради. Шундай қилиб, институционал уй хўжаликларининг алоҳида қисмларини турли тоифаларга ажратишга тўғри келиши мумкин.

777. Мамлакатлар ўртасида хусусий уй хўжаликларида истиқомат қилувчи аҳоли ва институционал ёки бошқа уй хўжаликларида яшовчи аҳолини бир-биридан фарқлаш усулларида тафовутлар бўлиши мумкин. Рўйхатга олиш ҳисоботлари ва мета-маълумотларида фойдаланилаётган таърифларни аниқ изоҳлаш ва миллий амалиёт ва мазкур тавсиялар ўртасидаги ҳар қандай фарқларга эътибор қаратиш зарур.

778. Ҳозирги кунда айнан кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа алоҳида гуруҳлари яшаш учун мўлжалланган яшаш жойлари сони ортаётгани кузатилмоқда, бунда институционал ва хусусий уй хўжаликлари ўртасидаги фарқ ноаниқ бўлиб қолмоқда ва уларда егуликни биргаликда ёки ҳар бир уй хўжалиги ўз жиҳозларида алоҳида тайёрлаб, истеъмол қилиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, бундай яшаш бирликларида истиқомат қилувчиларнинг камида ярми егулик тайёрлаш учун ўз жиҳозларига эга бўлган тақдирда барча шахслар хусусий уй хўжалиги сифатида қаралиши ва имконият даражасида алоҳида тоифага ажратилиши тавсия қилинади.

Одатий яшаш жойига эга бўлмаган шахслар: “бошпанасизлар”

779. На институционал ва на хусусий уй хўжаликларида яшамайдиган шахслар бор. Улар кўпинча “бошпанасизлар” деб аталади. Аммо “бошпанасизлик” маданий боғлиқ таъриф бўлиб, “адекват турар жой”, “жамоага қарашли жойнинг минимал стандарти” ёки “турар жойдан фойдаланишнинг кафолатланганлиги” каби концепцияларга асосланади. Улар эса турли жамиятларда турлича қўлланилиши мумкин. Муайян сиёсий тасаввурларга кўра, муассасаларда яшовчи баъзи шахслар бошпанасизлар сифатида, шунингдек, турли уй хўжаликларида, уларга боғлиқлик жойи бўлмаган ҳолда, кўпинча вақтинча яшаб турувчи шахслар сифатида қаралиши мумкин. “Бошпанасизлар” халқаро таққослаш мақсадлари учун аниқ тавсифланган тоифа ҳисобланмайди. Аниқ белгиланган тоифаларни тезроқ қўллаш лозим.

780. Бошпанасизлар ҳақидаги маълумотлар жадвалини тузиш учун қуйидаги икки тоифани ишлатиш мумкин:

- (1.0) Турар жойи йўқлар: бу тоифага яшайдиган жой таърифига тўғри келадиган бошпанаси йўқ шахслар қиради (872-бандга қаралсин).
- (2.0) Дарбадарлар: бу тоифага одатий яшаш жойига эга бўлмаган, яшаш жойини тез-тез ўзгартирувчи (жумладан, турар жойлар, бошпанасизлар учун муассасалар ёки бошқа турар жойлар), бироқ рўйхатга олиш вақтида ҳеч бўлмаса, боши узра бир томга эга бўлган шахсларни киритиш мумкин. Бу тоифага анъанавий турар жойларда яшаса-да, рўйхатга олиш вақтида ўзини “бошпанасиз” деб кўрсатувчи, ўзининг “оддий” манзили йўқлигини қайд этувчи шахслар киритилади. Бундай инсонларга нисбатан улар рўйхатга олинаётган манзил бўйича одатий яшаш жойига эга, деб ҳисоблаш лозим (401-а) бандга қаралсин) ва улар шу манзилдаги уй хўжалигининг бир қисми саналади.

781. Фақат биринчи тоифа — “турар жойи йўқлар” — одатда на институционал ва на хусусий уй хўжаликларига киритилмайдиган шахсларни қамраб олади. Шунга кўра, улар алоҳида ҳисобга олиниши керак. Аммо, баъзи мамлакатлар уларни институционал аҳолининг алоҳида тоифаси сифатида киритиши мумкин (ҳисобга олиш усулидан келиб чиқиб).

782. Иккинчи тоифа — “дарбадарлар” — таърифга кўра ёки институционал, ёки хусусий уй хўжаликларида бўлган ва ҳисобга олиб бўлинган шахсларни қамраб олади. Бироқ, баъзи давлатлар сиёсатга боғлиқ тамойилларга кўра, бундай одамлар ҳақида алоҳида маълумот тўплашни исташи мумкин. Буни рўйхатга олиш амалга оширилаётган ерда бўла туриб, одатий яшаш жойи йўқлиги ҳақида хабар берган одамлар тўғрисида маълумот тўплаш йўли билангина амалга ошириш мумкин. Бу таърифлар тўплаш

стратегияси ёки бошқа инструментлар билан мустақамланиши шарт, бу баъзи яшаш жойларининг анъанавий турар жой сифатида эмас, бошпана сифатида идентификация қилинишини таъминлайди (XV бобга қаралсин).

Оила концепцияси

783. “Оилавий ячейка” тор маънода қарама-қарши ёки бир хил жинсли икки ёки ундан ортиқ шахсдан иборат гуруҳ деб тушунилади ва бир уй хўжалигида истиқомат қилиб, рўйхатдан ўтган никоҳ, шериклик ёки консенсуал уюшма (яъни, бирга яшаш) ёки ота-она ва бола иплари билан боғланган бўлади. Шу тариқа оила деганда, фарзандсиз ёки бир ва ундан ортиқ фарзанди бўлган жуфтлик ёки бир ва бир неча фарзандли ота(она) тушунилади.

784. Юқорида таъриф берилган оила концепцияси болалар ва катталар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини тўғридан-тўғри қариндошлик муносабатлари билан чегаралайди, яъни ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар. Баъзи давлатларда қолдириб кетилган авлодлар бор бўлган уй хўжаликларининг салмоқли сони мавжуд, яъни бир ёки ундан ортиқ бобо ва буви ҳамда бир ёки ундан ортиқ неварадан иборат уй хўжалигида ўртадаги авлод, яъни невараларнинг ота-онаси қолдириб кетилган. Шу сабабли, ташлаб кетилган авлоди бор уй хўжалигини давлатлар ўзининг оиланинг аниқланишига киритиши лозим. Тегишли рўйхатга олиш материаллари ва/ёки мета-маълумотларда қолдириб кетилган авлодли уй хўжаликлари оилавий ячейка таърифига киритилган ёки йўқлигини аниқ кўрсатиши керак.

785. Оилавий ячейка таърифи доирасида “фарзанд” деганда қондош ўғли ёки қизи, ўғай ўғил ёки ўғай қиз, асраб олинган фарзанд (ёши ва оилавий ҳолатидан қатъи назар) тушунилиб, у уй хўжалигида энг камида ота ёки онанинг бири билан истиқомат қилади ва шу уй хўжалигида қаллиғи ёки фарзанди бўлмайди. Бу тоифага уй хўжалигида ота-онаси билан эмас, энг камида бобо ёки бувисининг бири билан яшаётган неваралар ҳам киритилиши мумкин. Тарбияга олинган болалар кўшилиши мумкин эмас. Бола сифатида ўз рафиқаси, қаллиғи, қонуний турмуш ўртоғи, консенсуал уюшма бўйича шериги ёки болали жуфти билан яшаётган ўғил (набираси) ёки қиз қаралмайди. Навбатма-навбат иккита уй хўжалигида яшовчи фарзанд (масалан, агар ота-онаси ажрашган ёки айрилишган бўлса) кўпроқ вақтини ўтказадиган уй хўжалиги аъзоси ҳисобланади. Ота-она ўртасида тенг вақт ўтказадиган фарзанд рўйхатга олиш ўтказилаётган вақтда бўлиб турган уй хўжалиги аъзоси сифатида қайд этилади (406-с) бандга қаралсин).

786. “Жуфтлик” атамаси остида қарама-қарши ва бир хил жинс вакиллариининг расмий никоҳда бўлиши, рўйхатдан ўтган шериклик ва консенсуал уюшмада яшовчи жуфтликлар тушунилади. Икки шахс консенсуал уюшмада шерик сифатида, агар улар бир уй хўжалигида одатий яшаш жойига эга, бир-бири билан қайд этилган никоҳ, рўйхатдан ўтмаган/юримдик шерикликда яшовчи ва бир-бири билан никоҳдаги каби алоқаларни олиб боришса (471-бандга қаралсин).

787. “Уч авлоддан иборат уй хўжалиги” икки ёки ундан ортиқ алоҳида оилавий ячейка ва оиланинг бошқа аъзоларидан иборат бўлади ва камида уч авлод вакиллариининг таркиб топади. Масалан, уй хўжалигида фарзанди (болалари) ва ота-онаси (ёки улардан бири) билан истиқомат қилувчи аёл фарзанди тегишли бўлган оилавий ячейканинг аъзоси ҳисобланиши керак, ҳатто, агар у турмушга чиққан бўлса ҳам. Бу ҳолда, унинг ота-онаси шу уй хўжалигидаги иккинчи оилавий ячейка сифатида қаралади.

788. “Қайтадан яралган оила” деганда, ушбу бобда қонуний никоҳ, рўйхатдан ўтган жуфтлик ёки консенсуал уюшмада бир ёки бир неча фарзанд билан яшаётган оила тушунилади, бунда фарзандлардан энг камида бири оила аъзоларидан фақат бирининг биологик фарзанди ҳисобланади. Агар жуфтликлардан бири шеригининг биологик фарзандини асраб оладиган бўлса, кейинчалик бу оила қайтадан яралган оила сифатида қаралмайди.

789. Баъзи оилавий ячейкалар институционал уй хўжалигида яшаши мумкин, масалан, қариялар уйида истиқомат қилувчи кекса жуфтликлар. Бироқ, уларнинг миқдори ЕИК минтақаси давлатларининг аксариди қарийб сезиларсиз, бундай оилавий ячейкаларни аниқлаш эса кўпинча қийинчиликлар билан боғлиқ. Шу сабабдан, оилавий ячейкалар бўйича асосий маълумотларни қамраб олиш хусусий уй хўжаликларида яшовчи оилавий ячейкалар билан чекланади. Институционал уй хўжаликларида истиқомат қилувчи оилавий ячейкалар киритилган тақдирда уларни имконият даражасида алоҳида гуруҳга ажратиш керак, шу шарт биланки, бу идентификация хавфини келтириб чиқармаслиги лозим.

790. Оилавий ячейкаларни аниқлаш кўпинча оилавий аҳволи белгилари, жинс, ёш ва уй хўжалигининг асосий аъзосига муносабат ёки уй хўжалигининг бошқа аъзоларига алоқадорлик асосида маълумотларни қайта ишлаш босқичида амалга ошади. Бироқ, бир неча оиладан иборат уй хўжаликларига нисбатан бу маълумотлар аниқ оилавий ячейкага кўра шахслар тақсимоли учун ишончли асосни таъминлай олмайди. Мамлакатлар ўз мулоҳазаларига кўра, бу уй хўжаликларини ажратишни мақсадга йўналтирилганлиги ҳақидаги масалани ҳал қилиши лозим, масалан, респондентларга оилавий ячейканинг ҳар бир аъзосини кетма-кетликда санаш ёки бошқа бирор тарзда санашни илтимос қилиш йўли билан.

791. Баъзи мамлакатлар, эҳтимол, “кенгайган оила”лар ҳақида маълумот тўплашни исташи мумкин. Кенгайган оилаларни рўйхатга олиш мақсадида юкорида келтирилган таърифга мувофиқ тарзда бир уй хўжалигида бирга яшовчи икки ёки ундан ортиқ шахслардан иборат гуруҳ сифатида белгилаш тавсия қилинади. Бироқ, улар никоҳ ёки асраб олиш натижасида бир-бири билан (муайян) қондош-қариндошликда бўлади. Кенгайган оилалар ҳақидаги маълумотлар истеъмолчи бирлиги сифатида олинган оила ёки авлодда иқтисодий муносабатларни ўрганишда муайян афзалликларга эга, шунингдек, демографик нуқтаи назардан оилаларни ўрганиш ва таснифлашда ҳам аҳамиятли. Оилаларнинг мазкур тури бўйича маълумот тўплаётган мамлакатларга мазкур классификация учун “кенгайган оила мақоми” (819–821-бандларга қаралсин) ва “кенгайган оила тури” (832–833-бандларга қаралсин) қўшимча белгиларидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Уй хўжалиги ва оилалар бўйича шахсларнинг белгилари

Уй хўжалиги аъзолари ўртасидаги муносабатлар (асосий белги)

792. Хусусий уй хўжалигида яшовчи барча шахслар, уларнинг бошқа уй хўжалиги аъзоларига муносабати тўғрисида маълумот тўплаш керак. Бу белгилар бўйича маълумотлар қуйидагилар учун зарур:

- а) оилавий ячейка ва турли тоифадаги хусусий уй хўжаликларини идентификация қилиш;
- б) уй хўжалиги аъзоларининг оилада уй хўжалигидаги мақоми белгилаш.

793. Олдинги рўйхатга олиш даврида уй хўжалиги структурасини акс эттириш учун уй хўжалигининг битта асосий шахсини танлаб олиш, уй хўжалигининг бошқа барча аъзолари ўзининг унга нисбатан муносабатини айтиши ёки кўрсатиши усулидан фойдаланиш тавсия қилинган. Қачонки, уй хўжалигининг битта асосий шахсини танлаш етарлича эътибор билан амалга оширилганда, бу усул уй хўжалиги ва оилаларнинг аксар турлари ҳақида аниқ маълумот олиш имконини беради. Бироқ баъзи ҳолларда, масалан, бир неча оиладан таркиб топган уй хўжаликларида бу усул ҳар доим ҳам талаб қилинган маълумотни олишга имкон бермайди. Шу сабабли, янада такомиллаштирилган усул ишлаб чиқилди, айнан уй хўжалиги доирасидаги муносабатлар матричасига асосланган усул. Уй хўжалиги доирасидаги муносабатлар матричаси уй хўжалигининг барча аъзолари ўртасидаги ҳамма муносабатларни ҳисобга олишни таъминлайди. Мамлакатлар матрицали усул ёрдамида маълумот тўплаш фақат анъанавий

рўйхатга олиш доирасида сўрономалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкинлигини ҳисобга олиши лозим. Регистрлардан олинadиган маълумотлар уй хўжаликлари ичидаги бундай муносабатларни аниқлай олиши даргумон.

794. Бир қатор мамлакатлар ўзларининг рўйхатга олишни ўтказиш жараёнида уй хўжаликлари доирасида муносабатлар матрицасидан фойдаланиш борасида яхши тажрибага эга, айти дамда бошқа давлатлар бу ёндашувни қўллашда қийинчиликлар юзага келганини хабар беришган, бу усулнинг нисбатан мураккаб хусусиятлари бунга сабаб бўлган бўлиши мумкин. Шу муносабат билан мамлакатларга муносабатлар матрицасини уй хўжаликлари структурасини акс эттирадиган усуллардан бири сифатидагина кўриш тавсия қилинади. Рўйхатга олишни ўтказгунга қадар муносабатлар матрицасини амалиётда қўллаш имкониятини синовдан ўтказиш тавсия қилинади. У қўллаш мумкин деб топилганда, ундан фойдаланиш тавсия қилинади. Бошқа ҳолларда, фақат уй хўжалигининг асосий шахсига нисбатан муносабатларни ҳисобга олиш усулидан фойдаланиш тавсия қилинади. Қайд этиш керакки, уй хўжалиги доирасида муносабатлар матрицасига зарурат туғилганда уй хўжалигининг фақат баъзи аъзолари, масалан, фақат ёши катта аъзолари ёки болалар билан чекланиш мумкин.

795. Муносабатлар турларини таснифлаш қуйидагиларга нисбатан қўлланилиши мумкин: а) уй хўжалигининг бошқа/барча аъзолари (уй хўжалиги доирасида муносабатлар матрицасидан фойдаланилганда) ва б) фақат асосий шахсга нисбатан тегишлича 796- ва 802-бандларда келтирилади.

Муносабатлар матрицасидан фойдаланган ҳолдаги ёндашув

796. Уй хўжаликлари доирасида муносабатлар матрицасидан фойдаланилганда, хусусий уй хўжалигида яшовчи шахсларнинг бошқа уй хўжаликлари аъзоларига муносабатига кўра қуйида келтирилган классификацияни қўллаш тавсия қилинади. Бу классификацияни битта белги даражасида ва ихтиёрий равишда — икки белги даражасида ишлатиш тавсия қилинади.

- (1.0) Бошқа шахснинг эри/рафиқаси/қаллиғи:
 - (1.1) Қарама-қарши жинсли жуфтлик;
 - (2.2) Бир жинсли жуфтлик;

- (2.0) Бошқа шахснинг рўйхатдан ўтган жуфти:
 - (2.1) Рўйхатдан ўтган қарама-қарши жинсли жуфтлик;
 - (2.2) Рўйхатдан ўтган бир жинсли жуфтлик;

- (3.0) Бошқа шахснинг консенсуал уюшмадаги жуфти (турмуш ўртоқ):
 - (3.1) Бошқа шахснинг қарама-қарши жинсли турмуш ўртоғи;
 - (3.2) Бошқа шахснинг ўзи билан бир хил жинсли турмуш ўртоғи;

- (4.0) Бошқа шахснинг фарзанди;

- (5.0) Бошқа шахснинг отаси ёки онаси;

- (6.0) Бошқа шахснинг қолган қариндошлари;

- (7.0) Бошқа шахслар билан қариндошлиги бўлмаган шахслар:
 - (7.1) Тарбияга олинган бола;
 - (7.2) Пансионер;
 - (7.3) Бошқалар, жумладан, уй хўжалигида яшовчи уй хизматкори.

797. “Консенсуал уюшмадаги жуфт” (турмуш ўртоқ) атамаси консенсуал уюшмадаги шахслар учун маънодош сифатида қўлланилиши мумкин. Бир жинсдаги жуфтликлар уюшмаси ҳақида маълумот тўплашни истовчи мамлакатлар “Қарама-қарши жинсли бошқа шахснинг турмуш ўртоғи” (3.1) ва “Ўзи билан бир хил жинсли бошқа шахснинг турмуш ўртоғи” (3.2) тоифалари ўртасида ихтиёрий чегарани белгилаш имкониятини кўриб чиқиши лозим. Бир жинсли жуфтликлар учун қарама-қарши жинсли жуфтликлардан айри тарзда алоҳида тоифанинг қўшилиши бир хил жинсли жуфтликлар тўғрисида маълумот тўплашга имкон берадики, алоҳида жинс ҳақида тўпланган маълумотга таянмаган ҳолда қарама-қарши ҳамда бир жинсли жуфтликлар ўртасидаги фарқни белгилаш имкони туғилади. Рўйхатга олиш варағида бундай нозик савол қўшилгунга қадар ҳар томонлама тест олиш дастурини амалга ошириш тавсия қилинади (ҳам когнитив, ҳам миқдорий жиҳатдан).

798. Мамлакатлар балки тоифани (4.0) турли ёш гуруҳларидаги болалар тағ тоифасига бўлишни исташи мумкин. Бундан ташқари, уй хўжалиги таркибига кирувчи ёлланма ишчилар, бироқ, уй хизматкори ҳисобланмайдиган (масалан, энага ва кишлоқ хўжалиги ишчиси)ни тоифага киритиш таклиф қилинади (7.3). “Биргаликда яшаш” концепциясини қўллайдиган давлатларга, шунингдек ижарага олувчи ва уларнинг уй хўжалиги аъзолари учун алоҳида бўлим зарур бўлиши мумкин.

799. Қолдириб кетилган авлодли оилаларни ажратувчи давлатлар икки қўшимча тоифа, айнан бири “бошқа шахснинг бобоси/бувиси” ва иккинчиси “бошқа шахснинг набираси” ни қўллаши тавсия қилинади.

Уй хўжалигидаги асосий шахсни қўллаган ҳолдаги ёндашув

800. Уй хўжалигидаги бошқа барча аъзолар тобе бўлган биргина асосий шахсни танлашда улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаб ўрганиш лозим бўлади. Илгари уй хўжалигининг асосий шахси сифатида одатда унинг “боши” сифатида кўрилувчи шахс ишлатилган. Аммо, бугунги кунда минтақанинг кўплаб давлатлари бу концепцияни эндиликда адекват деб ҳисоблашмайди. Баъзи ҳолларда, уй хўжалигининг ёши катта аъзоси ёки кўпроқ даромад келтирувчи вакили асосий шахс сифатида олиниши таклиф қилинади. Аммо, бу саволнинг асосий мақсади оиладаги мақом ва оила бўйича шахсларнинг тақсимотини аниқлаш бўлгани сабаб ҳар иккала ёндашув камчиликларга эга саналади. Ёш жиҳатдан энг катта шахсни автоматик равишда танлаш мақсадга мувофиқ эмас, боиси, бир неча авлодлардан иборат уй хўжаликларида қариндошлик алоқаларининг энг муфассал тўпламини ўрта авлодга тегишли асосий шахсни танлаш орқали акс эттириш мумкин. Энг кўп даромад олувчи эса, қариндошлик алоқаларининг бундай кенг туташувига эга бўлмаслиги мумкин. Асосий шахсни танлашда қуйида келтирилган етакчи тамойиллардан фойдаланишнинг афзалликлари муайян даражада бўлиб, аниқ қариндошлик алоқаларининг тўлиқ жамланмасини белгилашга имкон беради:

- а) бир уй хўжалигида рўйхатдан ўтган никоҳда яшовчи эр ёки рафиқа (бир неча авлоддан таркиб топган уй хўжалигида ўрта авлод шахсларидан бўлиши мақсадга мувофиқ);
- б) рўйхатдан ўтган никоҳ бўйича жуфтлик алоқалари бўлмаган, уй хўжалигида консенсуал уюшмада бўлган жуфтликлардан бири;
- в) бошқа ҳолда ота-она, уй хўжалигида қизлари ёки ўғиллари билан яшаётган исталган ёшдаги битта ота ёки она, ёки
- г) юқорида қайд этилган шартлардан бирортасини қўллаш мумкин бўлмаганда, асосий шахс сифатида уй хўжалигининг исталган ёши катта аъзоси белгиланиши мумкин.

801. Бу тоифалар кўп ҳолларда қўлланилади ва оилавий алоқаларни аниқлашни осонлаштириш учун ёши катта асосий шахс қандай танлаб олинишига мисол сифатида бу ерда келтирилди. Мазкур бандда

келтирилаётган мулоҳазалар яна шундай вазиятларда фойдали бўлиши мумкинки, мамлакатлар “уй хўжалигининг бошлиғи” концепциясини қўллашни ишташганда.

802. Оилавий ячейка ва уй хўжаликларини идентификация қилишни осонлаштириш учун хусусий уй хўжалигида яшовчи шахсларнинг қуйидаги классификацияси тавсия қилинади. Бунда, уларнинг фақат уй хўжалигидаги асосий шахсга нисбатан муносабати бўйича қаралади. Бу классификация бир белгили ва ихтиёрий икки белгили даражада бўлади.

- (1.0) Асосий шахс;
- (2.0) Асосий шахснинг қаллиғи ёки рўйхатдан ўтган жуфти:
 - (2.1) Қарама-қарши жинснинг қаллиғи ёки рўйхатдан ўтган жуфти;
 - (2.2) Бир жинснинг қаллиғи ёки рўйхатдан ўтган жуфти;
- (3.0) Консенсуал уюшмадаги асосий шахснинг жуфти (турмуш ўртоғи):
 - (3.1) Қарама-қарши жинсдаги жуфти;
 - (3.2) Ўзи билан бир жинсдаги жуфти;
- (4.0) Асосий шахснинг фарзанди ва/ёки эри/рафикаси/жуфти:
 - (4.1) Фақат асосий шахснинг фарзанди;
 - (4.2) Асосий шахснинг эри/рафикаси/жуфтининг фарзанди;
 - (4.3) Иккаласининг фарзанди;
- (5.0) Асосий шахс фарзандининг эри/рафикаси ёки қаллиғи;
- (6.0) Асосий шахснинг отаси ёки онаси, асосий шахснинг эри/рафикаси/жуфтининг отаси ёки онаси;
- (7.0) Асосий шахснинг бошқа қариндошлари, асосий шахснинг эри/рафикаси/жуфтининг бошқа қариндошлари;
- (8.0) Уй хўжалигининг асосий шахси билан қариндошлиги бўлмаган шахслар:
 - (8.1) Тарбияга олинган бола;
 - (8.2) Пансионер;
 - (8.3) Бошқалар (жумладан, уй хўжалигида яшовчи оқсоч).

803. Муносабатлар матричасидан фойдаланиш ёндашувига келсак, ташлаб кетилган авлодли оилаларни оилавий ячейка сифатида кўрадиган мамлакатлар юқоридаги 779-бандда сўз юритилган қўшимча икки тоифани киритишни ишташи мумкин.

804. Бир жинсдаги жуфтликлар уюшмаси ҳақида маълумот тўплашни истовчи мамлакатлар “Қарама-қарши жинсли бошқа шахснинг турмуш ўртоғи” (3.1) ва “Ўзи билан бир хил жинсли бошқа шахснинг турмуш ўртоғи” (3.2) тоифалари ўртасида ихтиёрий чегарани белгилаш имкониятини кўриб чиқиши лозим.

805. (4.1), (4.2) ва (4.3) тоифалари ўртасида ихтиёрий равишда фарқ белгилаш хусусий уй хўжаликлариди қайта барпо бўлган оилаларни идентификация қилиш имконини беради, бунда асосий шахс қайта ташкил этилган оиланинг ота-оналаридан бири бўлади (788-бандга қаралсин).

806. 798-бандда тавсия қилинганидек, муносабатлар матричасидан фойдаланиб ёндашилганда, мамлакатлар (4.1)–(4.3) категорияларини турли ёш тоифаларидаги болалар гуруҳларига бўлишни ишташи мумкин. Бундан ташқари, тоифага (8.3) уй хўжалигида яшовчи аъзолар ҳисобланувчи ёлланма ишчи-

ларни киритиш таклиф қилинади (масалан, энага ва қишлоқ хўжалиги ишчилари). “Биргаликда яшаш” концепциясини қўллайдиган давлатларга, шунингдек, ижарага олувчи ва уларнинг уй хўжалиги аъзолари учун алоҳида бўлим зарур бўлиши мумкин.

Уй хўжалиги ва оиладаги мақом

807. Уй хўжалиги ва оиладаги мақомни белгилаш мақсадида, шунингдек, уй хўжалиги ва оиладаги бирор шахс ёки бошқа аъзолар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини аниқлаш учун шахслар уй хўжалиги ва оилавий ячейкадаги мақомларига кўра таснифланиши мумкин. Шахсларнинг уй хўжалиги ва оилавий ячейкадаги мақомига кўра таснифланиши ижтимоий ва демографик тадқиқотлар ва сиёсатни шакллантиришда ўз ўрнига эга. Шахсларнинг уй хўжалиги ва оиладаги мақомига нисбатан рўйхатга олиш маълумотлари умуман турли мақсадларда қўлланилиши мумкин. Ҳолбуки, мақомни белгилаш респондентнинг уй хўжалигидаги бошлиқ ёки бошқа аъзосига нисбатан қариндошлик алоқаси ҳақидаги саволга берган жавобига асосланса-да, шахсларнинг уй хўжалиги ва оиладаги мақомига мувофиқ тасниф ўзида шахсларнинг уй хўжалигидаги бошлиқ ёки бошқа аъзоларига нисбатан қариндошлик алоқасига кўрагина таснифланувчи анъанавий ёндашувлардан фарқланади.

Уй хўжалигидаги мақом (асосий ҳосила белги)

808. Уй хўжалигидаги барча шахсларнинг мақоми ёки ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ишлаб чиқиш зарур. шунингдек, уй хўжалигида бир оилавий хўжалик, оилавий ячейка ёки бошқа шахслар билан бирга яшайдиган қатъи назар шахсларга нисбатан ҳам қўллаш лозим.

809. Уй хўжалигидаги мақоми бўйича аҳолининг куйидаги классификацияларини қўллаш тавсия қилинади:

(1.0) Уй хўжалигидаги шахс:

(1.1) Оилавий уй хўжалигидаги шахс:

(1.1.1) Эркак жинсидаги эр/қайлик ёки рўйхатдан ўтган жуфтлик;

(1.1.2) Аёл жинсидаги рафиқа/қайлик ёки рўйхатдан ўтган жуфтлик;

(1.1.3) Консенсуал уюшмадаги эркак жинсидаги жуфтлик;

(1.1.4) Консенсуал уюшмадаги аёл жинсидаги жуфтлик;

(1.1.5) Ёлғиз ота;

(1.1.6) Ёлғиз она;

(1.1.7) 25 ёшгача бўлган бола;

(1.1.8) 25 ёш ва ундан катта ўғил/қиз;

(1.1.9) Бошқа шахслар, оилавий ячейканинг аъзоси бўлмаган, аммо оилавий уй хўжалиги таркибига кирувчи;

(1.2) Бошқа уй хўжаликлари таркибига кирувчи шахс:

(1.2.1) Ёлғиз;

(1.2.2) Қариндошлари билан яшайди;

(1.2.3) Қариндошлари ҳисобланмайдиганлар билан яшовчи шахс;

(1.2.4) Хусусий уй хўжалиги таркибига кирмайдиган шахс;

(2.0) Хусусий уй хўжалиги таркибига кирмайдиган шахс:

(2.1) Институционал уй хўжалиги таркибидаги шахс;

(2.2) Бошпанасиз шахс;

(2.3) Бошқалар.

810. Бу классификацияни уч белгили даражада ишлатиш тавсия қилинади. Миллий қонунчилик ва мамлакатнинг маълумотларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, бир жинсли жуфтликларни аниқ ажратиш учун рўйхатдан ўтган бир жинсли жуфтликда ёш жиҳатдан катта жуфтни (1.1.1) тоифасига, ёш жиҳатдан кичик жуфтни эса — (1.1.2) тоифасига киритиши мумкин.

811. Ўтказиб юборилган авлодли оилаларни ажратадиган мамлакатлар (1.1) доирасида иккита қўшимча тоифани қўллаш лозим, бири бобо ва бувилар учун, иккинчиси неваралар учун.

812. Қайд этиш керакки, уй хўжалигидаги мақом тўғрисидаги маълумот шуни аниқлаш учун қўлланилиши мумкинки, одатда ҳақиқий никоҳ мақомидаги оила чиндан шундайми, масалан, юридик жиҳатдан рўйхатдан ўтмаган шахс жуфти билан консенсуал уюшма доирасида яшаяптими ёки қонуний никоҳдаги шахс жуфтисиз яшаяптими (469–471-бандларга қаралсин), шу маънодаки, никоҳдаги баъзи шахслар қонуний турмуш ўртоғидан бошқа шахс билан яшаб келаётган бўлиши мумкин.

Оиладаги мақом (асосий ҳосила белги)

813. Оиладаги барча шахсларнинг мақоми тўғрисидаги маълумотларни ишлаб чиқиш зарур. Оиладаги мақом жуфт, ёлғиз ота(она) ёки фарзанд каби тоифалар билан белгиланади.

814. Оиладаги мақом бўйича қуйидаги классификацияларни қўллаш тавсия қилинади:

(1.0) Жуфтлик:

- (1.1) Қайд этилган никоҳ/ рўйхатдан ўтган иттифоқдаги турмуш ўрток;
- (1.2) Қайд этилган никоҳ/ рўйхатдан ўтган иттифоқдаги аёли;
- (1.3) Консенсуал бирликдаги эркак-жуфт;
- (1.4) Консенсуал бирликдаги аёл-жуфт;

(2.0) Ёлғиз ота-она:

- (2.1) Ёлғиз ота;
- (2.2) Ёлғиз она;

(3.0) Бола:

(3.1) 25 ёшгача бўлган бола:

- (3.1.1) Икки жуфтнинг фарзанди;
- (3.1.2) Фақат эркак-жуфтнинг фарзанди;
- (3.1.3) Фақат аёл-жуфтнинг фарзанди;
- (3.1.4) Ёлғиз отанинг фарзанди;
- (3.1.5) Ёлғиз онанинг фарзанди;

3.2.) 25 ёш ва ундан катта бўлган қиз/ўғил:

- (3.2.1) Икки жуфтнинг қизи/ўғли;
- (3.2.2) Фақат эркак-жуфтнинг қизи/ўғли;
- (3.2.3) Фақат аёл-жуфтнинг қизи/ўғли;
- (3.2.4) Ёлғиз отанинг қизи/ўғли;
- (3.2.5) Ёлғиз онанинг қизи/ўғли.

815. Мазкур классификацияни икки хонали даражада қўллаш тавсия қилинади. Кенжа фарзанднинг ёшига кўра қўшимча тоифалар киритиш мумкин, масалан, 18 ёшдан кичик, 18–24 ёш, 25–29 ёш ва 30 ёш ҳамда ундан катта.

816. Юқоридаги 810-банддаги ҳолатда айтилганидек, миллий қонунчилик ва мамлакатнинг маълумотларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, бир жинсли жуфтликларни аниқ ажратиш учун рўйхатдан ўтган бир жинсли жуфтликда ёш жиҳатдан катта жуфтни (1.1.1) тоифасига, ёш жиҳатдан кичик жуфтни эса — (1.1.2) тоифасига киритиши мумкин.

817. Қолдириб кетилган авлодли оилаларни ажратиб кўрсатадиган давлатлар учта қўшимча тоифани ишлатиши лозим, булар: (3.3) 25 ёшгача бўлган невара; (3.4) 25 ёш ва ундан катта бўлган невара; ва (4.0) бобо ёки буви.

818. Қайта барпо этилган оилаларда болаларнинг таснифланиши алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Бу болаларни ҳар икки ота-онага муносабати туридан келиб чиқиб, тегишли тоифаларга киритиш лозим. Агар бола янги жуфт томонидан асраб олинган бўлса, у (3.1.1) ёки (3.2.1) тоифасига киритилиши керак, оилани эса қайта ташкил этилган оила сифатида қарамаслик мумкин (фақат агар ҳамма болалар янги жуфт томонидан асраб олинган бўлмаса) (788-бандга қаралсин). Акс ҳолда, бола (3.1.2), (3.1.3), (3.2.2) ёки (3.2.3) тоифаларига киритилади.

Кенгайган оиладаги мақом (қўшимча ҳосила белги)

819. Кенгайган оила ҳақидаги маълумотларни олишга қизиқиш билдирувчи давлатларга хусусий уй хўжалигидаги шахсларни уларнинг кенгайган оиладаги мақомига кўра таснифлаш таклиф қилинади.

820. Шахсларни уй хўжалигидаги асосий шахсга муносабатига кўра қуйидагича таснифлашдан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Кенгайган оиладаги асосий шахс;
- (2.0) Асосий шахснинг эри/рафикаси/қаллиғи, рўйхатдан ўтган жуфти ёки турмуш ўртоғи;
- (3.0) Асосий шахснинг фарзанди;
- (4.0) Асосий шахснинг бошқа қариндошлари;
- (5.0) Кенгайган оиланинг аъзоси ҳисобланмайдиган шахс.

821. Баъзи давлатлар ўзининг муайян эҳтиёжларини қондириш учун кейинчалик (4.0) тоифасини муносабатлар турига кўра бўлишга ҳам интилиши мумкин.

Оилавий ячейка белгилари

Оилавий ячейка тури (асосий ҳосила белги)

822. Оилавий ячейка таърифи 783-бандда келтирилди. Оилавий ячейкаларни турига кўра таснифлаш лозим.

823. Оилавий ячейкаларни турига кўра таснифлашда қуйидагилардан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Қайта ташкил топган оила ҳисобланмайдиган, рўйхатдан ўтган жуфтлик:
 - (1.1) Улар билан яшовчи болаларисиз;
 - (1.2) Оилада 25 ёшгача бўлган камида битта фарзанд билан яшовчи;
 - (1.3) 25 ёш ва ундан катта кенжа ўғил/қиз билан яшовчи;

- (2.0) Қайта ташкил топган оила ҳисобланмайдиган, биргаликда яшовчи жуфтлик:
- (2.1) Улар билан яшовчи болаларисиз;
 - (2.2) Оилада 25 ёшгача бўлган камида битта фарзанд билан яшовчи;
 - (2.3) 25 ёш ва ундан катта кенжа ўғил/қиз билан яшовчи;
- (3.0) Ёлғиз ота:
- (3.1) Оилада 25 ёшгача бўлган камида битта фарзанд билан яшовчи;
 - (3.2) 25 ёш ва ундан катта кенжа ўғил/қиз билан яшовчи;
- (4.0) Ёлғиз она:
- (4.1) Оилада 25 ёшгача бўлган камида битта фарзанд билан яшовчи;
 - (4.2) 25 ёш ва ундан катта кенжа ўғил/қиз билан яшовчи;
- (5.0) Қайта ташкил топган оила:
- (5.1) Оилада 25 ёшгача бўлган камида битта фарзанд билан яшовчи;
 - (5.2) 25 ёш ва ундан катта кенжа ўғил/қиз билан яшовчи.

824. Мазкур классификацияни икки хонали даражада қўллаш тавсия қилинади. Бирок, қайта ташкил этилган оилани оилавий ячейканинг алоҳида тури сифатида ажратишни истамайдиган давлатлар классификациянинг қисқартирилган кўринишини қўллаш имконини ўрганиши керак. Унда (1.0) “Оилавий жуфтлик” ва (2.0) “Биргаликда яшовчи жуфтлик” тоифалари ҳам қайта ташкил топган оилаларни ўз ичига олади ва иккинчиси (5.0) “Оилавий ячейкаларнинг бошқа турлари” тоифаси бўлиб, кейинчалик бўлиниши назарда тутилмайди. Миллий қонунчилик ва мамлакатнинг маълумотларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, мамлакатлар бир жинсли қайд этилган никоҳ(жуфтлик)ларни (1.0) тоифасига киритиши мумкин.

825. Қолдириб кетилган ўрта авлодли оилани ажратувчи давлатлар қўшимча тоифа, айнан (6.0) “Ташлаб ўтилган авлодли оила”дан фойдаланиши лозим.

826. Аёлларнинг ёши (тўлиқ оилада) ва/ёки ота-онанинг ёши (тўлиқсиз оилада) бўйича классификацияларни бўлишни амалга оширишни истовчи давлатларга бунинг учун камида қуйидаги ёш гуруҳларидан фойдаланиши тавсия қилинади: 35 ёшдан кичик; 35–54 ёш; 55 ёш ва ундан юқори. Бу ёш гуруҳларига асос сифатида улар муҳим ёш гуруҳлари саналиши, оиланинг ҳаётий циклини қуришда аҳамиятга эгаллиги қайд этилади. Болаларнинг ёши кўрсатилувчи қўшимча тоифалардан фойдаланиш қўллаб-қувватланади.

Қайта ташкил топган оила тоифаси (қўшимча ҳосила белги)

827. Қайта ташкил топган оиланинг таърифи 788-бандда келтирилди. Қайта барпо бўлган оилалар ҳар икки жуфтлик учун умумий бўлган фарзандга эга бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин, умумий бўлмаган камида битта болага қўшимча тарзда бўлади. Қайта ташкил топган оилалар тўғрисида умумий ва умумий бўлмаган фарзандлар сонига ажратган ҳолда маълумот тўплаш лозим.

828. Қайта ташкил топган оилалар бўйича қуйидагича таснифлашдан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Умумий бўлмаган бир болали қайта ташкил топган оила:
- (1.1) ва умумий фарзандларсиз;
 - (1.2) ва битта умумий фарзандли;
 - (1.3) ва икки ва ундан ортиқ умумий болали;

- (2.0) Умумий бўлмаган икки фарзандли қайта ташкил топган оила:
 - (2.1) ва умумий фарзандларсиз;
 - (2.2) ва битта умумий фарзандли;
 - (2.3) ва икки ва ундан ортиқ умумий болали;

- (3.0) Умумий бўлмаган учта фарзандли қайта ташкил топган оила:
 - (3.1) ва умумий фарзандларсиз;
 - (3.2) ва битта умумий фарзандли;
 - (3.3) ва икки ва ундан ортиқ умумий болали;

- (4.0) Умумий бўлмаган тўртта ва ундан ортиқ фарзандли қайта ташкил топган оила:
 - (4.1) ва умумий фарзандларсиз;
 - (4.2) ва битта умумий фарзандли;
 - (4.3) ва икки ва ундан ортиқ умумий болали.

829. Баъзи давлатлар болаларнинг ёши нуқтаи назаридан жуфтликнинг оилавий мақомини (қайд этилган никоҳда ёки биргаликда яшовчи) қўшимча деталлаштиришни исташи мумкин ва/ёки бу болалар фақат аёлнинг, фақат эркакнинг ёки аёл ва эркакнинг олдинги турмуш ўртоқларидан туғилган фарзандлар эканини аниқлаштиришни хоҳлайди.

830. Қайта ташкил топган оилаларни аниқлаш алоҳида эътиборни талаб қилади. Олдинги рўйхатга олиш доирасида турли хил ёндашувлардан фойдаланилган, улар қуйида баён қилинади:

а) *Уй хўжалигидаги муносабатлар матрицаси*: қайта ташкил топган оилани аниқлаш шундай шароитда амалга ошиши мумкин, агар уй хўжалигидаги ҳар бир бола ҳар бир ёши каттага бўлган ўзининг муносабатини кўрсата олса, у қуйидаги учта алоҳида тоифадан бири бўйича таснифлана олса:

- (1.0) Бола бир вақтнинг ўзида ёши катта шахс ва унинг турмуш ўртоғи/рафикаси/жуфтнинг фарзанди
- (2.0) Бола фақат ёши катта шахснинг фарзанди
- (3.0) Бола ёши катта шахснинг фарзанди эмас

(1.0) тоифасидаги ёши катта шахснинг турмуш ўртоғи/рафикаси/жуфти худди ўша уй хўжалигининг аъзоси экани тушунилмоқда.

б) *Уй хўжалигидаги муносабатларнинг қисман матрицаси*: а) бандида баён этилган уй хўжалигидаги муносабатлар матрицаси уй хўжалигининг барча аъзолари ўртасидаги муносабатларни қамраб олади. Қайта ташкил топган оилани аниқлаш учун бу матрицанинг бир қисмидан фойдаланиш кифоя, айнан эса, барча болалардан уларнинг уй хўжалигидаги барча ёши катталарга бўлган муносабати тўғрисидаги маълумотларни сўраш лозим, юқоридаги (1.0)–(3.0) тоифаларида қайд этилгани каби.

в) *Уй хўжалигининг асосий шахсига бўлган муносабат*: қайта ташкил топган оилада ота-она асосий шахс ҳисобланса, бу оила қуйидагича ҳисобланиши мумкин, агар асосий шахсга бўлган муносабат қуйидаги уч тоифадан бирига мос келса:

- (1.0) Бола бир вақтнинг ўзида асосий шахс ва унинг турмуш ўртоғи/рафикаси/жуфтнинг фарзанди;
- (2.0) Бола фақат асосий шахснинг фарзанди;

(3.0) Бола фақат асосий шахснинг турмуш ўртоғи/рафиқаси/жуфтнинг фарзанди.

Бирок, бу ёндашув қайта ташкил топган оилада асосий шахс ота-она ҳисобланмайдиган мустасно ҳолатларга олиб келади.

г) Туғилган саналари: рўйхатга олиш регистрини олиб борувчи давлатлар болаларнинг туғилган санасига қараб қайта ташкил топган оилаларни аниқлашлари лозим. Хусусан, қайта ташкил топган оилаларни аниқлашда бир томондан уй хўжалигининг ҳар бир ёши катта аъзосининг никоҳсиз туғилган барча болалари туғилган саналарни, иккинчи томондан уй хўжалигида бор бўлган барча болаларнинг саналарини солиштириш ёрдам беради.

831. Рўйхатга олишда регистрлардан фойдаланувчи давлатлар қайта ташкил топган оилаларни аниқлашда тўртинчи ёндашувни қўллаши тавсия қилинади. Бошқа мамлакатлар биринчи ёки иккинчи ёндашувни қўллаши мақсадга мувофиқ, қачонки, уй хўжалигида муносабатлар матрицаси усулидан фойдаланишнинг амалий имкони бўлса. Бошқача ҳолатда асосий шахсни диққат билан белгилаш шарти билан учинчи ёндашув ишлатилиши мумкин.

Кенгайган оила тури (қўшимча ҳосила белги)

832. Кенгайган оила таърифи 791-бандда келтирилган. Баъзи давлатлар, эҳтимол, кенгайган оила тури бўйича бўлинишда маълумотларни ишлаб чиқишни исташи мумкин.

833. Қуйидаги классификацияларни қўллаш тавсия қилинади:

(1.0) Таркибига фақат битта жуфтлик кирувчи кенгайтирилган оилалар:

- (1.1) Фақат бошқа қариндошлари бўлган жуфтлик;
- (1.2) Болалари ва бошқа қариндошлари бўлган жуфтлик;

(2.0) Икки жуфтликдан иборат кенгайган оилалар:

- (2.1) Фақат икки жуфтлик;
- (2.2) Бошқа қариндошлари бўлмаган, болалари бор икки жуфтлик:
 - (2.2.1) Болалари бор бўлган икки жуфтлик;
 - (2.2.2) Бир жуфтликнинг болалари бор, иккинчисида йўқ;
- (2.3) Фақат бошқа қариндошлари бўлган икки жуфтлик;
- (2.4) Болалари ва бошқа қариндошлари бўлган икки жуфтлик:
 - (2.4.1) Болалари ва бошқа қариндошлари бўлган жуфтлик;
 - (2.4.2) Бир жуфтликнинг болалари бор, иккинчисида бошқа қариндошлари бор, болалари йўқ;

(3.0) Кенгайтирилган оиланинг бошқа барча турлари.

Оилавий ячейканинг катталиги (асосий ҳосила белги)

834. Оилавий ячейкалар (783-банддаги таърифга мувофиқ) катталигига кўра қуйидагича таснифланиши керак:

- а) унда яшовчи оила аъзоларининг умумий сони билан, ва
- б) унда яшовчи болаларнинг умумий сони билан.

Хусусий уй хўжаликлари белгилари

Хусусий уй хўжалиги тури (асосий ҳосила белги)

835. Хусусий уй хўжалиги таърифи 768-бандда келтирилди. Хусусий уй хўжалиklarининг турли тоифалари тўғрисида маълумот тўплаш мақсадга мувофиқ.
836. Уй хўжалиklarининг турига кўра қуйидаги уч хонали даражадаги таснифи тавсия қилинади:
- (1.0) Оилавий турда бўлмаган уй хўжалиги:
 - (1.1) Бир шахсдан иборат уй хўжаликлари;
 - (1.2) Бир нечта шахсдан иборат уй хўжаликлари;
 - (2.0) Бир оиладан иборат уй хўжаликлари:
 - (2.1) Қайд этилган никоҳли, ўзи билан фарзанди истиқомат қилмайдиган оилавий жуфтлик:
 - (2.1.1) бошқа шахсларсиз;
 - (2.1.2) бошқа шахслар билан;
 - (2.2) Қайд этилган никоҳли, ўзи билан 25 ёшгача бўлган камида битта фарзанди истиқомат қиладиган оилавий жуфтлик:
 - (2.2.1) бошқа шахсларсиз;
 - (2.2.2) бошқа шахслар билан;
 - (2.3) Қайд этилган никоҳли, ўзи билан 25 ёш ва ундан юқори бўлган кенжа ўғли/қизи билан истиқомат қиладиган оилавий жуфтлик:
 - (2.3.1) бошқа шахсларсиз;
 - (2.3.2) бошқа шахслар билан;
 - (2.4) Ўзи билан фарзанди истиқомат қилмайдиган консенсуал уюшмадаги жуфтлик:
 - (2.4.1) бошқа шахсларсиз;
 - (2.4.2) бошқа шахслар билан;
 - (2.5) Ўзи билан 25 ёшгача бўлган камида битта фарзанди истиқомат қиладиган консенсуал уюшмадаги жуфтлик:
 - (2.5.1) бошқа шахсларсиз;
 - (2.5.2) бошқа шахслар билан;
 - (2.6) Ўзи билан 25 ёш ва ундан юқори бўлган кенжа ўғли/қизи билан истиқомат қиладиган консенсуал уюшмадаги жуфтлик:
 - (2.6.1) бошқа шахсларсиз;
 - (2.6.2) бошқа шахслар билан;
 - (2.7) 25 ёшгача бўлган камида битта фарзанди билан истиқомат қиладиган ёлғиз оталар:
 - (2.7.1) бошқа шахсларсиз;
 - (2.7.2) бошқа шахслар билан;
 - (2.8) 25 ёш ва ундан юқори бўлган кенжа ўғли/қизи билан истиқомат қиладиган ёлғиз оталар:
 - (2.8.1) бошқа шахсларсиз;
 - (2.8.2) бошқа шахслар билан;
 - (2.9) 25 ёшгача бўлган камида битта фарзанди билан истиқомат қиладиган ёлғиз оналар:
 - (2.9.1) бошқа шахсларсиз;
 - (2.9.2) бошқа шахслар билан;
 - (2.10) 25 ёш ва ундан юқори бўлган кенжа ўғли/қизи билан истиқомат қиладиган ёлғиз оналар:
 - (2.10.1) бошқа шахсларсиз;
 - (2.10.2) бошқа шахслар билан;
 - (3.0) Икки ва ундан ортиқ оилалардан иборат уй хўжаликлари.

837. Миллий қонунчилик ва маълумотларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб давлатлар (2.1)–(2.3) тоифаларига қайд этилган бир жинсли (оилавий) жуфтликларни киритиши мумкин.

838. Қолдириб кетилган ўрта авлодли оилаларни ажратиб кўрсатувчи давлатлар бунинг учун (2.0) тоифасида бир неча қўшимча таг-тоифаларни ишлатиши лозим.

Уй хўжаликларининг бошқа классификациялари (қўшимча ҳосила белги)

839. 836-бандда тавсия қилинган оила белгисига кўра, аҳолини таснифлашга мувофиқ маълумотларни қайта ишлаб чиқиш катта харажат ва меҳнат сарфи билан боғланган; шу сабабдан, у баъзи давлатларда фақат уй хўжаликларини танлаб олиш билан амалга оширилади. Бу эса, ундан фойдаланиш имкониятини чеклайди. Айрим давлатлар олдинги рўйхатга олиш доирасида уй хўжаликларининг қўшимча таснифларидан фойдаланишган, жинс-ёш структураси ва уй хўжалиги катталигига кўра амалга оширилган бу таснифлаш айтарли қийинчиликларсиз бўлиб, рўйхатга олиш натижаларини қайта ишлаб чиқишнинг биринчи босқичидаёқ ёппасига тезкор тузилган ва кичик минтақалар даражасида қўллаш имконинигина берган. Бу ёндашувни танлаган давлатлар шундай ҳулосага келдики, бу икки тасниф бир-бирини ўзаро тўлдирди ва ёш структураси ва уй хўжалиги ўлчовига асосланган шаклда хусусий уй хўжаликларини таснифлаш фойдали ва қизиқарли маълумотларга эга бўлишга олиб келади. Шунини ҳисобга олган ҳолда, ихтиёрий фойдаланиш учун юқорида тавсия қилинган классификацияга қўшимча тарзда қуйидаги классификация таклиф қилинади:

- (1.0) Қонунчиликда ўрнатилган пенсия ёшига етмаган, фарзандсиз бир ёши катта шахс;
 - (2.0) Қонунчиликда ўрнатилган пенсия ёшига етган, фарзандсиз бир ёши катта шахс;
 - (3.0) Қонунчиликда ўрнатилган пенсия ёшига етмаган, фарзандсиз икки нафар ёши катта шахс;
 - (4.0) Қонунчиликда ўрнатилган пенсия ёшига бири етган, бири етмаган, фарзандсиз икки нафар ёши катта шахс;
 - (5.0) Бир ёки бир неча фарзандли бир нафар ёши катта шахс:
 - (5.1) Бир ёки бир неча фарзандли ёши катта аёл;
 - (5.2) Бир ёки бир неча фарзандли ёши катта эркак;
 - (6.0) Битта фарзандли икки нафар ёши катта шахс;
 - (7.0) Икки фарзандли икки нафар ёши катта шахс;
 - (8.0) Уч фарзандли икки нафар ёши катта шахс;
 - (9.0) Тўрт ёки ундан ортиқ фарзандли икки нафар ёши катта шахс;
 - (10.0) Бир ёки ундан ортиқ фарзандли уч ёки ундан ортиқ ёши катта шахс;
 - (11.0) Фарзандсиз уч ёки ундан ортиқ ёши катта шахс.

840. Қонунчиликда муайян ёш оралиғида пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилган давлатлар (масалан, 63–68 ёш оралиғида) (1.0)–(4.0) тоифаларида пенсияга чиқишнинг энг юқори ёш (ҳозирги амалда 68 ёш)ни қўллаши мумкин.

Авлодлар нуқтаи назаридан хусусий уй хўжаликлари таркиби (қўшимча ҳосила белги)

841. Баъзи давлатлар хусусий уй хўжаликлари турлари тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлашга қўшимча сифатида авлодлар нуқтаи назаридан ҳам хусусий уй хўжаликларининг таркиби ҳақида маълумот олишни исташи мумкин, бир неча авлодларнинг бир ёки бир неча уй хўжаликлари доирасида яшаши мамлакатда кенг ва салмоқли тарқалишига етарли ҳисобланади. Бир неча авлодларнинг биргаликда яшаши мавжуд бўлган уй хўжаликлари мисоли сифатида 787-бандда уч авлодди уй хўжаликлари таърифи берилган.

Хусусий уй хўжалиги ўлчови (асосий ҳосила белги)

842. Ўлчовига кўра, хусусий уй хўжаликлари классификацияси уй хўжалиги аъзолари билан бирга яшовчиларнинг умумий сонига асосланиб ишлаб чиқилиши керак.

843. Ҳолбуки, хусусий уй хўжаликлари классификациясининг аниқ бир кўриниши тавсия қилинмаса-да, тоифалар ўлчови миллий шартлар ва фойдаланувчилар талабини акс эттириши учун (ва албатта статистик идентификацияни бартараф этиш бўйича жорий қилинган талаблар, чекловлар) давлатларга бир, икки, уч, тўрт ва беш инсондан иборат уй хўжаликларини алоҳида ажратиш таклиф қилинади.

Турар жойдан якка ва биргаликда фойдаланиш (қўшимча белги)

844. “Турар жойдан коллектив фойдаланиш” бир ёки бир неча уй хўжаликлари (768-банддаги таърифга мувофиқ) битта турар жой бирлигини эгаллашни билдиради. Анъанавий рўйхатга олишни олиб бораётган ва “уй хўжалигини биргаликда юритиш” концепциясини қўллаётган мамлакатлар, балки бу савол бўйича маълумотларни бевосита рўйхатга олиш варақаси ёрдамида тўплашни исташи мумкин, ваҳоланки, айнида дамда бошқалар “Хусусий уй хўжаликлари сони бўйича бандлик” турар жой қўшимча белгисига кўра маълумотларга аосланган ҳолда ишлаб чиқишни афзал билиши мумкин (917-бандга қаралсин).

845. “Уй хўжалигини биргаликда юритиш” концепциясини қўллаётган мамлакатлар учун анъанавий турар жойларни эгаллаган хусусий уй хўжаликларини турар жойдан якка ёки коллектив фойдаланиш белгисига кўра қуйидагича таснифлаш таклиф қилинади:

(1.0) Турар жойдан якка фойдаланадиган уй хўжаликлари;

(2.0) Турар жой бирлигида бир ёки бир неча бошқа уй хўжаликлари билан бирга яшовчи уй хўжаликлари.

846. (2.0) тоифасини бир, икки, уч ёки ундан ортиқ уй хўжаликлари турар жойдан коллектив фойдаланаётган ҳоллар ўртасида чегарани белгилаш орқали мустаҳкамлаш мумкин. Имкониятга кўра, бу тоифани, шунингдек қўшимча гуруҳларга бўлиш мумкин, турар жойдан ихтиёрий ёки ноихтиёрий асосда биргаликда фойдаланаётган уй хўжаликларини ажратиш учун. Бу классификация “биргаликда яшаш” концепциясини қўллайдиган давлатлар учун мақбул эмас (770-бандга қаралсин), зотан бунда ҳамма ҳолатлар (1.0) тоифасига тегишли бўлиб қолади (шунингдек, кекса ва ногиронларнинг умумий қулайликларга эга муассасаларда яшашига нисбатан 778-бандга қаралсин).

Уй хўжалиklarининг турар жой бирлигидан фойдаланиш шакллари (асосий белги)

847. Фойдаланиш шакли уй хўжалиги турар жойнинг бутун ёки бир қисмини эгаллашига кўра белгиланади.

848. Хусусий уй хўжалиklarини фойдаланиш шаклига кўра қуйидагича гуруҳлаш лозим:

- (1.0) Аъзолардан бири мазкур турар жой бирлигининг эгаси ҳисобланувчи уй хўжалиklари;
- (2.0) Аъзолардан бири мазкур турар жой бирлигининг бир қисми ёки ҳаммасини ижарага олган уй хўжалиklари:
 - (2.1) аъзолардан бири мазкур турар жой бирлигининг бир қисми ёки ҳаммасини асосий ижарага олувчиси бўлган уй хўжалиklари;
 - (2.2) аъзолардан бири турар жойни эгаллаган эгаси ёки асосий ижарачидан ижарага олувчи ҳисобланган уй хўжалиklари;
- (3.0) Турар жой бирлигининг бир қисми ёки ҳаммасини фойдаланишнинг бошқа шаклига кўра эгаллаган уй хўжалиklари.

849. Мазкур классификацияни бир хонали ёки ихтиёрий равишда икки хонали даражада ишлатиш тавсия қилинади.

850. Мавжуд ҳуқуқий нормалар турфа хиллигини ҳисобга олиб, давлатлар рўйхатга олиш материаллари ёки мета-маълумотларда юқорида келтирилган классификациядаги тоифаларни тўла қамраб олганлигини тўлиқ баён этиши керак. Бу маълумот заруратга кўра, уй хўжалиklarини ҳисобга олиш методикасини акс эттириши лозим:

- а) турар жой кооперативларининг турли хил аъзолари сифатида турар жой бирлигида истиқомат қилувчилар;
- б) уй хўжалигининг бир аъзосини иш билан таъминлаш тўғрисидаги шартнома шартларига мувофиқ иш берувчидан ижарага олинган турар жойда яшовчилар; ва
- в) иш берувчи ёки бошқа шахс ёки идора томонидан уй хўжалиги аъзоларидан бирига текинга берилган турар жойда истиқомат қилувчилар.

851. Баъзи давлатлар миллий қонунчиликка қизиқиш уйғотган шу ёки бошқа уй хўжалиklари гуруҳини ажратиш учун тавсия қилинган классификацияни кенгайтиришни хоҳлаши мумкин. Эгаллаган турар жойи бўйича ипотека тўловларини амалга ошираётган ёки бошқа молиявий келишувларга кўра бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан турар жойга эга бўлган уй хўжалиklари (1.0) тоифасига киритилиши керак.

Ижара тўлови ва турар жойнинг бошқа харажатлари (қўшимча белги)

852. Ижара тўлови уй хўжалиги эгаллаган турар жой учун муайян вақт оралигида тўланадиган сумма ҳисобланади, баъзи ҳолларда, у маҳаллий йиғимлар ва ер участкаси учун ижара тўловини ҳам ўз ичига олади. Мебелдан фойдаланганлик, электр энергияси, газ ва сув сингари қулайликлар ҳамда махсус хизматлар, масалан, кир ювиш, овқат пишириш ва бошқалардан фойдаланганлик учун тўлов истисно қилиниши керак.

853. Иссиқ сув ва иситиш тизими учун пул олиншига келадиган бўлсак, амалиёт мамлакатларга кўра фарқланади. Баъзи давлатларда иссиқ сув ва иситиш учун тўлов ижара ҳақига киритилади, бошқа давлатларда эса улар учун алоҳида пул олинади, учинчи бир давлатларда эса икки ҳолат ҳам кузатилади. Бу белгини ўзининг рўйхатга олиш дастурига киритувчи давлатлар иссиқ сув ва иситиш тўлови ижара ҳақига кириш ёки кирмаслигини аниқ белгилаб ўтиши муҳим. Тавсия қилинувчи ёндашув иссиқ сув ва иситиш учун тўловни ижара ҳақидан олиб ташлашдир. Соф ижара ва иссиқ сув, иситиш (ҳамда электр энергияси, агар қўллаш мумкин бўлса) харажатларининг ажратилиши тўғрисидаги маълумотни ишлаб чиқиш мукамал қарор бўлган бўлади.

854. Номинал ижара тўлови ҳар доим ҳам ижара тўловининг ҳақиқий ставкасини акс эттирмаслиги мумкин. Масалан, турар жой органлари томонидан текширув чоғида аниқланадиган бевосита уй эгасига тўланадиган ва эҳтиёж бўлган индивидуал нафақани ижара ҳақига киритиш лозим. Агар, уй қарашли бўлган давлат ташкилоти томонидан кўмакка мухтожлар текшируви натижалари асосида чегирма билан ижара ҳақи ўрнатилса, у ҳолда ижара тўловини тўлиқ кўрсатиш лозим. Ҳақиқатан тўланаётган суммани аниқлаш учун, масалан, ижарачи уй эгасининг қариндоши ёки ёлланма ишчиси эмаслиги ва у турар жой ҳақининг бир қисми сифатида бирор иш ёки мажбуриятларни бажармаётгани кабилар тўғрисида маълумот тўплаш мумкин.

855. Агар мазкур белги рўйхатга олиш дастурига киритилса, ижара тўловининг катталиги тушадиган, аниқ маъноси эмас, диапазон тўғрисида маълумот талаб қилиш мақсадга мувофиқ (ва нисбатан таъсирчан) бўлади.

856. Уй хўжаликлари — квартира ижарачилари томонидан бериладиган ижара ҳақи суммасига қўшимча тарзда барча уй хўжаликларининг турар жой харажатлари тўғрисида маълумот тўплаш фойдали бўлади. Бу харажатлар ўз ичига, масалан, ҳар ойлик ипотека тўловлари, коммунал хизматлар ва маҳаллий солиқ тўловларини олиши мумкин, агар бундай маълумотлар турар жой белгиларига кўра тўпланувчи маълумотларда (XV бобга қаралсин) бўлмаса.

Уй хўжалигига тегишли истеъмол товарларидан узоқ вақт фойдаланиш (қўшимча белги)

857. Уй хўжаликларининг шароити тўғрисида муайян сифатли маълумотларни олиш мақсадида уй хўжалигига тегишли истеъмол товарларидан узоқ муддат фойдаланиш тўғрисидаги саволдан фойдаланиш мумкин. Бундай товарларга мисол тариқасида кир ювиш машинаси, музлатгич, музхона, ошхона плитаси/микротўлқинли печ, телевизор, телефакс ва шахсий компьютерларни айтиш мумкин. Бундан ташқари, уй хўжаликлари учун истеъмол товарларига эгалик қилишгина эмас, улардан узоқ вақт фойдаланиш имконияти мавжудлигини ҳисобга олиш керак.

Уй хўжалигида фойдаланилаётган автоуловлар сони (қўшимча белги)

858. Бу белги ёрдамида уй хўжалиги аъзолари томонидан фойдаланилаётган йўловчи ва махсус автомобиллар сони тўғрисидаги маълумотни тўплаш тавсия қилинади, шу жумладан, иш берувчи томонидан тақдим қилинган автоуловлар, агар улар уй хўжалигида ишлатилиши мумкин бўлса, аммо фақат юк ташиш учун фойдаланиладиган махсус автомобиллар бундан мустасно.

859. Қуйидаги классификациялардан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Автомобиль йўқ;
- (2.0) Битта автомобиль;
- (3.0) Икки ва ундан ортиқ автомобиллар.

Автомобиль турар жойининг мавжудлиги (қўшимча белги)

860. Бу белги ёрдамида уй хўжалиги аъзолари фойдаланадиган автоулов тураргоҳининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни тўплаш тавсия қилинади. Бундай автотураргоҳлар фақат уй хўжалиги фойдаланиши учун жисмоний макон рўйхатга олиниши мақсади билан чекланади, бунда автотураргоҳ уй хўжалигининг бир ёки бир нечта аъзосига тегишли бўлади, ёки жисмоний макон эгаси ва уй хўжалиги аъзоси (аъзолари) ўртасида ёзма ёки оғзаки келишув мавжуд бўлади.

861. Қуйидаги классификациялардан фойдаланиш учун тавсия қилинади:

- (1.0) Автомобиль турар жойи йўқ;
- (2.0) Автотураргоҳ фақат битта автоулов учун;
- (3.0) Автотураргоҳ икки ва ундан ортиқ автоуловлар учун;
- (4.0) Қўллаб бўлмайд.

Телефон ва Интернетга уланганлик (қўшимча белги)

862. Телефон ва Интернетга уланганлик уй хўжалигининг технологиялар ёрдамида жамиятнинг бошқа аъзолари билан мулоқотга киришиш қобилиятини акс эттиради.

863. Телефон алоқасининг қуйидаги классификацияларидан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Турар жой бирлигида ўрнатилган фақат симли телефон (телефонлар);
- (2.0) Фақат уяли алоқа телефони (телефонлари);
- (3.0) Телефонларнинг ҳар икки кўриниши (1.0) ва (2.0) мавжуд;
- (4.0) Уй хўжалиги аъзоларида телефондан фойдаланиш имконияти йўқ.

864. Уй хўжалигининг Интернетга уланганлиги тўғрисида қуйидаги маълумотдан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Турар жой бирлигида маҳкамланган қурилмадан кенг тасмали Интернетдан фойдаланиш имкони;
- (2.0) Турар жой бирлигида маҳкамланган қурилмадан Интернетга уланишнинг бошқа турлари;
- (3.0) Мобиль қурилмадан уланиш;
- (4.0) Уланишнинг бир неча тури;
- (5.0) Турар жой бирлигида Интернетдан фойдаланиш имкони мавжуд эмас.

865. Қайд этиш керакки, бу классификациядаги ҳамма тоифалар ҳам ўзаро мустасно этувчи эмас.

УЧИНЧИ ҚИСМ: ТУРАР ЖОЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

XV боб. Турар жой хусусиятлари

Кириш


866. Ушбу бобда турар жой белгилари ва аҳоли ҳамда яшаш жойлари ўртасидаги алоқаларга асосий эътибор қаратилади. Турар жой белгилари, турар жой бирлиги ва бино тавсифи сингари аниқланиши мумкин, бу бўйича одатда уй-жой фондини рўйхатга олиш доирасида тўпланади (у аҳолини рўйхатга олиш билан бир вақтда ўтказилаётгани ёки йўқлигидан қатъи назар). Бироқ қайд этиш керакки, турар жой бирлигига тегишли бўлган баъзи белгилар (масалан, юқорида баён қилинган асосий белги “фойдаланиш мақоми”, қўшимча белгилар “якка яшаш” ёки “коллектив яшаш” ва “ижара тўлови”) XIV бобда хусусий уй хўжаликлари тавсифига киритилди. Зеро, бу белгилар бўйича кузатувларнинг асосий бирликлари, қоидага кўра, уй хўжаликлари ҳисобланади.

867. Мазкур бобда баён қилинган турар жойнинг асосий белгиларига тўхталсак, кузатишнинг асосий бирлиги анъанавий яшаш жойи ҳисобланади, аммо баъзи тавсифлар бошқа турар жой бирлиги турларига киради. “Турар жой шароитлари” белгиси мустасно бўлиб, у аҳоли ва яшаш жойлари ўртасидаги алоқани ифода этади ва шу сабабли алоҳида шахсларга тааллуқли бўлади. 7-диаграмма турар жой бирликларининг айрим турларини акс эттиради, уларга бир ёки бир нечта хусусиятлар хос бўлади. Улар қуйида 872–887-бандларда аниқлаштирилади.

868. Турар жой жойлашган “бино” уй-жой фондини рўйхатга олишда муҳим, бироқ билвосита кузатув белгиси сифатида қаралади. Боиси, бинога тегишли маълумотлар (тузилиш тури, ташқи деворлар материали ва тузилишнинг бошқа баъзи хусусиятлари) ушбу бинода жойлашган яшаш жойларини тўғри баён қилиш учун зарур. Уй-жой фондини рўйхатга олишда тузилишига алоқадор саволлар одатда сўровнома-нинг воситаларини ташкил этади, бу яшаш жойининг тегишли рўйхатга қўйилгани жойлашган бинога тегишли бўлиб, маълумотлар ҳар бир турар жой бирлиги ёки унда бошқа жойлашган яшаш жойлари бўйича рўйхатдан ўтказилади.

869. Бу бобда тавсия қилинган барча белгилар ҳам турар жойларнинг барча турлари учун мос келавермайди. 3-жадвалда яшаш жойларининг ҳар бир тури бўйича улар учун қайси белги асосий ва қўшимча ҳисобланиши ҳамда бу маълумот турар жойнинг шу турига кўра рўйхатга олиш жараёнида тўпланиши мумкинлиги кўрсатилган. Аниқ турар жой турлари учун муайян бир белгилардан фойдаланишнинг сабаби турлича. Турар жойнинг баъзи турларига нисбатан белгилар мос келмаслиги мумкин. Бошқа ҳолларда белгини рўйхатга олиш дастурига киритиш мураккаб ёки имконсиз бўлиши мумкин. Бу, айниқса рўйхатга олиш пайтида вакант бўлган турар жойларга тегишли. Ва ниҳоят, у ёки бу белгига кўра маълумотларни олиш муайян турар жой шароитларининг турлари учун зарурий бўлмаслиги ёки тегишли бўлмаслиги мумкин. Масалан, коллектив турар жойларда маиший қулайликлар тўғрисида маълумот тўплаш.

7-Диаграмма. Турар жойнинг ҳар хил турлари



1. Анъанавий банд турар жойлар, бошқа уй-жой birlikлари ва коллектив яшаш жойлари биргаликда “яшаш жойлари” деб юритилади ва уларни “яшаш жойи” сифатида ҳисобга олиш учун энг камида битта шахс томонидан одатий яшаш жойи сифатида фойдаланилиши керак (872–873-бандларга қаралсин).
2. Анъанавий банд турар жойлар ва бошқа яшаш жойлари бирлиги суммаси кўпликдаги “турар жой birlikлари”ни келтириб чиқаради (874–875-бандларга қаралсин).
3. Агар турар жой сабаблардан бирига кўра банд бўлмаса, у вакант сифатида белгиланади (904–905-бандларга қаралсин).
4. “Рўйхатга олиш қамровига киритилмаган яшовчилар” деганда одатий яшовчи аҳоли қисми сифатида қаралмайдиган, вақтинча мавжуд бўлган шахслар тушунилади (879-бандга қаралсин).

Таърифлар

Бино

870. Бу контекстда “бино” бир ёки бир нечта турар жой, хона ёки бошқа жойлар, том билан ёпилган ва ташқи деворлар ёки ички деворлари асосдан то томгача кўтарилган, яшаш учун ёки қишлоқ хўжалиги, тижорат, саноат ва маданий мақсадлар ёки хизмат кўрсатиш учун қурилган алоҳида структура сифатида белгиланади. Бундай бино — алоҳида турган уй, кўп квартирали уй, фабрика, магазин, омборхона, гараж ва бошқалар бўлиши мумкин.

871. Анъанавий яшаш жойларидан таркиб топган бинолар, қуйида таърифи келтирилади, муҳим бирлик ҳисобланади, зотан бино тури тўғрисидаги маълумот ва унинг қурилиш даври ҳақида маълумот бино ичидаги яшаш жойларини тасвирлаш ва турар жой билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш учун зарур.

Яшаш жойлари

872. “Яшаш жойлари” деганда бир ёки бир нечта шахнинг одатий яшаш жойи ҳисобланган турар жой тури тушунилади. Улар структуравий ажратилган ва мустақил турар жойлар ҳисобланиб:

- а) одамлар яшаши учун қурилган, қайта қурилган ёки мослаштирилган бўлиб, улар рўйхатга олиш вақтида бошқа мақсадларда фойдаланилмайди ва банд бўлади; ёки
- б) яшаш учун мўлжалланган бўлмаса-да, рўйхатга олиш вақтида шу мақсадда фойдаланилади.

873. Яшаш жойлари концепцияси яшаш жойлари бўлинадиган асосий тоифалар таърифи ёрдамида тасвирланган:

- (1.0) Анъанавий банд яшаш жойлари;
- (2.0) Бошқа турар жой бирликлари, масалан, рўйхатга олиш вақтида одамлар томонидан фойдаланилаётган кулба, қапа, карвонсарой, турар жой кемаси, омборхона, тегирмон, ертўла ёки бошқа турдаги бошпаналар;
- (3.0) Коллектив яшаш жойлари — меҳмонхона, институционал муассаса, оромгоҳ ва бошқ.

Турар жой белгиларининг йиғма жадвали

Белги	Ҳисобга олиш бирлиги ²	Яшаш жойи ва шароитларининг типлари					Мавсумий ва иккиламчи яшаш жойлари, вакант яшаш жойлари, яшовчилари бор турар жойлар, рўйхатга олиш қамровига киритилмаган
		Бошпанасиз шахс ¹	Коллектив яшаш жойлари	Бошқа турар жой бирликлари	Банд анъанавий яшаш жойлари	(АНЪАНАВИЙ ЯШАШ ЖОЙИ)	
						(ТУРАР ЖОЙ БИРЛИКЛАРИ)	
						(ЯШАШ ЖОЙЛАРИ)	
Яшаш жойлари турлари	ЯЖ	●	Асосий	Асосий	Асосий	●	
Яшаш шароитлари	Ш	Асосий	Асосий	Асосий	Асосий	●	
Анъанавий турар жойларнинг бандлик мақоми	Ж	●	●	●	Асосий	Асосий	
Иккиламчи, мавсумий, ва вакант турар жойлар тавсифи	Ж	●	●	●	●	Кўшимча	
Эгалик тури	Ж	●	●	●	Асосий	○	
Истиқомат қилаётган хусусий уй хўжаликлари сони	ЖБ	●	●	Кўшимча	Кўшимча	●	
Яшовчилар сони	ЯЖ	●	Асосий	Асосий	Асосий	●	
Полнинг фойдали майдони ва/ёки хоналар сони	ЖБ	●	●	Асосий	Асосий	○	
Стандарт зичлик	ЖБ	●	●	Асосий	Асосий	●	
Хоналар тури	ЖБ	●	●	Кўшимча	Кўшимча	○	
Сув билан таъминлаш тизими	ЖБ	●	●	Асосий	Асосий	○	
Санитар пункт	ЖБ	●	●	Асосий	Асосий	○	
Ювениш қурилмалари	ЖБ	●	●	Асосий	Асосий	○	
Иссиқ сув билан таъминланиш	ЖБ	●	●	Кўшимча	Кўшимча	○	
Канализация	ЖБ	●	●	Кўшимча	Кўшимча	○	
Ошхона	ЖБ	●	●	Кўшимча	Кўшимча	○	
Иситиш тури	ЖБ	●	●	Асосий	Асосий	○	
Иситиш учун фойдаланиладиган энергиянинг асосий кўриниши	ЖБ	●	●	Кўшимча	Кўшимча	○	
Электр энергияси	ЖБ	●	●	Кўшимча	Кўшимча	○	
Табий газ тармоғи	ЖБ	●	●	Кўшимча	Кўшимча	○	
Ҳаво айланиши	ЖБ	●	●	Кўшимча	Кўшимча	○	
Яшаш жойга кириш қулайлиги	ЖБ	●	●	Кўшимча	Кўшимча	○	
Турар жойнинг бинодаги жойлашуви	ЖБ	●	●	●	Кўшимча	○	
Бинонинг тури	Ж	●	●	●	Асосий	○	
Бинодаги қаватлар сони	Ж	●	●	●	Кўшимча	○	
Лифт	Ж	●	●	●	Кўшимча	○	
Қурилиш даври	Ж	●	●	●	Асосий	○	
Қурилиш материаллари	Ж	●	●	●	Кўшимча	○	
Бинони таъмирлаш зарурати	Ж	●	●	●	Кўшимча	○	

● Ўлчанмайди ёки рўйхатга олиш доирасида қўлланилмайди.

○ Рўйхатга олиш доирасида қийинчилик билан ўлчаниши мумкин. Баъзи давлатлар, балки бундай маълумотни тўпланиши ва бундай маълумотларга эгалик қилиши мумкин. Иккиламчи ва мавсумий турар жойлар ҳамда вакант яшаш жойлари тўғрисидаги маълумотлар барча хусусиятларга кўра алоҳида кўрсатилиши керак.

¹ Жумладан, турар жойнинг исталган тоифасига кўра одатий яшовчилар ҳисобланмайдиган барча шахслар (899-бандга қаралсин).

² Ҳисобга олиш бирлиги: Ш = Шахслар; ЯЖ = Яшаш жойлари; ЖБ = Жой бирлиги; Ж = Жой.

Турар жой бирликлари

874. “Турар жой бирлиги” деганда ажратилган ва мустақил яшаш жойи тушунилади, у алоҳида уй хўжалиги яшаши ёки яшаш учун мўлжалланмаган бўлади. Бирок, рўйхатга олиш даврида уй хўжалигининг одатий яшаш жойи сифатида фойдаланилади. Уларнинг сафига анъанавий банд бўлган турар жойлар ва қуйида келтирилган таърифларга мувофиқ келадиган бошқа турар жой бирликлари киради.

875. Халқаро солиштириш мақсадида анъанавий банд яшаш жойлари ва (имкониятга кўра) бошқа турар жой бирликлари тўғрисида маълумот тўплаш ва уни алоҳида тақдим этиш тавсия қилинади.

Анъанавий яшаш жойи

876. “Анъанавий яшаш жойлари” ўзида структуравий ажратилган ва мустақил жойни акс эттиради, у белгиланган жойда одамларнинг доимий яшаши учун мўлжалланган ва рўйхатга олиш вақтида бошқа мақсадларда тўлиқ фойдаланилмайди. Анъанавий турар жой хона ёки бир қатор хоналар бўлиб, капитал тузилишида ёрдамчи жойлар (масалан, даҳлиз, йўлак)ларни ўз ичига олади ёки ўз конструкциясига кўра бундай бинонинг бир қисмини ажратиб олган бўлади. Ювиниш хонаси ва ҳожатхонанинг борлиги ва фақат у ерда истиқомат қилувчилар фойдаланиши учун мўлжалланган бўлиши шарт эмас.

877. Жой ажратилган ҳисобланади, қачонки, деворлар билан ўралган ва том билан қопланган бўлса, ва алоҳида шахслар ёки шахслар гуруҳи бошқа одамларнинг ухлаш, овқат тайёрлаш ва истеъмол қилиш ёки об-ҳаво ва табиатнинг салбий таъсирларидан ҳимояланиш имконига эга бўлса. У мустақил ҳисобланади, қачонки, унга кўчадан тўғридан-тўғри кириш имкони бўлса ёки умумий коммунал ёки зина майдони, йўлак, галерея ёки ер участкасидан кириш мумкин бўлса. Бу шуни англатадики, яшовчилар унга кириши ва тарк этишида бошқа шахсларнинг жойларидан кесиб чиқишига зарурат бўлмайди.

878. “Капитал тузилиш” деганда асосий конструкцияларнинг чидамлилик муддати 15 йилдан кам бўлмаган тузилиш тушунилади. Баъзи давлатлар, балки бинонинг капитал хусусиятини қурилиш нуктаи назаридан ёки ишлатилган қурилиш материаллари нуктаи назаридан белгилашни истайди. Ажратилган хоналар яшаш учун фойдаланилиши мақсад қилинганда, қайсики, яшаш жойининг таркибий қисми сифатида фойдаланиш учун лойиҳалаштирилган бўлса (масалан, алоҳида турадиган гараж устидаги хона ёки хоналар) бинонинг қисми сифатида ҳисобланиши керак.

879. Анъанавий уй-жойлар банд, мавсумий яшаш учун фойдаланиладиган ёки иккиламчи; вакант ёки рўйхатга олишга қамраб олинмаган яшовчиларгина бўлган сифатида таснифланиши мумкин:

- а) Анъанавий уй-жой, агар бир ёки бир неча шахс учун одатий яшаш жойи ҳисобланса, улар меҳнат таътили ёки касалхонада бўлгани сабаб рўйхатга олиш вақтида бўлмаганидан қатъи назар, “банд анъанавий турар жой” сифатида белгиланади. Анъанавий уй-жой “яшовчиси” деганда мазкур жойда одатий яшаш жойига эга бўлган шахс тушунилади.
- б) “Иккиламчи ёки мавсумий фойдаланиш учун мўлжалланган” анъанавий уй-жой, ҳатто агар у рўйхатга олиш вақтида одатда бошқа жойда турувчи инсонлар билан банд бўлган тақдирда ҳам шундай таснифланаверади (бунга мисол 907-бандда келтирилган).
- в) Анъанавий уй-жой, агар у сотув ёки ижарага тақлиф қилинаётгани сабабли банд бўлмаса, ёки ташландиқ ёки бузиб ташлаш учун мўлжалланган бўлса, ёки қайта қўзғатилган ва ҳали банд бўлмаса, “вакант” сифатида белгиланади.

- г) Анъанавий уй-жой “рўйхатга олиш қамровига киритилмаган яшовчиларгина бўлган турар жой” сифатида белгиланади, агар у рўйхатга олиш қамровига киритилмаган шахслар, масалан, ташриф буюрувчилар, қисқа муддатли мигрантлар, чет эл ҳарбий хизматчилари, денгизчилар ва дипломатик ходимлар ва уларнинг оиласи билан (вақтинча) банд бўлса.

880. Рўйхатга олиш мақсадларида барча анъанавий турар жойлар ҳисобга олинади, улар банд ёки йўқлигидан қатъи назар (яъни, энг камида битта одатий яшовчига эгалиги), ваҳоланки, кўплаб белгилар фақат анъанавий банд турар жойларга нисбатан қўлланилади.

881. Анъанавий турар жойлар уларнинг аҳамиятлилиги ҳисобга олинishi билан қўшимча равишда бандлиги ва тузилиш тури, белгисига кўра таснифланади. Бироқ, давлатлар анъанавий банд турар жойларни қулайликларнинг асосий турлари (ошхона, сув таъминоти тизими, ҳожатхона, ювиниш мосламалари ва иситиш) мавжудлигига кўра яна бўлинишни амалга ошириши мумкин, бунда турар жой нечоғлик элементар эканини таснифлаш мақсад қилинади.

Бошқа турар жой бирликлари

882. “Бошқа турар жой бирликлари” — анъанавий яшаш жойи таърифига тўла мос келмайдиган бирликлар бўлиб, улар кўчма, яримкапитал ёки импровизацияланган ёки одамлар яшаши учун мўлжалланмаган бўлади. Аммо шунга қарамай, рўйхатга олиш вақтида бир ёки бир неча шахс томонидан одатий яшаш жойи сифатида фойдаланиб келинаётган бўлади ва улар бир ёки ундан ортик хусусий уй хўжаликлари аъзоси ҳисобланади.

883. Қуйида “бошқа турар жой бирликлари”нинг бир неча турларига қўлланиладиган таърифлар келтирилади:

- а) “Кўчма турар жой бирлиги” деганда бир жойдан иккинчисига кўчириш учун мўлжалланган ҳар қандай яшаш иншооти (масалан, палатка каби) ёки ўзида сурма бирликни акс эттирадиган (масалан, қайиқ, кема, яхта, баржа ёки автокарвон) ва яшаш учун мўлжалланган бўлиб, рўйхатга олиш вақтида яшаш учун банд қилинган, яъни кимнингдир одатий турар жойи бўлган жой тушунилади. Кўчманчилар лагерининг ва бошқа саёҳатчи инсонларнинг индивидуал компонентлари шу тоифага киритилиши керак, коллектив уй-жойларга эмас (887-бандга қаралсин). Йўловчилар учун мўлжалланган жойлар, масалан, йўловчи кемаларида, темир йўл вагонлари ва самолётларда, бошқа турар жой бирликлари сифати қаралмаслиги керак, рўйхатга олиш вақтида унда саёҳатни амалга ошираётган инсонлар ушбу ҳаракатланиш воситаларида яшовчилар сифатида қаралмаслиги керак.
- б) “Нокапитал турар жой бирлиги” ўзида маҳаллий примитив (оддий) қурилиш материаллари, масалан, доскалар, сомонли ғишт, похол ёки шунга ўхшаш ўсимлик материалларидан қурилган, кулба ёки қапага ўхшаш ажратилган жойни акс эттиради. У битта хусусий уй хўжалиги истиқомат қилишига мўлжалланган бўлиб, рўйхатга олиш вақтида энг камида битта инсон томонидан одатий яшаш жойи сифатида фойдаланилаётган бўлади. Тахмин қилинадики, бундай турар жой бирликлари анъанавий яшаш жойлари сингари абадий бўлмайди.
- в) “Яшаш учун мўлжалланган бошқа турар жой бирликлари” (баъзан импровизация қилинган яшаш бирликлари деб аталади) мустақил вақтинчалик бошпана ва биноларни қамраб олади, масалан, ноанъанавий ёки сифати паст материаллардан қурилган капалар, ваҳоланки, улар одамлар яшаши учун яроқсиз, деб ҳисобланса-да, рўйхатга олиш вақтида ҳеч бўлмаса, бир инсон томонидан одатий яшаш жойи сифатида фойдаланилаётган бўлади.

- г) “Яшаш учун мўлжалланмаган бошқа турар жой бирликлари” капитал ва нокапитал биноларни қамраб олади, масалан, отхоналар, омборхоналар, тегирмон, гараж, омборлар, контора жойлари ва бошқ. Улар яшаш учун қурилмаган, қайта қурилмаган, қайта жиҳозланмаган ёки реконструкция қилинмаган, аммо шунга қарамай, рўйхатга олиш вақтида бир ёки бир нечта хусусий уй хўжаликлари томонидан одатий яшаш жойи сифатида фойдаланилади. Бу тоифага, шунингдек, табиат бошпаналари, масалан, рўйхатга олиш вақтида бир ёки бир нечта хусусий уй хўжаликлари томонидан одатий яшаш жойи сифатида фойдаланилаётган ғорлар киради.

884. “Импровизация қилинган турар жой бирликлари” ва “Яшаш учун мўлжалланмаган бошқа турар жой бирликлари” — “норасмий уй-жойлар” тоифасига бирлаштирилиши мумкин.

885. Бошдан одамлар яшаши учун мўлжалланмаган ёки қурилмаган, аммо битта уй хўжалиги яшаши учун қайта ўзгартирилган ва анъанавий турар жой мезонларига жавоб берадиган уй-жойлар бу тоифага киритилмаслиги керак, аксинча анъанавий турар жой сифатида таснифланиши лозим.

Коллектив (жамоавий) уй-жойлар

886. “Коллектив турар жойлар” тоифаси алоҳида шахсларнинг катта гуруҳлари ёки бир нечта уй хўжаликлари яшаши учун мўлжалланган ва рўйхатга олиш вақтида камида битта шахс томонидан одатий турар жой сифатида фойдаланилаётган уй-жойларни қамраб олади.

887. Қуйида коллектив турар жойларнинг бир нечта кўринишига қўллаш мумкин бўлган таърифлар келтирилади:

- а) “Меҳмонхона” ўзида ажратилган ва мустақил яшаш жойи комплекси бўлиб, капитал бино ёки бир нечта биноларни қисман ёки тўлиқ эгаллайди. Улар турар жойни ҳақ эвазига тақдим этиш учун қурилган, қайта қурилган ёки реконструкция қилинган бўлади ҳамда рўйхатга олиш вақтида лоақал бир шахс томонидан одатий яшаш жойи сифатида фойдаланилади. Бу тоифага мотеллар, карвонсаройлар, жиҳозли столли хоналар, пансионлар, жиҳозли хоналар ва пансион туридаги бошқа жойлар киради. Агар меҳмонхона ёки шунга ўхшаш муассасада яшаётган хусусий уй хўжалиги томонидан эгалланган жой анъанавий турар жой мезонларига жавоб берса, у шундай деб таснифланиши керак. Акс ҳолда, у коллектив уй-жой сифатида таснифланиши лозим.
- б) “Институционал муассаса” ўзида ажратилган мустақил комплекс турар жой, капитал бинони қисман ёки тўлиқ эгаллаган, улар қурилган, қайта қурилган ёки реконструкция қилинган кўринишда турган, умумий раҳбариятга ёки умумий режимга бўйсунган ёки умумий мақсад ёхуд умумий қизиқишлар билан бирлашган инсонларнинг катта гуруҳи яшаши учун мўлжалланган, рўйхатга олиш вақтида камида битта шахс томонидан одатий яшаш жойи сифатида фойдаланилаётган турар жойни акс эттиради. Бундай коллектив яшаш жойлари одатда баъзи умумий қулайликларга, масалан, ошхона, ҳожатхона, ювенил қурилмалари, дам олиш хоналари ва ётоқхоналарга эга бўлади. Турар жойларнинг бу тоифасига ҳамширалар учун ётоқхона, талабалар ётоқхоналари, касалхоналар, санаторийлар ва тузалаётганлар учун уйлар, ижтимоий таъминот муассасалари, монастырлар, ҳарбий ва полиция казармалари, қамокхоналар ва ахлоқ тузатиш муассасалари киради.
- в) “Лагерь” ўзида турар жойнинг ажратилган ва мустақил комплекси, нокапитал ёки вақтинчалик иншоот ёки иншоотларни қисман ёки тўла эгаллаган, қандай қурилган, қайта қурилган ёки реконструкция қилинган бўлса, шу кўринишда турган, умумий мақсад ёхуд умумий қизиқишлар билан бирлашган инсонларнинг катта гуруҳи вақтинча яшаши учун мўлжалланган, рўйхатга олиш вақтида камида битта шахс томонидан одатий яшаш жойи сифатида

фойдаланилаётган турар жойни акс эттиради. Бундай коллектив яшаш жойлари одатда баъзи умумий қулайликларга, масалан, ошхона, ҳожатхона, ювиниш қурилмалари, дам олиш хоналари ва ётоқхоналарга эга бўлади. Бу тоифага ҳарбий лагерлар ва қочоқлар учун лагерлар, ишчилар, қишлоқ хўжалиги ишлари билан банд шахслар, ўрмон ишлаб чиқариши, тоғ қазилма саноати ташкилотлари, қурилиш ва бошқа корхоналарда ишловчи ишчилар яшаши учун лагерлар киради.

- г) “Коллектив турар жойларнинг бошқа турлари”га юқоридаги а)–с) тоифаларига кирмайдиган жойларни киритиш мумкин. Уларга анъанавий, кекса ёшдагиларнинг баъзи уюшмалари ёки коммунал ташкилотларнинг бошқа турларини, қайсики, юқорида келтирилган коллектив турар жой таърифини кенг маънода ифодалайдиган турар жойларни киритиш мумкин.

888. Худуд ёки бино ичида жойлашган турар жой бирликлари, меҳмонхона, муассаса ёки лагерлар билан банд бўлганда, уларни алоҳида кўриб чиқиш ва агар анъанавий яшаш жойи мезонларига жавоб берса, шундай деб ҳисобга олиш керак.

Турар жой белгилари

Яшаш жойлари, турар жой бирликлари ва анъанавий уй-жойларнинг таснифи

889. Бу бобдаги аксар белгилар турар жой бирликларининг қулайликлари ва хусусиятларига тааллуқли бўлиб, анъанавий банд уй-жойлар ва бошқа турар жой бирликларини ўз ичига олади. Бир нечта белгилар яшаш жойлари хусусиятларига тегишли бўлиб, турар жой бирликлари ва коллектив яшаш жойларини ўз ичига олади ва битта белги шахс ва уй хўжалиқларининг шароитларига тегишли бўлади (3-жадвалга қаралсин).

890. Баъзи белгиларга келганда, мамлакатлар балки мавсумий ва иккиламчи фойдаланиш учун мўлжалланган ва рўйхатга олиш вақтида вақант ёки рўйхатга олиш қамровига киритилмаган шахслар томонидан банд қилинган, анъанавий яшаш жойлари ҳақида ҳам анъанавий банд турар жойларга қўшимча сифатида маълумот тўплашни исташи мумкин. Бундай уй-жойлар ҳақида маълумот олиниши қийинчиликлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Зеро, кўп ҳолларда улар анъанавий турар жойларнинг почта манзиллари рўйхатида бўлмаслиги ёки бу турар жойлар доимий банд бўлмаслиги сабаб рўйхатга олиш вақтида уларда бирорта яшовчи бўлмаслиги мумкин. Бундай маълумотни тўплашда мазкур бобда баён қилинган классификациядан ёки унинг содалаштирилган кўринишидан фойдаланиш тавсия қилинади.

891. Баъзи турар жой бирликларининг хусусиятлари ҳақидаги маълумот коллектив турар жойларга нисбатан ҳам тўпланиши мумкин. Бироқ, коллектив уй-жойлар хусусиятини ҳисобга олиб, баъзи ҳолларда маълумот турар жой бирликларидаги каби тарзда тўпланмаслиги ва тақдим этилмаслиги мумкин. Шундай қилиб, масалан, ҳожатхона ёки ювиниш қурилмаларига келсак, тегишли маълумот айти шу қулайликлардан ўртача нечта одам фойдаланишига тегишли бўлиши мумкин.

892. Анъанавий банд турар жойлар ҳақида маълумот олишга алоҳида эътибор қаратиш лозим, у бошқа турар жой турларидан алоҳида тақдим этилиши керак (жумладан, бошқа турар жой бирликлари, мавсумий ва иккиламчи турар жойлар, вақант жойлар, рўйхатга олиш қамровига киритилмаган яшовчилари бор бўлган турар жойлар, коллектив турар жойлар). Бу уй-жойларнинг турли тоифаларида яшаш сифатини баҳолаш имконини беради. Коллектив турар жойлар тўғрисида маълумот тўплашда, имконият даражасида, 887-бандда баён қилинган коллектив турар жойларнинг турли тоифалари бўйича бўлинган ҳолда алоҳида тақдим этиш лозим.

Турар жой тури (асосий белги)

893. Турар жой таърифи 872-бандда келтирилди. Турар жой турлари деганда, анъанавий банд турар жойлар, бошқа турар жой бирликлари ва коллектив яшаш жойлари тушунилади.

894. Типи бўйича турар жойларнинг қуйидаги классификациясидан фойдаланиш тавсия қилинади:

(1.0) Анъанавий банд турар жойлар;

(2.0) Бошқа турар жой бирликлари:

(2.1) Кўчма бирликлар;

(2.2) Кокапитал бирликлар;

(2.3) Норасмий турар жой бирликлари:

(2.3.1) Яшаш учун мўлжалланган;

(2.3.2) Яшаш учун мўлжалланмаган;

(3.0) Коллектив турар жойлар:

(3.1) Меҳмонхоналар, жиҳозланган хоналар ва пансионат туридаги бошқа жойлар;

(3.2) Институционал муассасалар;

(3.3) Лагерлар;

(3.4) Бошқа коллектив турар жойлар.

895. Мазкур классификацияни бир хонали даражада ва ихтиёрий равишда — икки хонали ва уч хонали даражада қўллаш тавсия қилинади.

896. Анъанавий банд турар жойларнинг барчаси ва бошқа турар жой бирликларини рўйхатга олиш вақтида камида битта шахс томонидан одатий яшаш жойи сифатида фойдаланилиши керак, шундагина у турар жой сифатида ҳисобга олинади.

897. Институционал муассасалар бир неча хилда бўлиши боис, давлатлар институционал муассасаларнинг турли тоифалари ҳақида мукамалроқ маълумот тақдим этиш учун юқорида қайд этилган (3.2) тоифасини қўшимча бўлишини амалга ошириши мумкин. Бу ҳолда, эҳтимол бобдаги оила ва уй хўжаликлари ва/ёки институционал муассасалар хусусиятларига бағишланган 773-бандда келтирилган, юқоридаги 887-б) бандда санаб ўтилган институционал уй хўжаликлари тоифасини эътиборга олиш зарур. Мамлакатлар, шунингдек, импровизация қилинган турар жой бирликлари (“яшаш учун мўлжалланган бошқа бирликлар”) ва 883 с) ҳамда d) бандларида белгиланган, яшаш учун мўлжалланмаган бошқа турар жой бирликлари ҳақида маълумот тақдим этиш учун юқоридаги классификациянинг (2.3) тоифасини қўшимча равишда бўлишни амалга ошириши мумкин.

Уй-жой шароитлари (асосий ҳосила белги)

898. “Уй-жой шароитлари” белгиси бутун аҳолига тегишли ва рўйхатга олиш вақтида шахс одатий яшовчи бўлган уй-жой турларига тааллуқли. Қамровга турар жойларнинг турли тоифаларида одатий яшовчи ҳисобланган барча шахслар ёки бошпанасиз саналувчи шахсларни (780-банддаги таърифга мувофиқ) ўз ичига олади.

899. “Уй-жой шароитлари” концепциясини ишлатиш уй-жой фонди рўйхатга олиниши доирасида ҳисобга олинувчи барча бирликлар бўйича аҳолининг тавсифланишини, жумладан, бошпанасиз ҳисобланувчиларнинг ҳисобини таъминлайди (779–782-бандлар).

900. Уй-жой шароитлари тури бўйича қуйидаги классификацияни қўллаш тавсия қилинади:

- (1.0) Анъанавий турар жойда истиқомат қилувчилар (яъни, одатий яшаш жойига эга бўлган шахслар);
- (2.0) Рўйхатга олиш вақтида яшаш учун фойдаланилаётган кулба, каюта, капа, автосарой, сузувчи уй, омбор, тегирмон, ертўла ёки бошпананинг бошқа турлари сингари турар жой бирликларида истиқомат қилувчилар (яъни одатий яшаш жойига эга бўлган шахслар);
- (3.0) Меҳмонхона, институционал муассаса, лагерь ва бошқалар сингари коллектив турар жойларда истиқомат қилувчилар (яъни одатий яшаш жойига эга бўлган шахслар);
- (4.0) Бошпанасизлар (яшаш жойининг ҳар қандай тоифасида одатий яшовчи ҳисобланмайдиган шахслар).

901. Ушбу классификация шахслар даражасида фойдаланилади.

902. Юқорида саналган дастлабки учта тоифага кирувчи шахсларнинг сони деганда, ушбу турар жой шароитида одатий яшовчи шахслар миқдори тушунилади. Жумладан, рўйхатга олиш вақтида вақтинча йўқ бўлган шахслар, аммо одатда бошқа жойда яшаса-да, рўйхатга олиш вақтида вақтинча шу ерда бўлиб турган шахслар бундан мустасно (бобдаги рўйхатга олиш аҳолисининг тоифаларига бағишланган 392-бандда келтирилган “одатий яшаш жойи” таърифига қаралсин). Юқоридаги (2.0) ва (3.0) тоифаларига кирувчи уй-жой шароитлари БМТ ЕИК минтақасида ўз хусусиятига кўра турлича бўлиши мумкинлиги боис, мамлакатлар бу тоифаларни қўшимча бўлишини исташи мумкин (893–897-бандларга қаралсин).

Анъанавий турар жойларнинг бандлиги мақоми (асосий белги)

903. Бандлик мақоми деганда анъанавий турар жой бир ёки ундан ортиқ шахс учун одатий яшаш жойи ҳисобланадими ёки йўқлиги тушунилади.

904. Бир ёки ундан ортиқ шахс учун одатий яшаш жойи ҳисобланадиган уй-жойлар рўйхатга олиш вақтида унда истиқомат қилувчилар вақтинча бўлмаслигидан қатъи назар банд саналади. Бирорта шахс учун одатий яшаш жойи ҳисобланмайдиган анъанавий турар жойлар банд эмас ёки мавсумий ёки иккиламчи фойдаланиш учун мўлжалланган (рўйхатга олиш вақтида бошқа жойда одатий яшаш жойи бор бўлган шахслар томонидан банд қилинганидан, шунингдек 902-бандга қаралсин), ёки рўйхатга олиш камровига кирмаган шахслар томонидан вақтинча банд қилинганидан қатъи назар (бобдаги рўйхатга олиш аҳолисининг тоифаларига бағишланган 402-бандга қаралсин) деб ҳисобланади.

905. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги классификациядан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Рўйхатга олиш вақтида бир ёки ундан ортиқ шахс учун одатий яшаш жойи ҳисобланадиган анъанавий турар жойлар (банд уй-жойлар) ;
- (2.0) Рўйхатга олиш вақтида бирорта шахс учун одатий яшаш жойи ҳисобланмайдиган анъанавий турар жойлар:
 - (2.1) Мавсумий ёки иккиламчи фойдаланиш учун мўлжалланган турар жойлар;
 - (2.2.) Вакант яшаш жойлари:
 - (2.2.1) Сотув учун вакант;
 - (2.2.2) Ижарага бериш учун вакант;

- (2.2.3) Бузилишга мўлжалланганлар;
- (2.2.4) Бошқа вакант ёки номаълумлар;
- (2.3) Рўйхатга олиш қамровига кирмаган шахслар томонидан банд қилинган турар жойлар.

906. Мазкур классификацияни бир хонали ва икки хонали даражаларда қўллаш тавсия қилинади, бироқ у уч хонали даражада ихтиёрий ҳисобланади. (2.2.1) ва (2.2.2) тоифалари турар жой банд бўлмаган ҳолда қолган вақт давомийлигини кўрсатиш учун қўшимча майдаланиши мумкин, бунда тегишли ҳудудда турар жой бозоридаги ҳолатни тасвирлаш мақсад қилинади. Ҳолбуки, бу маълумотни рўйхатга олиш доирасида тўплаш мураккаб экани тан олинади. (2.2.3) тоифаси бўйича маълумотни ҳам йиғиш қийин бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бузилиш арафасида турган уй-жойлар 876-банддаги таърифга кўра “анъанавий уй-жойлар”га асосли равишда киритилиши мумкинлиги гумон уйғотади. Улар, шубҳасиз, мавжуд турар жой фондининг бир қисми сифатида қаралиши мумкин эмас.

907. Одатда ўз оиласи билан бошқа жойда истиқомат қилувчи шахслар томонидан иш ҳафтаси давомидагина фойдаланиладиган турар жойлар (2.0) “Рўйхатга олиш вақтида бирорта шахс учун одатий яшаш жойи ҳисобланмайдиган анъанавий турар жойлар” тоифасига киритилиши керак, зотан ушбу уй-жойдан фойдаланаётган шахслар унинг одатий яшовчилари ҳисобланмайди.

Рўйхатга олиш вақтида яшовчилари йўқ бўлган турар жойларнинг хусусиятлари (қўшимча белги)

908. Бу белги иккиламчи/мавсумий ва бўш уй-жойлар ҳамда рўйхатга олиш қамровига кирмаган яшовчилари бор турар жойлар ҳақида маълумот тўпланиши мумкин бўлганлиги бўйича хусусиятларга тааллуқли (402-бандга қаралсин). Ўлчанувчи хусусиятларнинг хили ва сони мамлакатларнинг индивидуал эҳтиёжлари ва қабул қилинган методологияга боғлиқ.

909. Мазкур бобдаги аксар белгилар банд бўлган анъанавий турар жойларга тегишли. Бироқ, барча анъанавий турар жойларнинг энг камида баъзи асосий хусусиятлари тўғрисида маълумот тўплашга қизиқиш мавжуд бўлиши мумкин. “Анъанавий турар жойларнинг бандлик мақоми” асосий белгисини ҳисобга олишда (юқоридаги 903–907-бандларга қаралсин) барча анъанавий турар жойларнинг, жумладан, иккиламчи ва вакант турар жойлар, рўйхатга олиш қамровига кирмаган яшовчилари бор турар жойларнинг миқдори ҳисоб-китоб қилинади. Аммо, умумий миқдорга қўшимча равишда баъзи мамлакатлар бошқа хусусиятлар ҳақида маълумот тўплашни исташи мумкин, турар жой фонди ҳақида янада батафсил маълумот олишга имкони бўлиши учун. Бундай хусусиятлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин, масалан:

- а) Хоналар сони ва полнинг фойдали майдони (қуйидаги 921–928-бандларга қаралсин);
- б) Қулайликлар, масалан, сув таъминоти тизими (937-бандга қаралсин), хожатхона (942-бандга қаралсин), ювиниш жиҳозлари (946-бандга қаралсин), канализация тизими (953-бандга қаралсин) ва ошхона (955-бандга қаралсин); ёки
- в) Тузилиш тури (980-бандга қаралсин), бино ичидаги жой ҳолати (97442-бандга қаралсин) ва бинодаги қаватлар сони (984-бандга қаралсин);

қуйидаги тегишли бандларда баён қилинган худди шу таснифланишни ёки уларнинг соддалаштирилган кўринишларини қўллаган ҳолда бу маълумотни анъанавий банд турар жойлардан алоҳида кўрсатиш керак.

910. Бутун йил давомида яшаш учун яроқли бўлган турар жойларга қўшимча равишда мамлакатлар бутун йил давомида яшаш учун мўлжалланмаган жойлар ҳақида ўхшаш маълумотларни тўплашни исташи

мумкин (тоғдаги паналар ва примитив (оддий) кулбалар). Агар мамлакатлар шундай маълумотни тўпласа, бу маълумотлар анъанавий турар жойлар ҳақидаги маълумотларга қўшилмаслигини таъминлаш зарур, зотан бундай жойлар уй-жой фондининг салоҳиятли қисми саналмайди.

911. Маълумотларни тўплаш методикасини изоҳлашга мета-маълумотлар ёрдам бериши керак. Асосий ёндашув иккиламчи ва мавсумий жойлар ҳақидаги маълумот йиллик мавсумда эгалигида битта уй хўжалиги бўлган турар жойларни қамраб олишидан иборат бўлиши керак. Бошқа шароитларда икки ҳисобдан қочиш лозим, масалан, икки ёки ундан ортиқ уй хўжалиklarининг иккиламчи турар жойга биргаликда эгалик қилиши ҳолатида.

Эгалик тури (асосий белги)

912. Бу белги ер эмас, унда жойлашган турар жойга эгаликка тааллуқли.

913. “Эгалик тури” белгисини уй хўжалиklarининг “фойдаланиш мақоми” белгиси билан адаштирмаслик керак (847–848-бандларга қаралсин). Зеро, у турар жой мақомига тегишли, уй хўжалиги мақомига эмас.

914. Эгалик тури бўйича турар жойларнинг қуйидаги классификациясидан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Эгалари томонидан банд қилинган уй-жой;
- (2.0) Кооператив эгаликда;
- (3.0) Ижарага олинадиган уй-жой:
 - (3.1) Хусусий эгаликда;
 - (3.2) Маҳаллий ёки ҳукуматнинг марказий органлари ва/ёки нотижорат ташкилотларнинг мулки ҳисобланувчи;
 - (3.3) Аралаш мулк;
- (4.0) Эгаликнинг бошқа турлари.

915. Бу классификацияни анъанавий банд уй-жойлар ҳолатида бир хонали даражада қўллаш тавсия қилинади, бироқ, у икки хонали даражада ихтиёрий саналади.

916. Агар миллий мақсадларда (1.0) ва (2.0) тоифалари бўлимларга бўлинса, бу бўлимларнинг ҳар бирига киритилган эгалик турлари рўйхатга олиш материалларида аниқ қайд этилган бўлиши керак.

Истиқомат қилаётган уй хўжалиklarининг сони бўйича бандлик (қўшимча ҳосила белги)

917. Бу белги барча турар жой бирликларига, уларда яшаётган уй хўжалиklари сони нуктаи назардан тааллуқли. У фақат хусусий уй хўжалиklarини белгилашда “хўжаликни биргаликда юритиш” концепциясини қўлловчи мамлакатларга мос (768–769-бандларга қаралсин).

918. Турар жойни, унда яшовчи бир ёки бир нечта уй хўжалиklари бўйича қуйидагича таснифлаш тавсия қилинади:

- (1.0) Бир уй хўжалиги томонидан эгалланган турар жой бирлиги;
- (2.0) Икки уй хўжалиги томонидан эгалланган турар жой бирлиги;
- (3.0) Уч ва ундан ортиқ уй хўжалиги томонидан эгалланган турар жой бирлиги.

Яшовчилар сони (асосий белги)

919. Уй-жойда истиқомат қилувчилар сони деганда мазкур яшаш жойи одатий турар жойи ҳисобланувчи одамлар сони тушунилади.

920. Тури бўйича турар жойларнинг умумий сони (банд анъанавий турар жойлар, бошқа яшаш бирликлари ва коллектив уй-жойлар) ҳамда яшовчилар сони (масалан, бир шахс, икки шахс ва ҳок. истиқомат қилувчи яшаш жойи) классификациясини назарда тутиш лозим. Шунингдек, битта яшаш жойи ҳисоб-китобидан истиқомат қилувчиларнинг ўртача миқдорини аниқлаш лозим.

Полнинг фойдали майдони ва/ёки турар жой бирликларидаги хоналар сони (асосий белги)

921. Полнинг фойдали майдони ўзида “турар жойнинг пол майдони ташқи деворларнинг ички томонидан ўлчанади, яшаш учун яроқсиз бўлган ертўла ва болохона жойлар ва кўп квартиралли уйларда умумий фойдаланишдаги барча жойлар бундан мустасно” акс эттиради⁷⁶. Мамлакатлар муқобил ҳолда “турар жой бирлигидаги барча хоналарнинг умумий пол майдони” сифатида белгиланадиган бошқа яшаш майдони концепциясини афзал билиши мумкин, ундаги “хоналар” таърифи қуйидаги 925-бандда келтирилади. Агар мазкур концепция ишлатилса, бу рўйхатга олиш материаллари ва тегишли мета-маълумотларда очиқ қайд этилиши керак, бу халқаро солиштирувларда чалкашликлар келиб чиқишининг олдини олиш учун амалга оширилади.

922. Полнинг фойдали майдони тўғрисидаги маълумот барча турар жой бирликлари бўйича тўпланиши керак ва хусусан, банд анъанавий турар жойлар бўйича, бу кўрсаткич асосида стандарт зичлик ҳисоб-китоб қилинади (қуйидаги 929–933-бандларга қаралсин). Мамлакатлар, шунингдек полнинг ўртача фойдали майдони тўғрисидаги маълумотларни битта турар жой бирлиги ҳисобидан тақдим этиши лозим.

923. Пол майдони бўйича яшаш бирлигининг қуйидаги классификациясидан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) 30 м² дан кам;
- (2.0) 30 дан 40 м² гача;
- (3.0) 40 дан 50 м² гача;
- (4.0) 50 дан 60 м² гача;
- (5.0) 60 дан 80 м² гача;
- (6.0) 80 дан 100 м² гача;
- (7.0) 100 дан 120 м² гача;
- (8.0) 120 дан 150 м² гача;
- (9.0) 150 м² ва ундан юқори.

⁷⁶ ЕИК минтақаси давлатлари учун жорий турар жой ва қурилиш статистикаси дастури (Статистик стандартлар ва тадқиқотлар, № 43).

924. Мамлакатлар муқобил ёки қўшимча равишда хоналарнинг умумий сони ва битта яшаш бирлигига ҳисоб-китобдан ўртача хоналар миқдори тўғрисидаги маълумотни тақдим этиши лозим.

925. “Хона” деганда “деворлар билан тўсилган, полдан шифтгача ёки томгача камида ер сатҳидан 2 м баландликда бўлган, катта ёшдаги инсон учун битта ётоқ жойлашиши учун етарлича ўлчамда (камида майдони 4 м²) ва шифтнинг асосий қисмидан камида 2 м баланд бўлган яшаш бирлигидаги жой” тушунилади. Шу тариқа, оддий ётоқхоналар, ошхона, меҳмонхона, яшаш учун яроқли болохоналар ва ертўлалар, оқсочлар хонаси, яшаш учун фойдаланиладиган ёки мўлжалланган ошхона ва бошқа алоҳида жойлар, агар юқорида келтирилган таърифга мувофиқ келса, хона сифатида қаралиши лозим. Ошхона бурчаги (яъни 4 м²дан кам бўлмаган ошхона майдони), айвонлар, хўжалик жойлари (масалан, қозонхона, кир ювиш хонаси) ва вестибюллар хона сифатида қаралмайди, худди ювиниш хонаси ва халажой сингари (ҳатто, агар уларнинг майдони 4 м²дан ошса ҳам). Деразасиз хоналар, масалан, ер сатҳидан паст бўлган ертўлалар, ҳолбуки майдони салмоқли бўлса-да, қоидага кўра, хона сифатида ҳисобга олиниши керак эмас, агар фақат ёзув столи жойлашган катта даҳлиз ёки деразасиз ички ётоқ-хоналар каби маиший мақсадларда функционал фойдаланилмаса.

926. Хоналар сони бўйича қуйидаги классификациядан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Битта хона;
- (2.0) Иккита хона;
- (3.0) Учта хона;
- (4.0) Тўртта хона;
- (5.0) Бешта хона;
- (6.0) Олтита хона;
- (7.0) Еттита хона;
- (8.0) Саккизта хона;
- (9.0) Тўққизта хона ва ундан ортик.

927. Хоналар сони бўйича классификация — стандарт зичликни ҳисоб-китоб қилиш мумкинлиги боис (932-бандда қайд этилганидек) — анъанавий банд турар жойларга нисбатан ва ихтиёрий равишда бошқа турар жой бирликларига нисбатан қўллаш тавсия қилинади.

928. Фақат иш ёки профессионал мақсадларда фойдаланиладиган хоналарни алоҳида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ, яъни уларни битта турар жой бирлигига хоналар сонини ҳисоблашда қўшиш, аммо ҳисоб-китоб қилишда айириб ташлаш, яъни битта хонага тўғри келадиган шахслар сонини ҳисоблашга қўшмаслик лозим. Ҳар бир мамлакат рўйхатга олиш маълумотлари ёки тегишли мета-маълумотларда хоналарни ҳисоблашдаги ёндашувини қайд этиши зарур. Паст сифатли уй-жойларга келсак, яъни “бошқа яшаш бирликлари” ҳисобланувчи, хоналар сони ва полнинг фойдали майдонини ҳисоблашда қийинчиликлар туғилиши мумкин. Шунга кўра, мамлакатлар “бошқа яшаш бирликлари” сонини ҳисобга олиши керак, уларга нисбатан маълумот тўплашнинг имкони бўлмайди. Бунда яшаш бирликлари истиқомат қилувчиларнинг стандарт зичлиги кўрсаткичидан айириб ташланиши керак. Полнинг фойдали майдони ва маънавий яшаш жойларига нисбатан хоналар сони тўғрисидаги маълумот ҳар доим алоҳида кўрсатилиши керак.

Стандарт зичлик (асосий ҳосила белги)

929. Имкониятга кўра, полнинг фойдали майдони кўрсаткичидан фойдаланиш афзал ҳисобланади, хоналар сонидан эмас, боиси, турар жой бирлигида яшовчилар сонига бўлинган полнинг м²даги фойдали майдони, одатда турар жой бирлигида яшовчилар сонига бўлинган хоналар сонидан кўра стандарт зичликнинг энг яхши кўрсаткичи сифатида қаралади. Зотан, хоналар ўлчамига кўра турлича бўлади. Бироқ, айрим давлатларда уй эгасига полнинг фойдали майдони муайян даражада аниқ маълум бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли, таққослаш мақсадида мамлакатлар имкон даражасида, бир вақтнинг ўзида бир кишига тўғри келадиган хоналар сони ва бир кишига тўғри келадиган полнинг м²даги фойдали майдони тўғрисида маълумот тўплаши тавсия қилинади.

930. Аҳолининг зич жойлашганлиги кўрсаткичлари истиқомат қилувчилар сонига кўра турар жой бирликлари классификацияси (яъни юқоридаги 919–920-бандларда кўрсатилганидек, битта шахс, икки шахс ва ҳок. яшовчи жойлар) ва хоналар сони бўйича турар жой бирликлари классификациясидан фойдаланган ҳолда (бир хона, икки хона ва ҳок.дан иборат турар жой бирликлари) ёки ётоқхоналар сони бўйича (қуйидаги 935–936-бандларга қаралсин) ҳисоб-китоб қилиниши мумкин. Бундан ташқари, битта шахсга полнинг ўртача фойдали майдони битта шахс яшовчи турар жой бирлиги, иккита шахс яшовчи турар жой бирлиги ва ҳок. дан алоҳида ҳисобланиши мумкин.

931. Битта яшовчига тўғри келадиган полнинг фойдали майдони бўйича қуйидаги классификациядан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) битта яшовчига 10 м² дан кам;
- (2.0) битта яшовчига 10 дан 15 м² гача;
- (3.0) битта яшовчига 15 дан 20 м² гача;
- (4.0) битта яшовчига 20 дан 30 м² гача;
- (5.0) битта яшовчига 30 дан 40 м² гача;
- (6.0) битта яшовчига 40 дан 60 м² гача;
- (7.0) битта яшовчига 60 дан 80 м² гача;
- (8.0) битта яшовчига 80 м² дан ва ундан ортиқ.

932. Битта яшовчига тўғри келадиган хоналар сони бўйича қуйидаги классификациядан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) битта яшовчига 0,5 хонадан кам;
- (2.0) битта яшовчига 0,5 дан 1 хонагача;
- (3.0) битта яшовчига 1 дан 1,25 хонагача;
- (4.0) битта яшовчига 1,25 дан 1,5 хонагача;
- (5.0) битта яшовчига 1,5 дан 2 хонагача;

(6.0) битта яшовчига 2 дан 2,5 хонагача;

(7.0) битта яшовчига 2,5 дан 3 хонагача;

(8.0) битта яшовчига 3 ва ундан ортиқ хона.

933. Агар ушбу маълумот бошқа турар жой бирликлари ёки коллектив уй-жойларга нисбатан тўпланса, уни анъанавий турар жойлар, бошқа турар жой бирликлари ёки коллектив уй-жойлардан алоҳида кўрсатиш лозим.

Хоналар тури (қўшимча белги)

934. Баъзи давлатлар турар жой бирликларида аҳолининг ниҳоятда зичлиги тўғрисида қўшимча аниқ маълумотни турар жой бирликларида хоналарнинг муайян турлари сони ҳақида маълумот тақдим этиш йўли билан ишлаб чиқишни исташи мумкин.

935. Баъзи давлатлар ётоқхоналар сони аҳоли кўплигининг нисбатан аниқ кўрсаткичи бўлади, деб ҳисоблайди, хусусан, аҳолининг ўта зичлиги ётоқхоналар сони ва ёш, жинс ва уй хўжалигидаги муносабатлар матрицаси ёрдамида аниқланганда. Бироқ, бундай мақсадлар учун уй хўжалигининг барча аъзолари томонидан меҳмонхона сифатида фойдаланиладиган хоналар ётоқхона сифатида ҳисобга олинмаслиги керак.

936. Турар жой бирликларига нисбатан хоналарнинг қуйидаги тоифаларида фойдаланиш тавсия қилинади:

(1.0) Салонлар ва меҳмонхоналар;

(2.0) Ётоқхоналар.

Сув билан таъминлаш тизими (асосий белги)

937. Давлатлар барча турар жой бирликларига нисбатан сув билан таъминлаш тизими тўғрисида маълумот тўплаши лозим, аммо, уни анъанавий банд яшаш жойлари учун алоҳида тақдим этиши керак.

938. Сув билан таъминлаш тизими турига қўра, анъанавий банд яшаш жойлари ва бошқа турар жой бирликларини қуйидагича таснифлаш тавсия қилинади:

(1.0) Сув қузури турар жой бирлигида жойлашган:

(1.1) Сув таъминотининг коммунал тизимидан;

(1.2) Хусусий манбадан;

(2.0) Сув қузури бинодан ташқарида жойлашган:

(2.1) Водопровод бинонинг ичида жойлашган, аммо турар жой бирлигида эмас:

(2.1.1) Сув таъминотининг коммунал тизимидан;

(2.1.2) Хусусий манбадан;

(2.2) Сув қузури бинодан ташқарида жойлашган:

(2.2.1) Сув таъминотининг коммунал тизимидан;

(2.2.2) Хусусий манбадан;

(2.3) Сув қузури йўқ.

939. Мазкур классификацияни бир хонали даражада қўллаш тавсия қилинади, бироқ бу икки хонали ва уч хонали даражада ихтиёрий саналади.

940. Сув билан таъминлашнинг коммунал тизими деганда, давлат идоралари томонидан амалга ошириладиган тизим, инспекция ва назорат тушунилади. Сув таъминотининг бундай тизими эксплуатацияси, қоидага кўра, давлат идоралари томонидан амалга оширилади. Аммо, баъзи ҳолларда бу билан кооператив ёки хусусий ташкилотлар шуғулланади.

941. Баъзи давлатларда сув қувури билан жиҳозланган уй-жойларнинг солиштирма оғирлиги сезиларли катта, деярли умуммиллий масштабда 100 % экани тан олинади ва рўйхатга олиш доирасида бундай маълумотлар тўпланишини бошқа нисбатан мос ёки дифференциал белгиларга нисбатан солиштирганда мақсадга мувофиқ эмас, деб топилиши мумкин.

Ҳожатхона (асосий белги)

942. Давлатлар барча яшаш бирликларида ҳожатхона мавжудлиги тўғрисида алоҳида маълумот тўплаши ва уни анъанавий банд турар жойлар учун алоҳида тақдим этиши лозим.

943. Ҳожатхона хили бўйича анъанавий банд ва бошқа турар жойларнинг қуйидаги классификациясидан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Суви оқизиладиган ҳожатхона турар жой бирлиги ичида жойлашган;
- (2.0) Суви оқизиладиган ҳожатхона турар жой бирлиги ичида мавжуд эмас:
 - (2.1) Ҳожатхонанинг бошқа тури турар жой бирлиги ичида жойлашган
 - (2.2) Суви оқизиладиган ҳожатхона бино ичида жойлашган, турар жой бирлигида эмас:
 - (2.2.1) Индивидуал (яъни, фақат шу турар жой бирлигида яшовчилар фойдаланиши учун мўлжалланган);
 - (2.2.2) Умумий (яъни, бошқа турар жой бирлигида яшовчилар ҳам фойдаланадиган ҳожатхона);
 - (2.3) Суви оқизиладиган ҳожатхона бино ташқарисида жойлашган:
 - (2.3.1) Индивидуал;
 - (2.3.2) Умумий;
 - (2.4) Бошқа турдаги ҳожатхона бино ичида жойлашган, турар жой бирлигида эмас:
 - (2.4.1) Индивидуал;
 - (2.4.2) Умумий;
 - (2.5) Бошқа турдаги ҳожатхона бино ташқарисида жойлашган:
 - (2.5.1) Индивидуал;
 - (2.5.2) Умумий.

944. Мазкур классификацияни бир хонали даражада қўллаш тавсия қилинади, бироқ, уни икки ёки уч хонали даражада қўллаш ихтиёрий саналади.

945. Сув таъминоти тизимида бўлгани каби, баъзи давлатларда суви оқизиладиган ҳожатхона билан жиҳозланган уй-жойларнинг солиштирма оғирлиги сезиларли катта, деярли умуммиллий масштабда 100% экани тан олинади ва рўйхатга олиш доирасида бундай маълумотлар тўпланишини бошқа нисбатан мос ёки дифференциал белгиларга нисбатан солиштирганда мақсадга мувофиқ эмас, деб топилиши мумкин.

Ювиниш жиҳозлари (асосий белги)

946. Давлатлар барча яшаш бирликларида ювиниш жиҳозлари мавжудлиги тўғрисида алоҳида маълумот тўплаши ва уни анъанавий банд турар жойлар учун алоҳида тақдим этиши лозим.

947. Ювиниш курилмаларининг қуйидаги классификациясидан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Турар жой бирлигида стационар ювиниш хонаси ёки душ мавжуд;
- (2.0) Турар жой бирлигида стационар ювиниш хонаси ёки душ мавжуд эмас:
 - (2.1) Стационар ювиниш хонаси ёки душ бинода мавжуд, лекин турар жой бирлигида эмас:
 - (2.1.1) Индивидуал фойдаланишга мўлжалланган;
 - (2.1.2) Умумий фойдаланишга мўлжалланган;
 - (2.2) Стационар ювиниш хонаси ёки душ бино ташқарисида жойлашган:
 - (2.2.1) Индивидуал фойдаланишга мўлжалланган;
 - (2.2.2) Умумий фойдаланишга мўлжалланган;
 - (2.3) Стационар ювиниш хонаси ёки душсиз.

948. Мазкур классификацияни бир хонали даражада қўллаш тавсия қилинади, бироқ, уни икки ёки уч хонали даражада қўллаш ихтиёрий саналади. “Стационар ювиниш хонаси” ёки “стационар душ” атама-лари деганда, сув қувири билан бирлашмаси ва оқава сувларни ташқи чиқариб ташлаш тизими доимий характерга эга бўлган ювиниш хонаси ёки душ тушунилади.

949. Ҳаммом (сауна)ларнинг ишлатилиши умумқабул қилинган баъзи давлатлар унинг турар жой бирлиги ичида ёки ташқарисида фойдаланилишини бошқа ювиниш жиҳозларидан алоҳида кўрсатишни исташи мумкин.

950. Баъзи давлатларда ювиниш жиҳозлари бор уй-жойларнинг солиштирма оғирлиги сезиларли катта, деярли умуммиллий масштабда 100 % экани тан олинади ва бундай маълумотлар тўпланишини бошқа нисбатан мос ёки дифференциал белгиларга нисбатан солиштирганда мақсадга мувофиқ эмас, деб топилиши мумкин.

Иссиқ сув таъминоти (қўшимча белги)

951. Анъанавий банд турар жойларда, мавжуд маълумотлардан келиб чикиб, бошқа турар жой бирлик-ларида иссиқ сув таъминоти мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни алоҳида тақдим этиш лозим. Ҳар бир давлат ўзининг “иссиқ сув таъминоти” концепциясини аниқлаштириб олиши керак.

952. Ювиниш жиҳозлари мавжудлигига нисбатан тавсия қилинган аналогик таснифлашни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади:

- (1.0) Турар жой бирлигида иссиқ сувли кран мавжуд;
- (2.0) Турар жой бирлигида иссиқ сувли кран мавжуд эмас:
 - (2.1) Иссиқ сувли кран бинода бор, лекин турар жой бирлигида эмас;
 - (2.2) Иссиқ сувли кран бино ташқарисида мавжуд;
 - (2.3) Иссиқ сувли кран мавжуд эмас.

Канализация тизимининг тури (қўшимча белги)

953. Давлатлар барча яшаш бирликларида канализация тизими тури тўғрисида алоҳида маълумот тўплаши ва уни анъанавий банд турар жойлар учун алоҳида тақдим этиши мақсадга мувофиқ. Биноларни рўйхатга олиш ёки маълумот тўплаш бирлиги сифатида қўллайдиган давлатлар турар жой бирлиги жойлашган бинога уланган канализация тизими тури тўғрисида маълумот тўплаш ва уни мазкур уй-жой бирлиги бўйича кўрсатиш тавсия қилинади.

954. Канализация тизими тури бўйича анъанавий банд ва бошқа турар жойларнинг қуйидаги классификациясидан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Оқава сувлар қувурлар орқали коммунал канализация тизимига ажратилади;
- (2.0) Оқава сувлар қувурлар орқали коммунал канализация тизимига ажратилади (масалан, битта турар жой ёки катта бўлмаган турар жой бирликлари гуруҳи учун қурилган септик);
- (3.0) Оқава сувларни ажратишнинг бошқа тизимлари (масалан, оқава сувларни очиқ чуқурлар, қудуқлар, қазилган чуқурлар, дарё, денгиз ва бошқаларга ажратиш);
- (4.0) Оқава сувларни ажратиш тизими мавжуд эмас.

Ошхона (қўшимча белги)

955. Анъанавий банд турар жойлар ва бошқа турар жой бирликлари хоналар сонига кўра таснифланганда, уларни ошхона мавжудлигига кўра ҳам таснифлаш лозим. Ошхона майдони 4 м² дан кам бўлмаган ва кенглиги 2 м бўлган, иссиқ егулик тайёрлашга мўлжалланган ва жиҳозланган ҳамда бу мақсадда бир вақтнинг ўзида ётоқхона, меҳмонхона ёки емакхона бўлиб хизмат қилишидан қатъи назар фойдаланиладиган хона (ёки хонанинг бир қисми) сифатида таърифланади.

956. Мазкур тавсияларда ошхона “хона” сифатида қўрилади (925-бандга қаралсин). Боиси, баъзи давлатлар бунга нисбатан бошқа ёндашувга эга, бунда ошхонали ва ошхонасиз хоналар сонини ҳисоб-китоб қилиш имконини таъминлаш муҳим. Бу, шунингдек, халқаро таққослаш имконини яратади.

957. Рўйхатга олиш материаллари ва/ёки мета-маълумотларда рўйхатга олишда фойдаланилаётган ошхона таърифи батафсил баён этилиши зарур. Бу ўринда, юкорида келтирилган умумий таърифдан ҳар қандай чекинишга эътибор қилиш керак. Хусусан, давлатлар бошқа мақсадларда фойдаланиладиган хонада таом тайёрланадиган уй-жойни қандай таснифланганини кўрсатиши керак.

958. Ошхона мавжудлиги белгиси бўйича қуйидаги классификациядан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Ошхонали;
- (2.0) Ошхона бурчагили (яъни пол майдони м² дан кам бўлмаган ва кенглиги 2 м бўлган алоҳида жой);
- (3.0) Ошхона ёки ошхона бурчагисиз;
- (4.0) Ошхона жиҳозлари бошқа турдаги хонада жойлашган.

Иситиш тури (асосий белги)

959. Давлатлар барча яшаш бирликларида иситиш тури тўғрисида алоҳида маълумот тўплаши ва уни анъанавий банд турар жойлар учун алоҳида тақдим этиши мақсадга мувофиқ.

960. Иситиш тури бўйича анъанавий банд ва бошқа турар жойларнинг қуйидаги классификациясидан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Марказий иситиш:

(1.1) Бино ёки турар жой бирлигида жойлашган қурилмадан;

(1.2) Коммунал иситиш марказидан;

(2.0) Марказий иситишсиз:

(2.1) Иситиш қурилмалари ёки усқуналари анъанавий банд/бошқа турар жой бирлиги ичида жойлашган:

(2.1.1) Печка;

(2.1.2) Камин;

(2.1.3) Силжийдиган электр иситгич;

(2.1.4) Бошқалар;

(2.2) Иситишсиз.

961. Мазкур классификацияни бир хонали даражада қўллаш тавсия қилинади, бироқ, уни икки хонали даражада қўллаш ихтиёрий саналади.

962. Уй-жой бирлиги, агар иссиқлик коммунал иситиш маркази ёки бино, ёки турар жой бирлигида энергия манбаидан қатъи назар, иссиқликни таъминлаш учун ўрнатилган қурилмадан келса, марказий иссиқлик мавжуд, деб қаралади. Баъзи давлатлар, балки бу классификацияга энергия билан таъминлашни режалаштириш учун фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни олиш мақсадида қўшимча тагтоифаларни киритишни исташи мумкин (“Иситиш учун фойдаланиладиган энергиянинг асосий тури” қўшимча белгисига ҳам қаралсин).

Иситиш учун фойдаланиладиган энергиянинг асосий тури (қўшимча белги)

963. “Иситиш хили” асосий белгисига қўшимча равишда баъзи давлатлар иситиш мақсадларида фойдаланиладиган энергиянинг асосий тури ҳақида ҳам маълумот тўплашни исташи мумкин. Бу маълумот мавжуд бўлган тақдирда, уни анъанавий банд турар жойлар ва бошқа уй-жой бирликлари учун алоҳида тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

964. Иситиш учун фойдаланиладиган энергиянинг асосий тури бўйича анъанавий банд ва бошқа турар жойларнинг қуйидаги классификациясидан фойдаланиш тавсия қилинади:

(1.0) Ёқилғининг қаттиқ турлари:

(1.1) Тошқўмир, кулранг кўмир ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар;

(1.2) Ёғоч ва қайта тикланувчи хомашёдан ишлаб чиқариладиган тахта маҳсулотлари;

(1.3) Бошқалар;

(2.0) Мазут;

(3.0) Ёқилғининг газ кўринишидаги турлари:

(3.1) Табiiй газ;

(3.2) Бошқалар (жумладан суюлтирилган газ);

(4.0) Электр энергияси;

(5.0) Фойдаланиладиган энергиянинг бошқа турлари:

- (5.1) Қуёш энергияси;
- (5.2) Шамол энергияси;
- (5.3) Геотермал энергия;
- (5.4) Бошқалар.

965. Давлатлар рўйхатга олиш материаллари ва/ёки мета-маълумотларда иситиш учун энергиянинг икки туридан бир хил даражада фойдаланадиган турар жой бирликларига нисбатан энергиянинг асосий тури қандай аниқланганлигини кўрсатиши лозим.

Электр (қўшимча белги)

966. Давлатлар электр мавжудлиги тўғрисида маълумот тўплаётганда уни анъанавий банд турар жойлар ва бошқа турар жой бирликларига нисбатан алоҳида тақдим этиши лозим.

967. Электр мавжудлиги бўйича анъанавий банд ва бошқа турар жойларнинг қуйидаги классификациясидан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Турар жой бирлиги электрлаштирилган;
- (2.0) Турар жой бирлиги электрлаштирилмаган.

Тармоқ гази (қўшимча белги)

968. Тармоқ газини табиий ёки саноат гази сифатида белгилаш лозим, қайсики, газ тармоғи орқали тақсимланади ва истеъмоли газ ҳисоблагичларда ўлчанади. Бу маълумотни тўплаётган давлатлар уни анъанавий банд турар жойлар ва бошқа турар жой бирликларига нисбатан алоҳида тақдим этиши лозим.

969. Электр мавжудлигига кўра таклиф қилинаётган аналог классификациядан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- (1.0) Турар жой бирлигида тармоқ гази мавжуд:
 - (1.1) Иккала мақсадда: иситиш ва егулик пишириш;
 - (1.2) Фақат иситиш мақсадида;
 - (1.3) Фақат егулик пишириш мақсадида;
- (2.0) Турар жой бирлигида тармоқ гази мавжуд эмас.

Ҳавонинг айланиши (қўшимча белги)

970. Баъзи давлатлар, балки ҳаво айланиши тизими мавжудлигини яшаш шароити сифатининг кўрсаткичи сифатида рўйхатга олишни исташи мумкин, бироқ, бу кўрсаткичнинг аҳамияти ва қўллаш тартиби давлатларга кўра турлича бўлади. Бу маълумотни тўплаётганда уни анъанавий банд турар жойлар ва бошқа турар жой бирликларига нисбатан алоҳида тақдим этиш лозим.

971. Ҳаво айланиш тизими мавжудлигига кўра қуйидаги таснифлашдан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Турар жой бирлигида ҳаво айланиш тизими мавжуд:

- (1.1) Бино ёки турар жой бирлигида қурилган ускуналар ҳисобига ҳавонинг марказлаштирилган айланиши мавжуд;
- (1.2) Турар жой бирлигида мустақил ҳаво айланиш тизим(лар)и бор;

(2.0) Турар жой бирлигида ҳаво айланиш тизими мавжуд эмас.

Яшаш жойига кириш йўли (қўшимча белги)

972. Баъзи давлатлар, балки яшаш жойига кириш йўли тўғрисида, хусусан, ногиронлиги бор шахслар учун қулайлиги нуқтаи назаридан, маълумот тўплашни исташади. Бу маълумотни тўплаётган давлатлар уни анъанавий банд турар жойлар ва бошқа турар жой бирликларига нисбатан алоҳида тақдим этиши лозим.

973. Яшаш жойининг ташқи кириш эшигига кириш йўли, у рампа, зинапоя ва лифт сингари омилларга асосланганига кўра қуйидаги классификациядан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Рампа ёки зинапоясиз кириш;
- (2.0) Рампа ёрдамида кириш;
- (3.0) Ногиронлар учун кўтарма ёрдамида кириш;
- (4.0) Фақат лифтдан фойдаланиб кириш (ҳолбуки, бинода зиналар ҳам бўлиши мумкин);
- (5.0) Фақат зинапоялардан фойдаланиб кириш;
- (6.0) Фақат лифт ва зинапоялардан фойдаланиб кириш.

Бу тоифалар бир-бирини инкор этмаслигига эътибор қаратиш зарур.

Яшаш жойининг бинодаги ҳолати (қўшимча белги)

974. Баъзи давлатлар, балки яшаш жойининг бинодаги ҳолати тўғрисида маълумот тўплашни исташи мумкин. Бу маълумот “яшаш жойига кириш йўли” қўшимча белгиси билан мувофиқ равишда турар жойга кириш кўрсаткичи сифатида қўлланилиши мумкин. Бу маълумотни тўплаётган давлатлар уни анъанавий банд турар жойлар ва бошқа турар жой бирликларига нисбатан алоҳида тақдим этиши лозим.

975. Уй-жойининг бинодаги ҳолатига кўра қуйидаги классификациядан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Фақат битта қаватда жойлашган турар жойлар:
 - (1.1) Турар жойлар бинонинг фақат биринчи қавати ёки пастида жойлашган (ер сатҳидан паstda);
 - (1.2) Турар жойлар бинонинг иккинчи ёки учинчи қаватида;
 - (1.3) Турар жойлар бинонинг тўртинчи ёки бешинчи қаватида;
 - (1.4) Турар жойлар бинонинг олтинчи қавати ёки ундан юқорида жойлашган;
- (2.0) Турар жойлар икки ёки ундан ортиқ қаватда жойлашган:

- (2.1) Турар жойлар бинонинг фақат биринчи қавати ёки пастида жойлашган (ер сатҳидан пастанда);
- (2.2) Турар жойлар бинонинг иккинчи ёки учинчи қаватида;
- (2.3) Турар жойлар бинонинг тўртинчи ёки бешинчи қаватида;
- (2.4) Турар жойлар бинонинг олтинчи қавати ёки ундан юқорида жойлашган.

976. “Турар жойлар икки ёки ундан ортиқ қаватда жойлашган” (2.0) тоифасининг кичик бўлимларига тўхталсак, маълумотни турар жойнинг энг пастки қаватига нисбатан тақдим этиш лозим.

Турар жой жойлашган бинолар хусусиятлари

977. Аънавий турар жойларга эга бўлган бино муҳим бирлик ҳисобланади. Боиси, бино хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар, масалан, бино тури ва қурилиш даври, бинода жойлашган турар жойларни тасвирлашда ва турар жой дастурларини ишлаб чиқишда зарур. Бу бўлимга киритилган белгилар ҳисобга олишнинг базавий бирлиги ҳисобланувчи аънавий банд турар жойларга тааллуқли. Асосий кизиқиш аънавий банд турар жойлар хусусиятлари тўғрисидаги маълумотни олишда. Мақсад бино хусусиятларини баён қилиш эмас, турли хусусиятларга эга биноларда жойлашган турар жойлар сонини ҳисобга олишдир.

978. Бино таърифи 870-бандда келтирилган.

979. Давлатлар бинолар тузилиши тўғрисида маълумот тўплаётганда уни нафақат аънавий банд турар жойлар, балки бошқа турар жой бирликларига нисбатан ҳам йиғишни исташи мумкин, масалан, коллектив турар жойлар ёки барча аънавий уй-жойлар. Бу маълумотни тўплаётган давлатлар уни аънавий банд турар жойларга нисбатан алоҳида хабардор этиши лозим.

Тузилиш турига кўра уй-жойлар (асосий белги)

980. Уй-жойлар, улар жойлашган тузилиш турига кўра таснифланиши мумкин.

981. Уй-жойларни тузилиши турига кўра бир, икки ва уч хонали даражада қуйидагича таснифланишдан фойдаланиш тавсия қилинади.

(1.0) Уй-жой бинолари:

- (1.1) Алоҳида турувчи уйлар (бошқа бирор бинога ёпишмаган уйлар):
 - (1.1.1) Битта уй-жой бўлган алоҳида турувчи уйлар;
 - (1.1.2) Иккита уй-жой бўлган алоҳида турувчи уйлар (бири бошқасининг устида);
- (1.2) Умумий деворли уйлар (иккита ёнма-ён уй);
- (1.3) Йўл (ёки сува) олиб қурилган уйлар (камида учта туташ ёки бир-бирига бирлашган уйлар, ҳар бирига ташқаридан алоҳида кириш мавжуд);
- (1.4) Кўп квартирали уйлар:
 - (1.4.1) Учтадан тўққизтагача уй-жой бўлган кўп квартирали уйлар;
 - (1.4.2) Ўнта ва ундан ортиқ уй-жой бўлган кўп квартирали уйлар;
- (1.5) Бошқа турар жой бинолари;

(2.0) Нотурар бинолар.

982. Биноларни унда жойлашган уй-жойларга кўра таснифлаш муайян мақсадларда фойдали бўлиши мумкин. Қуйидаги классификацияни бир ва икки хонали даражада қўллаш тавсия қилинади:

(1.0) Турар жой биноларидаги анъанавий уй-жойлар:

- (1.1) Битта яшаш жойи бўлган турар жой биноларидаги анъанавий уй-жойлар;
- (1.2) Иккита яшаш жойи бўлган турар жой биноларидаги анъанавий уй-жойлар;
- (1.3) Уч ва ундан ортиқ яшаш жойи бўлган турар жой биноларидаги анъанавий уй-жойлар;

(2.0) Нотурар бинолардаги анъанавий уй-жойлар.

983. Маълумот мавжуд бўлмаганда 981-бандга мувофиқ таснифлаш учун уй-жойлар сони бўйича биноларни бўлиш тўғридан-тўғри регистрация қилиш усули билан олиниши мумкин.

Бинодаги қаватлар сонига кўра уй-жойлар (қўшимча белги)

984. Бу белги бинодаги уй-жойлар сонига тааллуқли бўлиб, бинодаги қаватлар сони билан ҳамоҳанг тарзда таҳлил қилинади ва қаватлар сони биринчисидан (ва уй-жойдаги қаватлар сонидан қатъи назар) юқорига қараб ҳисоб қилинади.

985. Бинодаги қаватлар сони бўйича қуйидаги классификациядан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) 1 қават;
- (2.0) 2 қават;
- (3.0) 3 қават;
- (4.0) 4 қават;
- (5.0) 5–9 қават;
- (6.0) 10–19 қават;
- (7.0) 20 қават ва ундан ортиқ.

Лифт (қўшимча белги)

986. Кўп қаватли иншоотларда амалда бўлган лифтлар мавжудлиги тўғрисида маълумот тўплаш таклиф қилинади. Бу маълумотни тўплаётган давлатлар уни анъанавий банд турар жойлар ва бошқа турар жой бирликларига нисбатан алоҳида тақдим этиши лозим. Бу маълумот лифт мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар билан чегараланмаслиги ва лифт вақтнинг асосий қисмида ишлайдими ва унга таъмирлаш-техник хизмат кўрсатиш мунтазам равишда амалга ошириладими, шу ҳақдаги маълумотларни ўзида жамлаши керак. Бундан ташқари, лифт ўлчами (унинг ногиронлар томонидан ишлатила олиниши ва тез тиббий ёрдам машинасидаги беморларни ташиш нуқтаи назаридан), шунингдек, у биринчи қаватга хизмат кўрсатиши ҳақида маълумот тўплаш фойдали бўлади.

987. Баъзи давлатлар бинодаги алоҳида уй-жойларга нисбатан амалдаги лифтнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот тўплашни исташи мумкин. Бу ҳолда, уй-жой жойлашган қаватга лифт тўхташи тўғрисида маълумот тўплаш лозим.

Қурилиш даврига кўра уй-жойлар (асосий белги)

988. Қурилиш даври қурилиш тугатилган сана ёрдамида аниқланади.

989. Қайд этиш керакки, муайян турар жойни қуриш санаси бинони қуриш ниҳоясига етган сана билан бир хил бўлиши шарт эмас. Уй-жойлар жойлашган бинони қуриш якунланган давр бўйича қуйидаги таснифлашдан фойдаланиш тавсия қилинади:

(1.0) 1919 йилга қадар;

(2.0) 1919–1945 йиллар;

(3.0) 1946–1960 йиллар;

(4.0) 1961–1970 йиллар;

(5.0) 1971–1980 йиллар;

(6.0) 1981–1990 йиллар;

(7.0) 1991–2000 йиллар;

(8.0) 2001–2010 йиллар;

(9.0) 2011–2015 йиллар;

(10.0) 2016 йил ва ундан кейин:

(10.1) 2016 йил;

(10.2) 2017 йил;

(10.3) 2018 йил;

(10.4) 2019 йил;

(10.5) 2020 йил;

(10.6) 2021 йил.

990. Мазкур классификацияни бир хонали даражада қўллаш тавсия қилинади, бироқ, уни икки ёки уч хонали даражада қўллаш ихтиёрий саналади.

991. Биноларда жойлашган ва дастлабки қурилган вақтдан кенг кўламда реконструкция қилинган уй-жойларни қурилиши, даставвал, бошланган давр бўйича ёки охирига қайта қурилиш бўлган даври бўйича муайян давлатнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб таснифлаш мумкин. Ҳар бир давлат ўзининг рўйхатга олиш материаллари ва/ёки мета-маълумотларида улар бундай уй-жойларни гуруҳлашда фойдаланган таснифларни қайд этиши керак.

Уй-жой жойлашган бинонинг муайян конструкциявий элементлари ишланган материаллар тури бўйича бўлинган уй-жойлар (қўшимча белги)

992. Яшаш жойи жойлашган бинонинг муайян конструкциявий элементлари ишланган материаллар тўғрисида маълумот турар жойнинг сифатини баҳолаш учун бошқа белгилар бўйича маълумотлар билан боғлиқ ҳолда қўлланилиши мумкин. Баъзи давлатлар шу мақсадда ва бошқа вазифаларни бажариш учун ташқи деворлар, том, пол ва бошқалар ҳақида маълумот тўплашни исташи мумкин.

993. Бино ташқи деворларининг асосий конструкциявий материалларига кўра уй-жойларнинг қуйидаги классификациясидан фойдаланиш тавсия қилинади:

- (1.0) Ёғоч;
- (2.0) Пиширилмаган гил (бу савол муҳим аҳамият касб этмайдиган давлатлар ушбу тоифани олиб ташлаши мумкин);
- (3.0) Пиширилган гил (ғишт, блоклар, панеллар ва бошқ.); тош; бетон (жойида қуйилган бетон, блоклар, панеллар ва бошқ.); ёки пўлат каркас;
- (4.0) Конструкциянинг терма элементлари, улар одатда заводда тайёрланади, қурилиш майдонига юборилади ва ўрнатилади;
- (5.0) Бошқа материал (қайсилегини қайд этиш);
- (6.0) Аралаш материаллар (яъни, қурилиш материаллари комбинацияси).

Биноларни таъмирлаш заруратига кўра бўлинган уй-жойлар (қўшимча белги)

994. Бу белгининг мақсади бино таъмирга муҳтожми, агар муҳтож бўлса, қандай ҳолатда экани тўғрисида маълумот олиш тушунилади.

995. Таъмирлаш заруратига кўра биноларни қуйидагича таснифлаш тавсия қилинади:

- (1.0) Таъмирлаш талаб қилинмайди;
- (2.0) Таъмирлаш талаб қилинади;
 - (2.1) Кичик таъмир;
 - (2.2) Ўрта таъмир;
 - (2.3) Капитал таъмир;
- (3.0) Таъмирлашга яроқли эмас.

996. Кўп ҳолларда кичик таъмир деганда, бино ва элементларининг жорий эксплуатациявий таъмири тушунилади, масалан, дарз кетган ойналар ёки бузилган қулфлар, ёки бинонинг ташқи деворларидаги ёзувларни ўчириш ва ҳ.к.

997. Ўрта таъмир деганда, ўрта даражадаги дефектларни бартараф этиш тушунилади. Масалан, томда мавжуд бўлмаган сув оқиш тарновларини ўрнатиш (улар одатда фойдаланиладиган жойларда), сувок қопламанинг салмоқли қисмини тиклаш ва зиналарга суянчиқлар ўрнатиш.

998. Капитал таъмир жиддий структуравий бино дефекларида талаб қилинади, масалан, томга ёпиладиган материалнинг йўқлиги (яъни томга ёпиладиган тахталар, черепицалар), ташқи деворлардаги ёриқ ва тешиклар ҳамда зиналарнинг йўқлиги.

999. Таъмирга яроқсиз деб, кўп сонли жиддий структуравий дефектлар сабабли таъмирлаб бўлмайдиган биноларга айтилади. Шу боис, уларни бузиш мақсадга мувофиқроқ ҳисобланади. Бу одатда, фақат каркас қисми қолган бинолар, шунингдек, тўлиқ ташқи деворлар ва/ёки том, дераза, эшик ва бошқалар бўлмаган биноларга тааллуқли.

ИЛОВАЛАР

I Илова. ЕИ давлатларида 2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш учун таклиф этиладиган асосий ҳамда, қўшимча белгилар рўйхати

АСОСИЙ БЕЛГИЛАР	ҚЎШИМЧА БЕЛГИЛАР
Аҳоли ҳисобига тааллуқли	
Одатий яшаш жойини топиш (410-банд)	

Географик белгилар

Аҳоли яшайдиган пункт (ҳосила) (412-банд)	Аҳоли картограммаси (ҳосила) (428-банд)
Турар жойни топиш (421-банд)	Урбанизация даражаси (ҳосила) (434-банд)
Шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари (ҳосила) (422-банд)	Мактаб, коллеж ёки университетни топиш (446-банд)
Иш жойини топиш (асосий белги) (440-банд)	Ишга (ёки ўқиш жойига) бориш учун ишлатиладиган транспорт тури (447-банд)
	Ишга (ёки ўқиш жойига) бориш йўли масофаси ва давомийлиги (451-банд)

Демографик белгилар

Жинс (454-банд)	Тирик туғилган болаларнинг умумий сони ва жинси (475-банд)
Ёш (457-банд)	Қачондир никоҳда бўлган аёл билан ҳуқуқий никоҳ тузилган сана: i) биринчи никоҳ ва ii) жорий никоҳ (478-банд)
Никоҳнинг ҳуқуқий ҳолати (460-банд)	Қачондир консенсуал бирлашмада яшаган аёлларнинг консенсуал уюшмада яшашни бошлаган сана: i) биринчи консенсуал уюшма ва ii) жорий консенсуал уюшма (480-банд)
Никоҳнинг ҳақиқий ҳолати (469-банд)	

Иқтисодий белгилар

Ишчи кучи таркибидаги иштирок мақоми (496-банд)	Институциявий сектор (548-банд)
Машғулот (528-банд)	Иш жойининг тури (552-банд)
Тармоқ (иқтисодий фаолият соҳаси) (532-банд)	Корхонанинг маҳаллий бирлигида ишловчи шахслар сони (554-банд)
Бандликдаги мақом (536-банд)	Иш вақтининг одатий давомийлиги (557-банд)
	Иш кидириш давомийлиги (561-банд)
	Ўзи фойдаланиши учун товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи шахслар (564-банд)
	Яшаш учун асосий восита манбалари (570-банд)
	Уй хўжалиги даромади (578-банд)
	Ижтимоий-иқтисодий гуруҳлар (ҳосила) (583-банд)

АСОСИЙ БЕЛГИЛАР	ҚЎШИМЧА БЕЛГИЛАР
Қишлоқ хўжалиги	
	Якка тартибдаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (уй хўжалиги даражасида) (593-банд)
	Ўтган йилдаги барча турдаги қишлоқ хўжалиги ишларининг хусусиятлари (шахслар даражасида) (597-банд)

Таълим белгилари

Таълим даражаси (602-банд)	Малакалар (611-банд)
	Таълим соҳаси ва профессионал ўқитиш (613-банд)
	Таълим муассасаларига бориш (619-банд)
	Саводхонлик (625-банд)
	Компьютер саводхонлиги (630-банд)

Миграция

Туғилган давлати (648-банд)	Ота-онаси туғилган давлат (652-банд)
Фуқаролик олинган давлат (655-банд)	Фуқароликка эга бўлиш (660-банд)
Чет элда яшаш ва мамлакатга келган санаси (662-банд)	Чет элда олдинги одатий яшаган давлати (666-банд)
Туғилган давлати (678-банд)	Мамлакатда яшашнинг умумий давомийлиги (669-банд)
Олдинги одатий яшаш жойи ва ҳозирги яшаш жойига келган санаси (682-банд)	Миграция сабаби (670-банд)
	Қочоқлардан келиб чиққан аҳоли (ҳосила) (672-банд)
	Рўйхатга олиш ўтказилгунга қадар беш йилдаги одатий яшаш жойи (688-банд)
	Ички кўчирилган шахслар (ИКШ) (ҳосила) (689-банд)

Этномаданий белгилар

	Этник мансублик (700-банд)
	Диний эътикод (713-банд)
	Тил (723-банд)
Ногиронлик	
	Ногиронлик мақоми (733-банд)

Уй хўжалиги ва оилаларнинг белгилари

Уй хўжалиги аъзолари ўртасидаги муносабат (792-банд)	Кенгайган оиладаги мақом (ҳосила) (819-банд)
Уй хўжалигидаги мақом (ҳосила) (808-банд)	Қайта ташкил топган оиланинг тури (ҳосила) (827-банд)
Оиладаги мақом (ҳосила) (813-банд)	Кенгайган оиланинг тури (ҳосила) (832-банд)
Оилавий ячейка тури (ҳосила) (822-банд)	Уй хўжаликларининг бошқа классификациялари (ҳосила) (839-банд)

АСОСИЙ БЕЛГИЛАР	ҚЎШИМЧА БЕЛГИЛАР
Оилавий ячеёка катталиги (ҳосила) (834-банд)	Хусусий уй хўжалигининг авлодлар нуқтаи назаридан таркиби (ҳосила) (841-банд)
Хусусий уй хўжалигининг тури (ҳосила) (835-банд)	Уй-жойдан яқка тартибда ёки коллектив (жамоавий) фойдаланиш (844-банд)
Хусусий уй хўжалигининг ўлчами (ҳосила) (842-банд)	Ижара тўлови ва уй-жойнинг бошқа харажатлари (852-банд)
Уй хўжалигининг турар жой бирлигидан фойдаланиш шакли (847-банд)	Уй хўжалигига тегишли узоқ вақт фойдаланиладиган истеъмол товарлари (857-банд)
	Уй хўжалигида фойдаланиладиган автомобиллар сони (858-банд)
	Автотураргоҳнинг борлиги (860-банд)
	Телефон ва Интернет тармоғига уланганлик (862-банд)

Турар жой белгилари⁷⁷

Яшаш жойларининг тури (893-банд)	Рўйхатга олиш вақтида яшовчилари бўлмаган турар жойларнинг хусусиятлари (908-банд)
Яшаш шароитлари (898-банд)	Истиқомат қилаётган хусусий уй хўжаликлари сони (917-банд)
Анъанавий турар жойларнинг бандлик мақоми (903-банд)	Хоналар тури (934-банд)
Эгалик тури (912-банд)	Иссиқ сув таъминоти (951-банд)
Яшовчилар сони (919-банд)	Канализация тизими тури (953-банд)
Турар жой бирлигида полнинг фойдали майдони ва/ёки хоналар сони (921-банд)	Ошхона (955-банд)
Стандарт зичлик (ҳосила) (929-банд)	Иситиш учун фойдаланиладиган энергиянинг асосий тури (963-банд)
Сув билан таъминлаш тизими (937-банд)	Электр (966-банд)
Ҳожатхона (942-банд)	Газ тармоғи (968-банд)
Ювиниш жиҳозлари (946-банд)	Ҳаво айланиши (970-банд)
Иситиш тури (959-банд)	Уй-жойга кириш йўли (972-банд)
Тузилиш турига кўра турар жойлар (980-банд)	Турар жойнинг бинодаги ҳолати (974-банд)
Курилиш даврига кўра турар жойлар (988-банд)	Бинодаги қаватлар сонига кўра турар жойлар (984-банд)
	Лифт (986-банд)
	Уй-жой жойлашган бинонинг муайян конструкциявий элементлари ишланган материаллар тури бўйича бўлинган уй-жойлар (992-банд)
	Таъмирга зарурат бўйича бўлинган уй-жойлар (994-банд)

⁷⁷ Белги асосий, қўшимча ёки уй-жойларнинг ҳар хил турлари учун тавсия қилинмаганлигини аниқлаш учун 869-банд ва 3-жадвалга қаралсин.

II Илова. Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш мазмунидаги расмий статистиканинг асосий тамойиллари

Кириш

1. Расмий статистика тамойилларини танлаш зарурати 1980-йиллар охирида аён бўлиб қолди, ўша даврда Марказий Европа давлатлари марказий режалаштирилган иқтисодиётдан демократия бозорига йўналтирилиб ўтишни бошлади. Бундай давлатларда миллий статистика тизимлари зарурий ва ишончли маълумотларни ишлаб чиқишини таъминлаш ниҳоятда муҳим масалага айланди, улар муайян профессионал ва илмий стандартларга мувофиқ келиши керак эди. Шу мақсадда, Европа статистиклари конференцияси Расмий статистиканинг асосий тамойилларини ишлаб чиқди ва 1992 йилда қабул қилди⁷⁸. Бошқа давлатдаги статистиклар тез орада ушбу тамойиллар янада кенг ва глобал аҳамиятга эга эканлигини англашди. Халқаро маслаҳатлар жараёни натижасида халқаро статистика тарихида жуда муҳим воқеа рўй берди. БМТнинг Статистика комиссияси 1994 йил 11–15 апрелда ўзининг махсус сессиясида худди шу тамойиллар тўпламини бошқа муқаддима билан, “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти расмий статистикасининг асосий тамойиллари” номи остида қабул қилди⁷⁹. Бу тамойиллар, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 2014 йил 23 февралдаги олтмиш саккизинчи сессиясида маъқулланди. Бу — уларнинг глобал миқёсда расмий статистиканинг базавий доираси сифатида муҳимлигини тарихий тан олиниши бўлди.

2. Статистика комиссияси 2011 йилда бўлиб ўтган қирқ иккинчи сессиясида Расмий статистиканинг асосий тамойилларини муҳокама қилди ва улар худди илгари бўлгани каби бугун ҳам долзарб эканлиги ва ўнта тамойилнинг ўзини қайта кўриб чиқишга зарурат йўқлигини тан олди. Шу билан бирга, Комиссия ушбу тамойиллар илк бор шакллантирилган вақтдан буён рўй берган янги воқеаларни инобатга олган ҳолда, Раиснинг дўстлари гуруҳи Асосий тамойиллар муқаддимасини қайта кўриб чиқиши ва долзарб-лаштириши лозимлигини тавсия қилди. 2013 йилда Статистика комиссияси ўзининг қирқ тўртинчи сессиясида қайта кўриб чиқилган муқаддимани маъқуллади.

Ўнта тамойил

3. Ушбу ўнта тамойил қуйидагиларни билдиради:

- 1) Расмий статистика демократик жамият ахборот тизимининг зарурий элементи ҳисобланади, у ҳукумат, иқтисодиёт ва жамоатчиликни иқтисодий, демографик, ижтимоий ва экологик ҳолат тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлайди. Шу мақсадда амалий қийматга эга расмий статистика маълумотлари жамоат ахборотида бўлган фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини таъминлаш учун давлат статистика муассасалари томонидан ҳолисона тайёрланади ва тарқатилади.
- 2) Расмий статистикага ишончни сақлаб қолиш мақсадида статистика муассасалари қатъий профессионал мулоҳазаларга мувофиқ, илмий тамойиллар ва касбий этикани жо қилган ҳолда статистика маълумотларини тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этишнинг усул ва тартиб-таомилларига нисбатан қарор қабул қилиши керак.

⁷⁸ Европа иқтисодий комиссияси, 8-мажлис иши тўғрисида ҳисобот, 1992 йил 15 апрель.

⁷⁹ 2013 йилда Статистика комиссияси ўзининг қирқ тўртинчи сессиясида Асосий тамойилларга муқаддиманинг қайта кўрилган вариантини қабул қилди.

- 3) Маълумотларни тўғри талқин (интерпретация) қилишни осонлаштириш учун статистика муассасалари маълумотларни статистика соҳасидаги манбалар, усуллар ва тартиб-таомилларга нисбатан илмий стандартларга мувофиқ равишда тақдим этиши керак.
- 4) Статистика муассасалари статистика маълумотларининг нотўғри талқин (интерпретация) қилиниши ёки нотўғри қўлланилишини шарҳлаш ҳуқуқига эга.
- 5) Маълумотлар статистика мақсадларида барча манба турларидан, хоҳ статистик тадқиқот ёки маъмурий ҳисобот бўлсин, тўпланиши мумкин. Статистика муассасалари манбаларни танлашда респондентлар зиммасидаги сифат, ўз вақтидалик, харажат ва юкламаларни ҳисобга олиши керак.
- 6) Статистик маълумотни тайёрлаш учун статистика муассасалари томонидан тўпланадиган персонал маълумотлар, улар жисмоний ёки юридик шахсга тааллуқли эканидан қатъи назар, қатъий конфиденциал хусусиятга эга бўлиши ва фақат статистика мақсадларида фойдаланилиши шарт.
- 7) Қонунлар, нормалар ва мезонлар доирасида ишлайдиган статистика тизимлари ошкор қилиниши керак.
- 8) Мувофиқлик ва самарадорликни таъминлаш учун статистика тизимида мамлакат миқёсида статистика муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириш лозим.
- 9) Ҳар бир давлатда статистика муассасалари томонидан халқаро тушунча, классификация ва усуллардан фойдаланилиши барча расмий даражаларда статистика тизимларининг мувофиқлиги ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.
- 10) Статистика соҳасида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик барча давлатларда расмий статистика тизимининг яхшиланишига олиб келади.

4. Ушбу асосий тамойиллар кўплаб миллий ва халқаро статистика тизимлари амалиётига тегишли стандартлар, тамойиллар, таърифлар, норматив-ҳуқуқий асос ва кодексларга инкорпорация қилинди.

5. Тамойилларнинг қонунчиликда мустаҳкамланиши салмоқли амалий аҳамиятга эга бўлиб, бироқ, ўз-ўзидан бу етарли эмас. Бу тамойиллар институционал маъмурий тузилмалар, жамоатчилик кафолати ва ходимлар учун қўлланмага татбиқ этилиши керак. Қарорлар қабул қилишни таъминлайдиган жараёнларни ишлаб чиқиш зарур, айниқса, чегарадаги вазиятларда, шу тариқа улар статистика тизими доирасида ҳуқуқнинг тасдиқланган ўхшаш нормалар тўпламига ёки камида МСИга таяниши учун. Ахлоқий ва касбий ўзини тутишнинг қайд этилган етакчи тамойиллари тегишли профессионал тайёргарлик ҳамда бу тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш, қайта ишлаш ва тарқатиш бўйича кундалик ишларда дастуриламал сифатида жорий этилиши боис статистика хизмати ходимлари томонидан кўриб чиқилиши лозим. МСИ раҳбарияти бошқа ходимларга ўзини тутиш борасида намуна бўлиши керак, расмий статистиканинг ахлоқий асосларини барча манфаатдор тарафлар, ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликка тарғиб қилишга ёрдам бериши лозим.

6. Бу тамойиллар касбий ва ахлоқий нормаларнинг татбиқ этилишига хизмат қилади, улар барча фойдаланувчиларнинг расмий статистика натижалари ва миллий муассасалар томонидан расмий статистика ишлаб чиқариш ишлари виждонан бажарилганлигига ишончни таъминлашда зарур. Бу тамойиллар расмий статистиканинг барча тармоқларида ва барча расмий статистика ишлаб чиқувчиларига, шунингдек, расмий статистикани ишлаб чиқиш

ва тарқатиш билан боғлиқ барча жараёнларга нисбатан қўлланилиши керак. Улар расмий статистиканинг институционал асосини белгилаб берувчи миллий қонунчилик учун андоза бўлиб хизмат қилиши, ва бу жараёнларда иштирок этувчи барчанинг хулқ-атвориغا намуна бўлиши лозим. Кўплаб давлатлар бу мезонларга жавоб берувчи умумий статистика қонунчилигини ишлаб чиқди ва мазкур тамойилларни миллий контекстда умумфойдаланишдаги кодексга тегишли амалиётга айлантирди.

7. Мазкур ҳужжатда миллий статистика тизими деганда, расмий статистикани ишлаб чиқувчи барча давлат органларининг бирлашмаси тушунилади ва у тегишли миллий қонунчиликда белгилаб қўйилади. Саккизинчи тамойил барча ишлаб чиқувчилар ажралган ҳолда эмас, бир-бири билан мувофиқлашган ҳолда ҳаракат қилишини талаб этади. Бундан ташқари, статистика тизими ўз таркибида расмий статистика соҳасида мувофиқлаштирувчи ёки маслаҳат берувчи органларга эга бўлиши шарт ва бу статистика қонунчилигида назарда тутилган ёки шундай қонунчилик билан таъсис этилган бўлиши керак.

8. Расмий статистикани ишлаб чиқиш вазифасини бажарувчи давлат органларига келсак, МСИдан ташқари (ёки минтақавий ва маҳаллий миқёсдаги статистика бошқармалари), расмий статистиканинг Асосий тамойиллари шунини тахмин қиладики, статистика функциялари статистика қонунчилиги билан назорат қилиниши лозим ва бошқа функциялар юкланган тегишли департамент, вазирлик ёки органдан аниқ бир ташкилий структурага ажралиб чиққан бўлиши керак. Шу сабабли, расмий статистика (ёки статистика тизими) деганда бутун вазирлик, департамент ёки орган тушунилиши шарт эмас, юқоридаги мазмунда айтилган расмий статистикани ишлаб чиқиш вазифасини мунтазам бажарувчи ташкилий бўлинмаларгина назарда тутилади. Бу бўлинмаларни илғор мутахассис бошқарганда, мазкур статистика фаолияти устидан назорат самарадорлигининг ошишига ва жамоатчилик томонидан ишончнинг мустаҳкамланишига олиб келади. Бундай ишлаб чиқувчилар сафига кирмайдиган барча давлат идоралари юқорида келтирилган таърифга кўра, расмий статистиканинг потенциал истеъмолчилари сифатида қаралади. Бу изоҳ муҳим бўлиб, касбий мустақиллик тушунчаси статистика тизими доирасида қабул қилинувчи қарорлар нуқтаи назаридан мана шу чегарага таянади. Бундан ташқари, статистика конфиденциаллиги тамойили остига тушувчи маълумотлар алмашинуви юқорида келтирилган таърифга мувофиқ статистика ишлаб чиқувчилари ёки тадқиқот муассасалари ҳисобланмайдиган давлат идораларига тарқатилиши мумкин эмас.

9. Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш расмий статистика миллий хизмати тадбирлари ичида жамоатчиликнинг энг кўп эътиборини тортувчи фаолият сирасига киради, айниқса, аксар давлатларда рўйхатга олиш доирасида маълумотларни тўғридан-тўғри тўплаш амалга оширилганда айтилган тамойилларга қатъий риоя қилиш алоҳида аҳамият касб этади. МСИ аҳолини рўйхатга олиш амалиётида ва фойдаланувчилар ҳамда респондентлар мазкур тамойилларга риоя қилинганлиги билан муҳрланишини таъминлаши лозим, шунда нафақат рўйхатга олиш, балки бутун МСИ ва умумий статистика тизимида бўлган ишончга дарз кетмайди. Шу сабабдан, умумий статистика қонунчилиги бу тамойилларни тан олувчи давлатларда ҳар қандай аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги қонунлар мазкур тамойилларнинг рўйхатга олишда татбиқ этилишини қатъий тан олиши керак.

Шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва конфиденциаллик

10. Аҳолини рўйхатга олиш мазмунида маълумотни етказиб берувчи сифатида аҳоли учун муҳим тамойиллардан бири — бу маълумотларни тўплаш вақтида унинг шахсий ҳаётига аралашиб (маълумотларни тўғридан-тўғри йиғишда) ва у ҳақдаги шахсга доир маълумотлардан кейинчалик махфий фойдаланишдир. Бешинчи тамойил респондентларга тушадиган юкломани ҳисобга олган ҳолда манбаларни танлашга тегишли. Маълумотларни тўплашда шахсий ҳаётга аралашиб ва жамият ривожини сифатида статистикани ишлаб чиқиш ўртасида мувозанатни топиш анча мураккаб вазифалардан бири саналади ва бу билан статистика бошқармалари тўқнаш келади. Рўйхатга олиш контекстида жавоб бериш мажбурий бўлган ҳолларда миллий парламент бу мувозанатни муҳокама қилиши ва муҳокама якунини қонунчиликда мустаҳкамлаши зарур. Давлат фуқарони у учун шахсий бўлган саволларга жавоб беришга мажбурлар

экан, бундай тўплам учун аниқ мандатнинг мавжудлиги фавқулодда аҳамиятга эга бўлади, айниқса, агар талабнома бўйича бундай маълумотни тақдим этишни рад қилиш бу шахсга нисбатан ҳуқуқий чораларни қўллашга олиб келиши мумкин бўлса.

11. Хусусий ёки шахсий маълумот мажбурий тарзда олинса, унинг махфийлигини кафолатлаш ниҳоятда муҳим саналади. Олтинчи тамойил статистика органлари томонидан шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш, улар жисмоний ёки юридик шахсга тегишли эканидан қатъи назар⁸⁰, фақат статистика мақсадларида ва махфийликка қаттиқ амал қилган ҳолда бўлишига тааллуқли. Кузатув ёки рўйхатга олиш доирасида респондентлар ҳақидаги шахсга доир маълумотларни тўплашда статистика маълумотларини ишлаб чиқувчилар ўз зиммасига қўплаб давлатларнинг миллий қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган мажбуриятларни олиши ва кенг аҳоли қатламини бу ҳақда хабардор этиб, респондентларни сўровномада иштирок этишга ва сўралган маълумотларни тақдим этишга қўндириши керак. Ушбу контекстда “статистика мақсадларида”⁸¹ атамаси бундай маълумотни индивидуал бирликка нисбатан бошқарув органи ёки давлат сектори идораси (жумладан судлар) томонидан ҳар қандай қарорларни қабул қилинишини истисно этади. Шу тариқа, респондентларнинг ўзи ҳақида виждонан тўғри берган маълумотлари ўзига қарши ишлатилиши мумкинлиги тўғрисидаги гумонларнинг тарқалишига олиб келади. Иккинчидан, бу тамойил статистика ишлаб чиқувчилари респондентларнинг улар берган маълумотлар махфийлиги борасидаги хавотирларига жиддий муносабатда экани ҳақидаги тушунча мустаҳкамланишига ёрдам беради.

12. Статистика ишлаб чиқувчилари томонидан бу тамойилга риоя қилинишининг энг яққол усули ҳимоя қилинувчи бирликларга бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган шахсга доир маълумотлар ҳаракатининг “бир томонга йўналтирилганлиги” ҳисобланади. Статистика ишлаб чиқувчилари бу маълумотларни икки шарт билан, яъни уларни ҳеч қерда чоп этмаслик ва улардан фойдаланиш имконини очиқ қолдирмаслик билан олиши мумкин. “Бир томонга йўналтирилганлик” тамойили манбасидан ташқари барча шахсга доир маълумотларга нисбатан қўлланилиши зарур (рўйхатга олиш, кузатув ва маъмурий манба). Кузатув ва маъмурий маълумотларга статистика конфиденциаллигининг айна бир хил нормалари татбиқ этилиши керак, ёки статистика ишлаб чиқувчиларига берилган вақтдан бошлаб тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатишнинг барча босқичларида самарадорлик эквивалентига эга бўлган алоҳида низом татбиқ этилиши лозим.

13. Статистика қонунчилиги статистика идоралари томонидан ҳимояланувчи шахсга доир маълумотлардан хусусий фойдаланиш тақдим этилишини тақиқлашга тегишли қоидалар ичида иккита мустасно ҳолатни назарда тутати: статистика ишлаб чиқувчилари ўртасида шахсга доир маълумотларнинг алмашинуви, бунда ушбу мутахассислар фаолияти айна бир хил ёки эквивалентли қонунчилик, сиёсат ва амалиётга тааллуқли кодекс томонидан бошқарилади; ва шахсга доир маълумотларни ўз ичига олган микромаълумот файлларидан фойдаланиш авторизация қилган тадқиқотчи томонидан муайян шартларга риоя қилинганда тақдим қилинади. Биринчи истисно расмий статистика мақсадлари билан қатъий чегараланиши, иккинчиси эса — назорат қилинувчи муҳитда авторизация қилинган тадқиқотчи томонидан ўтказилаётган жадваллар тузиш/таҳлил қилиш билан чегараланиши керак⁸². Статистика мақсадларисиз микромаълумотлардан фойдаланишга таъқиқ қўйилгани боис, иккинчи истиснонинг қўлланилиши статистика ишлаб чиқувчилари ва бундай маълумотларни олувчилар асосий вазифаси маълумотлардан

⁸⁰ “Жисмоний шахс” статистика бирлигининг ҳимояси бирор маънога эга бўлмайди, агар аналогик равишда “уй хўжалиги” ҳимояси таъминланмаса. Агар, шахсни идентификация қилишнинг қўшимча хавфи бўлса, турар жой ёки бинолар ҳақидаги маълумотларнинг ҳам ҳимояси кафолатлана олинмайди,

⁸¹ “Статистика мақсадларида” атамаси жадвалларни тузиш учун индивидуал маълумотдан фойдаланишга изн берувчи сифатида қаралмаслиги керак. Статистика мақсадларига расмий статистиканинг бошқа манбалари билан шахсга доир маълумотларни мувофиқлаштириш ҳам киради.

⁸² Иккала мустасно ҳолат ҳам миллий ҳамкорлар билан чекланиши ёки биринчи ҳолатда миллий ва халқаро ташкилотлар статистика бўлинмаларига ёйилиши ёки иккинчи ҳолатда хорижлик тадқиқотчилар ва халқаро тадқиқот тармоғи иштирокчилари орасида ёйилиши мумкин. Қонунчилик ва давлат тажрибаси бу масалада бир хил эмас.

статистика мақсадларисиз фойдаланиш бўлган нисбатан катта давлат идорасининг бўлими ҳисобланувчи ҳолат, айниқса нозик саналади. Бу ҳолатда, энг камида миллий статистика қонунчилиги шу турдаги статистика ишлаб чиқувчисига у МСИдан махфий микромаълумотлар рўйхатларини олиш ҳуқуқига эга бўлиши учун тўла ҳажмда татбиқ этилиши керак. Маълумотларни янгилаб борувчи қонунчиликнинг ҳимоя чоралари самарали ҳисобланади ва бу шуни англатадики, идентификацияни олдини олиш ва фақат статистика мақсадларида фойдаланишга тегишли бўлган барча ўринларда, маълумотлар қайта ишлашга дуч келадиган ҳамма ерда ҳимоя чоралари қўлланилади.

14. МСИ конфиденциаллик қоидаларига риоя қилиш нуқтаи назаридан тўла ишончга лойиқ бўлган давлат органи мақомига эга бўлиши фавқулудда муҳим. Шу сабабдан, статистика мақсадларисиз шахсга доир маълумотлардан фойдаланишни тақдим этишга бўлган сўровлар шак-шубҳасиз рад этилиши керак. Агар ностатистик соҳага тааллуқли қонунчиликка мувофиқ, статистика мақсадларисиз фойдаланиш имкони мавжуд бўлса (масалан, маъмурий манбалардан маълумотлар ёки кўп мақсадли рўйхатга олиш маълумотларига), бунга руҳсат МСИ томонидан эмас, бошқа тегишли давлат идоралари томонидан берилиши керак.

15. Олтинчи тамойил нафақат бирликларни тўғридан-тўғри идентификация қилиш имконини истисно этиш (исм, манзил ёки кенг қамровли рақамли идентификаторлар ёрдамида), балки эгри идентификацияни (хусусиятларни комбинациялаш ёки тор доирадаги кичик агрегатлар йўли билан) чиқариб ташлашни назарда тутди. У, шунингдек, сўровномалар билан ишлаш ва шахсга доир маълумотларни сақлаш бора-сида қаттиқ хавфсизлик чоралари белгиланишини тахмин қилади. Аҳолини рўйхатга олиш контекстида янада батафсил тавсиялар технологияларга бағишланган бобда келтирилади.

Холислик

16. Аҳолини рўйхатга олиш контекстида холислик деганда рўйхатга олиш тадбирларининг барча босқичларида унда иштирок этаётган ҳамма муассасалар ва шахслар томонидан расмий статистика Асосий тамойилларининг барчасига қатъий риоя қилиниши тушунилади. МСИНинг вазифасига холислик стандартларини ўрнатиш ва бу стандартларга барча штатдаги ходимлар, вақтинча ишловчилар, айниқса, рўйхатга олиш даврида ёлланганлар ва ҳар қандай бошқа ташкилотлар (давлат ёки хусусий) томонидан амал қилинишини таъминлаш киради. Бунда, уларга балки ташқи пудрат шартларида рўйхатга олишни ўтказиш бўйича муайян тадбирларни амалга ошириш топширилиши мумкин.

17. Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш ҳар қандай давлатнинг расмий статистика тизимидаги ташкил этувчи таркибий қисми ҳисобланади. Шу тариқа, улар ўзида расмий статистиканинг асосий тамойилларини жамлаши керак. Хусусан, еттинчи тамойилда “Қонунлар, нормалар ва мезонлар доира-сида ишлайдиган статистика тизимлари ошқор қилиниши керак”, дейилади. Бу қонуний асос рўйхатга олишни ўтказиш учун ниҳоятда муҳимлигини англатади.

18. МСИ ва респондентлар ўртасидаги холислик масаласи бўйича баъзи мулоҳазалар қуйидаги 47–48-бандларда келтирилган.

Профessional мустақиллик

19. Статистика идорасининг касбий мустақиллиги чегарасини белгилаб олиш жуда муҳим. МСИ давлат бюджети маблағлари (миллий, минтақавий ва маҳаллий миқёсда, шунингдек, тегишли равишда халқаро донорлардан) ва маълумотлар йиғиш учун миллий қонунчилик ҳуқуқатидан олинадиган мандатга боғлиқ бўлганда, аҳолини рўйхатга олишдек тадбир контекстида бу, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Асосий тамойиллар профессионал статистикани олиб бориш соҳасига тегишли масалаларни аниқлашда ёрдам беради. Тамойиллар маълумот манбаларини танлаш, статистик усуллар ва ишлов бериш таомиллари

фақат профессионал статистиклар ваколатига киришини талаб қилади. Улар аҳолини рўйхатга олиш контекстидаги муҳим масалалар ҳисобланади ва шу сабабли, статистик ходимларнинг касбий мустақил қарорлари назоратга олиниши керак. Бирок, касбий мустақиллик тамойили ўз мазмунини йўқотмаслиги учун назорат ҳукумат томонидан эмас, балки мустақил статистика стандартлари органи ёки миллий қонун чиқарувчи орган томонидан амалга оширилиши керак.

20. Жараёнларга келсак, касбий мустақиллик дегани, профессионал масалалар турли манфаатдор томонлар, айниқса, асосий фойдаланувчилар билан маслаҳатлашилса-да, касбий мустақиллик билан боғлиқ қарорлар фақат расмий статистика тизими доирасида қабул қилинади, ҳукумат ёки қайсидир сиёсий органлар томонидан эмас. “Статистика тизими доирасида” деганда МСИ раҳбари расмий статистика тўғрисидаги тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган статистик стандартлар бўйича орган ёки миллий статистика тизимига алоқадор маълумот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳаммасидан ёки бир қисмидан ташкил топган орган каби маслаҳат кенгаши иштирокида асосий масалалар бўйича қарор қабул қилиши тушунилади. Аҳолини рўйхатга олиш ҳолатларида, рўйхатга олиш тўғрисидаги қонунчиликда бундай қарорларда иштирок этиш учун махсус рўйхатга олиш кўмитаси ташкил этилиши назарда тутилиши мумкин. Мамлакат статистика тизими доирасида қарор қабул қилиш механизмлари қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, тегишли қонун ҳужжатларида барча иштирок этувчи органларнинг Асосий тамойилларга риоя қилиши шартлиги аниқ қайд этилган бўлиши жуда муҳимдир (бу ҳам умумий статистика қонунчилигида мустаҳкамлангани маъқул). Касбий мустақил давлат статистика органлари томонидан қонуний равишда қабул қилиниши мумкин бўлган қарорлар доирасидан ташқарида эканлиги маълум бўлган қарорлар миллий қонун чиқарувчи томонидан миллий статистика идораси томонидан қонун чиқарувчига киритилган таклифларни муҳокама қилгандан сўнг қабул қилиниши керак. Қонун чиқарувчи органга тақдим этилган таклиф (лар) га харажатлар сметасининг адекватлиги ва шу қабилар қонун чиқаришни таъминлаш ва қонун чиқарувчига кафолат бериш каби баъзи қолдиқ мажбуриятлардан ташқари, ҳукумат аҳолини рўйхатга олишда муҳим рол ўйнамайди. Ҳукуматнинг асосий вазифаси статистик маълумотларнинг асосий фойдаланувчиси сифатида МСИ томонидан статистик эҳтиёжлар бўйича ташкил этиладиган маслаҳатлашувларда қатнашишдан иборат.

21. Рўйхатга олиш статистикасида профессионал ҳолисликнинг аҳамияти шунчалик баландки, МСИ раҳбари расмий статистика мақсади йўлида ажратилган умумий маблағларни аниқ тармоқлар ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиши керак (сиёсий даражада бюджет жараёни доирасида фақат ажратилган маблағларнинг умумий ҳажми тўғрисида қарор қабул қилинади). Бундай бўлмаган ҳолларда, профессионал мустақиллик тамойили биринчи навбатда қўйидаги масалалар бўйича ҳукуматнинг ҳеч бир аралашувисиз қарор қабул қилишда намоён бўлиши керак:

- а) расмий статистика учун қамраб олиш, анкеталар ва уларда қўлланиладиган атамалар сўралган бирликларнинг таърифи (тўла қамраб олинмаганда) бўйича маълумотларни йиғиш воситаларини ишлаб чиқиш. Бу, шунингдек, синон тадқиқотларни ва рўйхатга олишдан кейинги назорат сўровларини лойиҳалашга ҳам тегишли;
- б) рўйхатга олишга тайёргарлик кўришда ёки уни амалга оширишда (регистрли рўйхатга олиш ҳолатида бўлгани каби) фойдаланиладиган маъмурий манбаларни танлаш;
- в) дастлабки маълумотларни йиғиш пайтида жавоблар тақдим этилмаган тақдирда ёки маъмурий маълумотларни тегишли шахслар билан таққослаганда, ҳаракат қилиш усули ва шундай ёндашув доирасида маълумотлар бўлмаган тақдирда ҳаракат қилиш усули;
- г) қайта ишланмаган маълумотларни таҳрирлаш (бирламчи маълумотлар йиғиш ёки маъмурий манбалардан келиб тушувчи), етишмаётган маълумотларни шартли ҳисоб-китоб қилиш ёки нотўғри маълумотларни тузатиш усуллари ва стратегияларини танлаш; очик турдаги савол-

ларни таснифлаш ва турли хил манбаларни мақбул усулда бирлаштириш (алоҳида бирликлар ёки агрегатлар даражасида);

- д) расмий статистика натижалари сифатида тарқатиладиган рўйхатга олиш маълумотлари асосида тузиш учун кўрсаткичлар, шу жумладан, ушбу кўрсаткичларнинг терминологиясини ва уларни тузиш усуллари танлаш;
- е) тегишли Асосий тамойилларга тўлиқ ҳажмда амал қилинишини таъминлайдиган, кўрсатилган натижалар тарқатилиши усуллари, шу жумладан, нашр қилиш муддатлари;
- ё) турли босқичларда сифатни назорат қилиш стандартлари, усуллари ва таомиллари ҳамда сифати етарли бўлмаганлиги сабабли, алоҳида маълумот гуруҳларини нашр этиш мумкин эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ж) рўйхатга олиш маълумотларини бошқа материалларни яхшилаш ёки расмий статистика соҳасидаги ишларни такомиллаштириш учун қўллаш усуллари (вақт қаторларини таққослаш, танлов асослари сифатида фойдаланиш); ва
- з) таҳрирланган маълумотларни статистик бирликлар даражасида индивидуал фойдаланувчилар (статистик хизматлар) эҳтиёжларига мувофиқ, талабларга кўра қўшимча жадваллар тайёрлаш ёки кейинчалик расмий статистикада (таҳлилий тадқиқотлар) фойдаланиш учун ташкил этиш, хужжатлаштириш ва сақлаш усуллари.

22. Профессional статистика ходимларининг маслаҳат хизматларини қонунчилик қарорларини қабул қилишдаги ҳиссаси тўғрисида иккита умумий фикрни билдириш лозим. Биринчиси, респондентларга бирламчи маълумотларни тўплаш давомида тушадиган юкка тегишли яна бир асосий тамойил билан боғлиқ (бешинчи тамойил). Бу савол жавоб бериш мажбуриятини қамраб олади; баъзи саволлар, айниқса, рўйхатга олиш контекстида шахсий ҳаётга ҳаддан ташқари аралаштириш сифатида қаралиши мумкинми ёки йўқми ҳамда жавоб бериш мажбуриятдан бош тортган респондентларга қарши санкциялар. Иккинчиси, статистика ишлари дастурининг турли таркибий қисмларига нисбатан миллий статистика тизимининг турли субъектлари ва органлари ўртасида меҳнат тақсимоти ва жавобгарликни тақсимлаш билан боғлиқ бўлиб, уларнинг барчаси статистика қонунларига қиради. Гап шундаки, рўйхатга олиш (ҳеч бўлмаганда фақат статистик мақсадлар учун ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш) каби асосий фаолиятни амалга ошириш учун умумий жавобгарлик одатда расмий статистиканинг бош ишлаб чиқувчиси ва статистика тизимининг мувофиқлаштирувчиси сифатида МСИ зиммасига тушади, ҳатто агар алоҳида операциялар статистика тизимининг бошқа субъектларига топширилган бўлиши мумкин бўлса ҳам.

23. Аҳолини анъанавий рўйхатга олиш ҳолатларида, уни ўтказиш тартиб-таомиллари қонунлар ва қонун ости хужжатларида расмий статистикани ишлаб чиқиш мақсадидаги бирламчи маълумотларни йиғиш бўйича бошқа ишларга, масалан, танлаб олинadиган кузатувларга қараганда батафсилроқ ёзиб қўйилади. Шу муносабат билан, қарорларни қабул қилишда ҳукумат иштирокининг муайян бир хавфи юзага келиб, улар юқорида касбий мустақиллик тамойили соҳасига киритилган эди. Ҳукуқий матнлар бўйича батафсил тақлифларни тайёрлашда ҳукуматнинг иштирокини олдини олиш учун қонунлар ва норматив хужжатлар рўйхатга олиш қамраб олувчи белгиларни умумий санаб ўтиш билан чекланиши керак, аҳолини рўйхатга олиш варақаларидаги саволларнинг аниқ тузилиши эса статистика тизимининг ихтиёрига топширилиши керак. Рўйхатга олишга тегишли қонунчилик нормалари якуний жадвалларнинг тўлиқ рўйхатини ўз ичига олмаслиги керак. Аммо, агар материалларнинг у ёки бу спецификацияси муқаррар равишда қонунда ёзилиши керак бўлса, буни умумий шаклда бажариш лозим, статистик тизимига бундай спецификация ва жамланган усулларнинг аниқ шакллари бўйича тўлиқ ҳаракат эркинлигини қолдириши зарур. Юридик

нуктаи назардан, холислик ва эҳтимолий долзарблик — бу якуний материаллар спецификациясининг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

24. Қарорлар профессионал жиҳатдан мустақил равишда қабул қилиниши учун статистика тизими субъектлари “қатъий профессионал мулоҳазалар, шу жумладан, илмий тамойиллар ва касбий ахлоқ қоидаларига мувофиқ” қарор қабул қилишлари керак (иккинчи тамойил), шунда расмий статистика натижалари жамиятнинг ҳаққонийроқ манзарасини таъминлайди. Кўпгина ҳолларда, бундай қарорлар йўқ жойдан қабул қилинмайди; юқорида келтирилган кўплаб қарорларни қабул қилиш мақсадида расмий статистика соҳаси амалиётига тегишли маълумотлар ва кодексларнинг халқаро ва миллий профессионал стандартларининг умумэтироф этилган мажмуи мавжуд; улар нафақат халқаро таққослашни осонлаштираётгани учун, балки уларнинг холислиги ва услубий нуктаи назардан профессионал асосланганлиги туфайли мамлакат даражасида қўлланилиши мумкин ва кўп ҳолларда шарт.

25. Рўйхатга олиш контекстида касбий мустақиллик тамойилига риоя қилиш муносабати билан муайян манфаатларни кўзлайдиган алоҳида идора ва ташқи гуруҳларнинг рўйхатга олиш дастурига қўшимча белгиларни киритиш истаги билан боғлиқ алоҳида бир муаммо туғилиши мумкин. Бундан рўйхатга олиш дастури учун белгилар бўйича МСИ ташкиллаштирадиган консултациялар иштирокчилари доирасига идораларни киритиш орқали қочиш лозим. МСИ консултациялар давомида олинган жавобларни эълон қилиши ва ушбу жавоблар қарор қабул қилишда МСИга қандай ёрдам берганлигини очиқлаши керак. “Босим”нинг бошқа ҳар қандай шакли қабул қилиниши мумкин эмас ва статистика стандартлари бўйича миллий орган ёки миллий парламентга етказилиши керак.

Бетарафлик

26. Бетарафлик тамойили статистика маълумотларини ишлаб чиқиш ва тарқатишнинг барча босқичларида муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, у тарқатилган статистикада ҳақиқатни акс эттирувчи барқарор терминологиядан фойдаланишни, рўйхатга олиш варақаларида тушунарли ва тўғри шаклларни қўллаш, шунингдек, натижаларни йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим этишга таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай бузилишларнинг масалан, айрим аҳоли гуруҳларини тўлиқ чиқариб ташлашни олдини олиш/тузатишни тақозо қилади. Аммо, энг муҳими — барча фойдаланувчиларга расмий статистика натижаларини тақдим этишда бетарафликни таъминлашдир.

27. Тарқатиш нуктаи назаридан бетарафлик қуйидаги жиҳатларни қамраб олади: расмий деб эълон қилинган барча натижалардан жамоатчилик фойдалана олиши керак ва уларнинг тарқатилиши ҳукуматнинг ижро этувчи органлари томонидан эмас, балки статистика тизим томонидан белгиланган муддат ичида барча фойдаланувчиларга, шу жумладан ҳукуматга бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши керак. Шу сабабли, МСИ қайси натижалар қандай муддатларда чоп этилишини кўрсатувчи маълумотларни нашр этишнинг истиқболли жадвалига эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Истиқболли жадвал ўзгарувчан бўлиши мумкин, яъни, нашр қилиш муддати вақт ўтиши билан аста-секин аниқлаштирилади. Ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун натижаларни эълон қилиш дастлабки ва охириги версияларда амалга оширилиши мумкин, аммо, ҳар қандай ҳолатда тарқатишнинг бетарафлик тамойилига риоя қилиниши керак.

28. Касбий мустақиллик тамойили билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларда бўлгани каби натижаларни танлаб олиш ва уларни чоп этиш муддатларини белгилашда профессионал нуктаи назардан келиб чиқиш керак. Сифатни текшириш ва бир-бирига зид келмаслик синовлари тугагандан сўнг, натижаларни иложи борича тезроқ эълон қилиш керак. Ҳеч қандай ҳолатда, қайсидир натижалар ножўя реакцияларни келтириб чиқариши ёки ҳукумат ёки бошқа нуфузли томонлар нуктаи назаридан бевақт бўлиши мумкин деган хавотирга тушмаслик керак, бу каби хавотирлар аниқ ифода этилганми ёки статистика ходимларининг тахминлари бўладими, бунинг аҳамияти йўқ, чунки бу Асосий тамойилларга зид бўлади.

29. Тарқатиш — бу расмий статистиканинг шундай таркибий қисмики, унда холислик тамойилига қатъий риоя қилинишига ҳалақит қилишга яққол уринишлар эҳтимоли кўпроқ бўлади. Айнан шу сабабдан, МСИ учун аҳолини рўйхатга олишнинг маълум бир ҳолатида белгиланган стандартлардан четга чиқиш эҳтимолини истисно қилиш учун расмий статистиканинг барча соҳаларида ушбу тамойилга қатъий риоя қиладиган муассаса сифатида обрўга эга бўлиш жуда муҳим. Агар бундай анъана бўлмаса, аҳолини рўйхатга олиш жамоатчилик диққат марказида бўлган бир ҳолатда, рўйхатга олиш пайтида ҳам, ундан кейин ҳам расмий статистиканинг барча тармоқларида объективлик талабларини янги даражага кўтариш ва унга риоя қилиш учун ажойиб имкониятдир. Ечимлардан бири — бу рўйхатга олиш натижаларини парламентга маълум қилишдир, шундан сўнг, шу каби материаллар дарҳол жамоатчиликка тақдим этилади. Бундай ёндашув давлат органлари томонидан имтиёзли кириш ҳуқуқига эга бўлиш учун босим ўтказишга қаратилган ҳар қандай уринишни парламент таомилини бузиш деб ҳисоблашга имкон беради.

30. Баъзи давлат идоралари ошкор этмаслик шарти билан маълумотни бошқаларга қараганда эрта олишлари мумкин, аммо, жамоатчилик бундай амалиётлар тўғрисида хабардор қилиниши керак, улар минималлаштирилиши ва қатъий назорат қилиниши лозим. Маълумотларни муддатидан олдин тақдим қилишдан мақсад ҳукуматдаги асосий фойдаланувчилар оммавий ахборот воситалари натижаларнинг сиёсий оқибатлари тўғрисида берадиган саволларига жавоб беришга тайёрланиб олиши мумкин бўлсин. Бунда МСИ натижаларни қандай тарқатиши ҳақида уларнинг мулоҳазаларини тинглаш мақсад қилинмайди. Шундай қилиб, натижаларни эрта тарқатиш, агар бунинг ўрни бўлса, вақт нуқтаи назаридан чекланиши керак (расмий эълон қилинишдан бир кун олдиндан ортиқ эмас), чунки, бу вақтнинг ошиши тақикни бузиш ва МСИнинг тарқатиш ишига аралаштиришга уриниш хавфини оширади.

31. Касбий мустақиллик ва бетарафликнинг кўпинча эътибордан четда қоладиган, аммо шунга қарамай, муҳим омили — натижаларни тарқатишда фойдаланиладиган терминологияни танлашдир. Бу терминология бўйича қарорлар тўлиқ статистика тизими доирасида қабул қилиниши (яъни ташқи томондан белгиланмаслиги) ва бетарафликни намойиш этиши керак. Бу расмий статистика материалларида маълум сиёсий ғояларни тарғиб қилувчи урфдаги сўзлардан ёки жумлалардан фойдаланишга муайян чекловлар киритилишини аниқлатади.

32. Мамлакатлар амалиёти бетарафлик тамойилини янги натижаларни чоп этиш билан бирга кечадиган изоҳларга нисбатан талқин қилиш жиҳатидан фарқ қилиши мумкин. Натижаларнинг қўлами ва аниқлигига оид бундай таърифларни ва бошқа техник тушунтиришларни киритиш минимал талаб сифатида кўзда тутилган, шунда камида тажрибали фойдаланувчилар бу натижалардан тўғри фойдаланиш учун керакли маълумотларни олиши мумкин бўлади. Натижаларни оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликка тарқатишга келсак, бу шарҳлар етарли эмас, айниқса, гап рўйхатга олиш каби асосий натижалар ҳақида кетса. Уларни ахборот воситаларига ва улар орқали кенг жамоатчиликка ушбу янги маълумотнинг муҳим элементларини тушунишга ва миқдорий маълумотларнинг моҳиятини жамоат тилида тақдим этишга ёрдам берадиган тушунтиришлар қўшилиши керак, шунда улар осон тушунилади ва бошқа статистик бўлмаган маълумотлар билан ўзаро боғлаш ва бунда бетарафлик тамойилига хилоф қилмаслик имкони пайдо бўлади. Камида, МСИлар миқдорий ўзгаришлар/фарқларнинг қайси қисми методологиянинг ўзгариши билан боғлиқлигини ва қанчаси “ҳақиқий” ўзгаришлар ёки фарқларга мос келишини кўрсатиши керак.

33. “Таҳлилий шарҳ” деб аталувчи изоҳларни⁸³ тайёрлашда баъзида янги рўйхатга олиш натижаларининг кўп сонли жиҳатларидан қайси бири муҳимроқ эканлигини аниқлаш қийин бўлади. Лекин, асосий эътиборни географик даражалар (иккала мамлакат ичида ва улар ўртасида ҳам) ва аҳоли гуруҳлари ўртасидаги вақтинчалик фарқларга қаратиш лозим. Ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликка юборилган хабар, шубҳасиз, натижаларда қайд этилган ҳодисалар ёки гуруҳлар ва ҳудудлар ўртасидаги фарқларнинг

⁸³ БМТ ЕИК: <http://www.unece.org/stats/documents/writing/>

сабабларини аниқлашга ёрдам берадиган шарҳлар билан ютади; бошқа томондан, бетарафлик талабини бажариш учун расмий статистика хизматлари бундай изоҳларда фактларга таяниши ва сиёсий хулосалардан тийилиши керак. Халқаро валюта фонди маълумотлари сифатини баҳолаш доирасида (ХВФ МБД)⁸⁴ қатъий урғу берилдики, статистика идоралари/ташкилотларнинг маҳсулотлари “шундай деб аниқ белгилаб қўйилиши” керак ёки бошқача қилиб айтганда, МСИга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг шарҳлари, уларда сиёсий хулосалар мавжуд ёки йўқлигидан қатъи назар, МСИ материаллари ва нашрларидан аниқ ажратилиши керак. Нашр этилган статистика натижаларига зарурий изоҳларни ёзиш қўникмаси тажриба билан ва фойдаланувчиларнинг фикр-мулоҳазалари асосида шаклланади ҳамда барча соҳаларни қамраб оладиган умумий МСИ сиёсатида асосланган бўлиши керак. Бетарафлик тамойили оғишиш ёки ноҳолисликдан сақланишни англатади. Маълумотни бузиб кўрсатиш хавфи, биринчи навбатда у ёки бу ғоя инстинктив равишда шаклландиган диаграммалар ва хариталардан фойдаланилганда юқори бўлади, бу келажакда кўпчилик тажрибасиз фойдаланувчилар учун жуда катта таъсирга эга бўлади.

34. Иқтисодий статистикада бир вақтнинг ўзида барча фойдаланувчиларга тарқатиш тамойилини қатъий қўллаш одатий ҳолга айланган бўлса, демографик ва ижтимоий статистика соҳасида баъзида у қадар қатъий амал қилинмайди. Шу билан бирга, статистика тармоқлари ўртасидаги ушбу фарқнинг янада сақланиб туришини асословчи профессионал сабаблар мавжуд эмас. Демографик ва ижтимоий статистикада алоҳида натижаларни олиш даврийлигининг пастлиги улар чоп этилишидан олдин ташқи экспертлар иштирокида муҳокама қилиш ва текширишни талаб қилади, деган фикр бор. Аммо, сифатни бошқариш статистика тармоғи ва кузатувлар даврийлигидан қатъи назар, барча статистика жараёнларининг ажралмас қисми ҳисобланади ва шунинг учун ташқи экспертлар сифатни таъминлаш ишларига жалб қилинганда, сифатни таъминлаш жараёнининг салбий оқибатида муайян манфаатларни кўзлаб юрганидора ёки гуруҳларга маълумот чиқиб кетмаслиги керак. Статистика бошқармаси ёки ҳеч бўлмаганда миллий статистика тизимида сифатни назорат қилиш учун зарур бўлган инсон ресурслари мавжуд бўлса, бу хавф камаяди.

35. Бетарафлик тамойили сабаб “тарқатиш” мақсадида рўйхатга олишнинг жамланган кўрсаткичларидан фойдаланиш билан боғлиқ ўзига хос муаммо туғилиши мумкин. Гап, хусусан, парламентдаги ёки бошқа давлат органларидаги ўринларни аҳолининг асосий гуруҳлари сонига мутаносиб равишда тақсимлаш тўғрисида ёки аҳолининг базавий ҳисобини ўз ичига олган айрим статистика параметрларини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий ҳокимият органларига ажратиладиган давлат бюджетидан ажратмалар ҳақида кетмоқда. Бошқа бир мисол - дастурлар, уларнинг маблағлари маҳаллий ёки минтақавий бирлашмаларнинг маълум чегаравий мезонларига мувофиқлиги мезонига кўра тақсимланади, масалан, аҳоли сони (ёки унинг улуши). Навбатдаги рўйхатга олиш натижаларига кўра, базавий кўрсаткич қайта кўриб чиқиладиган ҳолатларда, шу қайта кўриб чиқиш натижалари у ёки бу ташкилот учун ноқулай ёки адолатсиз бўлиши тўғрисида хавотирлар пайдо бўлиши мумкин ва бу хавотирлар қайси усуллар танланишига таъсир ўтказиш учун МСИга етказилиши мумкин. Агар, ушбу масалалар маслаҳатлашувлар доирасида МСИ томонидан қабул қилинадиган қарорлар учун аҳамиятга эга масалалар сифатида муҳокама қилинса, бу мақбул бўлиши мумкин. Бироқ, бошқа ҳолатларда бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу оғишлар ва ҳаққоний профессионал амалиёт ва меъёрлардан четга чиқиш хавфини туғдиради. Бу эса, ўз навбатида, расмий статистиканинг бетарафлик тамойилидан четга чиқишга олиб келади, чунки усулларни танлаш бундай мулоҳазаларга асосланмаслиги керак (худди рўйхатга олиш натижалари мамлакатнинг халқаро обрўйига таъсир қилиши мумкин деган фикрлар сингари).

36. Бундай хавотирларга жавобан, ҳолислик тамойилига тўлиқ мос равишда расмий статистика хизматларининг мажбуриятлари ва бундай тақсимот учун масъул бўлган органларнинг вазифалари аниқ белгиланиши керак, бунда улар Асосий тамойиллардан келиб чиқиб, бундай тақсимотга жавоб беради. Айнан шу органлар, расмий статистика хизматлари эмас, ҳуқуқларни тақсимлаш ёки уларнинг мавжудлиги

⁸⁴ <http://www.imf.org/external/np/sta/dsbb/2003/eng/dqaf.htm>

тўғрисида қарор қабул қилиши учун муайян статистик параметрларни (ва уларни тўплаш учун маълум субъектив вазнларни) танлайди. Бироқ, бу танловга МСИ томонидан эълон қилинган расмий статистика натижалари таъсир қилмайди шу билан бир қаторда, умумий расмий натижаларнинг муайян бир қисмидан (яъни баъзи таркибий қисмлардан ташқари) фойдаланиш ёки алоҳида ўлчанадиган бошқа баъзи элементларни қўшиш таклиф қилиниши мумкин (бунинг учун етарли даражада ишончли статистика маълумотлари мавжуд бўлиши шarti билан). МСИ, шубҳасиз, фойдаланувчи хусусиятларига мувофиқ, у ёки бу асосий кўрсаткичларнинг тузилишини таъминлашга қодир. Лекин, бу кўрсаткич статистиклар томонидан аниқланган, расмий равишда эълон қилинган базавий натижалар ўрнини босмаслиги керак, балки фақат яққол фарқли мақомга эга бўлган қўшимча маҳсулот бўлиши керак. Мазкур икки маҳсулотнинг фарқи шундаки, МСИ барча позициялар бўйича расмий натижалар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, агар фойдаланувчи моделига асосланган натижа бўлса, МСИ фақат маълумотларнинг тўғрилиги учун жавоб беради ва моделнинг ўзи ва унга боғлиқ терминология учун жавобгарлик статистика тизимидан ташқаридаги фойдаланувчиларда бўлади.

МСИ учун профессионал мустақиллик ва бетарафлик тамойилларидан келиб чиқадиган институционал кафолатлар

37. Фойдаланувчилар ва респондентлар учун махфийлик, касбий мустақиллик ва бетарафлик МСИ маълумотлари ва бутун статистика тизими холислигининг асосий таркибий қисми саналади. Бу тамойилларни шунчаки қонунларга ёзиш етарли эмас. Улар МСИ ва унинг раҳбари учун маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий кафолатлар билан бирга олиб борилиши керак. Ушбу кафолатларнинг мавжудлиги (ва уларга риоя этилиши) ҳамда МСИнинг кундалик ишларида барча Асосий тамойилларга қатъий риоя қилиниши ахборот воситалари, кенг жамоатчилик ва барча фойдаланувчилар, шунингдек, респондентларнинг ишончини қозониш ва сақлаш гаровидир.

38. Аввало, МСИ муҳим ижтимоий ҳодисалар тўғрисида ишончли статистика маълумотларини ишлаб чиқишдан иборат бўлган ўзининг бош миссиясига зид келиши мумкин бўлган ностатистик вазифаларни бажариш заруриятдан озод этилиши керак, ёки шахсга доир маълумотлардан фақат статистик мақсадларда фойдаланиш мажбуриятдан халос этилиши лозим. Шу турдаги ҳар қандай вазифалар МСИни бетараф орган сифатида қабул қилинишига халақит беради ва МСИни ҳукумат сиёсатини тарғиб қилиш воситаларидан бири сифатида қаралишига олиб келиши мумкин.

39. Иккинчидан, расмий статистиканинг ҳар қандай натижаларини эълон қилишга келадиган бўлсак, у статистика тизимидан, жумладан рўйхатга олиш натижаларидан ташқарида бўлган давлат органларининг олдиндан расмий ва норасмий розилигисиз амалга оширилиши керак. Таркибий қисм сифатида МСИ ўзининг маълумотларни тарқатиш функцияси доирасида ўз материалларини ўртадаги давлат органлари орқали узатмасдан, ахборот воситалари билан бевосита мулоқот қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

40. Касбий мустақиллик тамойилидан келиб чиқадиган учинчи талаб шундан иборатки, МСИ раҳбари натижаларнинг профессионал сифати, уларни тўплашга олиб келадиган жараёнлар бутун занжирининг объективлигини таъминлаш ва шахсга доир маълумотларга нисбатан махфийлик қоидаларига қатъий риоя қилиниши учун тўлиқ жавобгар бўлади. Холислик ва расмий статистикани объектив деб қабул қилишнинг гарови — МСИ раҳбарини ва бошқа юқори лавозимли мансабдор шахсларни танлаш ва тайинлаш жараёни, шунингдек, раҳбарни давлат органларининг ҳар қандай аралашувидан ёки муайян манфаатларни кўзлайдиган бошқа гуруҳларнинг профессионал мустақиллик ёки бетарафлик ва махфийликка таъсир қиладиган масалаларда босим ўтказишидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва бошқа воситалари ҳисобланади.

41. Рўйхатга олиш контекстида холисликка таъсир қилиши мумкин бўлган алоҳида ташкилий муаммо пайдо бўлиши мумкин ва бу статистика тизимининг таркибий қисми ҳисобланмайдиган анъанавий

рўйхатга олиш маълумотларини йиғиш жараёнида давлат ҳокимияти органлари, хусусан, маҳаллий ва минтақавий миқёсдаги ҳокимият органларининг жалб қилиниши билан боғлиқ. Бундай органлар расмий статистика билан боғлиқ бўлмаган, манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазифаларга эга бўлиши мумкин. Шу сабабли, қонунчиликда уларнинг рўйхатга олиш пайтида ҳар қандай ишни бажаришда Асосий тамойиллар, хусусан, махфийлик тамойилига тўлиқ риоя қилиши кераклигини қайд этиш билан бирга, уларнинг ушбу тамойилларни бажаришини текшириш тартибини ва сифатни назорат қилиш тизимига қўшилишини назарда тутиш керак. Бирор нарсага ҳуқуқ берадиган (ёки бермайдиган) мезонларга келсак, маҳаллий маъмуриятлар ўзларининг ҳудудий тузилмаси у ёки бу давлат дастури қамровига кириш имкониятини ошириш (ёки камайтириш) учун умумий натижаларга таъсир кўрсатишга мойиллик пайдо бўлиши мумкин (масалан, икки тилли бошқарув тизимига ўтиш бўйича, аҳолининг умумий сонидagi тегишли тилли озчиликнинг улуши маълум даражага етиши биланоқ). Бундай ҳолларда, МСИнинг сифатни назорат қилиш тартиб-қоидаларига қўшимча равишда маҳаллий даражада зарурий назорат ва мувозанатни таъминлайдиган мажбурий характерга эга бўлган махсус ташкилий чоралар рўйхатга олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланиши зарур бўлиши мумкин.

42. Расмий статистика соҳасида алоҳида ишлар хусусий операторлар томонидан ташқи пудрат шартларида амалга оширилса (рўйхатга олишдек кенг қўламли ва камдан-кам ўтказилувчи тадбир учун бу иқтисодий жиҳатдан самарали ечим бўлиши мумкин), тегишли шартномаларда пудратчиларнинг мажбуриятлари, бу ишлар МСИ қучлари томонидан амалга оширилгандаги каби аниқ шакллантирилиши керак. Бундай пудратчилар томонидан қайта ишланувчи барча маълумотлар фақат шартнома шартларига мувофиқ фойдаланилиши шарт, бошқа ҳар қандай мақсадлар, у хоҳ статистик бўлсин, хоҳ йўқ, бундан мустасно. Рўйхатга олиш тўғрисидаги қонунда, агар рўйхатга олиш ишларида иштирок этаётган пудратчи ходимлар қонунбузарликларга йўл қўйса, санкциялар қўлланилишини назарда тутиши керак. Масалан, махфийлик тўғрисидаги низом каби. Ушбу қоидаларга риоя қилиш пудратчиларнинг ўз манфаатларига жавоб беради, чунки акс ҳолда уларга риоя қилмаслик МСИ билан келажакда шартномалар тузилишига путур етказиши мумкин.

43. Рўйхатга олишни ўтказиш бўйича ишнинг у ёки бу қисмини ҳар қандай шаклда давлат ёки хусусий ташкилотларга бериш ҳеч бир тарзда МСИнинг бутун рўйхатга олиш жараёнининг бошидан охиригача объективлиги ва расмий натижаларнинг ҳолислиги учун тўлиқ жавобгарлигини камайтирмайди.

Шаффофлик

44. Шаффофлик тамойили (учинчи тамойил) касбий мустақиллик тамойилининг зарурий қўшимчаларидан бири ҳисобланади. У расмий статистика ходимларининг касбий мустақиллик байроғи остида қабул қилинган қарорлар учун фойдаланувчилар, респондентлар ва солиқ тўловчилар ҳамжамияти олдида тўлиқ жавоб беришини таъминлайди. Маълумотларни ишлаб чиқиш ва тарқатиш учун ишлатиладиган барча усуллар шаффоф бўлиши керак, шунда асосий фойдаланувчилар уларнинг танлови асосларини танқидий таҳлил қилиши ва унинг замиридаги асосий фикрларни тушунтиришни талаб қилиши мумкин.

ХВФ МБД натижаларини тарқатишдан олдин катта услубий ўзгаришлар тўғрисида олдиндан огоҳлантиришни талаб қилади. Барча тарқатилган натижалар оммабоп бўлиши ҳамда манбалар ва усуллар тўғрисидаги батафсил маълумотлар билан бўлиши керак. Агар натижалар олдиндан белгиланган сифат талабларига жавоб бермаса, улар тегишли равишда белгиланиши ёки бундай қадамнинг сабаблари оммавий қайд этилган ҳолда эълон қилинмаслиги, қабул қилинган қарор асосида ётган материаллар эса тадқиқ этиш учун очиқ бўлиши керак. Рўйхатга олиш операциялари ёки уларнинг таркибий қисмларини баҳолаш билан боғлиқ барча материалларга жамоатчиликнинг кириши ва фойдаланиши таъминланиши керак.

45. Шаффофлик тамойилига риоя қилиш МСИга муайян юкломани келтириб чиқарса-да, ушбу ҳисобот бермаслик ва ёпиқлик ҳақидаги ҳар қандай айбловларнинг олдини олиш ва рад этиш зарур. Бу кўпинча

статистика хизматлари натижаларни “сохталаштириш”га йўналтирилган аралашув ёки босимга бўйин эгиши ҳақидаги айбловларга биринчи қадамлар бўлади. Шаффофлик расмий статистиканинг ажралмас хусусияти бўлиши керак, чунки рўйхатга олишдек кенг камровли тадбирларда ҳам натижалар энди умумий ёки ўрта даврийлик кўрсаткичи билан чегараланмайди, балки алгоритмларнинг мураккаб ва интерактив кетма-кетлигига таянади, шу жумладан таҳрирлаш, шартли ҳисоб-китоб, турли хил манбаларни экстраполяция ва бирлаштиришга асосланган “баҳо” компонентига таянади. Шаффофлик, шунингдек, тўртинчи тамойилдан фойдаланишнинг дастлабки шарти бўлиб, барча статистикани ишлаб чиқувчиларга учинчи шахслар (шу жумладан, давлат статистика фойдаланувчилари) томонидан статистика маълумотларни нотўғри талкин қилиш ёки нотўғри фойдаланиш ҳолатларига изоҳ бериш ҳуқуқини беради. Бу ҳуқуқдан қачон фойдаланиш тўғрисидаги қарор, касбий мустақиллик тамойилига киради ёки бошқача қилиб айтганда, статистика тизимига кирмайдиган инстанциялар томонидан санкция қўллаш заруратисиз статистика ходимларига тегишли.

46. Шаффофликни таъминлашнинг яна бир омили еттинчи тамойил бўлиб, унга кўра “статистика тизимлари унинг доирасида фаолият кўрсатадиган қонунлар, қоидалар ва чора-тадбирлар эълон қилиниши керак”. Рўйхатга олишнинг аксарият турлари, айниқса, анъанавий тури учун кўп сонли ходимлар зарур бўлиши сабабли, бу соҳада катта ҳажмдаги қоидалар, йўриқнома ва қўлланмалар ишлаб чиқилган. Бу материаллар барча хоҳловчилар сўровига кўра тақдим этилиши ёки Интернетдаги очиқ доменга жойлаштирилиши керак.

Респондентлар билан муносабат

47. Бешинчи тамойилга кўра, респондентларга тушувчи юклама бирламчи ёки иккиламчи маълумотларни йиғиш ўртасидаги танлов, шунингдек, бирламчи маълумотларни йиғишни ташкил қилиш билан боғлиқ барча қарорларда, албатта, ҳисобга олиниши керак. Бу тамойилни амалда татбиқ этиш усули, ваъда бериш билан бир қаторда махфийликка риоя қилиш МСИнинг респондентлар билан муносабатларидаги профессионал ростгўйлик моҳиятини ташкил этади. Бу, айниқса, мамлакат ҳудудида жойлашган барча шахсларнинг жавобларни тақдим этиши шарт бўлган анъанавий рўйхатга олиш шаклидаги бирламчи маълумотларни йиғишга тааллуқли.

48. Респондентлар билан муносабатлар нуқтаи назаридан профессионал ростгўйликнинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- а) саволларни танлаб олинган кузатувлар сингари маълумотлар йиғишнинг кам машаққат талаб қиладиган шаклига тегишлилик ва яроқсизлиги қатъиян тасдиқланган асосларда танлаш;
- б) синов кузатувларини ўтказиш ва зарурий сабоқларни чиқариш йўли билан турли маҳаллий шароитларда рўйхатга олиш варақаларини синчковлик билан синовдан ўтказиш, бунда фойдаланувчиларга маълумот тўплашнинг бошқа шаклларига ўтишлари учун тавсияномалар бериш орқали муаммоли ўринларни бартараф этиш;
- в) рўйхатга олишдан анча олдин бошланган пухта ўйланган ташвиқот кампанияси;
- г) ҳар бир уй хўжалигини аниқ хабардор этиш — ҳеч бўлмаганда маълумотлар йиғиш пайтида — рўйхатга олишнинг мақсади, унинг ҳуқуқий асослари, олинган маълумотлардан фойдаланиш турлари ва шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш имконига эга бўлган давлат органлари; махфийликни таъминлаш чоралари, респондентларнинг мажбуриятлари ва уларни бажарилмаслигининг эҳтимолий оқибатлари, шунингдек, рўйхатга олиш тўғрисида қардан ва қандай қилиб қўшимча маълумот олиш мумкинлиги тўғрисида хабардор қилиш;

- д) маълумотлар йиғиш пайтида уй хўжаликлари ва алоҳида шахслар билан мулоқот қилиш усули қўйилган топшириқларга мутаносиб бўлиши керак. Хиралик қилишдан қочиш, аҳолининг маълум гуруҳларининг идрок этиш хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Бунинг учун ҳудудда юриб ишловчи ходимлар пухта ўқитилган ва тушунчага эга бўлиши, унинг танлови шундай амалга ошириладики, шахсий хусусиятлари респондентлар томонидан нохуш қабул қилинмасин;
- е) қонунчиликка риоя қилинмаганда кўриладиган чоралар тартиби ва қонунбузарликлар билан боғлиқ ишларни кўзғатиш тўғрисида эслатиш, қайта алоқа қилиш ва аниқ тушунтиришнинг пухта ўйланган босқичма-босқич усули.

III Илова. Сифатни бошқариш дастурини амалга ошириш

Кириш

1. Сифатни бошқаришга бағишланган бобда тавсифланганидек, сифат рўйхатга олишнинг бутун дастурини реализация қилишни кенг контекстда ҳисобга олган ҳолда, яхлит тарзда таъминланиши керак. Рўйхатга олиш ишларини ташкил қилиш бир қатор функционал соҳалар вакилларининг иштирокини ва қўллаб-қувватланишини талаб қилади ва айнан шу мазмунда сифат талаблари, харажатларни тежаш, респондентларга тушадиган юк ва бошқа омиллар ўртасида мувозанатга эришиш мақсадида компромислар келишиб олинади. Бунинг учун, ишни билган ҳолда салмоқли хулосалар чиқаришга қодир бўлган, шунингдек сифатнинг турли жиҳатлари бўйича рақобатдош талабларни мувофиқлаштириш зарурлиги ва консенсусга эришиш учун бошқа омилларни ҳисобга оладиган мутахассислар жамланган ходимлар штати талаб қилинади. Рўйхатга олиш ишларининг кўп сонли жиҳатлари учун масъул бўлинмалар ҳам зарурий ихтисослик билимига эга бўлган мутахассислар билан тўлдирилиши керак. Ушбу бўлинмаларнинг ҳар бири сифатнинг қўллаб жиҳатларини ҳал қилувчи стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланади. Улар ўз ишларида нафақат ўзларининг ваколатлари билан боғлиқ бўлган сифат масалаларига, балки бошқа бўлинмаларнинг тегишли масалалари билан ўзаро алоқаларига ҳам эътибор беришлари керак. Зарурий маълумотлар алмашинуви ва сифат масалаларини биргаликда кўриб чиқишни осонлаштирадиган стратегиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

2. Сифат масалаларига режалаштириш, амалга ошириш ва баҳолаш босқичларида тегишли эътибор берилиши керак. Тармоқ мутахассислари мазмун, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари, мувофиқлик ва изчиллик масалалари бўйича тезкор ёрдам беришга қодир. Статистика услубияти бўйича мутахассислар статистик усуллар ва уларнинг маълумотлар сифатига таъсири, айниқса аниқлиги, долзарблиги ва харажатлари билан боғлиқ масалаларда ёрдам беришади. Кузатув бўйича мутахассислар кузатув амалий усуллари соҳасида билимларга эга бўлиб, рўйхатдан ўтиш амалиёти ва иш самарадорлиги, майдон ходимлари ва жавоб берувчилар билан ишлаш, сифатни тезкор таъминлаш ва назорат қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланади. Тизим мутахассислари технология стандартлари ва маълумотларнинг сифатини, айниқса, уларнинг долзарблиги ва аниқлигини таъминлашга ёрдам берадиган воситалар ҳақида билимга эга. Тармоқ мутахассислари билан ҳамкорликда тарқатиш бўйича мутахассислар маълумотларга кириш ва изохлашни таъминлашга ёрдам беради.

3. Ушбу қўшимча сифатни бошқаришга бағишланган IV бобда келтирилган ғоялар асосида сифатни бошқариш дастурини амалга ошириш бўйича қўшимча етакчи кўрсатмаларни ўз ичига олади. Биринчидан, олгита таркибий хусусиятлар навбат билан кўриб чиқилади. Бунда сифатни бошқариш доирасидаги бешта устунни уларнинг ҳар бирига қандай татбиқ этиш мумкинлиги тавсифланади. Қуйидаги бўлимларда шу тарзда батафсил баён қилинади:

- а) сифатни тезкор назорат қилиш;
- б) сўровномани ишлаб чиқиш;
- в) қамровдаги хатоларнинг олдини олиш;
- г) тизимларни ишлаб чиқиш, ва
- д) рўйхатга олиш баҳолаш.

4. Эслатиб ўтамиз, олгита таркибий сифат мавжуд:

- 1) мос келиш;
- 2) аниқлик;
- 3) ўз вақтида бўлишлик;
- 4) фойдалана олиш имкони;
- 5) изоҳлилиқ, ва
- 6) зид келмаслик.

хамда сифатни бошқариш доирасида бешта таркибий қисм бор:

- 1) сифатнинг мақсадли кўрсаткичларини белгилаш;
- 2) сифатни режалаштириш;
- 3) сифатни тезкор назорат қилиш;
- 4) сифатни таъминлаш ва ошириш, ва
- 5) сифатни баҳолаш ва хабар бериш.

Мос келишни таъминлаш

5. IV бобда қайд этилганидек, МСИ дастурлари ва материаллари мамлакатнинг энг муҳим инфор­мацион эҳтиёжларини акс эттириши керак. Шу тариқа, рўйхатга олишдаги мос келиш жиҳати янада кенгрок контекстдан келиб чиқиб таъминланиши керак. Сифатнинг мақсадли кўрсаткичларини белгилаш босқи­чида рўйхатга олиш варағига (ёки регистр маълумотларига) нечта ўзгариш киритилиши ҳақидаги савол муҳокама қилиниши керак. Қатъий бюджет чекловлари шароитида, айрим мамлакатлар тест ўтказиш эҳтиёжлари ва сифат учун хавфни минималлаштиришда минимал ўзгаришлар сиёсатини юргизади ёки ўзгаришлардан мутлақо воз кечади. Шубҳасиз, бу натижавий статистикага мосликка таъсир ўтказади, аммо бу масалалар манфаатдор томонлар билан дастлабки босқичдаёқ муҳокама қилиниши керак.

6. Сифатни режалаштириш босқичида мос келиш аввалги рўйхатга олиш мазмунининг мувофиқлигини баҳолаш ва рўйхатга олиш сабаби тегишли тарзда тўлдирилиши мумкин бўлган янги ёки энди режа­лаштирилаётган ахборот бўшлиқларини аниқлаш орқали таъминланади. Бу вазифани ҳал қилишнинг асосий жараёнлари фойдаланувчилар ва манфаатдор томонлар билан қайта алоқа механизмлари; дастур моҳияти ва маълумотларни таҳлил қилиш билан амалга ошади. Улар ёрдамида олинган маълумотлар кейинчалик рўйхатга олиш мазмуни ва унинг материалларининг мувофиқлигини таъминлашда фойда­ланилиши мумкин.

7. Қайта алоқанинг муҳим механизмлари қаторига асосий ҳукумат идоралари ва муассасалари билан маслаҳатлашишни; муҳим тематик соҳалар бўйича эксперт гуруҳларининг маслаҳат ёрдамини; фойда­ланувчиларнинг фикрларини аниқлаштириш ва конъюнктура тадқиқотлари; мақсадли гуруҳлар билан мақсадли маслаҳатлашувлар, шунингдек, бошқа мамлакатларнинг статистика бошқармалари билан мулоқот қилишни киритиш мумкин.

8. Биринчи навбатда, ҳодисаларни тушунишни чуқурлаштириш учун олиб бориладиган маълумотларни таҳлил қилиш бир вақтнинг ўзида таҳлил қилиш учун фойдаланиладиган маълумотларнинг адекват­лиги ва тўлиқлиги тўғрисида мулоҳаза юритишни таъминлайди. Рўйхатга олиш маълумотларидаги жавоб бера олмайдиган саволларни аниқлаш орқали таҳлил қилиш, етишмовчилик ва камчиликларни аниқлашга ёрдам беради. Шу билан бирга, статистика бошқармасининг бошқа маълумотлар тўпламла-

рининг аналитик потенциалини ҳисобга олиш муҳимдир. Сифатни тезкор назорат қилиш ва сифатни таъминлаш ва ошириш босқичларида мос келиш устувор аҳамиятга эга эмас. Аммо, сифатни баҳолаш ва хабар бериш босқичида, қачонки, чоп этилган материаллар эълон қилинган инфор­мацион эҳтиёжларни қанчалик қониқтира олгани таҳлил қилинганда, ушбу устуворлик яна ортади.

Аниқликнинг таъминланиши

9. Аниқликни таъминлаш учун сифатни таъминлаш тизимидаги барча беш босқичга эътибор қаратиш керак. Биринчидан, IV бобда сўз юритилган сифатнинг мақсадли кўрсаткичларини белгилашда аниқлик­нинг мақсадли кўрсаткичларини аниқлаш зарур, чунки улар харажатларга ва рўйхатга олиш дастурига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

10. Сифатни режалаштириш босқичидаги параметрлар ва қарорлар аниқликка бевосита таъсир кўр­сатади. Бу ўз ичига сифат бошқариш тизимининг кейинги таркибий қисмларини ишлаб чиқишни олади. Эришилган аниқлик, ўз вақтидалик ва зид келмасликдаги каби, сифат тезкор назорат қилиш ва сифатни таъминлаш ва ошириш учун қўлланиладиган аниқ усулларга боғлиқ. Агар бу жараёнлар бошиданок рўйхатга олишнинг ташкилий ишларига, шу жумладан, маълумотларни йиғишнинг зарурий жараёнлари ва тесқари алоқа даврларига қўшилмаса, уларни муваффақиятли амалга ошириш анча қийин бўлади.

11. Ҳар бир рўйхатга олишни режалаштиришда аниқлик жиҳатига етарлича эътибор берилишини таъминлаш учун аниқликнинг қуйидаги асосий жиҳатларини ҳисобга олиш зарур:

- а) режалаштириш босқичида аниқлик, харажат ва ўз вақтидалик ҳамда респондентларга тушувчи юкламага талабнинг умумий мувозанатини батафсил муҳокама қилиш;
- б) бериладиган ҳар бир саволни тўғри асослаш ва маълумотлар тўплашнинг ҳар бир усули учун рўйхатга олиш варақалари ва саволларни олдиндан тегишлича синовдан ўтказиш ҳамда бир вақтнинг ўзида мавжуд эҳтиёжларни қондириш учун ҳар бир саволлар тўпламининг етарли даражада эканлигини текшириш;
- в) мақсадли жамлаш қамровини баҳолаш. Гап маълумотларни йиғиш ва тарқатишда таяниладиган географик инфратузилманинг етарлилиги ҳақида бормоқда. Шунингдек, гап рўйхатга олиш варақаларини почта орқали жўнатиш амалга ошириладиган туманларда қўлланиладиган манзиллар рўйхатларининг етарлилиги тўғрисида ҳам бориши мумкин;
- г) танлаб олиш ва баҳолаш усуллари­дан фойдаланиш имкониятларини тегишли равишда ўрганиш. Масалан, танлаб олишни респондентлар юк­ламасини ва маълумот йиғиш харажатларини камай­тириш учун қисқа ва узун сўровномалар ёрдамида тўплаш босқичида ишлатиш мумкин. Шу билан бир қаторда, танлаб олиш усуллари натижаларни олишни тезлаштириш ёки ишлов бериш харажатларини қисқартириш учун лоақал ўзига хос хусусиятлар тўплами бўйича ёзув­ларнинг маълум бир намунасини қайта ишлаш орқали маълумотлар йиғиш тугагандан сўнг қўлланилиши мумкин. Ҳар ҳолда, танлаб олиш ҳажми ва режасига, шунингдек, баҳолашнинг тарозига тортиш ва бошқа тартиб-қоидаларига катта эътибор бериш зарур;
- д) аниқ жавобларни олиш учун шароит ва рағбат яратиш, жавоб берилмаган ҳолатларда назорат қилиш ва маълумотлар йўқлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича адекват чора­ларни кўриш;
- е) сифатни тезкор назорат қилишда эҳтиёжларни етарлича ҳисобга олиш; ва

ё) якуний маълумотларнинг етарлича сифатли бўлишини таъминлаш.

12. Индивидуал дастур раҳбарлари аниқ усуллар ва ёндашувларни татбиқ қилиш масаласида салмоқли эркинликка эга бўлишса-да, умуман олганда, бу иш рўйхатга олишнинг сифатини бошқариш тизими билан келишилган ҳолда бажарилиши керак.

13. Амалга ошириш босқичида хатоларга йўл қўймаслик учун самарали режалаштириш шубҳасиз профилактика чораларини, масалан, ходимларни тўғри танлаш ва тайёрлаш; керакли назорат тузилмаларини ташкил этиш; тартиб-таомил ва тизимларни синчиклаб шакллантириш ва синовдан ўтказиш, шунингдек, сифатни тезкор назорат қилиш таомилларини назарда тутати.

14. Сифатни тезкор назорат қилиш механизмлари режалаштириш босқичида барча жараёнларга интеграция қилиниши керак. Рўйхатга олиш пайтида юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш учун маълумот зарур. Гап раҳбарларни ўз вақтида маълумот билан таъминлаш тизими тўғрисида бормоқда, бу уларга иш жараёнидаги муаммоларни бартараф этиш ёки ўзгартиришлар киритиш учун зарур. Бундай ҳолда, сифатни таъминлаш ва яхшилаш ҳамда сифатни баҳолаш ва хабар бериш ўрта-сида ўхшашлик мавжуд. Зеро, сифатни тезкор назорат қилиш вақтида тўпланинадиган маълумотларнинг катта қисми, шунингдек, дастлабки режага мувофиқ ривожланишни текшириш, муаммоли жойларни аниқлаш ва келажакда аҳолини рўйхатга олишни режалаштиришни такомиллаштириш учун сабоқ олишда зарурдир.

15. Амалга ошириш пайтида ва турли операциялар давомида аниқликни таъминлаш ва назорат қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирларга қуйидагилар мисол бўла олади:

- а) рўйхатга олиш варақаларини тўлдириш ва узатиш жараёни тўғрисида маълумотларни мунтазам равишда тақдим этиш ва таҳлил қилишни йиғиш босқичида ташкил этиш;
- б) жавобларни тақдим этмаган респондентларга такроран мурожаатларни мониторинг қилиш;
- в) ҳисобловчилар билан қайта алоқани назорат қилиш;
- г) текширувлар ва қамровни жорий назорат қилиш мониторинги;
- д) таҳрирлашдаги хатолар ва уларни тузатишдаги ишларни мониторинг қилиш;
- е) йиғиш ва қайта ишлаш босқичларида сифатни назорат қилиш таомиллари натижаларини мониторинг қилиш;
- ё) харажатларни ишларнинг боришига таққослаган ҳолда мониторинг қилиш; ва
- ж) фавқулодда вазиятларда ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш, татбиқ қилиш ва мониторинг қилиш.

16. Қўллаш мумкин бўлган ўринларда, юқоридаги 15-бандда тавсифланган тадбирлар бошқарувнинг ҳар бир даражасига мос келадиган турли хил географик қамров даражалари ёки бирлашмаларида, шу жумладан, иштирок этувчи гуруҳлар ва алоҳида шахсларнинг ҳаракатларини назорат қилиш ва тузатишлар киритиш учун ташкил этилиши керак.

17. Аниқлик тушунчаси кўп қиррали. Тегишли кўрсаткичлар маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва баҳолашнинг турли хил жиҳатларига бориб тақалиши мумкин. Баҳолашнинг асосий соҳаларига қуйидагилар киради:

- а) тўлиқ бўлмаган ва ортиқча қамров хатосини баҳолаш. Аксарият мамлакатларда бунинг учун рўйхатга олишдан сўнг қамровнинг назорат кўриги ўтказилади ва баҳолашнинг дуал тизими усуллари қўлланилади. Кўпинча, худди шу мақсадда олинган маълумотлар аҳоли сонининг расмий тахминлари билан таққосланади, коида тариқасида, аввалги рўйхатга олиш яқунлари асосида тайёрланган прогнозлар билан;
- б) жавоб бермаслик ва импутация коэффициентлари;
- в) маълумотларни киритиш ва кодлаш хатолари;
- г) агар қўллаш мумкин бўлса, танлаб олиш хатосини ўлчаш; ва
- д) олинган натижаларнинг аниқлиги ёки зид келмаслиги билан боғлиқ бошқа жиддий муаммолар. Бу, зид келмаслиги масаласи билан чамбарчас боғлиқ ва натижаларни ишлатишда эҳтиёт бўлишни талаб қиладиган, рўйхатга олишнинг маълум бир жиҳати билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлиши эҳтимолини юзага келтиради.

18. Қамровдаги хатоликларни назорат қилиш ва сифатни тезкор назорати орқали аниқликни таъминлаш бўйича қўшимча кўрсатмалар ушбу иловада қуйида келтирилади.

Ўз вақтидалик бўлишининг таъминланиши

19. Режалаштирилаётган ишнинг ўз вақтида бажарилиши сифат стандартларини белгилаш босқичида қабул қилинган қарор билан белгиланади ва агар ресурслар ёки амалий мулоҳазалар мукамал муддатларга риоя қилиб бўлмаслигини кўрсатадиган бўлса, сифатни режалаштириш пайтида аниқлаштирилади. Кўплаб ҳолларда, аниқлик ва мувофиқлик талабларига нисбатан салмоқли компромиссларга бориш зарур бўлади. Янада тезкор олинадиган маълумотлар кўпроқ мос келиши мумкин, аммо унчалик аниқ бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, ўз вақтидалик муҳим, аммо бу мутлақ талаб эмас. Аниқлик билан боғлиқ кўплаб муҳокама қилинадиган омиллар тенг равишда ўз вақтидаликка тегишли. Ўз вақтида бўлишликка сифатни тезкор назорати ҳамда сифатни таъминлаш ва яхшиланишга имкон берувчи рўйхатга олиш маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш учун белгиланган базавий вақт доиралари ҳам тўғридан-тўғри таъсир қилади. Рўйхатга олишга тайёргарлик кўришда, нашр этиш муддатларини бошланғич босқичларга яқинлаштиришга уриниш юзага келиши мумкин. Бу, иштиёқни аввалги рўйхатга олишлардаги сифатни баҳолаш жараёнида тўпланган тажриба билан жиловлаш керак бўлади.

20. Асосий ахборот блокларини чоп этиш муддатини олдиндан эълон қилиш лозим. Бу фойдаланувчиларга ўз ишларини режалаштиришга ёрдам беради ва бу муҳим муддатларга амал қилиш нуқтаи назаридан ички ташкилий интизомни таъминлайди.

21. Фойдаланувчиларнинг талаблари/спецификациялари бўйича ахборот хизматларини кўрсатишга келсак, ўз вақтида бўлишлик мезони — аниқ шакланган сўровни қабул қилиш ва буюртмачига тегишли ахборот махсулотини бериш ўртасида ўтган вақт саналади. Бундай хизмат турлари бўйича олдиндан тегишли хизмат кўрсатиш стандартларини ўрнатиш зарур.

Фойдалана олишликни таъминлаш

22. Фойдаланувчиларнинг рўйхатга олиш маълумотларига кириши максимал даражада осонлаштирилиши керак. Агар фойдаланувчилар у ёки бу маълумотларнинг мавжудлиги тўғрисида хабардор қилинмаса, уларни топа олмаса, уларга кира олмаса ёки сотиб олишга имкони бўлмаса, бундай маълумотлар улар учун ўз қийматини йўқотади. Кўплаб статистика бошқармаларида, киришнинг кўпгина жиҳатлари маълумотларни тарқатишнинг умумкорпоратив сиёсати ва маълумотларга киришни тақдим этиш тизимлари билан белгиланади. Натижаларни тарқатиш усуллари ва сиёсати тўғрисидаги қарорлар кўпинча рўйхатга олиш жараёнининг охириги босқичларида қабул қилинади. Чунки, асосий эътибор маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш масалаларига қаратилади. Бу муддатларнинг кейинга қолдирилиши ва ресурсларнинг чекланишига олиб келиши мумкин. Бошқа сифат компонентларига нисбатан мақсадли кўрсаткичларни белгилашда мақсад ва сиёсатни аниқ белгилаш ушбу оқибатларни юмшатиши мумкин, зотан, сифатни режалаштириш пайтида харажатларни ва қайта ишлаш муддатини баҳолашга имкон беради.

23. Ахборот маҳсулотларининг таърифи ва форматини ишлаб чиқишда раҳбарлар фойдаланувчи кўядиган талабларни синчковлик билан ҳисобга олиши керак. Конъюнктур тадқиқотларда фойдаланувчилар билан ўзаро алоқалар уларни аниқлашга ёрдам беради. Таклиф этилаётган маҳсулотларнинг мақсади ва формати аниқлангандан сўнг, фойдаланувчилар билан муҳокама қилиниши ва эътирозларни инobatга олган ҳолда, назорат остида яқунланиши мумкин. Ҳолбуки, бу сифат тезкор назорат қилиш ёки сифатни таъминлаш ва яхшилаш деб қатъий тушунилмаса-да, IV бобнинг таърифида, шунга қарамай, фойдаланувчилар билан муҳокамалар сифатни бошқариш таркибий қисмлари билан баъзи ўхшашликларга эга.

24. Бугунги дунёда Интернет ўз имкониятлари туфайли тарқатишнинг асосий каналига айлана олади. Тармоқда нафақат нашр этилган маълумотларни, балки улар тўғрисидаги маълумотларни (мета-маълумотларни), шу жумладан, уларнинг сифат параметрлари ва қўлланиладиган тушунчалар, таърифлар ва усулларнинг тавсифларини жойлаштириши лозим. Бу ҳолда, маълумотларни тарқатиш учун МСИнинг корпоратив воситаларига тегишли манзил ҳаволаларини жойлаштириш зарур.

25. Ва ниҳоят, сифатни баҳолаш доирасида иш фаолиятини янада яхшилаш учун фойдаланувчиларнинг ахборот маҳсулотларининг мазмуни ва тарқатиш усуллари тўғрисидаги мулоҳазаларининг мониторингини олиб бориш лозим.

26. Таҳлилчилар жамоасининг ахборотга бўлган эҳтиёжлари ўзига хос хусусиятларга эга. Кўпинча таҳлил ўтказиш учун уларга микро-маълумотлардан фойдаланиш имкони зарур. Ушбу жиҳат, айниқса, рўйхатга олиш маълумотларининг махфийлигини ҳимоя қилиш талабларига риоя қилиш нуқтаи назаридан қийинчиликни юзага келтиради. Бу эҳтиёжларни қондириш учун бир қатор воситалардан фойдаланиш мумкин. Очiq бўлган микромаълумотлар таҳлилчилар учун муайян аҳамиятга эга бўлиши мумкин, қоидага кўра, махфийликнинг ҳимояланганлиги масаласида олдиндан текширилган рўйхатга олиш маълумотларидан танлаб олинганлар бунга мисол бўлади. Айрим таҳлилчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга ташқи таҳлилчилар томонидан белгиланган параметрларга мувофиқ статистика бошқармалари ходимлари томонидан махсус таҳлилий материалларнинг тайёрланиши ёрдам бериши мумкин.

Изоҳлиликни таъминлаш

27. Мета-маълумотларнинг мавжудлиги интерпретация қилишни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Рўйхатга олиш маълумотларини тушуниш учун фойдаланувчиларга керак бўладиган маълумотларни учта катта тоифага бўлиш мумкин: олинган маълумотлар асосида ётувчи тушунчалар, таърифлар ва таснифлар; маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш учун ишлатиладиган усуллар ва маълумотлар сифати кўрсаткичлари. Биринчи тоифа ҳам зид келмасликни таъминлаш учун катта аҳамиятга эга.

28. Рўйхатга олиш маълумотларини улар чоп қилинаётган вақтда изоҳлаш фойдаланувчилар учун қўшимча ёрдам ҳисобланади. Маълумотлардан келиб чиқадиган асосий хулосаларга тегишли шарҳлар фойдаланувчиларга ушбу маълумотни дастлабки тушунишда ёрдам бериши мумкин. Маълумотлардан фойдаланиш имкониятида бўлгани каби, интерпретация қилиш сифатни таъминлаш доирасида барча бешта компонент билан таъминланиши мумкин.

Зид келмасликни таъминлаш

29. Зид келмаслик тушунчаси кўп қиррали ҳисобланади. Рўйхатга олиш маълумотларининг қарама-қарши келмаслигини таъминлашдан кўзланган мақсадлар:

- а) уларнинг ички зид келмаслиги;
- б) аввалги рўйхатга олишда олинган маълумотлар ва хабарлар билан мувофиқлиги;
- в) худди шу ёки аралаш воқеликлар бўйича статистика бошқармаларида мавжуд бўлган бошқа статистика маълумотлари билан зид келмаслиги; ва
- г) бошқа мамлакатларнинг рўйхатга олиш маълумотларига мувофиқлиги.

30. Сифат стандартларини ўрнатишда зид келмаслик мақсадлари аниқланиши керак. Чунки, сифатни режалаштиришда қабул қилинувчи қарорларни уларга қараб мўлжал олинади. Шундай қилиб, масалан, МСИ доирасидаги дастурларни стандартлаштириш даражаси ва мамлакатлар ўртасидаги халқаро стандартларга нисбатан келишувлар талаб қилинади. Сифатни режалаштириш пайтида ўлчанишга тааллуқли барча белгилар бўйича стандарт асослар, тушунчалар, ўзгарувчилар, таснифлар ва номенклатураларни ишлаб чиқиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича кейинги қарорлар қабул қилиниши керак.

31. Рўйхатга олиш ўлчов жараёни унинг маълумотлари ва бошқа манбалар маълумотлари ўртасида номувофиқликлар яратмаслигини таъминлаши зарур. Албатта, бундай мувофиқликни таъминлаш учун бошқа статистика дастурларининг раҳбарлари ҳам бирдек масъулдир.

32. Сифатни тезкор назорат қилишда зид келмаслик устувор аҳамият касб этмайди, лекин, тўпланган рўйхатга олиш натижалари бошқа манбалар (масалан, нашр этилган статистика ёки маъмурий маълумотлар) билан таққосланганда, сифатни таъминлаш ва яхшилаш босқичида ортади. Бунда статистика маҳсулотлари ўртасидаги таърифларни талқин қилишдаги фарқлар ёки ҳатто рўйхатга олиш ёки кузатувларда хатолар аниқланиши мумкин. Ҳолбуки, бу кўпроқ аниқликни таъминлашга тааллуқли бўлса-да, таъриф ва уларнинг талқини масалалари юзага келганда, зид келмасликни таъминлаш билан кесишишлар мавжуд.

33. Рўйхатга олиш натижалари эълон қилинганидан сўнг, рўйхатга олиш маълумотларини бошқа манбалар билан таққослаш ва интеграция қилишга алоҳида эътибор қаратиш билан таҳлил қилиш — сифатни баҳолаш ва хабар бериш учун маълумот олишга имкон беради, шунингдек, сифатга “зид келмаслик” таркибий қисмининг қай даражаси таъминланганлигини аниқлаш мумкин бўлади. Рўйхатга олиш маълумотлари муҳим деб ҳисобланган катта ва кичик майдонлар ва агрегатлар бўйича таҳлил қилиниши керак. Бу таҳлил зарурий ҳолатларда яқунларни, тақсимотни, ўзгарувчилар ёки ўзгарувчи тўпламлар ўртасидаги муносабатларни, соҳалар ўртасидаги муносабатлар, ўсиш суръатларини ва бошқаларни камраб олиши керак. Олдинги рўйхатга олиш маълумотлари ва таққосланадиган кузатув маълумотлари билан таққослаш ўтказилиши керак.

Сифатни тезкор назорат қилиш

Сифатни тезкор назорат қилишни талаб этувчи рўйхатга олиш ишлари

34. Рўйхатга олиш ишларининг яна бир хусусияти — қўлда ёки автоматлаштирилган тизимлар ёрдамида оммавий ишлов беришнинг бир қатор таомиллари мавжудлиги. Бу қаторга қуйидагилар киради: турар жой рўйхатини тайёрлаш, хариталар тузиш, рўйхатга олиш материалларини нашрдан чиқариш, маълумотларни рўйхатдан ўтказиш, киритиш ва уларни таҳрирлаш ҳамда кодлаш (қўлда ва автоматлаштирилган режимда). Рўйхатдаги ҳар бир операциянинг сифатини тезкор назорат қилишнинг муайян таомиллари алоҳида долзарблик ва катта аҳамиятга эга.

35. Уй-жойларнинг рўйхатлари, қоидага кўра, одатда ҳисобловчилар томонидан рўйхатга олиш варақалари тарқатишдан олдин ёки тарқатиш пайтида тузилади. Айнан шу босқичда турар жойлар сонини камайтириш ва ортиқча кўрсатиш билан боғлиқ оғишишларни минималлаштириш ўта муҳим. Шу мақсадда, ҳисобловчилар ишларининг тартиб-таомили уларнинг ишлаш сифатини кафолатлаш учун сифатни текширишни назарда тутиши керак. Бундан ташқари, инспекторлар рўйхат тузишнинг дастлабки босқичида жойларда танлаб олинган текширувлар ва иш якунига кўра режали сифат назорати ўтказилишини назарда тутиши лозим.

36. Рўйхатга олиш варақларини почта орқали жўнатиш одатда манзиллар регистри асосидаги манзиллар рўйхатлари ёрдамида амалга оширилади. Регистрни юритиш бир қатор сифатни таъминлаш чораларини талаб қилади. Аммо, бу ҳолда ҳам, олинган натижадан фойдаланишдан аввал у тўғри манзил ва геокодга эга бўлган барча уй-жойларни ўз ичига олганлигини ва нотурар жойларни қамраб олмаганлигини текшириш ва тасдиқлаш керак. Шунинг учун тутиш керакки, қурилаётган уй-жойлар рўйхатга олиш бошланишидан олдин фойдаланишга топширилган бўлиши мумкин. Бундай текшириш, маъмурий манбаларга таянмайдиган ҳолларда, жойларда катта ҳажмдаги ишларга боғлиқ бўлади. Жалб қилинган ходимларнинг ҳар бири ишнинг ўзига тегишли қисмини бажариши сабабли; бракка чиқариш усули орқали сифатни танлаб назорат қилишнинг тегишли тартиб-қоидаларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолатда ҳам жойларда танлаб олинган текширув ва инспекторлар билан яқин ҳамкорлик қилиш каби сифатни таъминлаш усуллари катта аҳамиятга эга.

37. Рўйхатга олиш, шахсий сўровнома орқали ёки манзил рўйхати бўйича тўлдирилган рўйхатга олиш варақаларини йиғиш йўли билан ўтказилишидан қатъи назар, ўхшашликка эга. Битта рўйхатга олиш участкасидаги барча ишлар одатда битта ҳисобловчига топширилади ва айнан у ўз ишида бир нечта сифат текширувларини ўтказишга жавоб беради. Яроқсизликка чиқариш усули билан инспекторлар томонидан амалга ошириладиган қўшимча танлаб олинмайдиган текширувлар ҳисобловчилар ишининг турли жиҳатлари сифатини таъминлашга қаратилган.

38. Маълумотларни қайта ишлаш — муҳим босқичлардан бири бўлиб, унда дастлабки маълумотлар якуний, таҳрирланган ва кодланган асосий файлга айлантирилиб, жадвалларни тузишда фойдаланилади. Бу жараённинг баъзи босқичларида (масалан, маълумотларни киритиш, кодлаш) маълумотлар ўзгартирилади, бошқа босқичларда эса (масалан, таҳрирлаш ва импутация) маълумотлар тузатилади. Бу операцияларнинг ҳар бирида янги хатолар пайдо бўлиши эҳтимоли мавжуд.

Сифатни тезкор назорат қилиш усуллари

39. Шубҳасиз, рўйхатга олиш сифатини таъминлаш тизими турли даражада амал қилувчи ва бутун рўйхатга олиш дастурига кириб боровчи турли хил механизмлар ва тартиб-таомилларнинг кенг доирасига таянади. Кўплаб операциялар учун статистик сифат назорати муҳим усулдир. Унинг асосий объекти аниқликдир. Ҳолбуки, сифатнинг бошқа жиҳатлари операция турига қараб бошқарилиши мумкин. Қуйида сифат назорати усуллари кўп қисқача тавсифи келтирилган. Ушбу усулларнинг тўлиқ баёнини Дункан (1986

йил), Халд (1981 йил) ва Шиллинг (1982 йил)⁸⁵ муаллифлигидаги норматив-маълумот адабиётларида топиш мумкин.

40. Ҳар қандай сифатни тезкор назорат қилиш дастурининг муваффақияти сифат стандартлари ёки тегишли талабларнинг ўрнатилишига; тегишли текшириш усуллари белгилаш; зарурий тузатишларни самарали киритишга имкон берувчи сифатни ўлчаш ва дастур натижалари бўйича ўз вақтида қайта алоқани таъминлашга боғлиқ.

41. Рўйхатга олишда сифатни назорат қилишнинг энг кенг қўлланилувчи усуллари – танланган текширув, тўлиқ (ёки 100%) текшириш ва бирор нуқтага қаратилган текшириш.

42. Текшириш мустақил ёки номустақил бўлиши мумкин. Номустақил текширувда текширувчи ҳисобловчининг ишини таҳлил қилиш орқали баҳолайди. Бироқ, текширувчи дастлабки операция давомида олинган натижалар таъсирида бўлиши мумкин. Мустақил текширувда ҳисобловчи бажарган иш назоратчи томонидан дастлабки иш билан танишиб чиқилмасдан текширилади. Дастлабки иш натижалари ва текширув натижалари кейин таққосланади ва агарда улар мос келадиган бўлса, иш тўғри бажарилган деб ҳисобланади. Тафовутлар юзага келса, муаммони кўпинча тегишли соҳанинг мутахассиси бўлган учинчи инспектор ҳал қилиши мумкин.

43. Тўлиқ текшириш назарий жиҳатдан берилган операция доирасида ишнинг натижаларини тўлиқ назорат қилишни таъминлайди. Бироқ, рўйхатга олишнинг барча позицияларини текшириш узок вақт талаб қилиши ва жуда қимматга тушиши мумкин. Кўплаб операцияларда тўлиқ бошқариш фақат операция аввалидагина синаб кўрилади. Агар олинган натижалар сифат талаб қилинган стандартга тўғри келишини кўрсатадиган бўлса, келажакда танлаб олинган текширув қўлланилиши мумкин. Қоидага кўра, бу ҳақдаги қарор ҳар бир алоҳида ходимнинг иш кўрсаткичларига боғлиқ.

44. Танлаб олинган текширув анча тежамкор бўлиб, ишончилиги бўйича деярли тўлиқ текширишдан қолишмайди. Кўпинча, у нисбатан тажрибали ва малакали ходимлар томонидан ўтказилади. Унинг самарадорлигини таъминлаш учун танлаб олиш эҳтимолий танлов усули билан илмий асосда шакллантирилиши керак. У муайян ходимларнинг тахмин қилинаётган ёки кузатилаётган хатолик даражаси, сифатга жорий талаблар ва тегишли операция нархларини ҳамда сифат назорати режасини амалга ошириш харажатларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. У тузатишларни киритиш имконини бериши керак, чунки, иш сифати ўзгариши мумкин. Масалан, олинган маълумотларнинг сифати яхшиланиши билан сифатни танлаб олиб, назорат қилиш частотасини камайтириш мақсадга мувофиқ деган хулосага келиш мумкин. Бу ҳолда, қоида тариқасида, иккита усул қўлланилади: танлаб олинувчи яроқсизликка чиқариш ва узлуксиз танлаб олинувчи назорат.

45. Танлаб олинган яроқсизлаш танлаб олиш режасини ва рўйхатга олиш варақаларининг у ёки бу блокни мақбуллик ёки мақбул эмаслиги тўғрисидаги қарорни қабул қилиш қоидаларини тахмин қилади ва одатда рўйхатга олиш варақалари қадок ёки тўпламда гуруҳланиши сабабли, қўлда таҳрирлаш, кодлаш ва клавиатурада маълумотлар киритиш каби ишларда қўлланилади. Ҳар бир пачка яроқли ёки яроқсиз деб тан олинади, қачонки, танлаб олиш йўли билан пачкалардан бири текширилгандан сўнг. Танлаб олиш режаси олинган маълумотларнинг хатолик даражаси ўртача чиқиш сифатининг чегараси деб номланган муайян бир қийматдан ошмайдиган қилиб тузилади.

⁸⁵ Duncan, A.J. 1986. Quality Control and Industrial Statistics. Fifth edition. R.D. Irwin Inc., Illinois. Hald, A. 1981. Statistical Theory of Sampling Inspection by Attributes. Academic Press, New York. Schilling, for example 1982. Acceptance Sampling in Quality Control. Marcel Dekker, New York.

46. Агар иш узлуксиз равишда давом этаётган бўлса ва ҳужжатларни пачкаларда гуруҳлаш имкони бўлмаса, узлуксиз танлаб олинган назорат, яъни жорий назорат усулидан фойдаланиш мумкин. У чиқувчи материаллар ҳажмини тахмин қилиш осон бўлган операцияларда қўлланилади, материалларнинг ўзи эса, шубҳасиз, сифат стандартларига жавоб беради, яъни жараён “назорат остида”. Статистика жараёнларини жорий назорат қилишнинг ушбу усули уларнинг бошқарувчанлигини, назорат йўқолган тақдирда эса тузатишлар киритиш учун қайта алоқани таъминлайди. Ушбу усул қўлланиладиган операциялар сирасига рўйхатга олиш варақаларини чоп этиш; белгиларни интеллектуал аниқлаш (БИА) ёки белгиларни оптик аниқлаш (БОА) усулида автоматлаштирилган маълумотларни киритиш, шунингдек, БИА/БОА ўтказиш учун рўйхатга олиш варақаларини сканерлаш қиради.

47. Маълумотларни киритиш, тузатиш ва кодлашнинг автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланиш бир вақтнинг ўзида салмоқли хулосаларни таъминлайди ва рўйхатга олиш маълумотларини қайта ишлашнинг анъанавий ёндашувлари билан таққослаганда, маълумотлар сифати жиҳатидан қўшимча хавфларни келтириб чиқаради. Тегишли мониторинг ва бошқарувсиз, маълумотларнинг сифати билан боғлиқ муаммолар жараённинг шундай босқичига қадар аниқланмаслиги мумкинки, бунда бюджет ва вақт чекловлари ҳар қандай тузатиш киритилишига йўл қўймайди. Маълумотларни киритиш жараёнларига нисбатан ишлатиладиган маълумотлар сифатини ўлчашнинг баъзи усуллари, масалан, алмаштириш ставкалари ёки клавиатура орқали киритишдаги хатолар кўрсаткичларини ҳисоблаш табиийки адекват эмас. Чунки, ушбу мониторинг шакллари хатоларнинг умумий фоизини ўлчайди, аммо, уларнинг салмоғини эмас. Дарҳақиқат, бундай ёндашув сифатнинг сезиларли даражада ўсишига йўл қўймайдиган кичик хатоларни тузатиш учун катта қўшимча харажатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, маълумотлар сифати алоҳида белгилар/рақамлар даражасида эмас, балки маълум бир саволга жавоблар даражасида ўлчаниши керак. Бу икки йўл билан амалга оширилиши керак: қўлда ишлаш жараёнлари ёрдамида ёзувлар намунасини мустақил равишда қайта ишлаш ва ҳар бир ёзув натижаларини автоматлаштирилган тизимлар ёрдамида олинган натижалар билан таққослаш; ва маълум бир ҳудуд учун умумий маълумотларни қутилаётган натижалар билан ушбу ҳудуд учун бошқа маълумотларга (масалан, аввалги рўйхатга олиш ёки бошқа маълумот манбаларидан олинган) асосланган ҳолда таққослаш.

48. Бу жараён қайта ишлаш жараёнида узлуксиз равишда амалга оширилиши керак. Бунда, сифат муаммоларини эрта аниқлашга, шунингдек, уларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай тизим ёки жараёнларни тушунишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қабул қилинадиган хатолар доираси ва тизимлар ёки жараёнлардаги аралашув даражаси ва ўзгаришлар рўйхатга олиш органларининг рўйхатга олиш материалларининг умумий яроқлилиги ҳамда харажатлар ва ўз вақтидаликка умумий таъсирини баҳолашга боғлиқ бўлади. Ушбу параметрлар белгига қараб ҳар хил бўлади. Хўш, масалан, рўйхатга олиш варақаси ёрдамида тўпланадиган бошқа турдаги маълумотларга таққослаганда, асосий демографик ўзгарувчиларнинг сифатига кўпроқ аҳамият берилиши мумкин.

Рўйхатга олиш варақасини ишлаб чиқиш

49. Рўйхатга олиш варақаларини ишлаб чиқишда фойдаланувчиларнинг статистик маълумотларга эҳтиёжлари, рўйхатга олишни ўтказишга қўйиладиган маъмурий талаблар, маълумотларни қайта ишлаш билан боғлиқ талаблар, шунингдек, аҳолининг хусусиятлари ҳисобга олинади. Рўйхатга олиш кўпинча маълумотларни тўплашнинг бир неча усуллари ёрдамида ўтказилиши сабабли, рўйхатга олиш варақаларини турли хил маълумотларни йиғиш усуллари доирасида қўллашга яроқлилигини синовдан ўтказиш керак. Саволномада респондентларнинг лозим даражада қамраб олинишини таъминлашга қаратилган элементлар бўлиши керак (масалан, ким ҳисобга олиниши керак, ким эса йўқ, рўйхатга олиш қаерда ўтказилиши керак). Ушбу элементларни текшириш учун сўровда қатнашган респондентлар йиғиндиси учун тааллуқли бўлган турли хил вазиятларни етарлича қамраб оладиган сифатли синовлар ўтказилади. Мазмун-моҳият жиҳатидан рўйхатга олишдаги сифатни таъминлаш усуллари танлаб олинувчи кузатувларда қўлланиладиганларига ўхшашдир. Саволлар нафақат умумий аҳоли, балки айрим саволлар йўналтирилган

ёки алоҳида ташвишга соладиган (масалан, кексалар, ёлғиз яшовчилар ва ўз тилида қийинчиликларни бошдан кечираётганлар) респондентларнинг муайян гуруҳлари учун тушунарли бўлиши ва тўғри талқин қилинишини таъминлаш учун сифатли тест ва когнитив саволларни назарда тутиш муҳимдир.

50. Янги технологиялар босма кўринишидагига нисбатан имкониятлари кенгроқ бўлган Интернет-саволномаларни татбиқ қилиш имконини беради. Улардан фойдаланган ҳолда жавобларни тақдим этиш ва қамров нуктаи назаридан сифатни ошириш мумкин. Шунингдек, улар номувофикликларни аниқлашга имкон беради ва уларни тузатиш ёки жавобларни тасдиқлаш учун респондентларга йўналтиради. Интернет-саволноманинг тартиби ва визуал дизайни босма кўринишидан фарқ қилади. Бу қоғоз ва электрон версиялар ўртасидаги фарқлар туфайли юзага келиши мумкин бўлган тафовутларни минималлаштиришга алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Шунга кўра, бу рўйхатга олиш варақасини синовдан ўтказиш дастурида эътиборга олинishi керак бўлган муҳим масала ҳисобланади.

51. Рўйхатга олиш варақасини тузишда алоҳида бир қийинчилик шундан иборат бўладики, бир вақтнинг ўзида уни электрон саволномаларда бўлгани каби қулай қилиш — респондентлар учун тўлиқ очик бўлиши ва унинг кейинги қайта ишланиши, айниқса, маълумотларни киритиш ва кодлаш бўйича операциялар билан боғлиқ талабларга жавоб бериш зарур бўлади. Шунга қарамай, ушбу параметрларнинг якуний версияси синов дастури доирасида қабул қилинишидан олдин яхшилаб текширилиши муҳим.

52. Зикр этилган барча ҳолатлар бўйича синовдан ўтказиш кичик ҳажмда (сифатли текширув), сўнгра кенг миқёсда респондентлар салмоқли миқдорини жалб қилган ҳолда ўтказилиши керак. Кенг миқёсли синовлар сифатли текширувда аниқлаб бўлмайдиган бир қатор потенциал муаммоларни аниқлаши мумкин. Бундай синов, шунингдек, бўлинган танлаб олишдан фойдаланиб, саволномани жойлаштириш ва дизайнини яратишнинг турли хил имкониятларини таққослаш имконини беради. Кенг қўламли синовдан ўтказиш, шунингдек, сўровноманинг бошқа рўйхатга олиш ишлари талабларига (масалан, маълумотларни йиғиш, киритиш ва кодлаш) қай даражада жавоб беришини баҳолашга ёрдам беради.

Қамраб олиш хатоларини олдини олиш

53. Қамров аниқликни таъминлашнинг ҳал қилувчи омилларидан бири саналади. У тўғридан-тўғри аҳоли сони кўрсаткичларининг сифатига ва билвосита — рўйхатга олиш пайтида олинган барча бошқа маълумотлар сифатига таъсир қилади. Шу сабабли, қамров масалалари режалаштириш босқичида ва рўйхатга олиш ишларининг катта қисми амалга оширилишида ҳисобга олинishi керак. Рўйхатга олиш майдонларининг чегаралари аниқ белгиланиши ва хариталарга киритилиши, тушиб қолдириш ёки икки марта ҳисобга олинishiга йўл қўймаслик керак. Уй-жойларни ҳисобга олиш ва рўйхатларини тузишда иштирок этувчи ходимлар учун уй-жой фондида қамраб олиш бўйича йўриқномалар ва ўқув материалларининг шакли аниқ, батафсил ва тушунарли бўлиши керак. Мақсадли жамланиш аниқ белгиланиши, ҳисобловчилар ва респондентлар учун тегишли кўрсатмалар, саволлар эса пухта шакллантирилиши ва апробация қилиниши керак.

54. Одатий яшаш жойини рўйхатдан ўтказиш бўйича йўриқномаларнинг тушунарлилиги ва соддалиги ҳар бир кишининг фақат бир марта ва тегишли яшаш жойида рўйхатга олинishi таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ушбу жиҳат ортиқча ҳисобга олишлар ҳолатини минималлаштириш учун алоҳида аҳамиятга эга. Рўйхатга олиш варақаларига муайян шахсларни ҳисобга олиш ёки олмаслик зарурати ноаниқ бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар учун йўриқномалар ёки саволлар киритилиши керак. Рўйхатдан ўтишга қийинчилик билан бўйин эгувчи шахслар учун махсус тартиб-таомиллар ишлаб чиқилиши керак (масалан, чекка худудларда, жамоавий ёки гуруҳли уй бириклариде яшовчилар, саводсиз ёки тилни ёмон билладиганлар учун). Нотўғри чиқариб юбориш, уй хўжаликларини ҳисобга олмаслик ёки уларни сунъий равишда яратиш хавфини минималлаштирадиган қайта ишлаш тартиб-таомилларини таъминлаш

муҳимдир. Тўғри ишлаб чиқилган реклама кампанияси рўйхатга олиш тўғрисида хабардорликни ва жавоб беришга бўлган қизиқишни оширишда муҳим рол ўйнашга қодир.

55. Ушбу чора-тадбирларнинг барчаси, ходимларни тегишлича ўқитиш, инспекцион текширишлар ва рўйхатга олиш ишлари давомида сифатни таъминлаш тартиб-қоидалари билан мувофиқликда хатоликларни камайтиришга ёрдам беради. Шунга қарамай, муайян даражада хатоликлар бўлиши шубҳасиз. Шунини инобатга олган ҳолда, қамровдаги хатоликни ўлчаш ва таҳлил қилиш ҳамда шунга мувофиқ ҳисобот беришни таъминлаш муҳимдир. Энг самарали ёндашув — рўйхатга олишдан сўнг рўйхатга олиш жойларини танлаб олиш бўйича мустақил текширув кўригини ўтказиш ёки қайта текшириш усулидан фойдаланиш. Қамраб олиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари, улар жорий рўйхатга олишни баҳолаши ва кейинги рўйхатга олиш учун сабоқлар чиқарилиши билан аҳамиятли. Рўйхатга олиш билан боғлиқ натижалар аҳолини ҳисоблаш дастурлари учун жуда муҳимдир. Рўйхатга олиш натижаларини аввалги рўйхатга олиш натижаларига асосланган демографик башоратлар билан таққослаб таҳлил қилиш ҳам жуда кўп маълумотларни тақдим этади.

Тизимларни ишлаб чиқиш

56. Тизимларни ишлаб чиқиш — бу кўп жиҳатдан сифатни белгилайдиган муфассал масала. У сифатнинг ўзаро боғлиқ жиҳатлари, қайсики, аниқлик, ўз вақтидалик ва очиқлик кабиларга таъсир кўрсатади. Замонавий рўйхатга олиш исталган операцияларни бажариш, бошқариш ва назорат қилишни таъминлайдиган автоматлаштирилган компьютер тизимларининг бутун мажмуасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бу жараён ходимларнинг иш ҳақи тўловидан бошлаб маълумотларни киритиш ва таҳрирлаш ва импутация қилиш, кодлаш, рўйхатга олиш натижаларини тарқатиш ва ҳ.к. билан яқунланади. Ушбу кенг қамровли таъсирни ҳисобга олган ҳолда, умумий архитектурани ишлаб чиқишга, шунингдек, индивидуал тизимларни ишлаб чиқиш ва реализация қилишга комплекс ёндашув, айниқса, долзарблик касб этмоқда.

57. Қуйидаги босқичларни ўз ичига олиши керак бўлган тизимларни ишлаб чиқишнинг стандарт методологиясини жорий қилиш керак:

- а) тизимнинг умумий архитектурасини ишлаб чиқиш;
- б) индивидуал тизимларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш;
- в) тизимларни дастурлаш ёки тузиш;
- г) компонентлар ва ундан кейин тизимларни функционал синовдан ўтказиш;
- д) тизимлар ўртасидаги ўзаро алоқадаги воситаларни синаш;
- е) юклаган синовлар ва фойдаланувчилар учун қулайликни текшириш;
- ё) тизимларни яратиш ва амалга ошириш; ва
- ж) баҳолаш.

58. Ушбу барча йўналишда қуйидагиларни таъминлайдиган конфигурациявий бошқариш услубиятига риоя қилиш керак:

- а) ўзгаришларни бошқариш;

- б) стандартлар ва илғор тажрибаларни қайта ишлатиш;
- в) барча талабларнинг аниқлиги ва асослилиги;
- г) санаб ўтилган ҳар бир масала бўйича ишлаб чиқувчилар ва фойдаланувчилар билан тезкор ва аниқ алоқа қилиш имконияти; ва
- д) натижаларнинг талабларга мувофиқлиги.

59. Функционал талабларни аниқлаш учун спецификацияларни аниқ ифода этиш ва пухта таҳлил қилиш керак. Ўзгаришлар киритиш учун стандартлаштирилган ёндашувдан фойдаланиш лозим. Бир-бири билан ўзаро ҳаракат қилишига мўлжалланган турли хил тизимларнинг функционал мувофиқлигини таъминлаш, айниқса, катта аҳамият касб этади. Ҳар бир босқичда маҳсулдорликни баҳолаш ва натижаларнинг талабларга жавоб беришини текшириш муҳимдир. Рўйхатга олиш учун ишлаб чиқилган тизимлардан бир қанчаси кўп сонли ходимлар томонидан маълумотларни клавиатурада киритиш, кодлаш, таҳрирлаш ва бошқа операциялар учун фойдаланилади. Шу муносабат билан, фойдаланувчи интерфейсларини синчковлик билан ишлаб чиқиш ва ҳар томонлама текшириш алоҳида аҳамиятга эга. Кенгроқ маънода, яхши ишлаб чиқилган, стандартлаштирилган синов стратегиясини комплекс асосда қўлланилишини таъминлаш зарур.

Рўйхатга олишни баҳолаш усуллари

60. Рўйхатга олиш статистикасининг муҳим аҳамияти ва у билан боғлиқ харажатлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, рўйхатга олиш дастури, қоидага кўра, рўйхатга олиш жараёнини кенг миқёсда баҳолашни назарда тутати. Бундай баҳолаш доирасида рўйхатга олишнинг қамрови ва мазмунини баҳолашга алоҳида аҳамият берилди. Бироқ, у кўпинча ахборот кампанияларининг самарадорлиги, лойиҳаларни бошқариш ёки шартномаларни бошқариш каби янада кенгроқ масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Қамровни баҳолаш

61. IV бобда таъкидланганидек, айрим мамлакатларда рўйхатга олиш қамровини баҳолаш рўйхатга олиш сифатини таъминлаш тизимининг сифатини кафолатлаш ва такомиллаштириш таркибий қисмининг ажралмас қисми ҳисобланади ва тўғридан-тўғри эълон қилинувчи рўйхатга олиш натижаларига киритилади. Бошқа мамлакатларда бу алоҳида тадбир бўлиб, унинг натижалари аҳолини кейинги баҳолашни тайёрлашда эълон қилинувчи рўйхатга олиш натижаларини таҳрирлаш учун ишлатилади.

62. Баҳолашнинг умумий режасини ишлаб чиқишда умумий ва соф хатоларни ҳисобга олиш керак. Қамровнинг умумий хатоси икки марта ҳисобланган ёки нотўғри ҳисобга олинган, рўйхатга олишда қамраб олинмаган одамларнинг умумий сони сифатида аниқланади. Қамровдаги соф хатоликлар икки марта ҳисоблаш ва нотўғри ҳисоблаш сабабли ортиқча ва ташлаб кетиш оқибатидаги камайтирилган сонни билдиради. Ҳисоботга олинмаган шахслар сони икки баробар кўп бўлса ва нотўғри рўйхатдан ўтказилса, “соф камайтириш” мавжуд деб айтилади; бунинг акси бўлганида, “соф оширилиш” ўрин олади. Худди шу тарзда, баҳолаш дастурида хатоликнинг ҳам умумий, ҳам соф таркибини ҳисобга олиш керак.

63. Қамровни баҳолашда қўлланиладиган усулларни танлаш баҳолашнинг мақсади ва рўйхатга олиш усулига боғлиқ (яъни рўйхатга олиш ёки аҳоли регистрлари асосида). Кенг фойдаланилувчи усулларга (ҳам рўйхатдан ўтказиш, ҳам рўйхатга олиш учун қўлланилиши мумкин бўлган) қуйидагилар киради:

- а) рўйхатга олишдан кейинги назорат кузатувлари;
- б) натижаларни бошқа маълумотлар манбалари билан таққослаш, шу жумладан аввалги рўйхатга олишлар, уй хўжаликлари ва/ёки маъмурий ёзувларнинг жорий текшируви; ва
- в) мобилликнинг рўйхатга олиш қамровига таъсирини ўрганиш ёки аҳолининг муайян гуруҳларини рўйхатга олиш қамровини ўлчаш учун этнографик ва ижтимоий тармоқ усуллари.

64. Регистрли рўйхатга олиш ҳолатларида, ўтган анъанавий рўйхатга олиш маълумотларини шу даврдаги регистр маълумотлари билан таққослаш ҳам мумкин. Маълумотларни индивидуал даражада боғлаш камайтирилган ва ортиқча қамровни баҳолашга имкон беради ва бўйлама маълумотлар базаларидан бундай баҳолашларни амалга ошириш учун фойдаланиш мумкин.

Мазмунни баҳолаш

65. Кенг қўлланилувчи баҳолаш усуллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) рўйхатга олишнинг аниқ саволлари бўйича хатоликларни ўлчаш учун мўлжалланган рўйхатдан ўтказишдан кейинги назорат текширувлари;
- б) индивидуал рўйхатга олиш ёзувлари бошқа манбалар билан таққосланганда ва маълумотларнинг муайян элементлари аниқликка текширилганда ёзувларни текшириш;
- в) ички мувофиқликни текшириш каби сифатни назорат қилиш усуллари;
- г) фойдаланувчиларнинг маълумотлар йиғиш воситалари ва рўйхатга олиш варақаларини тўлдиришда ёрдам берилишидан қониқиш даражасини текшириш; ва
- д) респондентлар ўзини қандай қилиб ва нима учун муайян бир тарзда тутишини аниқлаш учун мақсадли гуруҳлар билан шахсий сўроқлар.

Баҳолаш дастурларини ишлаб чиқиш

66. Қуйидаги базавий тавсиялар ҳар қандай баҳолаш дастурида қўлланилиши мумкин. Тавсия этилади:

- а) рўйхатга олиш даврининг дастлабки босқичида баҳолаш дастурини режалаштиришни бошлаш. Олдиндан режалаштириш ва баҳолашнинг структуравий дастурини ишлаб чиқиш — баҳолаш ва экспериментларга эҳтиёжларни тегишлича ўрганиш ва уларни рўйхатга олишни режалаштириш босқичида ҳисобга олиш имконини беради;
- б) тадқиқот ўтказиш ҳақида таклифларни ишлаб чиқишдан олдин тадқиқот дастурларининг умумий кўлами ва йўналишини белгилаш. Баҳолаш ва эксперимент дастурларини лойиҳалашга киришишдан олдин, умумий етакчи кўрсатмалар ва танлов мезонларини аниқлаш ҳамда ўрганилишни талаб қиладиган мавзулар ва умумий саволлар танланиши керак. Маълумотларнинг ташқи фойдаланувчилари ва рўйхатга олишни ички режалаштириш билан шуғулланадиганларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, тегишли соҳаларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича тадбирларнинг устувор йўналишларини қайд этиш керак;

- в) баҳолаш бўйича ҳар бир тадбир ва ҳар бир эксперимент учун тадқиқот режаларини ишлаб чиқиш. Улар лойиҳа даражасида тузилади ва дастурнинг тадқиқот вазифаларини ҳал қилиш учун расмий норматив ҳужжатлар мақомини олади;
- г) ўзгартириш жараёнини бошлаш учун протоколни тавсифловчи ўзгаришларни бошқариш бўйича стандартлаштирилган режани ишлаб чиқиш. Ўзгаришлар бўйича тавсиялар (сабаб ва энг муҳим оқибатлар кўрсатилган ҳолда) ўзгаришлар бошқаруви бўйича кенгашга юборилади. Кенгаш ўзгаришларнинг эҳтимолий оқибатларини кўриб чиқади ва ижобий ёки салбий хулоса чиқаради;
- д) тадқиқот дастурини режалаштириш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича назорат жадвалини тузиш. Унга тезкор баҳолаш, умумий баҳолаш ва тажрибалар натижаларини нашр этиш муддатларини киритиш. Жадвалнинг ўзгариши, шунингдек, ўзгаришларни бошқариш бўйича белгиланган жараённи қўллаган ҳолда амалга оширилади;
- е) ортда қолиш ёки баҳолаш бўйича белгиланган баъзи тадбирларни бекор қилиш, талаб қилиниши эҳтимолини ҳисобга олиш. Аҳолини рўйхатга олишда ходимлар жуда кўп иш олиб бориши ёки бир вақтнинг ўзида ҳам баҳолаш, ҳам асосий фаолият билан шуғулланиш зарурати туфайли ортиқча иш билан банд бўлиши мумкин. Лойиҳанинг баъзи раҳбарлари кетиши қарийб муқаррар ва баҳолаш тадбирларининг бекор қилиниши ёки амалга оширишда тўхтаб қолишларга сабаб бўлиши мумкин;
- ё) бевосита рўйхатга олиш пайтида реал вақт режимида баҳолашни ўтказиш имконини ўрганиш; ва
- ж) юзага келиши мумкин бўлган хатарларни ва уларнинг юзага келиш эҳтимолини, эҳтимолий оқибатларнинг кўрсаткичларини, келиб чиққан хатарларни енгиш стратегиясини ва хатарлар пайдо бўлганда чора кўриш бўйича ваколат тавсифловчи хатарларни бошқариш режасини ишлаб чиқиш. Хатарларни бошқариш режаси “жонли” ҳужжат бўлиши зарур, яъни заруратга кўра хатарларни модификация қилиш имкониятини назарда тутиши керак.

Европа статистиклари конференциясининг 2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишни ўтказиш бўйича Тавсиялари

“Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш аъзо-давлатларни аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишга оид халқаро ва ҳудудий тавсияларни ҳисобга олиб ҳамда олдиндан режалаштириш, харажатлар самарадорлиги, қамров, рўйхатга олиш натижаларини ўз вақтида тарқатиш ва уларни миллий манфаатдор тарафлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа тегишли ҳукуматлараро ташкилотларга тараққиёт соҳасида дастур ва режаларни ишлаб чиқиш ва самарали фойдаланишда ҳамда барқарор ривожланиш ва аҳоли масалалари бўйича тадқиқотлар ўтказишда ёрдам бериши учун очиқ қилишга эътибор берган ҳолда, 2020 йилда Бутунжаҳон аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш дастури доирасида камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишни ўтказишга қатъий даъват этади” (Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш томонидан 2015 йил 10 июнда қабул қилган Резолюция).

Европа статистиклари конференциясининг аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишни ўтказиш бўйича тавсияларининг асосий мақсади қуйидагилар: мамлакатларга уларнинг аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишни режалаштириш ва ўтказишда кўмак бериш; рўйхатга олиш белгиларининг базавий тўплами ҳамда таъриф ва таснифларнинг ўзаро мувофиқлиги сабабидан маълумотларни минтақавий миқёсда таққосланишини кучайтириш ва таъминлашда ёрдам бериш.

Мазкур Тавсиялар 2015 йилнинг июнида ЕСКнинг 63-ялпи мажлисида маъқулланди (Европа статистиклари конференциясининг олтмиш учинчи ялпи мажлиси иши тўғрисида маъруза, ECE/CES/89).